***Калит сўзлар:*** *прагматик ёндашув, нутқий кўникмалар, нутқ сўзлаш, англаш, фаҳмлаш, иншо ёзиш, халқаро баҳолаш, ўқитиш методикаси, ўқув топшириқлари*

# ЛИНГВОДИДАКТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ УЧЕБНЫХ ЗАДАНИЙ В ОБУЧЕНИИ РОДНОМУ ЯЗЫКУ

**Г. Х. Хамроев**

доцент Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои

***Аннотация:*** *в статье рассматривается новая методика преподавания и ее основные факторы, используемые в совершенствовании системы преподавания родного языка. В нем также описываются преимущества использования прагматичного подхода при составлении учебных заданий, соответствующих международному стандарту оценки. существует отношение к вопросу о названии критерия и связи, которое состоит из четырех важных навыков(аудирование, понимание, говорение, чтение и письмо), которые планируется развивать на уроках родного языка.*

***Ключевые слова:*** *прагматический подход, навыки устной речи, говорение, понимание, устный перевод, написание эссе, международная*

*оценка, методика преподавания, учебные задания*

# LINGUODIDACTIC FEATURES OF IMPROVING EDUCATIONAL TASKS IN TEACHING THE NATIVE LANGUAGE

**G. H. Khamroev**
Associate Professor of the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi

***Abstract:*** *the article considers a new teaching methodology and its main factors used in improving the system of teaching the native language. It also describes the advantages of using a pragmatic approach when preparing training tasks that meet the international assessment standard. there is an attitude to the question of the name of the criterion and the connection, which consists of four important skills(listening, understanding, speaking, reading and writing) that are planned to be developed in the lessons of the native language.*

***Keywords:*** *pragmatic approach, oral speech skills, speaking, understanding, interpretation, essay writing, international assessment, teaching methods, training tasks*

**Кириш.** Полшалик педагог Януш Корчак: “Она тили – бу бола учун ўйлаб топилган қоидалар эмас, нафас олаётган ҳаво каби халқининг руҳи билан тенгдир”, деган эди . Ўқувчиларга она тилини ўргатиш қуйидаги вазифаларни ҳал қилади: биринчидан, унинг туғма ақлий қобилиятни ривожлантириш, бу сўзнинг инъоми деб аталади; иккинчидан, ўқувчиларни она тили хазиналарини онгли эгаллаш билан таништириш; учинчидан, болалар бу тилнинг мантиғини ўрганишлари керак. Бу мақсад ва вазифаларга бирин-кетин эмас, балки баравар эриши, бориш лозим.

Ҳ.Неъматовнинг қуйидаги фикрлари ҳозир ҳам она тили таълими учун аҳамиятли:

“Асрлар давомида инсоният томонидан тўпланган барча тил илмини ўрта мактаб ўқувчисига ўргатишнинг иложи ва зарурати йўқ. Демак, она тилидан энг зарур билимларни танлаш асосий масалалардан биридир.

Она тилидан билимларни танлашнинг бош мезони унинг фойдалилик ва амалда қўлланила олиш даражасидир. Биз она тилидан фойдали билимлар деб болаларнинг саводли ёзиш, ижодий фикрлаш, фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш учун хизмат қиладиган,

уни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш ва ривожлантиришни таъминлайдиган билимларни тушунамиз”.

Она тили, миллий сўзлар ақлий ривожланиш ҳамда дунёни англашнинг асосидир. Ўқувчи нутқининг ўз вақтида ривожланишига ғамхўрлик қилиш, саводхонлигига эътибор бериш жуда муҳимдир. Ўқувчининг нутқи қанчалик бой ва мантиқли бўлса, унинг ўз фикрларини ифодалаши шунчалик осон кечади, оламни, борлиқни англаш қобилияти қанчалик кенг бўлса, ўқувчилар турли нутқ вазиятларида тенгдошлар ёки катталар билан мазмунли ва тўлақонли мулоқотга кириша олади, тафаккури ҳам шунчалик фаол ривожланишда бўлади. Буларнинг барча дарс машғулотларида ўқувчини ўқув топшириқлари орқали тўғри йўналтириш, тўғри савол бериш, мазмунли ва мантиқли жавоб беришга боғлиқдир.

Ўқувчилар ўз она тилида қанчалик яхши нутқ сўзлай олсалар, ўз фикрларини оғзаки ва ёзма шаклда шунчалик ёрқинроқ, чиройли ва сермазмун ифодалай оладилар. Ўқувчи уйда, синфда ва кўчада фойдаланадиган она тили орқали атрофидаги олам ва инсон фаолияти ҳақида дастлабки маълумотларни олади. Шунинг учун ҳам мактабнинг биринчи вазифаси болаларни ўз она тилида яхши гапиришга ўргатишдир.

Бугунги куннинг энг муҳим масаласи – мактабда она тили таълимини инсонпарварлаштиришдир. Шунда она тилини ўрганишга ўқувчиларда катта қизиқиш уйғонади. Она тили орқали ўқувчи тафаккурида оламнинг лисоний манзараси, миллий маданиятлар шаклланади. Агар она тили оддий ўқув предмети эмас, қадрият сифатида ўқитилса, ўқувчиларда ўз-ўзида теран тафаккур ва миллий ғурур шаклланади. Она тили машғулотларида ўз она тили орқали ўқувчилар миллий менталитетни, ҳаётни, халқнинг маданий меросини ўрганишлари керак. Бу сўз ва матнларда акс этган, аммо улар билан қандай ишлаш керак? Албатта, прагматик характердаги ўқув топшириқлари орқали. аввал “Она тили” фани орқали ўқувчилар савол ва топшириқлар асосида тилнинг урф-одат ва қонуниятларини ўрганадилар. Кейинчалик эса ўз она тилида англаш, фаҳмлаш, нутқ сўзлаш, иншо ёзишни ўрганибгина эмас, балки топшириқлар орқали ўқув луғатларига йўналтирилса, она тилининг жонли ва табиий тилнинг эканлигига ҳам ишонч ҳосил қилишади.

Ўқув топшириқлари орқали она тилни ўқитишга инновацион ёндашувларни жорий этишга доир ишларни фаоллаштириш; она тил ўқитиш учун илмий, методик, психологик ва педагогик ёрдам тизимини ривожлантириш ишларни такомиллаштириш; этнолингивистиканинг сўнгги ютуқларини таълим жараёнига жалб қилиш мумкин.

Мактабда етарли миқдорда ўқув луғатларнинг йўқлиги, қўшимча ўқув адабиётлари, электрон ресурсларнинг, методик қўлланмаларнинг

кам ёки яроқсиз эканлиги ҳам она тили таълими сифатига катта таъсир кўрсатади. Аммо мавжуд имкониятлардан ҳам самарали фойдаланилмайди. Агар она тили машғулотларида ўқув топшириқлари ўз ўрнида тўғри қўлланилса, ўқувчилар маълумотлар билан ишлай олишга топшириқлар орқали тўғри йўналтирилса, ахборот технологиялари асрида манба муаммо бўлмайди. энди билимдон ўқувчилар тайёрлаш вақти ўтди. Бугунги даврнинг талаби билувчи, билиб олувчи ўқувчиларни тарбиялашдир. Агар ўқувчига тўғри ва мақсадли савол берилса, ҳаёт учун фойдали топшириқларни бажаришга ўргатилса, зарур нутқий малакалар машқ қилдирилса, ижодий тафаккур соҳиблари етишиб чиқиши муқаррар.

Ўқув топшириқлари фақат мактабда эмас, ҳаётда мактабдан ташқари оилада, кўча кўйда ҳам аҳамиятли. Ота-оналар ҳам маҳалладошлар ҳам ўқувчига савол берганда унинг ёши, интеллектуал имконияти ва психофизиологиясини инобатга олишлари лозим.

Қуйидаги ташкилий-услубий таъминот, педагогик шарт-шароитлар ҳам она тили таълими самарадорлигига, жумладан, ўқув топшириқлар билан ишлаш сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин:

- кўпгина мактабларда алоҳида компютер билан жиҳозланган, интернет билан таъминланган она тили синф хоналари ёки бошқа инновацион воситалар ва технологиялар мавжуд эмаслиги;

- дарсликлар, ўқув луғатлар, дарсдан ташқари адабиётларнинг, жумладан, миллий халқ ертаклари (айниқса, ранг-баранг тасвирланган), санъат асарлари, ўқув материаллари ва кўргазмали воситаларнинг кескин тақчил эканлиги;

- она тилида компютер ўқув дастурлари, шунингдек, мултфилмларнинг амалда йўқлиги;

- аксарият ота-оналар чет тили ва математика фанларига диққат қилиб, ўз фарзандларининг она тилини ўрганишларига эътиборсиз муносабатда бўлиши;

- оила даврасида ота-она ёки оила аъзоларининг бола саволларига масъулият ва ҳафсала билан жавоб бермаслиги.

Шуни унутмаслик керакки, миллий қадриятлар, жумладан, она тилини мукаммал билмасдан муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам она тили ўқитиш методикасида нимани, қандай ўқитиш масаласи антик даврдан то бугунги кунга қадар муаммо бўлиб келган. Бу табиий ҳол, албатта, тараққиёт методикага боғлиқ бўлганлиги боис, замон ўз талабини қўяди, методика мазкур буюртмани бажаради. Шунинг учун ҳам нимани қандай ўқитиш масаласи доимий долзарликка эгадир. Интенсив ривожланишни мақсад қилган ҳар қандай давлат таълимга таянади. Замонга мос таълим тизими жамиятни интеллектуал,

иқтисодий, маънавий жиҳатдан ўсишга олиб келади. Замонавий таълимни нима ташкил этади? Муайян фан доирасида олинса, шу ўқув предмети бўйича эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакларни шакллантирувчи янги, креатив мазмун тушунлади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Амалдаги она тили таълимида фаннинг асосий ўқув материали – грамматик маълумотлар ва уларни ўзлаштириш ҳамда мустаҳкамлаш учун берилган ўқув топшириқлар ҳисобланади. Аслида бу эскича ёндашув бўлиб, бугунги замонавий таълим – грамматик қоидаларга асосланишни инкор қилмоқда. МДҲ мамлакатларида, жумладан рус тили дарсликларида ҳам узоқ муддат грамматизм ҳукмронлик қилиб келди, жумладан, ўзбек тили дарсликлари мазмунига ҳам мазкур грамматизм рус тили дарсликларидан (проф. Бархударов, доц. Досичева "Грамматика русского языка")1939 йилда таржима йўли билан кириб келди ва бугунги кунга қадар амал қилиб келди. Қоидалар системасидан иборат мазмун турли даврларда турлича методика асосида ўқитилди. М.Асқарова (1970-1993) ва Ҳ.Неъматов (1998-2006) лар муаллифлигида нашр қилинган Ўзбек тили (Она тили) дарсликларида анъанадан чиқиш, янгича ёндашувлар кузатилган эди. Айтиш жоизки, мазкур муаллифлар ҳам грамматик маълумотлар ҳажмини қисқартирмади, бироқ ўқув топшириқлар мазмунида сезиларли ўзгаришлар мазжуд эди. Кейинги Н.Маҳмудов бошчилигида яратилган дарсликлар мазмунида граматик қоидалар ҳажми маълум даражада ортди, илмийлашди ва ўқув топшириқлар савияси даражаланиш ҳисобига соддалашди. Натижада нутқий кўникмалар талаб даражасида ривожланмай, кўпроқ лингивистик билим ҳосил қилишга эришилди. Дарсликнинг методика қисми – ўқув топшириқлар ҳам шунга хизмат қилиб келди.

Фан ўз-ўзидан ривожлана олмайди, унинг ҳаракатга келишини методика таъминлаб беради. Гарчи методика соҳасини ривожлантириш учун айрим ҳаракатлар амалга оширилган бўлса-да, она тили ўқитиш метдикасида шу кунга қадар ўқувчи машғулотлар орқали нимани ўрганиши кераклиги, қайси ўқув материалини ёддан билиши, қайси ўқув материалини ёд олишга зарурат йўқ, ўқиб тушунса, етарли бўлишини, қайси бўлимларни ўқитишда, асосан, машқлардан, қайсиларида топшириқлар устида кўпроқ ишлаш, машқ, топшириқ ва саволнинг бир биридан фарқланиши, таҳлил материали учун қандай мисоллар, матнлар олиш лозимлиги, уларни танлаш ва қўллаш мезонлари аниқланмаган. Ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган грамматик, лексик минимумлар ишлаб чиқилмаган эди. Таъкидлаш лозимки, ҳам ўзбек филологиясининг ҳам она тили таълимининг ислоҳотчиси – Б.Менглиев умумий ўрта таълим ўқувчилари учун илк бор грамматик минимумни ишлаб чиқди. Она тили

ўқитиш методикаси тарихида ортиқча грамматизмни қисқартиришга эришди.

Таъкидланган камчиликлардан энг муҳими, таълимнинг сифатини белгилаб берувчи энг муҳим индикатор, ҳам шакллантирувчи ҳам синаш жараёнида қатнашувчи воситалар – машқлар тизими, шунингдек савол ва топшириқлардир. Булар – она тили таълими мазмунини, методиканинг асосини, таълим мазмунини ташкил этади.

Илмий, илмий-методик манбаларда таълим мазмуни тушунчаси турлича талқин қилинади. Жумладан, рус педагог-олимлари И.Я.Лернер ва М.Н.Скаткинлар таълим мазмунига ўрганиш учун танланган ва ўқувчиларнинг ўзлаштиришларига мўлжалланган, методик жиҳатдан ишланган бой ижтимоий тажрибанинг бир қисми сифатида қарайдилар.

Адабиётларда "таълим мазмуни" тушунчаси билан бирга "ўқув материали" атамаси ҳам қўлланилади. Дидактикада ўқув материали тушунчаси кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода у "таълим мазмуни" тушунчасига тенг бўлса, тор маънода маълум даражада ўрганилиши керак бўлган, ўқувчиларнинг ўзлаштиришларига мослаштирилган билим, кўникма ва малакалар тизими тушунилади.

Таълим мазмуни деганда 1) ўқув режалари, 2) ўқув дастурлари, 3) дарсликлар ҳамда 4) ўқув-методик қўлланмалар назарда тутилади. Она тилидан дастур ҳамда дарсликлар ўқувчиларнинг ўрганишлари учун танланган ва уларнинг ўзлаштиришларига мувофиқлаштирилган тил материалларини ўз ичига олади .

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Мактаб дарсликларида миллат тафаккури ва мафкурасининг энг илғор намуналари акс этиши керак , деган таъкид, фикримизча, "Она тили" дарсликларига кўпроқ тегишлидир. Аждодлардан, умуман, инсоният даҳоларидан бугунги кунгача етиб келган тафаккурнинг энг илғор маҳсули бўлган мақол, матал, ҳикматли сўзлар, тасвирий ифодалар, иборалар она тили таълимининг мазмунини ташкил этиши керак, улардан онда-сонда эмас, балки ҳар дарсда, ҳар ўқув топшириқ таркибида унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ўз ўрнида ва ўз вақтида ўқувчилар тафаккурига сингдирилган бу каби халқона, миллий дурдоналар уларнинг фикрларини теранлаштиришга, дунёқарашларини кенгайтиришга ва ўзларида ҳосил бўлган ижодий тафаккур маҳсулини равон, аниқ ҳамда тушунарли тарзда баён эта олишларига замин яратади.

Амалдаги дастур ва дарсликлар ўқувчини она тили таълими мақсадига мувофиқ мустақил изланишга ундаши лозим. Бундай шароитда дарсликнинг энг муҳим қисмини назарий маълумотлар базаси эмас, балки ўқувчига она тилимизнинг сон-саноқсиз имкониятларидан унумли ва ўринли фойдаланишни ўргатадиган ўқув топшириқлари

ташкил этмоғи лозим. Чунки мактабда она тили таълими тилшунос тайёрлаш мақсадини эмас, тил имкониятларидан кенг фойдалана оладиган ижодий тафаккур соҳибини жамиятга етказиб беришни тақозо этади. Демак, ўқув топшириқлари ўқувчини изланишга ундай олсагина, уларни талаб даражасида деб ҳисоблаш мумкин бўлади. Ҳозир амалда бўлган мактаб дарсликларидаги ўқув топшириқлари талаб даражасида деб бўлмайди. Чунончи, она тили дарсларида тез-тез учрайдиган “Матндан унлиларни топиб тавсифланг” каби ўқув топшириқлари ўқувчида ижодий тафаккурни шакллантирмайди ва кўникма ва малакасини ривожлантиришга хизмат қилмайди.

Машқ узлуксиз такрорга асослангандагина самара беради. Ўқув материалларининг ўқувчи томонидан самарали ўзлаштирилиши такрор билан боғлиқ.

Маълумки, психологик нуқтаи назардан инсон хотираси муайян турларга бўлинади. Маълумотларни бир марта ўқиш оддий хотирада вақтинча сақланади ва қисқа муддатда унутилади. Агар узлуксиз такрорланса, у доимий хотирага ўтади. Г.Эббингауз нинг ўқувчи эслаб қолиши мумкин бўлган маълумотлар таркиби, миқдори ва сифати ҳақида олган хулосаларини шу ўринда келтириш жоиздир. У ҳеч қандай маъно англатмайдиган 38 та бўғинни ўқувчи 55 марта такрорлаганда эслаб қолганини; 38 – 40 та сўздан иборат материални эслаб қолиш учун эса, 6-7 марта такрорлаш кифоя қилганни аниқлаган. Ўқувчининг ижтимоий ҳаётда алоқа-аралашувни тўғри амалга оширишида хизмат қила оладиган зарурий маълумотларни унинг узоқ муддатли хотирасига ўтказиш учун ўша маълумотларни кўп марта такрорлатиш ва хотирасида қайта тиклаб туриш лозим. Шу ўринда айтиш мумкинки, тил сатҳларини ўқитишда ўқув материали мазмунида пурҳикмат матнлардан ўринли фойдаланилса, ўқувчи уларни бир-икки такрорлаш билан узоқ муддатли хотирасига “ёзиб қўяди”. Бирор жисмоний ҳаракат автоматлашиш даражасига етиши учун қанча узлуксиз машқ зарур бўлса, муайян нутқий малаканинг шаклланишига ҳам шунча машқ, ҳаракат керак бўлади.

Шунингдек, топшириқлар – ўқувчиларни мавзу устида мақсадли, самарали ишлашларини таъминлайди, шу билан бирга машғулотда эгаллаган кўникма ва малакаларни баҳолаш, синаб кўриш учун ҳам ишлатилади.

Мактаб дарсликларида миллат тафаккури ва мафкурасининг энг илғор намуналари акс этиши керак , деган таъкид, фикримизча, “Она тили” дарсликларига кўпроқ тегишлидир. Аждодлардан, умуман, инсоният даҳоларидан бугунги кунгача етиб келган тафаккурнинг энг илғор маҳсули бўлган мақол, матал, ҳикматли сўзлар, тасвирий ифодалар, иборалар она тили таълимининг мазмунини ташкил этиши

керак, улардан онда-сонда эмас, балки ҳар дарсда, ҳар ўқув топшириқ таркибида унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ўз ўрнида ва ўз вақтида ўқувчилар тафаккурига сингдирилган бу каби халқона, миллий дурдоналар уларнинг фикрларини теранлаштиришга, дунёқарашларини кенгайтиришга ва ўзларида ҳосил бўлган ижодий тафаккур маҳсулини равон, аниқ ҳамда тушунарли тарзда баён эта олишларига замин яратади.

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Амалдаги дастур ва дарсликлар ўқувчини она тили таълими мақсадига мувофиқ мустақил изланишга ундаши лозим. Бундай шароитда дарсликнинг энг муҳим қисмини назарий маълумотлар базаси эмас, балки ўқувчига она тилимизнинг сон-саноқсиз имкониятларидан унумли ва ўринли фойдаланишни ўргатадиган ўқув топшириқлари ташкил этмоғи лозим. (Чунки мактабда она тили таълими тилшунос тайёрлаш мақсадини эмас, тил имкониятларидан кенг фойдалана оладиган ижодий тафаккур соҳибини жамиятга етказиб беришни тақозо этади.) Демак, ўқув топшириқлари ўқувчини изланишга ундай олсагина, уларни талаб даражасида деб ҳисоблаш мумкин бўлади. Ҳозирда республика миқёсида амалда бўлган мактаб дарсликларидаги ўқув топшириқларининг айримлари белгиланган талабларни қондира олмайди. Чунончи, она тили дарсларида тез-тез учрайдиган “Матндан унлиларни топиб тавсифланг” кабиларни ўқув топшириқлари даражасида баҳолаб бўлмайди, сабабки, улар ўқувчида ижодий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қила оладиган етарли кўникма, малакаларни ҳосил қилиши қийин.

Дарсликни паровозга қиёс қилиб, унинг вагонлари сифатида ҳар бир мавзуга тааллуқли луғатлар, жумладан, орфография учун имло луғати, орфоэпия учун талаффуз машқлари тўплами, лексика учун изоҳли луғат, морфология учун морфем луғат ва бошқалардан самарали фойдаланилса, кўзланган натижага эришиш мумкин. Ахборот технологиялари асрида маълумотлар базаси муаммо эмас. Шунинг учун дарсликларнинг топшириқлар қисми мукаммал, тизимли, пухта ишлаб чиқилса, бас.

Бугунги кун она тили таълими мактабда ўргатилиши белгиланган тил сатҳларидан қатъи назар, ҳатто фонетика ўқитишда ҳам ўқувчининг сўз бойлигини ошириш, шу орқали ўз фикрини оғзаки ва ёзма шаклларда мустақил, равон, лўнда ва жозибали ифодалай олишига эришишни талаб этади. Ушбу мақсадни амалга ошириш, албатта, ўзбек тилининг тенгсиз хазинаси ҳисобланган махсус лексик бойликларсиз самарали бўлиши қийин.

Нафақат фонетика ўқитишда, балки тилнинг барча сатҳларини ўқитишда матал, топишмоқ, тез айтиш, латифа, лоф, терма ва достон намуналаридан таҳлил материали сифатида фойдаланиш она тили

таълимида самарадорликка эришишда, баркамол авлодни тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қила олади.

Грамматика масаласи бугун таълим олдига қўйилган талабларни яхши англамаслик, грамматика ҳақида бошқача тасаввурларга эга бўлиш оқибатида бир-бирига қарама-қарши фикрларни келтириб чиқармоқда.

Аввало, грамматика нима? Аслида “грамматика” сўзи ўқиш ва ёзишни ўрганмоқ деган маънони англатади. Аммо бизда тилшуносликда яратилган назариялар, қоидалар мажмуаси сифатида қаралади, грамматика деганда, асосан, морфология ва синтаксис тушунилади. Мактаб ўқувчисига 6-7-8-9-синфларда 4 йил давомида морфология ва синтаксис ўқитилади, аммо бу маълумотлар нутқий кўникмаларни ривожлантиришга деярли хизмат қилмайди. Ундан кўра дарслик тузишда кўп йиллардан бери эътибордан четда қолиб, жуда кам соатларда ўқитиб келинаётган фонетика, тўғри ёзиш, имло қоидалари (орфография), адабий талаффуз қоидалари (орфоэпия), тилнинг луғат таркиби (лексика, лексикология эмас) ва тиниш белгилари (пунктуация) каби мавзулар ўқувчида ҳақиқатан имловий саводхонлик, адабий талаффуз кўникмаларини ҳосил қилади, сўз бойлигини оширади. Дарсликларда енгил грамматик маълумотлар берилиши керак, бу – ўқувчига бирор чет тилини ўрганишда асқотади. Мактаб дарсликлари мазмунида назарий маълумотлар қачон ва қандай кўпайди? Битирувчи, ёки биринчи курс талабасининг олдига бориб мана шу жумлани грамматик таҳлил қилиб бериў сўралса, у тиббиёт йўналишида бўладими, молия йўналишидами, лингвистика ихтисослигида тадқиқот олиб борадиган докторантлар даражасида таҳлил қилиб беради, аммо унга гапни мураккаб эга, от-кесим, сифатловчи, қаратқич аниқловчи, номустақил, мустақил тўлдирувчига ажратишдан ҳеч қандай наф йўқ. Бунинг ўрнига унга яхши шифокор ва банк ходимига керак бўладиган таъсирчан нутқ ва мулоқот маданияти ўргатилиши керак эди. Улар она тили машғулотларида адабий талаффузи равон, имловий саводхон, таъсирли нутқ учун етарли сўз бойлигига эга бўлишилари керак эди.

**Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommend.)** Мактабда, одатда, муайян ўқув предметига тегишли дарслик дарс жараёнида ҳам, ҳатто дарсдан сўнг ҳам ўқувчи ва ўқитувчининг шу ўқув предмети бўйича билим бериш ҳамда маълумот олишнинг асосий воситаси, таянчидир. Шундай экан, асосий диққатни дарсликдаги ўқув материалларининг таркиби, тузилиши ва, албатта, мазмунига қаратиш керак. Биз ҳам ўқувчиларга она тилидан ҳаёт давомида ҳар қандай вазиятда, ҳар онда асқотадиган билим ва кўникмаларни беришимиз керак. Ортиқча грамматизм, она тили таълимини қийин аҳволга олиб келаётган эди. Янгича ёндашувларнинг ўз вақтида амалиётга жорий этилаётгани, муаммонинг манбаси кеч

бўлса-да аниқлангани бу жараённи соғломлаштиришга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

https://ru.wikipedia.org/wiki/

Ғуломов А.., Неъматов Ҳ. Она тили таълими мазмуни. Ўқитувчилар учун методик кўлланма. – Т.: Ўқитувчи. 1996. 9-б.

Лернер Я. Дидактические основы методов обучения Текст. / И. Я. Лернер.–М. : Педагогика, 1981. – 186 с.

Қаранг: Ғуломов А., Неъматов Ҳ. Она тили таълими мазмуни. Она тили ўқитувчилари учун қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, 1995. – 128 б.

Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998.–4-19-б.

Ғозиев Э. Умумий педагогика. –Т., 2010. – 221-222-б.

Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998.–4-19-б.

# МОНОЛОГИК ДИСКУРС ВА МАТННИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

DOI: 10.53885/edinres.2021.57.72.004

**Ш. Б. Гулямова**
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети мустақил изланувчиси.

***Аннотация:*** *мақолада монологик дискурс унинг диалогик дискурсдан фарқи, шунингдек, матн ва дискурснинг ўзига хос ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлари ҳақида фикр юритилган. Монолог сўзининг жаҳон ва ўзбек лексикографиясидаги талқинига ҳам муайян даражада муносабат билдирилган. Дискурснинг когнитив-прагматик имкониятлари аниқ мисоллар орқали очиб берилиши лозимлиги таъкидланган.*

***Калит сўзлар:*** *монолог, диалог, дискурс, монологик дискурс, матн ва дискурс, матннинг дискурсдан фарқи, когнитив-прагматик ёндашув*

# МОНОЛОГИЧЕСКАЯ ДИСКУРСИВНОСТЬ И ОТЛИЧИТЕЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ТЕКСТА

**Ш. Б. Гулямова**
научный сотрудник Ташкентского государственного университета Узбекского языка и литературы.

***Аннотация:*** *в статье дается представление об отличии монологической дискурсивной дискурсивности от ее диалогической дискурсивности, а также о сходных и различных аспектах текста и дискурсивности. В какой-то степени выражена и трактовка слова монолог в мировой и узбекской лексикографии. Отмечается, что когнитивно-прагматические возможности дискурса должны быть раскрыты на конкретных примерах.*

***Ключевые слова:*** *монолог, диалог, дискурс, монологический дискурс, текст и дискурс, отличие текста от дискурса, когнитивно-прагматический подход*

# MONOLOGICAL DISCURSIVITY AND DISTINCTIVE FEATURES OF THE TEXT

**Sh. B. Gulyamova**
is an independent researcher at the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature.

***Abstract:*** *the article gives an idea of the difference between monological*

*discursive discursivity and its dialogic discursivity, as well as about similar and different aspects of the text and discursivity. To some extent, the interpretation of the word monologue in the world and Uzbek lexicography is also expressed. It is noted that the cognitive-pragmatic possibilities of the discourse should be disclosed on specific examples.*

***Keywords:*** *monologue, dialogue, discourse, monological discourse, text and discourse, the difference between text and discourse, cognitive-pragmatic approach*

**Кириш.** Инсоннинг нутқий фаолияти хилма-хил ҳодисалар билан боғлиқ бўлиб, бу хилма-хиллик нафақат алоҳида тиллар, диалектлар ва бошқа сон-саноқсиз мавжудликларда намоён бўлади. Алоҳида ижтимоий гуруҳларнинг диалектларига ва ниҳоят, алоҳида диалектларга қадар, шунингдек, маълум бир тил, диалект (ҳатто маълум бир шахснинг диалектида ҳам) мавжуд вазифаси инсон нутқи бўлган барча мураккаб омиллар билан белгиланади. Бу омилларни ҳисобга олмасдан ва уларга функционал жиҳатдан мос келадиган нутқ турларини ўрганмасдан туриб, тилни бевосита жонли ўрганишнинг имкони йўқ.

Мулоқотда монологик нутқ ва диалогик нутқ каби тушунчалар мавжуд. Монологик ва диалогик мулоқот шаклларини дискурсдан фарқлаш заруратлари ҳам мавжуд. Мулоқот – инсоннинг ижтимоий, ақлий мавжудот сифатида, онг ташувчиси сифатидаги эҳтиёжидир. Мулоқотга бўлган эҳтиёж барча инсон эҳтиёжлари тизимида муҳим ўрин тутади. Мулоқотда бир, икки ва ундан ортиқ киши иштирок этиши мумкин. Одатда бир киши гапиради, бошқалар тинглайди. Агар биз монолог ва диалог ҳақида гапирадиган бўлсак, мулоқот иштирокчиларини ҳисобга олишимиз керак. Агар бир киши гапирса ва бошқалар фақат тинглашса, бу монолог нутқ шаклидир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Монолог – бир кишининг батафсил айтилиши, суҳбатдошининг нутқига мазмунан ёки структурасига тўлиқ ёки деярли алоқаси бўлмаган нутқ тури . Суҳбатдошнинг айтилаётган гапларга бевосита муносабати бу ерда қабул қилинмайди, у фақат тинглайди, яъни тингловчи монологда пассив рол ўйнайди. Ҳақиқий монолог – тўғридан-тўғри реакциясиз ташқи дунёга мурожаат қилинган ёзма нутқ.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида монологга қуйидагича таъриф берилган: МОНОЛОГ [моно.. + юн. logos — сўз, нутқ]

Саҳна ёки бошқа адабий асар ишти- рокчиларининг ўз-ўзига ёки ўзгаларга қаратилган, жавоб талаб қилмайдиган нутқи. “Навоий» пьесасидаги Навоий монологи, Кеча шундай қизиқарли ва дўстона вазиятда ўтдики, студентларнинг ўқиган шеърлари, монологлари ҳаммага бирдек манзур бўлди.

Агар бир киши гапирса ва мулоҳазаси бўлса, яъни гапираётган нарсасига муносабат билдирса, диалогик нутқ шакли вужудга келади. Диалог, диалогик нутқ – оғзаки нутқ шакли, икки шахс ўртасидаги суҳбат, репликалар алмашинуви орқали юзага келадиган нутқий мулоқот. Диалог монологга қарама-қарши қўйилади; лекин бу нутқ шакллари ўртасида ҳам муносабат мавжуд: диалог жараёнида бир иштирокчи суҳбат ўтказиш ташаббусини олганда монологни ҳам кузатиш мумкин. Бундай ҳолда, бошқа иштирокчилар тингловчиларга айланади.

Шубҳасиз, монологик нутқни эгаллаш доимо сўзловчининг тил тараққиётини юқори даражада бўлишини назарда тутади. Монологик нутқ мазмунан ҳам, тил тизимида ҳам диалогик нутқдан мураккаброқ бўлади. Академик Л. Шчерба сўзларига кўра, монологик нутқда унинг оғзаки дизайни устидан онг назорати доимий равишда ишлайди, чунки “монолог” аллақачон оғзаки шаклда яратилган фикрларнинг уюшган тизимидир .

Монологик нутқнинг энг муҳим шаклидир. Монолог нутқ мазмунини узатиш учун тил воситаларини танлашда ҳам, уни қуришда ҳам диалогга нисбатан анча катта анъанага эга. “Монолог нутқ шаклларида равонлик санъатдир”, – деб таъкидлаган В.В. Виноградов . Самимий, чуқур ҳис этилган оғзаки нутқ ҳамиша тингловчиларни забт этади, уларни энг ёрқин ёзма нутқ орқали беқиёс даражада асир этади. Инсоннинг жонли овози ўзининг табиати билан бир кишига таъсир қилишнинг кучли воситасидир. Ҳар қандай ўқитувчи ёки нотиқ ҳар доим ижодкор бўлиб, ўз ишининг ўзига хослиги шундаки, у тингловчиларнинг ҳузурида, уларнинг сўзловчига бевосита таъсири билан ижод қилади. Шунинг учун жонли нутқ нафақат сўзловчи учун, балки тингловчилар учун ҳам катта аҳамиятга эга, чунки тингловчиларнинг зўриқиши қийинлиги сўзловчининг зўриқишидан кам эмас. Нутқнинг мураккаблиги нафақат мазмун билан белгиланади; унинг эмоционал бўёқдорлигида нутқнинг қандай бўлиши, бу тоналлик интонацион экспрессивлик туғилган манбалардан “озиқланиши”

га ҳам боғлиқ.

Ғарб тилшунослигида кенг қўлланилаётган «дискурс» (инг. discourse; фран. discours) тушунчаси дастлаб лисоннинг гапдан юқори турадиган сатҳи сифатида таҳлил қилинди . Лисоний фаолиятда «марказга интилувчи куч» нинг таъсири мавжудлигини эътироф этган В.А.Звегинцев, дискурсни «булутлар орқасига яширинган лисоний ҳудуд» деб ҳисоблаган ва бу ҳодисани лингвистик методлар воситасида таҳлил қилиш мумкинлигига тўлиқ ишона олмаган эди .

Ўзбек тилшунослиги учун диалогнинг ўзгармас табиати кўпроқ характерлидир. Бу қизиқиш сўнгги пайтларда коммуникатив тилшуносликнинг барча тармоқлари: стилистика, лингвистик прагматика, замонавий риторика ва бошқа соҳаларнинг жадал ривожланиши туфайли кучайди.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Диалог ўта мураккаб ва кўп қиррали ҳодисадир. Диалогик нутқ бир қатор фанларнинг фаолият соҳаси: филология, риторика, фалсафа (антропология, социология, мантиқ), психология ва бошқалар. Бу турдаги нутқнинг аниқ антропосентриклиги жуда муҳим аҳамиятга ега. Диалогик мулоқотнинг кўпчилик вазиятларида» юзма-юз « мулоқот амалга оширилади, бу еса ўз-ўзидан алоқага киришаётган тил шахсининг ўз-ўзини ошкор қилиши учун шарт-шароит яратади. Бундан ташқари, бирламчи диалогик гап доимо жамоавий ижод маҳсули, бир неча муаллифлар томонидан яратилган нутқий асардир. Адресат доимо мулоқотнинг фаол иштирокчиси вазифасини бажаради. Шундай қилиб, мулоқот, мулоқотнинг моҳияти билиш ва ўз-ўзини билишда унинг таркибий ролига тушади: мулоқотда тайёр, илгари шаклланган ички маънолар алмашинуви эмас, балки жараён иштирокчиларини ва уларнинг ҳаёт дунёсини ўзгартирадиган янги умумий мазмунни биргаликда яратиш жараёнига жалб қилиш.

Оғзаки нутқда диалогдан ташқари монолог ҳам кенг тарқалган. Монолог – бир сўзловчи (ёзув) томонидан амалга ошириладиган нутқнинг батафсил шакли бўлиб, уни амалга ошириш давомида тингловчининг оғзаки жавоб репликациясини (ўқиш) назарда тутмайди. Монологнинг икки асосий тури мавжуд. Биринчидан, монолог нутқ мақсадга мувофиқ мулоқот, тингловчига онгли мурожаат қилиш жараёни бўлиб, китоб нутқининг оғзаки шакли:

оғзаки илмий нутқ, суд нутқи, оғзаки жамоат нутқига хосдир. Монолог бадиий нутқда енг тўлиқ ривожланишни олди.

Иккинчидан, монолог – бу ўзи билан ёлғиз нутқ. Монолог бевосита тингловчига йўналтирилмайди ва шунга кўра суҳбатдошнинг жавоби учун мўлжалланмайди. Монолог тайёрланмаган ёки олдиндан ўйланган бўлиши мумкин.

Тарихан монолог инсон мулоқотининг шакли сифатида ижтимоий шартланган диалогдан кечроқ пайдо бўлган. Инсон дастлаб табиатидан келиб чиқиб, бошқа инсон билан, табиат, Худо, ҳақиқий ёки virtual дунё билан, ўзи билан мулоқот қилишга ёрдам бера олмайди. Ҳатто узоқ монолог, афтидан бевосита мулоқот вазият билан боғлиқ емас, ҳар доим бир томондан, кимгадир мурожаат қилинади, ва бошқа томондан, у реакция, олдинги контекст, можаро, вазият бир нусха ҳисобланади. Шунинг учун монолог баъзан тўхтаб қолган диалог, яъни диалогдан чиқарилган баён дейилади.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Диалогнинг композицион соддалигидан фарқли ўлароқ, монолог муайян композицион мураккабликни ифодалайди; нутқ материалининг мураккаб жойлашуви жуда катта рол ўйнайди ва нутқ фактларини онгнинг ёрқин майдонига киритади, уларга эътибор қаратиш анча осон. Монолог ифода воситаларининг бу руҳий ҳолатга етарлилигини назарда тутибгина қолмай, балки мустақил нарса сифатида айнан тартибга солишни, нутқ бирликлари таркибини илгари суради. Бу ерда нутқий муносабатлар детерминантларга, улар ҳақида онгда пайдо бўладиган тажриба манбаларига айланади. Худди шу асосда синтактик параллелизм ва симметриянинг ҳар хил ҳодисалари юзага келади, чунки мураккаблик табиий равишда қандайдир уюшишга, қурилишга сабаб бўлади.

Монолог нутқ тайёргарлик даражаси ва расмиятчилиги билан ажралиб туради. Ораторик нутқ ҳар доим расмий муҳитда олдиндан тайёрланган монологдир. Бироқ, маълум даражада монолог нутқнинг сунъий шакли бўлиб, доимо диалогга интилади. Шу муносабат билан ҳар қандай монолог унинг диалоглаштириш воситаларига ега бўлиши мумкин. Диалогдан фарқли ўлароқ, монолог нутқ тингловчиларнинг бевосита оғзаки реакцияси, репликаларнинг жонли бевосита алмашинуви учун мўлжалланмаган. Монолог нутқ бир томонлама: сўзловчидан тингловчиларгача. Бу монологнинг

хусусиятларини нутқнинг оғзаки шакли сифатида тушунтиради.

Монологдаги баёнотлар диалогнинг репликаларига нисбатан узоқроқ бўлади, чунки маърузачи учун унинг хабари барча тингловчиларга тушунарли бўлиши жуда муҳим ва уларнинг тайёргарлик даражаси одатда бошқача ва таркиби ҳетерожендир.

Тингловчилар билан алоқани сақлаб қолиш, уларнинг диққатини қаратиш учун сўзловчига рағбатлантирувчи гаплар шаклидаги сўзлар-мурожаатлар, сўроқ гаплар (жавоб учун мўлжалланмаган) ва махсус бирикмалар ёрдам беради. Юз ифодалари ва имо-ишоралар монологда кичик рол ўйнайди ва радиода гапирганда умуман ишлатилмайди. Интонация оғзаки монологда муҳим вазифаларни бажаради: баённинг ички мазмунини етказишга ва сўзловчининг хабар бераётган факт ва ҳодисаларга муносабатини билдиришга ёрдам беради. Шунинг учун монологнинг интонацияси ифодаланган фикр ва туйғуларга мос келиши керак. Интонация элементлари - темп, тембр, паузалар, мантиқий стресс-монолог мавзусига, сўзловчининг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларига қараб танланиши керак.

Шундай қилиб, монолог нутқ мавзу жиҳатидан ҳам, тузилиши жиҳатидан ҳам диалогга нисбатан анча мураккабдир. Монолог-мураккаб бир бутунлик сифатида мантиқ ва грамматика қоидаларига мувофиқ ташкил етилган изчил нутқдир: монологнинг барча қисмлари маъно ва грамматик воситалар билан бирлаштирилади. Бу шуни англатадики, монолог нутқни егаллаш учун грамматикани билиш етарли емас, сиз гаплашмоқчи бўлган нарсалар ва ҳақиқат ҳодисалари ҳақида билимга ега бўлишингиз ва бу нарсалар ва ҳодисаларни номлайдиган сўзларнинг катта захирасига ега бўлишингиз керак, шунингдек ифода воситаларини (лингвистик ва қўшимча - интонация, юз ифодалари, имо-ишоралар).

«Дискурс» атамаси замонавий тилшунослик ва риторикада кенг қўлланилади. Бироқ, унинг моҳияти тадқиқотчилар томонидан турли йўллар билан белгиланади. Термин талқинининг ноаниқлиги унинг семантик мазмунини турли илмий йўналиш ва тушунчаларни ифодаловчи асарларда таққослашда яққол кўринади. Шундай қилиб, нутқ - сўзнинг кенг маъносида матнни тушуниш учун зарур бўлган тил амалиёти ва экстралингвистик омилларнинг (ҳиссий идрокка ега бўлган шаклларда намоён бўладиган муҳим хатти-ҳаракатлар) мураккаб бирлигидир.мулоқот иштирокчилари,

уларнинг муносабати ва мақсадлари, хабарнинг ишлаб чиқариш ва идрок қилиш шартлари. Дискурс мавжуд ижтимоий-маданий анъанада ҳукмронлик қилувчи рационаллик тури билан тартибга солинадиган онг мазмунини объектлаштиришнинг оғзаки шакли сифатида ҳаракат қилади.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommend.) Нутқ ҳар қандай матн (оғзаки ва ёзма, замонавий ва тарихий, ҳақиқий ва сунъий равишда қурилган) унинг барча тўлиқлиги ва ноаниқлиги, полифония ва полифункционаллиги, ҳақиқий ва потенциални ҳисобга олган ҳолда, ҳақиқий ва «тугалланган», қурилган. Унинг мазмун режаси, бевосита мулоқотда бўлишдан ташқари, дунё, жамият, коммуникантлар, алоқа кодекслари ва уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги билимларнинг бутун мажмуасини ўз ичига олади. Гап коммуникантларнинг онгини ва мулоқот жараёнида яратилган матнни ўз ичига олган коммуникатив вазият сифатида қаралиши мумкин.

Нутқ воқеликнинг фрагментларини акс еттиради-мазмунли мавзу, мулоқот мавзуси бўлган нутққа ташқи вазият ва коммуникатив муҳит ёки вазият тил ўзаро таъсири жараёнида вақт ва маконда коммуникантларнинг субъектив муҳитини ташкил қилади, бу нутқнинг таърифи уни ўзаро мулоқотнинг Марказий интегратив бирлиги сифатида тушунишга зид келмайди. Ушбу таърифни алоқа билан шуғулланадиган атроф-муҳит субъектларининг табиатини кўрсатувчи муҳим компонент билан тўлдиради. Гапнинг нутқ-фаолият майдони кўп ўлчовли бўлади. Семиотиканинг концептуал аппаратининг тилшуносликка нисбатан кўп қиррали ривожланиши нутқ фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини, тил белгиси тавсифининг реал мулоқотда ишлашига асосий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Большая советская энциклопедия. Том 20. Плата - Проб. 3-е изд. / Глав. ред. А. М. Прохоров. — М.: Сов. энциклопедия, 1975. — 608 стр.

2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати 2-жилд. –Тошкент. Янги Ўзбекистон. 2020. 204-б.

3. Щерба Л. С. Избранные работы по русскому языку / Л. С. Щерба – М.: У1957 –186 с.

4. Виноградов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. — М.: Изд-во АН СССР, 1963. — С. 19.

5. Звегинцев, В.А. Предложение и его отношение к языку и речи./ В.А. Звегинцев.- М.: Изд-во МГУ, 1976. -306 с.

6. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. –Жиззах. Сангзор, 2007. 226-б.

# ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ РЕЛЬЕФОНИМЛАРНИНГ ТАДҚИҚИ ХУСУСИДА

DOI: 10.53885/edinres.2021.52.67.005

**Б. Б. Фармонов**
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

***Аннотация.*** *Мазкур мақолада ўзбек тилидаги рельеф отлари ва уларнинг ўзбек тилшунослигидаги тадқиқи ва таснифи юзасидан атрофлича маълумот берилган. Ўзбек тилидаги рельефонимларнинг лингвистик тадқиқи таснифи тавсия қилинган. Шунингдек, ўзбек тили рельефонимларининг семантик структураси, тарихий-этимологик хусусиятлари, лексикографик талқини билан боғлиқ назарий-амалий масалалар тадқиқи аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган.*

***Калит сўзлар:*** *тил, лексик сатҳ, рельеф, рельефоним, умумлексик бирлик, ер сатҳи, баландлик, текислик, пастлик, филологик луғат, энциклопедик луғат, таржима луғат.*

# ОБ ИССЛЕДОВАНИИ РЕЛЬЕФОНИМОВ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

**Б. Б. Фармонов**
Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои

***Аннотация.*** *В данной статье дана подробная информация о производных существительных от слова рельеф в узбекском языке, об их изучении и классификации в узбекском языкознании. Предложена классификация лингвистических исследований рельефонимов в узбекском языке. Также особое внимание уделяется важности исследования семантической структуры, историко-этимологических особенностей, теоретико-практических вопросов, связанных с лексической интерпретацией рельефонимов в узбекском языке.*

***Ключевые слова:*** *язык, лексический пласт, рельеф, рельефоним, общелексическое единство, земной пласт, возвышенность, равнина, низменность, филологический словарь, энциклопедический словарь, словарь переводов.*

# ABOUT THE STUDY OF RELIEFONYMS IN THE UZBEK LANGUAGE

**B. B. Farmonov**
Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoiy

**Abstract.** *This article provides detailed information about the derivatives of nouns from the word relief in the Uzbek language, about their study and classification in Uzbek linguistics. A classification of linguistic studies of relief names in the Uzbek language is proposed. Also, special attention is paid to the importance of studying the semantic structure, historical and etymological features, theoretical and practical issues related to the lexical interpretation of relief names in the Uzbek language.*

***Key words: l****anguage, lexical layer, relief, reliefonyms, general lexical unity, earth layer, upland, plain, lowland, philological dictionary, encyclopedic dictionary, translation dictionary.*

Тил борлиқнинг инъикоси сифатида барча табиий-ижтимоий ҳодисаларни ўзида акс эттирувчи мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Борлиқ ҳодисалари турли-туман. Уларнинг ҳар бири алоҳида табиий-ижтимоий хусусиятга, вазифа ва аҳамиятга эга. Шунга монанд ҳодисаларнинг ҳар бири ўзига хос номланиш, аталишни тақозо қилади. Тил лексикасидаги турли урф-одат, қадрият, маданият, руҳий ҳолат, нарса-ҳодиса, илм-фан, техника, санъат, турмуш кабилар билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи бирликларга хос шакл ва маънолар ҳам борлиқ нарса-ҳодисалари каби турли-туман ва ранг-барангдир. Шундай ҳодисалардан бири ер юзасининг турли шакл ва кўринишлари бўлиб, уларнинг тилдаги ифодаси сифатидаги сўзлар ер сатҳи кўринишлари каби хилма-хил шакл ва маънога эга. Ер рельефини ифодаловчи лексик бирликлар ҳар бир тилда ўзига хос тарзда шаклланган. Хусусан, ўзбек тили лексикаси таркибида ҳам ер рельефи тушунчалари билан боғлиқ сўзлар ва терминлар алоҳида ўрин эгаллайди: тоғ, адир, жар, ўр, текислик, пастлик, қир, чуқур, довон, ёнбағир, чўққи кабилар. Бу каби лексик бирликлар ер рельефи билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи сўзлар – рельефонимлар гуруҳи сифатида ўз ва ўзга тил бирликлари ҳисобига барқарорлашиб, тилнинг лексик тизимида алоҳида лексемалар гуруҳини ташкил қилиш билан бирга географик терминлар тизимининг ҳам шаклланиши ва ривожланишида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек тилининг лексикасидаги бу сингари луғавий бирликлар ва луғавий-маъновий гуруҳлар юзасидан қатор илмий изланишлар амалга оширилган бўлиб, мазкур тадқиқотлар натижасида ўзбек тили

лексикологиясида назарий-амалий ютуқлар қўлга киритилди.

Ўзбек тили лексикасининг тадқиқида А. Ғуломов, С. Иброҳимов, А. Рустамов, А. Ҳожиев, Ш. Раҳматуллаев, У. Турсунов, Х. Дониёров, З. Маърупов, Э. Бегматов, Ҳ. Неъматов, И. Қўчқортоев, Олим Усмон, Т. Алиқулов, Б. Ўринбоев, Р. Қўнғиров, Э. Умаров, Б. Бафоев, Ҳ. Дадабоев, Р. Расулов, Р. Дониёров, Н. Маҳкамов, А. Мадвалиев, А.Собиров каби тилшуносларнинг илмий изланишларини алоҳида қайд этиш лозим. Ўзбек тили лексикасининг систем-структур талқини эса Ш. Раҳматуллаев, И. Қўчқортоев, А. Нурмонов, Ҳ. Неъ¬матов, М. Миртожиев, Н. Маҳмудов, Р. Расулов, О. Бозоров, Р. Сафарова, Ш. Искандарова, З.Юнусова, М. Нарзиева, Ш. Орифжонова, Б. Қиличев, Г. Неъматова, Ҳ. Саидова, Нишонова сингари тилшуносларнинг тадқиқотларида амалга оширилди . Ўзбек тилининг лексик сатҳи таркиби микротизимлари сифатида тадқиқ қилинган қон-қариндошлик, ўсимлик, ҳайвон номлари, сон-миқдор, ел-ёғин, кийим-кечак, рельеф отлари, маънавият билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи атов бирликлар кабилар юзасидан бажарилган лексикологик тадқиқотлар натижасида луғавий бирликларнинг маъно ва вазифалари, лексик тизимда тутган ўрни масалалари янада аниқлик касб этди. Назарий-амалий аҳамиятли бу каби тадқиқот натижа ва тавсиялари замонавий луғат намуналари, таржима луғатлари учун муҳим манба, материал сифатида хизмат қилиши билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга саналади. Бу эса тил лексик тизимидаги ҳар бир лексик микротизимлар – луғавий-маъновий гуруҳлар юзасидан лексик-семасиологик тадқиқотларнинг амалга оширилиши долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистоннинг ер рельефи асосан қуруқлик билан боғлиқ, шунга монанд ўзбек тилидаги рельеф отлари асосан ер сатҳининг қуруқлик қисми билан боғлиқ паст-текислик, баландлик тушунчаларини ифодалашга хизмат қилади. Шу боис ўзбек тилининг ер рельефини ифодаловчи бирликлари тизими ва унинг таркиби ҳам ўзига хос тарзда шаклланган. Демак, ер сатҳининг турли шакл ва кўринишларини ифодаловчи лексик бирликларни рельефонимлар номи билан аташни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Барча рельефонимлар асосида рельеф тушунчаси ётади. Шу ўринда рельеф отлари ва уларнинг лингвистик моҳиятини янада яққол тасаввур ҳосил қилиш мақсадида рельеф бирлигининг лексикографик талқини ва шарҳига эътибор қаратишни лозим топдик. Рельеф бирлиги ўз шаклдошига эга географик термин сифатида умумий филологик ва махсус терминологик луғатларда ўзининг лексикографик талқини ва тавсифига эга. Ўзбек тили лексикасининг ўзлашма қатламига мансуб мазкур бирлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да географик тушунча ифодаловчиси сифатида қуйидагича тавсифланади: “РЕЛЬЕФ I [фр.

relief < лот. relevo – (бироз) кўтараман] геогр. Ер сиртидаги табиий ёки сунъий равишда ҳосил бўлган ҳар хил нотекисликлар – паст-баландлик, тоғлик-нишабликлар мажмуи. Тоғли рельеф. Ўзбекистон рельефининг тузилиши хилма-хил. – Тошкент заминининг устки қиёфаси, яъни рельефи худди шу босқичда шаклланди. “Фан ва турмуш” .

Географик термин, соҳа тушунчаси ифодаловчиси сифатида рельеф бирлиги терминологик шарҳига ҳам эга: “Рельеф – (французча – кўтараман ) – ер юзаси шакллари: тоғлар, текисликлар, пасттекисликлар, адирлар, ясси тоғликлар, тепаликлар, қирлар, водийлар, ботиқлар, сойликлар, жарлар ва бошқалар мажмуи. Рельеф икки хил куч – ички (эндоген) ва ташқи (экзоген) кучларнинг биргаликда ҳамда мунтазам ўзаро таъсири натижасида вужудга келади” .

Энциклопедик луғатларда ҳам бу бирлик орқали ифодаланадиган тушунча тавсифланади: “Рельеф (лат. relevo – кўтараман) географияда – ер юзаси, океан ва денгиз тубидаги нотекислик (паст-баландлик)лар йиғиндиси. Рельефнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

- мегарельеф (материклардаги дўнгликлар, океанлардаги ботиқлар);
- макрорельеф (тоғли ўлкалар, текисликлар);
- мезорельеф (жарликлар, сувости канъонлари, тепаликлар);
- микрорельеф (кичик жарликлар, қум тепалар)” .

Қайд қилинган лексикографик талқинлар асосида рельеф тушунчаси ва унинг тилдаги ифодаси бўлган рельеф оти хусусидаги тасаввурлар янада ойдинлашади. Рельеф тушунчасига алоқадор лексикографик талқинлар ва тавсифларда акс этган фарқли жиҳатлар моҳиятан битта ҳодисанинг турли аспект нуқтаи назаридан тавсифланиши билан боғлиқ. Асосан рельеф ер юзасининг турли кўринишларини ифодаловчи бирлик, атама сифатида намоён бўлган. Бундан маълум бўладики, ўзбек тили учун асосан ер юзасининг, асосан, қуруқликдаги ҳар хил кўриниш ва шакллари мажмуини билдирувчи соҳавий тушунча атамаси сифатида рельеф бирлиги муҳим ўрин эгаллаб, ер сиртининг барча шакл ва кўринишларини ифодаловчи тил бирликларига нисбатан доминантлик вазифасини бажариб туради. Бу эса рельеф бирлиги барча рельеф отлари – рельефонимларни битта тизимга бирлаштирувчи гипероним мақомида эканлигини кўрсатади.

Келтирилган лексикографик шарҳлар орасида энг муҳими филологик талқин ҳисобланади, чунки тил лексикасида асосан умумистеъмол белги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу асосда энциклопедик, соҳавий талқинлар шаклланади.

Ўзбек тилида рельефонимлар бўйича амалга оширилган илмий изланишлар сифатида Қ. Хуррамов, И. Исломовнинг тадқиқот ишларини қайд қилиш мумкин. Ўтган асрнинг 80-йилларида тилшунос олим Қ. Хуррамов томонидан ер рельефи отлари умумхалқ географик

терминлари доирасида тадқиқ қилинган . Бу тадқиқот ўзбек тилидаги рельеф отлари юзасидан амалга оширилган дастлабки тадқиқот ишидир. Унда Жанубий Ўзбекистон умумхалқ географик терминлари тадқиқот манбаи сифатида танланган ва ер рельефини ифодаловчи диалектал бирликлар ер рельефининг қайси кўринишларини билдириши жиҳатидан "баландликни билдирувчи географик терминлар" ва "чуқурликни билдирувчи географик терминлар" гуруҳларига ажратиб таҳлил қилинган. Қ. Ҳуррамовнинг ер рельефи терминлари тадқиқига бағишланган монографияси диалектал характерга эга бўлиб, « ... лексикография талабларига етарли даражада жавоб бермайди» . Бироқ унда тўпланган, таҳлилга тортилган ер рельефини билдирувчи бирликлар ўзбек умумхалқ тили лексикаси тизимининг ўзига хос атамалар таркибининг шаклланиши ва тараққиётида алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўзбек тили рельефонимлари юзасидан бажарилган навбатдаги иш тадқиқотчи И. Исломовга тегишли . Мазкур тадқиқотда ўзбек тилидаги умумлексик ер рельефи отлари ер сатҳи кўринишларини ифодаловчи атов бирликлари систем-структур аспектда ўрганилган. Рельеф тушунчаси билан боғланган умумадабий лексикага мансуб лексемалар тизими алоҳида луғавий-маъновий гуруҳ сифатида белгиланиб, систем тилшунослик метод ва усуллари орқали таҳлил ва талқин қилинганлиги билан ажралиб туради. Ўзбек тили рельефонимларининг семантик структурасида "ер сатҳи кўриниши" деган белги мавжудлиги, у бирлаштирувчи, интеграл сема сифатида барча рельеф отларини рельефонимлар тизимига боғловчи "халқа" вазифасини бажариши таъкидланиб , рельефни ифодаловчи лексемалар семантик структурасидаги "ер сатҳидан баланд кўриниш", "ер сатҳидан қуйи кўриниш", "ер сатҳига тенг кўриниш" семалари асосида таснифланади :

баландликни ифодаловчи ЕСКИАБ гуруҳи;
текисликни ифодаловчи ЕСКИАБ гуруҳи;
пастликни ифодаловчи ЕСКИАБ гуруҳи.

Шунингдек, ушбу тадқиқотда лексемаларнинг лисоний табиатини ойдинлаштириш, бошқа ёндош соҳа бирликлари ўртасидаги умумийлик ва фарқлиликни белгилаш мақсадида географик терминлар, диалектал бирликлар, топонимлар билан муносабатлари масаласи ҳам таҳлилга тортилган. Рельефонимларнинг лексик-семантик муносабатлари, рельеф отлари тизими таркиби ва тузилиши, тарихий-этимологик қатламга мансублиги, лексикографик талқини масалалари ҳам ўз аксини топган. Хусусан, "ўзбек тилидаги ЕСКИАБ тизимининг тарихий-этимологик қатламини қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

ўзбекча сўзлар; 2) форсча сўзлар; 3) арабча сўзлар; 4) русча ва бошқа тил сўзлари."

Мазкур тасниф доирасида ўз қатлам сўзлари сирасида тоғ, қир, қоя, бет, дўнг, тепа, чўққи, чуқурлик, ёнбағир кабилар; форсча сўзлар сифатида дара, дарбанд, домана, паст, жар, биёбон, ёвон, дашт, кўҳ, камар, танги, майдон кабилар; араб тилидан ўзлашган бирликлар деб саҳро, соҳил, ҳавза, бодия, воҳа, водий кабилар; рус тили ва у орқали ўзлашган лексемалар сифатида терраса, саванна, кратер, плато, дельта кабилар қайд қилинади .

Юқоридагиларга асосланиб, ўзбек тилидаги рельефонимларнинг лингвистик тадқиқини иккига ажратиш лозим бўлади:

рельефонимларнинг диалектал аспектда ўрганилиши;

рельефонимларнинг систем-структур аспектда ўрганилиши.

Ўзбек тилидаги рельефонимлар бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида уларнинг диалектал, терминологик, умумистеъмол маъно қирралари ажратилиб, уларнинг умумий ва фарқли жиҳатлари ойдинлашган. Шунингдек, мазкур тадқиқотлар томонидан ўрганилган, таҳлил ва тавсифи асосида рельефонимларнинг лексикографик талқинларини мукаммаллаштириш имкониятлари юзага келганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

звуки которые не встречаются в других языках.Лаку́на — национально-специфический элемент культуры, нашедший соответствующее отражение в языке и речи носителей этой культуры, который либо полностью не понимается, либо недопонимается носителями иной лингвокультуры в процессе коммуникации.В Русском языке есть только одна узбекская лакунная гласная. Это [ў]. И одинРусская гласная лакуны для узбекского языка. Это [ы].

Перечень фонем является отправной точкой для сравнительно-типологического анализа. Типологический анализ направлен на описание структурных единиц,то есть фонемы, которые функционируют как формальные элементы при идентификации и различениислов и морфем.

В инвентаре узбекских согласных 25 фонем.

[б], [в], [г], [д], [ж1], [j2], [(dj)], [з], [й], [к], [л], [м], [н], [п], [р], [с], [т], [ф], [х], [ч], [ш], [қ], [ғ], [ҳ], [ц].

В инвентаре русских согласных 36 фонем.

[б], [б ‘] [в], [в’] [г], [г ‘] [д], [д’] [ж] [з], [з ‘] [й’] [к], [к ‘] [л], [л’] [м], [м ‘] [н], [н ‘] [п], [п’] [р], [р ‘] [с], [с’] [т], [т ‘] [ф], [ф’] [х], [х ‘] [ц] [ч’] [ш] [щ ‘].

Система согласных всех сравниваемых языков классифицируется по артикуляционным и акустическим особенностям. В русском языке имеется несколько узбекских лакунных согласных [ҳ, җ, ғ, қ]. Также в узбекской системе фонем не существуетрусских согласных:[ц], [ш],[щ] и произноситьтся невсегда с легкостью.

Е.Д. Поливанов пишет, что в произношении русских звуков в речи учащимися наблюдаются отклонения от русской произносительной нормы, вызванныевлиянием узбекской фонетической системы. Характер русского ударения и его фонологическая подвижность всловоформах создают большие трудности в обучении произношению.Редукция, происходящая в безударных слогах, проводит к нечетностипроизношения звуков, ослаблению их артикуляционно-акустических признаков ив русских и в узбекских языках.

Проанализировав два языков, мы сделали вывод, что языковые явления, которые присутствуют в двух языковых системах, например, мы можем увидеть в фонетике.Языковые явления, которые частично совпадают в двух языках.

В русском языке гласный звук [о] в безударных позициях произносится как гласный звук а или произносится в более краткой форме, которая обозначается втранскрипции знаком [ъ]. Особенно в таких случаях заметно ощущается влияниефонетической интерференции русского языка. Межъязыковая интерференция может стать причиной

возникновения множества ошибок, латинская графика,вполне освоенная молодым поколением узбеков, создаёт дополнительныетрудности при чтении и письме по-русски на начальном этапе. Например, часторусское «р» узбекские студенты читают как [п], рукописное «т» как [м] и т.п.Такие ошибки устраняются, как правило, в ходе многочисленных тренировок,упражнений в чтении.

Языковые явления, которые есть в родном языке и отсутствуют в иностранном языке, например, [ш], [щ], [ж]. [ы], [ц] еще мягкий знак [ь] тоже создает проблему.Учитель должен объяснять основные случаи его использования в середине слова, на конце существительных и глаголов, а также перечислять грамматическиеформы, где он отсутствует. Йотированные буквы русского алфавита е, è, ю, я. вызывает трудности уузбекских студентов и школьников. Потому что они путают вместо них пишутсочетания с й, что соответствует узбекским традициям письма, а вместо е частоиспользуют э и наоборот (в етом году).

Изучение иисползования сравнительного и сопоставительного метода в фонологическом аспекте русского и узбекского языков показало что фонетика каждого языка своеобразно и имеет свои специфические особенности. Чтобы всецело выучит язык нужно окунуться в глубь и рассмотреть всё до ниточек начиная с фонем и заканчивая до сложных предложений и контекстов в целом.

Библиография

М. И. Расулова, З. И. Шукурова Сравнительная типология Английского, русского и узбекского языков Т. 2017

Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков. Ленинград, 1979

Оливериус, З. Фонетика русского языка. Praha : SPN, 1978

Бодуэн де Куртанэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. — М.: 1963. т. И. с .’219.

Yusupov U.K. Contrastive linguistics of the English and Uzbek languages. Tashkent, 2013

Буранов Ж. Сравнительная типология английского и тюркскихязыков. – М.,1983.

Трубецкой Н. С. Основы фонологии. — М., 1960.

Халилов Ф. Опыт создания учебного пособия по РКИ,ориентированного на носителейузбекского языка\ Выпускная квалификационная работа юургу–45.04.01.2018-187. ВКР

https://ru.xcv.wiki/wiki/Comparative_method

https://gtmarket.ru/concepts/7076

# НАСРИЙ МАТНЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ ТАҲЛИЛИГА СОЦИОПРАГМАТИК ЁНДАШУВ

DOI: 10.53885/edinres.2021.11.34.013

**Г. Г. Ниязова**
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети мустақил тадқиқотчиси

***Аннотация:*** *мақолада ўзбек детектив матнларини ўрганиш орқали асардаги қаҳрамонлар нутқининг социопрагматик хусусиятлари, ижтимоий ўзига хосликларини аниқлашнинг усул ва воситалари тадқиқ этилди. Хусусан, шахслар ўртасидаги мулоқотнинг ижтимоий хосланиши, шева ва ноадабий қатламга оид тил бирликларининг прагматик жиҳатдан ифода имкониятлари таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *соцопрагматика, прагматика, гендер тилшунослик, эркаклар нутқи, нутқий вазият, бадиий матн, детектив асарлар, мулоқот, ижтимоий хосланиш*

# СОСИОПРАГМАТИЧЕСКИЙ ПОДХОД К ЛИНГВИСТИЧЕСКОМУ АНАЛИЗУ ПРОЗАИЧЕСКИХ ТЕКСТОВ

**Г. Г. Ниязова**
Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, научный сотрудник

***Аннотация:*** *в статье исследованы социопрагматические особенности речи героев произведения, методы и средства определения их социальных особенностей путем изучения текстов узбекского детектива. В частности, были проанализированы возможности прагматического выражения диалектических и неязыковых единиц социальной самобытности, диалектических и неязыковых единиц коммуникации между индивидами.*

***Ключевые слова:*** *социопрагматика, прагматика, гендерная лингвистика, мужская речь, речевая ситуация, художественный текст, детективные произведения, коммуникация, социальная оригинальность*

# SOCIOPRAGMATIC APPROACH TO THE LINGUISTIC ANALYSIS OF PROSE TEXTS

**G. G. Niyazova**
Alisher Navoi Tashkent State University of Uzbek Language and Literature, researcher.

***Abstract:*** *the article examines the sociopragmatic features of the speech of the heroes of the work, methods and means of determining their social characteristics by studying the texts of the Uzbek detective. In particular, the possibilities of pragmatic expression of dialectical and non-linguistic units of social identity, dialectical and non-linguistic units of communication between individuals were analyzed.*

***Keywords:*** *sociopragmatics, pragmatics, gender linguistics, male speech, speech situation, literary text, detective works, communication, social originality*

**Кириш.** Тилшуносликда олимлар тилнинг эстетик вазифасини керагидан ортиқ мутлақлаштириб талқин этган ҳолатлар учрайди. Аслида матнни таҳлил қилганда унинг социопрагматик хусусиятларига алоҳида эътибор бериш лозим. Жонли сўзлашув, кундалик мулоқот жараёнидаги кўплаб ўткир ҳазиллар, латифанамо кулгилар, чуқур маъноли сўз ўйинлари, кимларгадир тақлид қилишлар ва ҳоказо ҳолатларда ҳам тил белгиси, унинг бадиий-ифода имкониятларига шундай диққат қилинадики, бунда тилнинг эстетик вазифаси яққол намоён бўлади. Тилнинг эстеътик таъсирчанлигини таъминловчи воситаларни ўрганиш бу борада анча қўл келади. Жумладан, Д.Н.Шмелев қуйидагиларни баён қилади: “Тилнинг эстетик вазифаси, албатта, сўзлашув нутқида ҳам доимий равишда намоён бўлади. Лекин барибир бу вазифани сўзлашув нутқида етакчи деб бўлмайди, бадиий матнларда эса тил ҳамиша айни шу алоҳида вазифаси билан иштирок этади (бу вазифа, албатта, тилга, унинг барча кўринишларига ҳамиша хос бўлган коммуникатив вазифасини чекламайди, балки уни ўзига хос бир шаклда трансформация қилади)». Демак, тилнинг эстетик вазифаси бутун ўзига хослиги ва мураккаблиги билан, албатта, коммуникатив вазифани ҳам трансформация қилган, бадиият манфаатларига тўласича хизмат қилдирган ҳолда бевосита бадиий нутқда намоён бўлади. Умумхалқ тилидаги барча бирликлар бадиий тилда у ёки бу даражада эстетик қиммат касб этади.

Бу борада немис филологи Карл Фосслер эса сўз ва гапнинг эстетик бўёғи бетакрорлигига ва айни шу бўёқнинг тилда етакчи вазифани бажаришига ишонган. Албатта, тил вазифалари орасида эстетик вазифани асосий, етакчи вазифа деб қараш, яъни тилни тамомила эстетик моҳият сифатида талқин этиш тўғри эмас. Аммо бу олимларни

ана шундай мутлақ фикрга олиб келган нарса тилдаги эстетик вазифа ҳам ўзини ҳар қадамда, айниқса, бадиий матнда намоён этиб туриши билан боғлиқ эканлиги тайин.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Прага лингвистик тўгараги аъзолари томонидан тилни вазифаларига кўра фарқлаш концепцияси ишлаб чиқилган. “Прага лингвистик тўгараги тезислари”да биринчи марта тил вазифалари билан уларнинг реаллашиш шакллари ўртасидаги алоқа ҳақидаги қоидалар аниқ таърифлаб берилган. Улар: “Тилни ўрганиш ҳар бир хусусий ҳолатда тилнинг вазифалари ва бу вазифаларнинг реаллашиш шаклларининг хилма-хиллигини қатъий тарзда ҳисобга олишни тақозо этади. Акс ҳолда ҳар қандай тилнинг, хоҳ синхрон, хоҳ диахрон бўлсин, тавсифи муқаррар равишда янглиш ва маълум даражада сохта бўлиб қолаверади”, деб ҳисоблайди. Бу фикр шу ўринда яна қуйидагича давом эттирилган: “Нутқий фаолият ижтимоий роль бажарар экан, у ғайрилисоний борлиқ билан алоқасига кўра фарқланади. Бунда нутқий фаолият ё алоқа-аралашув вазифасига эга бўлади, яъни ифодаланмишга йўналтирилган бўлади, ёки поэтик вазифага эга бўлади, яъни белгининг ўзига йўналтирилган бўлади”[1:25-б.]

Албатта, ҳар қандай бадиий асарда тилнинг коммуникатив вазифаси ҳам реаллашади, аммо эстетик вазифа биринчи планда туради, етакчилик қилади. Шунинг учун ҳам лингвистик адабиётларда бу ҳолатга мана бу тарзда алоҳида урғу берилади: “Бадиий матн ҳар қандай нобадиий матндан фарқли ўлароқ алоҳида вазифани – коммуникатив вазифа билан мураккаб ўзаро алоқадорликда намоён бўлувчи ва матннинг ўзига хос қурилишида ҳал қилувчи омил ҳисобланувчи эстетик вазифани бажаради”[2:5-б.]. Бу ўринда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, тилнинг бу ўзига хос эстетик вазифаси намоён бўладиган соҳа фақат бадиий асар матнидир, ундан бошқа бирон бир нутқ кўринишида тил ўзининг бу вазифасини реаллаштира олмайди, дейиш аниқ асосга эга эмас.

Шу нуқтаи назардан, Д. Н. Шмелевнинг мана бу фикрлари диққатга сазовордир: “Тилнинг эстетик вазифаси фақат бадиий асардагина намоён бўлмайди. Бизнинг диққатимиз жумланинг шаклига, фикр қай тарзда ифодаланганлигига қаратилган ҳар онда биз айнан шу вазифанинг ҳаракати доирасига кирамиз”[3:35-б.]. Олимнинг алоҳида таъкидлашига кўра, сўзловчи ўз нутқининг ташқи шаклига эътибор бера бошлаши, лисоний ифода имкониятларини баҳолашга ўтиши билан тилнинг эстетик вазифаси ўзининг бошланғич кўринишида намоён бўлади, яъни сўзловчи нимани ифодалашнигина эмас, балки айни шу «нима»ни қандай ифодалашни ҳам муҳим деб ҳисоблашидан бошлаб тилнинг бу вазифаси ишга тушади.

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Бадиий асар тилини ўрганишдаги иккинчи, яъни «стилистик» йўналиш тилнинг худди шу эстетик вазифасини тадқиқ этишга қаратилган. Айтиш лозимки, тилнинг эстетик вазифасининг асосий намоён бўлиш ўрни бадиий асар матни экан, бу вазифанинг ўзига хос хусусиятларини фақат тилшунослик ёки фақат адабиётшунослик доирасида ўрганиш қийин. Бунинг учун адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, поэтика каби адабиётшунослик йўналишлари ва лингвистик стилистика, тил тарихи, лексикология, сэмасиология, этимология, грамматика каби тилшунослик йўналишлари бир-бири билан ҳамкорликда иш кўриши лозим. Тилнинг эстетик вазифаси масаласи бу икки йирик фан оралиғидаги мураккаб муаммодир. Ҳатто асримиз бошида бир қатор тилшунос ва адабиётшунослар бу муаммони илмий асосда ўрганадиган алоҳида фан тури шаклланиши лозимлиги ҳақидаги қарашни илгари сурганлар. Масалан, Б. А. Ларин 20-йилларнинг бошларида мана бундай деб ёзган эди: «Эртами - кечми, менимча, жуда тез орада тил эстетикаси алоҳида фан сифатида тан олинади».8

Адабий матнни идрок етишни ўрганиш керак. Шу мақсадда нутқнинг бу тури учун мавжуд бўлган мазмун ифодасининг умумий қонуниятлари билан танишиш лозим. Шуни унутмаслик керакки, адабий матн мазмунининг уч турига маълум даражада мос келадиган матнни идрок етишнинг уч даражаси мавжуд. Биринчи даражада аниқ мазмун идрок қилинади (бевосита ифодаланади), иккинчисида – имплицит (чуқур, бевосита ифодаланмайди; субтекст), учинчисида – эстетик (барча санъат асарларига хос бўлиб, инсонда гўзаллик туйғусига таъсир қилади).

Матннинг бу идрокини ўрганиш учун матнни ташкил этадиган барча бирликларга эътибор қаратадиган лингвистик таҳлил алоҳида аҳамиятга эга, бу шубҳасиз эстетик мазмунни етказишга ёрдам беради. Имплицит ва эстетик мазмунни ифодалашга ёрдам берувчи барча тил воситалари тасодифий эмас, балки тизимлидир. Уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: тил бирликларининг сифат хусусиятларига оид ва матндаги уларнинг миқдорий муносабатлари билан боғлиқ.

Сифат хусусиятларига кўра, бир бирликни бир қатор бир хиллардан танлаш, яъни тил тизимининг парадигматик муносабатларидан фойдаланишни назарда тутадиганларни эътиборга олиш лозим. Бу хусусиятлар уч ҳолатда содир бўлади. Биринчидан, бир бирлик нейтрал тил меъёрига нисбатан бирор жиҳатдан белгиланиши мумкин, яъни функсионал-стилистик ёки эмоционал-экспрессив рангга эга бўлиши, фойдаланиш доираси билан чекланиши ёки пассив фондга мансуб бўлиши ва ҳоказо. Иккинчидан, бирлик тил тизимида йўқ бўлиши мумкин ва муаллиф томонидан яратилади (тил тизимининг қонунларини мажбурий ҳисобга олган ҳолда) – бу неологизмлар ёки тасодифий иборалар бўлиб, улар нафақат лексик, балки фонетик, морфологик ва

синтактик ҳам бўлиши мумкин. Учинчидан, бирлик янги, мажозий маънога эга бўлиши ва бу ҳодиса тилнинг барча даражаларига ҳам тегишли бўлиши мумкин.

Миқдорий хусусиятлар тилда синтагматик муносабатлардан фойдаланишни назарда тутади; биз уларни энг умумий маънода матндаги бирор нарсанинг такрорланиши билан боғлиқ бўлгани учун шундай атаймиз – бу бирликларнинг ўзлари такрорланиши ва уларнинг маънолари ¬– лексик ва грамматик бўлиши мумкин. Улар тилнинг барча даражаларини ҳам қамраб олади: фонетикада бу аллитерация ва ассонанс, сўз бирикмаларида-синонимлар, антонимлар ва омонимлардан фойдаланиш, морфологияда-нутқнинг бир қисмини устун қўйиш ёки бир хил шакллар ёки морфемаларнинг кенг тарқалиши, синтаксисда – баъзи ўхшаш сўзлар, иборалар ёки жумлаларнинг бевосита такрорланиши билан боғлиқдир.

Бадиий матнда фонетик сатҳ унчалик асосий эмас, лекин у кўпинча мазмунни ифодалашда турли услубий, прагматик маъноларнинг юзага чиқишида ёрдам беради. Унинг роли матннинг муҳим хусусиятларига қараб кўпроқ ёки камроқ аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Табиийки, бу назмда насрдан кўра муҳимроқ. Айрим адабий-бадиий йўналишдаги шоирлар – аввало, рамзлар билан ифодаловчилар ўз асарларининг товуш кўринишига, баъзан мазмун зарарига ҳам алоҳида аҳамият берганлар. Тилнинг фонетик хусусиятларидан кенг фойдаланиш ёки уларга бетараф муносабат индивидуал муаллифнинг услуб хусусиятларини характерлайди. Асар шаклининг мазмуни ва хусусиятлари ҳам улардан фойдаланиш учун кўпроқ ёки камроқ имконият беради. Бироқ, ҳар қандай чинакам бадиий матн ҳамиша тил қонунларига мувофиқ фонетик жиҳатдан ташкил этилади: унда қарама-қарши бирикмалар йўқ, ритмик ва интонацион мазмунга мос келади.

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Агар таҳлилдаги фонетик даражани кенг маънода – товушли нутқнинг умумий хусусиятлари сифатида тушунсак, унда матннинг интонацияси ва ритмини кузатишларни ҳам унга боғлашимиз мумкин. Ўзбек нутқининг интонацион имкониятлари жуда хилма-хил. Интонация монотон ёки оҳангдор бўлиши мумкин – кейин матнни ўқиётганда тегишли кайфиятни яратади: соғинч, тушкунлик ёки хотиржамлик ҳолати. Бу турли-туман бўлиши мумкин, кейин эса ўқувчида интонация характернинг нутқий хусусиятларини яратиш, услублаштириш ва бошқалар воситасида бўлиши мумкин. Матннинг интонацион қолипи унинг синтактик қурилиши билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги учун синтактик сатҳни тасвирлашда батафсилроқ кўриб чиқилади ва фонетикани таҳлил қилишда матннинг бошқа фонетик хусусиятларини аниқлаш учун зарур бўлган интонациянинг фақат энг умумий тавсифи берилади.

Ушбу сатҳни таҳлил қилишда таъкидлаш керак бўлган ҳақиқий фонетик хусусиятлар орасида муаллиф томонидан махсус яратилган товуш эффектлари мавжуд. Улар икки хил бўлиши мумкин. Биринчидан, ифода яратишга қаратилган. Айниқса, бу ерда сиз амфатик стрессни таъкидлашингиз мумкин, яъни унли ёки қўш ундошлар узунлигининг ошиши билан боғлиқ. Ўзбек тилидаги айрим фонетик хусусиятлар бошқа тилда бўлмаслиги мумкин. Одатда, бундай мисоллар белгилар нутқида, муаллиф нутқ объектига махсус ҳолатини ёки махсус муносабатларини етказишга ҳаракат қилганда керак бўлади. Жумладан, Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асарида қаҳрамонларнинг ўзаро суҳбатида уларнинг бири йўқ инкор сўзини чўзиброқ талаффуз қилади ва ўзининг ички муносабатини билдириб қўяди “ — Ҳамма тузалиб кетса сиз ишсиз қоласиз. Одамларга ҳам қийин бўлади. Ким соғ, ким жинни — ажратолмай эзилиб кетади.

— Гапларингиз қизиқ.

— Жинничами?

— Йў-ўқ. Ҳечам унақамас. Сизни нимага чиқариб юборишмаяпти, ҳайронман. Сизга яна янги дорилар буюришибди.

— Кучлироқми? Яширмай айтаверинг. Кучлироқ дори буюрган. Кеча бошлиғингизга қараб туриб: «Сизни сўйса етмиш кило гўшт чиқса керак», девдим. Қўрққанидан кўзи олайиб кетди [4:29-б.]. Яъни аста-секин ва ортиб бораётган артикуляция билан тўртта товуш ҳикоя қаҳрамони айни пайтда бошдан кечираётган кичик ҳиссий жараённи ниҳоятда жонли тарзда етказади.

Ифодали фонетик воситаларга аллитерация ва ассонанс киради. Муаллиф тил учун одатий ҳолларга нисбатан битта товуш ёки яқин товушлар гуруҳи (кўпинча сибилант, сибилант, жарангли унлилар, лабиаллашган унлилар) дан кўчириб фойдаланишни мақсадга мувофиқ қўллаши мумкин. Матн, шунингдек, кўплаб унли ёки ундош товушларни ўз ичига оладиган тарзда қурилиши мумкин. Кўпинча бундай методлар тавсифнинг предмети бўлган нарсаларнинг товуш образини яратишга хизмат қилади: табиат товушларини, ҳайвон овозларини, технология орқали яратилган шовқинларни ва бошқаларни етказади.

Сўз туркумларининг услубий бўёғи деганда сўзнинг функционал-стилистик ва экспрессив-эмоционал белгилари тушунилади. Биз фақат функционал ва стилистик бўёқнинг тавсифига эътибор қаратамиз, чунки сўзларнинг ифодали бўёғи одатда сўзнинг ҳар қандай нуқтаи назардан бетараф бўлган умумий фонда( мажозий маъно, чекланган фойдаланиш доираси ва ҳоказо) функционал бўёқдорликнинг ўзи одатда сўзда махсус ифодалиликни қўллашга олиб келади.

Сўз туркумларининг функционал ёки жанр жиҳатидан турли таснифлари мавжуд. Аммо адабий матндаги бўёқдор сўзлар учун ҳар доим ҳам ранг турини аниқ белгилаш мумкин эмас, шунинг учун биз

сўзнинг ҳар қандай тил услубига тегишли бўлмаганлигини эмас, балки муаллифнинг нутқи учун нейтрал бўлган нарсаларга нисбатан сўзнинг муайян ранги мавжудлигини аниқлашимиз керак. Шу билан бирга изоҳли луғатлар ҳар доим ҳам бу рангни аниқлаш учун қўлланма бўлиб хизмат қила олмайди, у ранг вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин эмас, бадиий матн билан бир вақтнинг ўзида яратилган изоҳли луғат ҳам бўлиши керак. Масалан, луғатларда фақат тилда муқимликка эга бўлган сўзнинг аниқ ранги қайд этилиши билан ҳам мураккаблашади. Матнни таҳлил қилишда унинг таркибий бирликларини бир-бири билан ва онгимизда мавжуд бўлган бир хил мазмунни ифодалашнинг бетараф усули ғояси билан таққослашга ҳаракат қилишимиз керак.

Энг умумий атамаларда услуб бўёқдорлигининг характеристикасини “ошган” ва “қисқарган” бўёқдорлик терминлари ёрдамида аниқлаш мумкин. Юқори бўёқдорлик – бу илмий ёки расмий иш матнларига хос бўлган ёки шеърият учун анъанавий бўлган ё бўлмаса, одатда тантанали, риторик ёки эҳтимол журналистик асарлар билан боғлиқ бўлган сўздаги китобийликнинг умумий соясидир.

Қисқарган стилистик бўёқдорлик сўзнинг асосан сўзлашув нутқида ишлатилишини кўрсатади. Бу атама сўзлашув ва сўзлашув нутқини англатади. Бу икки гуруҳ сўзлар ўртасидаги чегара, гарчи назарияда аниқ белгиланган бўлса-да, амалда тушуниш қийин. Кўпинча сўзлашув сўзини бетараф сўздан ажратиш осон кечмайди. Шундай қилиб, айрим ҳолларда сўзнинг қисқартирилган стилистик колоритини аниқлаш бирмунча шартлидир. Унинг объектив кўрсаткичлари алоҳида қўшимчалар, шунингдек, сўз семантикасида умумий баҳо даражаси бўлиши мумкин.

Балки, халқчил – поэтик бўёққа эга сўзлар алоҳида ўрин тутади. Улар юқори ёки паст сўз бойлигига боғлиқ эмас, чунки бир томондан, улар баъзи сўзма-сўз маънога эга ва оғзаки нутққа тегишли, аммо бошқа томондан, улар жуда шеърий ва одатда китоб матни билан боғлиқ турли хил ҳиссиётларни ифодалайди.

Матнни таҳлил қилишда сўзнинг функционал бўёққа эгалигини аниқлаш етарли бўлмайди. Бундай сўзнинг асар яратилиш вақтидаги адабий тил фонида ишлатилишини баҳолаш (табиий, архаик ёки инновацион бўлсин), ундан фойдаланиш мақсадини аниқлашга ҳаракат қилиш (қаҳрамоннинг нутқ хусусиятлари, муаллифнинг ҳодисани баҳолаш башорати, жанр қонунларига бўйсуниш ва бошқалар) билан боғлиқдир. Кундалик ҳаёт таассурот, салбий ёки “кундалик” ҳис-туйғулар ифодаси – бу ёзувчи ҳар доим тили /юқори сўз билан белгиланган қоидаларга мувофиқ услубий бўёқдор сўздан фойдаланиш матнда тантанавор, миллий ҳиссини яратади деб эмас, аслида реаллик ҳақида ҳам ўйлаш зарур. Услубий бўёқдорлик контекстда махсус сояларни, баъзан эса тилнинг тескари маъносини англатиши ҳам мумкин.

Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» асаридан олинган парчада функционал услуб бўёқлардан қандай фойдаланилганига гувоҳ бўлиш мумкин:

“Ўғлининг пешвоз чиқмаганидан дадаси ҳам ажабланиб, «Тойчоқ, уйдамисан?» деб қўйди. Эшикни очиб, танчали уй ичкарисига бир одим ташлади-ю, ҳайратланиб тўхтади.

— Сиз қамоққа олиндингиз, — деди паст бўйли одам, унинг орқасига ўтиб.

— Халқ душмани сифатида, — деди новча одам, унинг рўпарасига туриб олиб.

Дадаси индамади. У: «Дадам иккаласини уриб-уриб кўчага отворсалар эди», деб жуда-жуда истаган эди. «Нимага урмаяптилар, кучлари етмайдими? Мен борман-ку!»

— Дадамга тегманг! Тегманг дадамга! — дафъатан келган ҳайқириқни тўхтата олмади. Ирғиб туриб узун бўйлининг елкасига тирмашди.

— Жим бўл, илонвачча! — у шундай деб итариб юборди.

— Болага тегманг! — деб бақирди дадаси.

— Бўлди, томоша тамом, юр, — деди паст бўйли одам.

— Биродарлар, — бу сафар дадасининг овози титраб чиқди, — ахир бугун янги йил, ўғлим ёлғиз. Эртага тонг саҳар айтганерингизга ўзим етиб бораман.”[4, 45-б.]

Ажратиб кўрсатилган сўзлар услубий бўёқдор маъно ифодаламоқда. Ўзбек тилида “тойчоқ” сўзи асли отнинг боласи маъносини англатади. От инсоннинг энг яқин жонворларидан бири, яъни ўз даврида йигит кишининг ҳамроҳи, йўлдоши, ёрдамчиси, дўсти бўлган. Шунинг учун ҳам отнинг боласи ўғил болаларни эркалаш учун қўлланилади. Гендер тушунча нуқтаи назаридан ҳам бу ўзига хосликка эга, чунки тойчоқ қиз болаларга нисбатан қўлланмайди.

Ёки салбий маънода “илонвачча” сўзининг ушбу матнда қўлланилиши бежизга эмас, отани халқ душмани илон, хоин сифатида тасвирлаш учун унинг боласини “илонвачча” деб атамоқда. Албатта, матнда бўёқдор сўз бирикмаларидан фойдаланишнинг барча хусусиятларини иложи борича аниқроқ тушуниш учун асар мазмунини билиш лозим. Шунинг учун ҳам таҳлилга асосан детектив асарлардан парчалар асос қилиб олинган.

Ишлатилиш доираси чегараланган сўз бирикмалари остида одатда диалектизмлар, профессионализмлар, жаргонизмлар тушунилади. Бу сўзларнинг барчаси адабий тил доирасидан ташқарида, яъни улар ҳозирги замон тилининг адабий меъёрий луғатига киритилмаган ва шунинг учун ҳам ўқувчи учун тушунарсиз бўлиши мумкин. Шу муносабат билан, бундай сўз деярли ҳар доим ҳам, агар у жуда аниқ бўлса ҳам, ўқувчи томонидан умумий нейтрал тушунилади.

Бу сўз бирикмаларидан фойдаланиш имконияти ва хусусиятлари масаласи филолог ва ёзувчиларнинг ўзлари томонидан бир неча

бор муҳокама қилинган. Сўзнинг ҳақиқий санъаткорлари матнни идрок етишни мураккаблаштирмаслиги учун ундан усталик билан фойдаланадилар, аксинча, уни тўғри тушунишга кўмаклашади ва эстетик қимматини оширади. Қўлланилиш доираси чегараланган сўзлар сони матнда мўтадил бўлиши, уларга ҳар бир мурожаат муҳим сабабларга кўра келиб чиқиши лозим. Буни биз адабий бўлмаса-да, сўз етарли даражада кенг тарқалган ва кўпчилик ўқувчиларга маълум бўлган ёки муаллиф сўзнинг маъносини тўлиқ тушунишни кутмаган, лекин ундан бирор услубий таъсир яратиш учун фойдаланган ҳолларда ҳам кузатамиз.

Диалектизмлар одатда ёзувчилар томонидан икки мақсадда ишлатилади. Адабий тилда синонимлари бўлмаган ва маҳаллий объектлар (этнографизмлар) деб ном олган сўзлар тегишли воқеликни ифодалаш учун хизмат қилади. Улар, одатда, кам ифодали ва улардан фойдаланишнинг услубий самараси шундаки, муайян маҳаллий кайфият яратилади, ўқувчи қишлоқ ҳаёти муҳитига сингиб кетади ва содир бўлаётган воқеалар иштирокчисига ўхшаб қолади. Адабиётшуносларга синоним бўлган сўзлар одатда характерлар нутқида топилади, улар жонли образлар яратишга ёрдам беради, характерларнинг маълум бир муҳитга мансублигини ва адабий нутқ ҳақида етарли билимга эга эмаслигини кўрсатади.

Аммо диалектизмлардан фойдаланиш имкониятлари бу билан чекланмайди. Улар ёзувчининг тасвирлашга ўз муносабатини билдиришига хизмат қилиши, муаллифнинг турли ҳиссиётлари ва характерларини (киноя, ижобий ёки салбий муносабат ва бошқаларни) етказиши мумкин.), ва услубий воситаси бўлиши мумкин. Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асаридан бир мисолни кўриб чиқайлик: “Бир-бировларига битта гап кам, иккитаси ортиқча даражага етишгач, барчаси унутилди. Акасининг қайси гапи жўрабошига ёқмади — у эслолмади. Зиёфат тугаб, кўчага чиқишди. Ана шунда жўрабоши:

— Ҳали нима девдинг, қуруқ! — деб ёқасига ёпишди.

Акаси ҳам ҳайрон. Нима дегани эсида йўқ. Уларни ажратиб қўйишди. Ака-ука тинчгина кетишаётган эди. Йўл яримлаганда орқадан тўртталаси қувиб келди...”[4:56-б.].

Бу ерда диалектизмларни муайян ҳудудга тегишли сўзларни қўллаш, деб ҳисоблаш мумкин, энди унинг маъноси ички шакл билан тўлиқ белгиланади матндаги « Ҳали « сўзи адабий тилда / «бироз олдин»/, адабиётда, кўпинча умумий сўзлашувда “боя” маъноси беради. Охирги сўз, эҳтимол, сўзнинг тўлиқ маъносида диалектал эмасдир, балки бу оддий ва тушунарли тарзда оғзаки услубга мос келадиган тилда махсус номга эга бўлмаган маънони ифодалаш учун керак бўлиши мумкин, гарчи бу жонли нутқда ёзувчи томонидан вақти-вақти билан ишлатилиши мумкин. Мунтазам ва вақти-вақти билан ишлатиладиган шева сўзлари

ўртасидаги чегара \ тасодифий \ ҳосилалар баъзан аниқланиб турганлиги учун бу жуда қизиқарли ва таъсирчан сўзни диалектизм деб ҳисоблаш мумкин.

Ушбу парчадаги учта сўз муаллиф нутқида ишлатилади, улар экзотик эмас ва назарий жиҳатдан ёзувчи адабий бирликлар ёрдамида бир хил мазмунни яхши етказиши мумкин эди, аммо кейин оғзаки ҳикоянинг таассуротлари, қулай ва айни пайтда жуда моҳир ва ифодали, ҳикоядан йўқолади. "Қуруқ" Тошкент ҳудудида фаол қўлланиладиган сўздир. Ёки асарда қуйидаги эпизодга диққат қилининг: – Окахон, ўтирибмиза-де чақчақлаши-иб... Чойдан олинг. Бугун оддих бўлса, шошиб қаёққаям борасиз. Ҳозир Шерни қўйиб бераман. Бир мазза қилинг, — у шундай деб хушбичим қизга қаради. Телеекран пирпираб ўчди. Дам ўтмай пирпираб ёришиб, торини қўлтиқлаб олиб қўшиқ айтаётган Шерали кўринди. Шерали учинчи ашулани айтаётганда Асадбек келди. Саломга алик олдию ҳол-аҳвол сўрашмасдан, индамай ўтиб кетди [4:37-б.]. Бу ўрнида шевага хос сўзларнинг қўлланилиши асар қаҳрамонининг қайси ҳудудга мансублиги ва унинг ўзига хос характерини кўрсатиш билан бевосита боғлиқдир.

**Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommend.)** Хуллас, детектив асарлар матнида лисоний воситалар турли ижтимоий хосланишларни ифода қилади. Айниқса, жамиятнинг турли соҳа ва ижтимоий қатламига тегишли бўлган ҳар хил дунёқарашдаги кишилар нутқида қўлланилаётган тил бирликларининг социопрагматик аспектда тадқиқ этилиши тилшунослик учун зарур хулосалар бериши мумкин. Шунингдек, қаҳрамонлар нутқида учраётган шевага хос сўз ва иборалар, ноадабий қатламга оид бирликлар услубий маънодан ташқари ўзига хос социал хосланишларни ҳам намоён қилади. Детектив мазмундаги матнлар бошқа насрий матнлардан ўзига яраша ижтимоий хосланган тил бирликлари фаоллиги билан ажралиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар

Пражский лингвистический кружок. – М., 1967., с-24.

Гореликова М.И., Магомедова Д.М. Лингвистический анализ художественного текста.-М: Русскийязык, 1989, с-5.

ШмеловД.Н.Русскийязыквегофункциональныхразновидностях.-М: Наука, 1977, с-35.

Тоҳир Малик Шайтанат. Роман. 1-қисм. https://forum.ziyouz.com/index.php

# ТИЛШУНОСЛИКДА ДИСКУРС ВА УНИНГ ТАЛҚИНИ ХУСУСИДА

DOI: 10.53885/edinres.2021.68.23.014

Н. М. Зарипбоева
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, "Таржима назарияси ва амалиёти факультети" талабаси

***Аннотация.*** *Мақолада дискурс тушунчасининг лингвистик тадқиқи, унинг шаклланиши, бадиий асарларда дискурснинг ифодаланиш усуллари, жаҳон ва ўзбек тилшунослигида дискурсга алоқадор тадқиқотлар ва уларнинг тавсифи хусусида сўз юритилади. Муаллиф мақолада берилган талқин ва изоҳларнинг хилма-хиллиги дискурс тушунчасининг кўп қиррали ва кенг қамровли эканлигини намоён этишини қайд этади.*

***Калит сўзлар:*** *дискурс, прагматика, когнитив тилшунослик, лингвистик метод, лисоний (лингвистик) ва нолисоний омил, вербал, новербал, иллокутив, формал-функционал, структур тилшунослик, монологик, диологик дискурс*

# ДИСКУРС В ЛИНГВИСТИКЕ И ЕЕ ИНТЕРПРЕТАЦИИ

**Н. М. Зарипбоева**
Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишер Навои. Студент факультета теории и практики перевода

***Аннотация.*** *Статья посвящена изучению речи, ее формированию, методам диссоциации выражения в литературных произведениях, исследованиям, связанным с диссонансами в мировой и узбекский лингвистике, и их описанию в лингвистике лингвистики. Разнообразие приведенных интерпретаций и изолятов свидетельствует о том, что концепция речи- это многокаратный и широкий резюмировал автор.*

***Ключевые слова:*** *речь, прагматика, когнитивная лингвистика, лингвистический метод, язык (лингвистика) и фактор нолизонии, вербальный, вербальный, иллосутивный, формально-функциональный, структурная лингвистика, монолог, диологическая речь*

# DISCOURSE IN LINGUISTICS AND ITS INTERPRETATION

**N. M. Zaripboeva**
Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi Student of the Faculty of Theory and Practice of Translation

***Abstract.*** *The article is devoted to the study of speech, its formation, methods of dissociation of expression in literary works, research related to dissonances in the linguistics of world and uzbek, and their description in linguistics. The variety of the given interpretations and isolates indicates that the concept of speech is a the author summarized.*

***Keywords:*** *speech, pragmatics, cognitive linguistics, linguistic method, language (linguistics) and the nolizonia factor, verbal, verbal, illosutive, formal-functional, structural linguistics, monologue, diological speech*

Замонавий тилшуносликда янги йўналишлар сифатида тан олинган прагматик ва когнитив тилшуносликнинг асосий муаммоларидан бири дискурс масаласидир. Кундалик ҳаётда дискурс атамасига кўп бор дуч келинади. Аксарият инсонлар унинг асл моҳиятини англашмайди. Соҳада дискурсни турлича талқин этишади. Жуда кўп тилшунослар дискурсни (французча discourse, inglizcha discourse, lotincha discursus – ҳаракат, узлуксиз алмашиниш, суҳбат, сўзлашиш) нутқий фаолият жараёни ҳамда сўзлашиш услуби каби мазмунларда талқин этишади. Жумладан, 1960-йиллар бошларида антраполог Dell Humes илк бор бўлиб дискурс тушунчаси ва унинг аҳамияти билан шуғуллана бошлаган. У кузатишлари асосида дискурс тушунчасини лингвистик атама сифатида ўтган асрнинг ўрталарида тилшуносликка соҳасига олиб кирган. Dell Humes мулоҳазасига кўра дискурс кишиларнинг оғзаки нутқда бир- бирилари билан мулоқотга киришишидир . Делл фикрига кўра дискурс бу фақатгина мулоқотдир, аммо дискурс нафақат мулоқотни балки матн билан ҳам ўзаро уйғунликда содир бўладиган ҳолат эканлигини унутмаслик керак. Тилшунос олим А.Пардаев талқинича, дискурс бу сўзловчи ва тингловчининг ўзаро фикр алмашиш, бир-бирига таъсир кўрсатиш мақсадида лисоний ва нолисоний воситалардан ўзлари энг самарали деб ҳисоблаган шакл ва турда амалий фойдаланиш жараёни. Дискурс бу – жараён, инсоний фаолият тури. У лисоний ва юзлаб нолисоний омилларнинг муштарак шаклда бир мақсад йўлида воқеланишидир . Бошқа бир манбада дискурс лотинча “discursus” - муҳокама сўзидан олинган бўлиб, ҳиссий, бевосита, интуитив, яъни муҳокама талаб билимдан фарқли ўлароқ, муҳокама орқали восита билан ҳосил қилинадиган мантиқий далил - исботли билим демакдир . Соддароқ қилиб айтганда, бу таърифда дискурснинг муҳокама қилиш, суҳбат қилиш маъноси илгари сурилади. Тилшунос олим Звегинцев ғарб тилшунослигида кенг қўлланилаётган “дискурс” (инглизча discourse; французча discourse) тушунчасини дастлаб лисоннинг гапдан юқори турадиган сатҳи сифатида эътироф этади. Лисоний фаолиятда “марказга интилувчи куч” нинг таъсири мавжудлигини эътироф этган В.А.Звегинцев, дискурсни “булутлар орқасига яширинган лисоний ҳудуд” деб таърифлаган ва бу ҳодисани лингвистик методлар воситасида таҳлил қилиш мумкинлигига шубҳа қилган . Бу муаммо хусусида бошқа бир манбаларда “дискурс–нолисоний омиллар (прагматик, ижтимоий маданий, руҳий) билан биргаликдаги матн; воқеа кечиши нуқтаи назаридан қаралаётган матн; мақсадли ижтимоий ҳаракат сифатида қараладиган нутқ” эканлиги ҳақидаги фикрлар илгари сурилади . Кўриниб турибдики, мазкур таърифда дискурс ҳодисаси “матн” ва “нутқий фаолият” тушунчаларига муштарак ҳолда ёндош ҳодиса сифатида талқин этилган. Айтиш мумкинки, дискурс бу мулоқот ва инсоннинг бир-бири билан фикр алмашиши, коммуникативлиги ва информативлигидир. Мавзуга алоқадор олимларнинг изланишларида дискурс ва унинг хусусиятларининг бошқача илмий талқинлари мавжудлигини ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, тилшунос Т. А. Ван Дейк дискурс атамаси ва унинг моҳиятини

бир неча босқичда тушуниш, таҳлил қилиш лозимлигини таклиф этади. Олимнинг эътирофича, кенг маънода дискурсга комплексли коммуникатив воқеа, тор маънода эса коммуникатив ҳаракатнинг ёзма ёки нутқий вербал маҳсулоти сифатида қараш лозим. Шунингдек, Т.А. Ван Дейк дискурс ва матн ўртасидаги фарқни қуйидагича белгилайди: дискурс – астял аутилган матн, яъни фаол нутқиу ҳаракат, матн эса тил тизимига ёки шаклиу лисониу билимларга тегишли фикрларнинг мавҳум грамматик тузилишидир. Дискурс - аниқ суҳбат, аниқлик эса дискурс тушунчаси қўлланадиган вазиятга, матнга ва объектга ҳам бирдай тааллуқлидир. Дискурс - суҳбат тури . Дейк томонидан берилган таъриф аниқ ва тушунарли баён этилган. Ўзбек тилшунослигида дискурс махсус тадқиқотлар тилшунос Ш.Сафаров томонидан амалга оширилган. Тилшунос матн ва дискурс муаммолари тўғрисида қуйидагиларни қайд этади: “агарда матн ва дискурснинг ҳар иккаласи ҳам инсон лисоний фаолиятининг натижаси бўлса, уларни фақатгина зоҳирий – формал кўрсаткичга асосан “оғзаки” ва “ёзма” сифатлари билан фарқлаш имконига гумоним бор. Худди шунингдек, уларнинг бирини моддий кўринишли ҳодиса, иккинчисини бу хусусиятдан холи кўринишда тасаввур қилиш қийин масала. Ахир буларнинг иккаласи ҳам натижали фаолият маҳсули бўладиган бўлса, эришилган натижа моддий кўриниш олиши керакку? Юқоридаги тилшунос олимларнинг фикрларидан хулоса қилиб айтиш мумкинки, “дискурс – бир пайтнинг ўзида ҳам лисоний фаолият жараёни, ҳам унинг (фаолиятнинг) маҳсулидир”. Шундай қилиб, дискурс бу инсонларнинг ўзаро фикр алмашиниши, мулоқот қилиши, бир- бирига турли маълумотларни етказиши, маълумотларни етказиш учун турли воситалардан фойдаланиши, иккала суҳбатдошга ҳам тушунарли бўлган жараён дискурс ҳисобланади. Дискурс диалогик ҳамда монологик шаклда учраши мумкин. Прагматик талқинларга кўра дискурс атамасининг саккиз хил маънода учраши қайд этилади:

1) сўз муқобили;
2) фразалардан ўлчами бўйича ортадиган бирлик;
3) нутқ вазияти ҳисобга олинган ҳолда фикрнинг адресатга таъсири;
4) суҳбат;
5) нутқда сўзловчи позицияси;
6) лисоний бирликлардан фойдаланиш;
7) фикрнинг ижтимоий ёки мафкуравий чекланган тури;
8) матн ҳосил бўлиш шартларини тадқиқ этишга мўлжалланган назарий қурилмалар . Бошқа маълумотларда дискурснинг жанр каби эканлиги, нутқий жанр - типик тузилиши, лисоний воситалардан фойдаланишнинг ўзига хослиги, аниқ адресат, маълум коммуникатив мақсад ва информативлик, императивлик, этикетлик каби жиҳатлари билан ажралиб турувчи нутқ тури эканлиги ёритилади . Махсус олиб борилган тадқиқотларда дискурснинг ижтимоий табиати орқали дискурснинг публицистик дискурс ,сиёсий дискурс, илмий дискурс бадиий дискурс, баҳоловчи дискурс каби янги тушунчаларнинг юзага келганлиги қайд этилади. Кўринадики, талқин ва изоҳларининг хилма-хиллиги дискурс тушунчасининг кўп қиррали ва кенг қамровли эканлигини намоён этади. Нутқни жараён сифатида ўрганиш фақат мулоқот – сўзловчи ва тингловчи орасида ўзаро дискурс (фикр алмашиш), саволга яраша жавоб бериш - ҳолатидагина тадқиқ этилиши мум-

кин. Шу боис XX асрнинг охирларида тилшуносликнинг янги бир тармоғи - дискурсология нутқий мулоқотни тадқиқ этувчи фан сифатида шаклланди. Тадқиқотчилар нутқ сатҳининг максимал бирлиги масаласида абзацни алоҳида бирлик сифатида ажратишга шубҳа билдиришади. Чунки абзацнинг шаклланиши, кўпинча, субъективдир, муаллифнинг услуби, график қоидалар билан боғлиқ. Бизнингча, бундай бирлик даражасига фақатгина дискурс кўтарилиши мумкин . Дискурс бажараётган коммуникатив вазифаси жиҳатдан тизимлашган ва мулоқот вазиятига мослашган нутқий қурилмадир. Шакл ва вазифа жиҳатидан мувофиқлашув дискурсни бошқа бирликлардан фарқлаш имконини беради . Бироқ дискурс назарияси эндигина шаклланиб бормокда, шу сабабли ушбу таҳлил йўналишида умумлингвистик методларни қўллаш имкониятларини излаб топиш эҳтиёжи мавжуд. Дарҳақиқат, тилшуноснинг мазкур мулоҳазалари ўринли. Фанда дискурс атамасига алоқадор дастлабки эътирофлар XX асрнинг 50- йилларида шаклланди. Мавжуд манбаларда дастлаб муаммога бирдан ортиқ гаплардан ташкил топган ва "мураккаб синтактик моҳиятли бирлик" сифатида қарашган. Бу ҳодиса тилшуносликда мантиқий грамматика ҳамда сўзлашув нутқи алоқадорлиги сифатида баҳоланган. Шунингдек, ўтган асрнинг 20-йилларида тилшуносликда дискурс ҳодисаси оғзаки нутққа алоқадор эканлиги, уларнинг нутқ жараёнида ундалма, кириш сўз, кириш бирикмалар билан ҳам ифодаланиш ҳолатларининг мавжуд эканлиги, бу эса уларнинг "мураккаб синтактик қурилма" сифатида баҳоланишига асос бўла олиши ҳақидаги фикрлар ҳам илгари сурилган. Хорижий тилшуносликда синтактик дискурс муаммоси ўтган асрнинг 50-йилларида З.Харрис томонидан кўтарилди. XX асрниг 70-йилларига келиб, мазкур масалага тааллуқли ишларнинг салмоғи бирмунча ошди. Ўрганилган тадқиқотларда дискурс сўзлашув нутқининг монопредикатив бирлиги сифатида талқин этилди. Бу вақтга келиб, илмий манбаларда матн тилшунослиги, матн тадқиқининг нутқ назарияси билан алоқадорлиги, амалий стилистика, мулоқот назарияси, тил ўргатиш, автоматик таржима каби атамалар қўллана бошланди. Ўтган асрнинг 70-йиллари синтаксисидаги энг катта ютуқлардан бири грамматик дискурснинг сўзлашув нутқидаги мавқеи тилшуносликнинг алоҳида бўлими ҳамда муаммонинг алоҳида тадқиқот манбаи сифатида шаклланганлигидир. Баъзи манбаларда эса, дискурс атамасининг тилшуносликдаги мавқеи ва унинг қўлланилишига эътирозлар ҳам билдирилган. Чунончи, 1966 йилда тилшунос Р.Годельнинг дискурс атамасининг тилшуносликка оид тадқиқотларда қўлланилиши тил ва нутқ ҳодисалари ҳақида аниқ хулоса чиқаришга шубҳа туғдириши мумкинлиги" ҳақидаги эътирофини Н.А.Слюсарев ўз изланишларида қайд этди ва Р.Годель эътирозига қарши асосли, илмий жавоб берди. Илмий манбаларда мазкур муаммо ечимига бағишлаб махсус илмий конференциялар ўтказилганлиги ҳам қайд этилади.

Бу каби илмий изланишлар ва муаммога нисбатан билдирилган турлича қарашлар диалогик дискурс масаласининг тилшуносликда ҳал қилиниш лозим бўлган, тадқиққа муҳтож қирралари мавжуд эканлигидан далолат беради.

# 13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

## БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ИЖОДКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРТЛАРИ ВА БОСҚИЧЛАРИ

DOI: 10.53885/edinres.2021.40.33.015

**О. А. Қўйсинов**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосари, педагогика фанлари доктори (DSc), доцент

***Анотация:*** *Мақолада бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантиришнинг педагогик ва психологик шарт-шароитлари ҳамда босқичлари мазмун моҳияти очиб берилган. Бўлажак ўқитувчининг ўз касбий фаолиятини самарали амалга ошириши учун шахсий сифатлар талқини ҳамда психологик холатлар ёритилган. Шунингдек, бўлажак ўқитувчининг касбий тайёргарлиги жараёнида касбий-педагогик ижодкорлик компетентлигини ривожлантиришнинг шартлари ҳамда ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг репродуктив, продуктив, қисман изланувчан ва креатив даражаларда ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш масалалари ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *касбий-педагогик ижодкорлик, компетенция, педагогик ва психологик шартлар, дидактик босқичлар, техник фикр юритиш, ўз кучига ишониш, ўз касб маҳоратини тинмай ошириб бориш, жараёнларни эмоционал-қатъийлик билан бошқара билиш, кўникмалар ва малакалар.*

## УСЛОВИЯ И ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ТВОРЧЕСТВА БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ

**О. А. Куйсинов**

Заместитель начальника Государственной инспекции по контролю качества образования при Кабинете Министров Республики Узбекистан, доктор педагогических наук, доцент

***Аннотация:*** *В статье раскрыта сущность содержания педагогических и психологических условий и этапов развития профессионально-педагогического творчества будущих учителей. Освещается трактовка личностных качеств и психологических условий,*

*позволяющих будущему учителю эффективно осуществлять свою профессиональную деятельность. Также охвачены условия развития профессионально-педагогической творческой компетентности в процессе профессиональной подготовки будущих учителей и формирования творческих навыков на репродуктивном, продуктивном, частично исследовательском и творческом уровнях творческих способностей.*

***Ключевые слова:*** *профессионально-педагогическое творчество, компетентность, педагогические и психологические условия, дидактические этапы, техническое мышление, уверенность в себе, постоянное совершенствование профессиональных навыков, умение управлять процессами с эмоциональной устойчивостью, навыки и способности.*

## CONDITIONS AND STAGES OF DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL AND PEDAGOGICAL CREATIVITY OF FUTURE TEACHERS

**O. A. Kuysinov**

Deputy Head of the State Inspection for Quality Control of Education under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Pedagogy, Associate Professor

***Abstract:*** *The article reveals the essence of the content of pedagogical and psychological conditions and stages of development of professional and pedagogical creativity of future teachers. The article covers the interpretation of personal qualities and psychological conditions that allow a future teacher to effectively carry out his professional activities. It also covers the conditions for the development of professional and pedagogical creative competence in the process of professional training of future teachers and the formation of creative skills at the reproductive, productive, partly research and creative levels of creative abilities.*

***Key words:*** *professional and pedagogical creativity, competence, pedagogical and psychological conditions, didactic stages, technical thinking, self-confidence, the ability to constantly improve their professional skills.*

Жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотлар талабларига тўла жавоб берувчи, ишлаб чиқариш соҳасида юзага келган рақобатга бардошли, кескин ўзгаришларга мослаша олувчи, шунингдек, меҳнат

бозорида ўқитувчилар малакасига қўйилаётган талаблар даражасида самарали фаолият юритувчи шахсни шакллантириш жуда муҳим жараён ҳисобланади. Бу борада Давлат таълим стандартларида касб таълими ўқитувчиларига қўйиладиган талаблар билан бир қаторда бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, механизми, методлари ҳамда технологияларини ишлаб чиқишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бўлажак касб таълими ўқитувчилари педагогик ва муҳандислик билимларига эга бўлишлари кераклиги малака талаблари ва давлат таълим стандартларида белгилаб қўйилган.

Бўлажак ўқитувчининг ўз касбий фаолиятини амалга ошириши учун қуйидаги шахсий сифатлар зарур: ижодкорлик, техник фикр юритиш, ўз кучига ишониш, ўз касб маҳоратини тинмай ошириб бориш, жараёнларни эмоционал-қатъийлик билан бошқара билиш, касбий компетенциянинг юзага чиқиши натижалари шулар жумласидандир.

Ижодий фаолият узоқ вақт тайёргарлик кўришни, эрудицияни, қобилиятларни талаб қилувчи ижодий жараён ҳисобланади. Ижодий фаолият – инсоннинг узоқ фаолияти асоси, барча моддий ва маънавий бойликлари манбаидир.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда инсоннинг ижодкорлик фаолияти, ижодий фикрлашининг асосий унсурлари шаклланиши даражаси катта таъсир кўрсатади ва ўқитувчилик фаолиятининг сермаҳсуллигини оширади.

Таълим жараёнини лойиҳалаш педагогнинг касбий фаолияти сифатида талабалар – бўлажак касб таълими ўқитувчилари томонидан уларнинг касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида ўзлаштирилиши мумкин.

Касбий-педагогик ижодкорлик компетентлигини амалга ошириш учун, психологик-педагогик шарт-шароитлар яратилиши лозим. Касбий-педагогик ижодкорлик фаолияти педагогик шарт-шароитлар яратишни таснифлаш негизида шахс фаолиятининг таркибий компонентлари: билиш, ижодий, коммуникатив, бадиий фаолиятлар ётиши мумкин. Шунга кўра, беш хил психологик ҳолатни ажратиш мумкин:

1. Педагогик фаолиятнинг ўзига хос услубини ва касбий-педагогик ижодкорликни ривожлантириш жараёнини лойиҳалашнинг моҳиятини, тамойилларини ва жараёнларини билиш.

2. Касбий педагогик фаолиятга ҳиссий ва қадриятли муносабат, олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини самарали ташкил этиш зарурлигига ишонч ҳосил қилиш.

3. Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини касбий-педагогик ижодкорликни ривожлантиришга қаратилган креатив даражада амалга

ошириш қобилияти.

4. Жамоавий фаолият жараёнида бошқа одамлар билан ўзаро коммуникатив компетенцияга йўналтирилган алоқаларни йўлга қўйиш.

5.Касбий-педагогик ижодкорликни ривожлантиришга йўналтирилган таълим жараёни лойиҳасини мантиқий ва уйғунлаштиришга бўлган эҳтиёж ва қобилият.

Бўлажак касб таълими ўқитувчилари касбий-педагогик ижодкорликларини ривожлантиришнинг биринчи шарти бошқа олий таълим муассасалари сингари педагогик йўналишдаги таълим тизимида ҳам илғор, инновацион ва етакчи бўлган билим олиш технологияларини яратиш жараёни билан боғлиқ. Талабаларнинг билим олишида касбий-педагогик ижодкорликни ривожлантириш жараёнини такомиллаштириш шартли равишда икки йўналишга ажратилади. Биринчи йўналиш ташқи омиллар ва таъсирларга қаратилган. Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик ижодкорлик фаолияти мазмуни, уни ташкил этиш тамойиллари, босқичлари, таркибий қисмлари, ўқув жараёни лойиҳалаш даражалари ҳақида билимларни ишлаб чиқиш, ўқувчиларнинг олий таълим муассасаларида касбий мустақил фаолиятларини бошқариш учун ахборот базасини шакллантиришидир.

Касбий-педагогик ижодкорлик компетенциясини ривожлантиришнинг иккинчи йўналиши талабанинг шахсига йўналтирилган. Бу рефлексив фаолият: уларнинг шахсий хусусиятларини ўрганиш, педагогик ижодий фаолиятнинг индивидуал услубини онгли шакллантириш, шунингдек, олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини шакллантиришнинг индивидуал услуби ҳисобланади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик ижодкорликларини ривожлантиришнинг иккинчи шарти – педагогик қадриятлар тизимини шакллантириш билан боғлиқ лойиҳалаш фаолиятидир.

Касбий-педагогик ижодкорликларини ривожлантиришда ўқитувчининг ўз-ўзини такомиллаштириш ва ўзини намоён қилиш билан боғлиқ қадриятлари, яъни келажакдаги ўқитувчининг репродуктив фаолиятига эътибор қаратилади.

Учинчи шарти технологик-фаолият турига киради, чунки у ўқув жараёнини ишлаб чиқиш ва бажариш операциялари ва амалиётларни ўзлаштириши билан боғлиқ бўлиб, ушбу тадбирларни бажариш учун кўникмалар шакллантирилади. Касбий-педагогик ижодкорлик кўникмаларини ривожлантириш доимий равишда амалга оширилади: биринчи навбатда репродуктив, продуктив, қисман изланувчан ва креатив даражаларда ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш вазифаси муҳим ҳисобланади.

Тўртинчи шарт ўқитувчининг коммуникатив қобилиятлари билан боғлиқ. Ўқув жараёнида касбий-педагогик ижодкорликни ривожлантириш усулларини ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларни мустақил мулоқотчанлик фаолиятига жалб қилиш мумкин. Контекстли таълим ва ўқув амалиёти асосида амалга ошириладиган таълим касбий-педагогик ижодкорлик орқали амалга оширилиши мумкин. Таълим технологияларининг турли хил вариантларини муҳокама қилиш, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари, муайян таълим технологияларини ишлаб чиқишда биргаликдаги тадбирлар, таълим жараёнини тақлид қилиш – буларнинг ҳаммаси коммуникатив қобилиятни талаб қилади.

Ўқитувчининг касбий-педагогик ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришнинг бешинчи шарти бўлажак ўқитувчининг малакаси, интуицияси ва шахсий имтиёзларига асосланган эстетик хусусиятга эгалиги. Ушбу тадбирларнинг натижаси педагогик жараённинг нозик, чиройли ва уйғун лойиҳасини амалга оширади. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг эстетик дидини ривожлантириш, жумладан, лойиҳалаш фаолияти ривожланишига таъсир қилади.

Касбий-педагогик ижодкорлик фаолиятини бошқаришнинг педагогик шартлари педагогик жараёнлар тузилишига асосланган ҳолда ажратилиши мумкин: мақсад, мазмун, услуб ва воситалар, ташкилий шакллар, натижалар. Қуйида педагогик шартларни кўришимиз мумкин:

1. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган мақсадларни белгилаш.

2. Педагогик таълим мазмунига ўқув жараёнини ишлаб чиқишнинг тамойиллари ва тартиби ҳақида маълумот киритиш.

3. Ўқитувчининг касбий-педагогик ижодкорлик кўникмаларини ривожлантириш ишларига йўналтирилган технологик таълимни танлаш.

4. Касбий-педагогик ижодкорлик компетентлигини ривожлантиришнинг ноанъанавий шакллари.

5. Натижаларни мониторинг қилиш – касбий-педагогик ижодкорлик компетентлиги даражаларини аниқлаш.

Педагогик шартлар ва босқичлар жуда ҳам шаффоф; уларга қисқача изоҳ берсак. Биринчидан, бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш фаолияти учун билим, кўникма ва малакаларини ошириш учун педагогик фаолиятни педагогик таълимнинг мақсад ва вазифалари тизимига киритиш зарур. Иккинчидан, мақсадга мувофиқ, «касбий-педагогик ижодкорлик» тушунчаси умумий касбий тайёргарлик мазмунига киритилган. Ўқитувчининг касбий-педагогик ижодкорлик компетентлигини ривожлантириш фаолияти мазмуни, тамойиллари, стратегияси ва

жараёнлари ҳақида маълумотни ўз ичига олади.

Учинчидан, касбий-педагогик ижодкорлик компетентлигини ривожлантиришни ўқитиш усуллари ва воситаларини тушунтиришлар, мунозаралар, мустақил иш, машқ қилиш, таҳлил қилиш, моделлаш, лойиҳалаш ва бошқалар. Тўртинчидан, касбий-педагогик ижодкорлик компетентлигини ривожлантиришдаги машғулотларни ташкил этиш шакллари усуллар бўйича аниқланади. Ҳар қандай фаолиятнинг ривожланиши ушбу фаолиятга қўшилиш йўли билан содир бўлгандан сўнг, асосий шакллар фаол шакллар – дидактик ўйинлар ва малакавий педагогик амалиёт шаклида бўлиб ўтади. Бешинчидан, таълим натижаси – ўқув жараёнини ишлаб чиқиш қобилияти – аниқлаш ва баҳолаш жараёни ҳисобланади. Бунинг учун талабаларнинг касбий-педагогик ижодкорлик компетентлигини ривожлантириш мезонлари ва даражаларини аниқлаш ва уни қандай ташхис қилиш кераклиги аниқланади. Шундай қилиб, бўлажак ўқитувчининг касбий тайёргарлиги жараёнида касбий-педагогик ижодкорлик компетентлигини ривожлантириш учун қуйидаги шартлар бажарилади:

1. Касбий-педагогик ижодкорлик компетентлигини ривожлантиришнинг моҳияти, мазмуни, педагогик фаолиятнинг индивидуал услубларини билиш, хусусан, уларнинг ҳаракатларининг босқичма-босқич амалга оширилишига эришиш.

2. Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишда касбий-педагогик фаолиятга экологик нуқтаи назар.

3. Репродуктив, изланувчи ёки ижодий даражада олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини самарали ташкил этишга йўналтирилган имкониятлардан фойдаланиш.

4. Жамоавий фаолият жараёнида ижтимоий малакани ривожлантириш (касбий фаолиятни моделлаштириш моделлари).

5. Таълим жараёни лойиҳасини мантиқий жиҳатдан чиройли тарзда яратишга бўлган эҳтиёж ва қобилият.

6. Олий таълим муассасаларида педагогик жараённи бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик ижодкорлик компетенетлигини ривожлантириш фаолиятини эгаллашга қаратилган мақсади.

7. Педагогик таълим мазмунига оид(умумий касбий бўлинма) таълим жараёни касбий-педагогик ижодкорлик компетентлигининг табиати, тамойиллари ва тартиби ҳақида маълумот.

8. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик ижодкорлик компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган талабаларни ўқитиш технологияси.

9. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик

ижодкорлик компетенетлигини ривожлантириш жараёнини ташкил этишнинг ноанъанавий шакли.

10. Натижаларнинг назорати – бўлажак касб таълими ўқитувчилари томонидан ўқув жараёнида касбий-педагогик ижодкорлик компетентлигини ривожлантириш қобилиятини аниқлаш ва баҳолаш.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиси томонидан касбий-педагогик ижодкорлик компетентликларини ривожлантириш фаолияти муваффақиятли амалга оширилиши учун психологик ва педагогик шартлар асосида дидактик жараён ташкил этилиши бўлажак мутахассисларнинг етук, жаҳон талабларига жавоб берадиган тарзда тайёрланишига замин тайёрлайди.

Адабиётлар:

1. Қўйсинов О.А., Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этишнинг назарияси ва методикаси. Монография. Т.:“Фан”, 2009. - 92б.

2. Исмаилова З.К. Талабаларнинг касбий педагогик малакаларини шакллантириш: Дисс. ... пед. фан. ном. – Т.: 2000. – 186 б.

3. Kuysinov O.A. Developing Professional-Pedagogical Creativity of Future Professional Education Teachers based on Competencial Approach // Eastern European Scientific Journal. - Germany, 2018. №4. – P.257-263. (13.00.00; №3).

4. Муслимов Н.А. Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти. 2012. Ўқув қўлланма. 6,1 б.т.

# ТУРКИСТОН ХАЛҚИ САВОДХОНЛИГИ ҲОЛАТИ БОРАСИДА МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ (XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ)

DOI: 10.53885/edinres.2021.11.90.016

**Д.У. Джураев**
педагогика фанлари доктори, Ўзбекистон давлат жахон тиллари университети, Педагогика ва психология кафедраси мудири

**М.У. Жураева**
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалик механизациялаш мухандислари институти доценти

Аннотация: Мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида кўп миллатли маҳаллий Туркистон халқи саводхонлиги масаласига доир манбалар таҳлили амалга оширилади. Жумладан, бугунда ўта баҳсли бўлган мазкур масалага оид тарихий манбалар, олимлар фикрлари ва далиллари келтирилади. Минтақа аҳолисининг саводхонлигини ошириш аҳамиятини акс эттирувчи тарихий жиҳатлар ўрганилади.

Таянч сўзлар: таълим, интеграция, маҳаллий, ёндашув, таълим даражаси, саводхонлик даражаси, қизиқишлар.

# АНАЛИЗ ИСТОЧНИКОВ О СОСТОЯНИИ ГРАМОТНОСТИ ТУРКЕСТАНСКОГО НАРОДА (ВТОРАЯ ПОЛОВИНА XIX - НАЧАЛО XX ВЕКА)

**Д. У. Джураев**
Доктор педагогических наук, заведующий кафедрой педагогики и психологии Узбекского государственного университета мировых языков.

**М. У. Джураева**
Доцент Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

***Аннотация:*** *В статье рассматриваются актуальные аспекты состояния образованности многонационального местного населения Туркестанского края, конца XIX – начала XX века. С помощью исторических и архивных материалов, высказываний и исследований учёных анализируется состояние образованности местного населения того периода. В статье делается анализ исторических аспектов становления образованности, отражаются его цели, задачи, функции,*

*компоненты, принципы, значение для повышения грамотности населения края.*

***Ключевые слова:*** *образование, интеграция, местное, компетентностный подход, уровень образования, уровень грамотности, интересы.*

## ANALYSIS OF SOURCES ON THE STATE OF LITERACY OF THE TURKESTAN PEOPLE (SECOND HALF OF THE XIX - EARLY XX CENTURIES)

**D. U. Djuraev**
Doctor of Pedagogy, Head of the Department of Pedagogy and Psychology of the Uzbek State University of World Languages.

**M. U. Djuraeva**
Associate Professor of the Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

***Abstract.*** *The article examines the current aspects of the state of education of the multinational local population of the Turkestan Territory, late XIX - early XX centuries. With the help of historical and archival materials, statements and research of scientists, the state of education of the local population of that period is analyzed. The article analyzes the historical aspects of the formation of education, reflects its goals, objectives, functions, components, principles, significance for increasing the literacy of the population of the region.*

***Key words:*** *education, integration, local, competence-based approach, educational level, literacy level, interests.*

Жамият пайдо бўлибдики, инсонлар турмуш тарзини яхшилашга, янгиликка интилиб яшайди. Мазкур фаровонликларга эса халқ саводхонлигини ошириш орқалигина эришиш мумкин. Экспертларнинг фикрича инвестиция киритиладиган йўналишлар ичида айнан таълим катта самарадорлик келтиради, шунинг учун у қашшоқлик кўламини қисқартиришда муҳим аҳамият касб этади. Кўриниб турибдики, инсон капиталига сармоя киритишдан жамият катта манфаат кўради. Узлуксиз таълим тизимига киритиладиган сармоялар жамиятда ижтимоий тенгсизликни камайтириш билан бирга турли жиноятлар содир этилиши эҳтимолини ҳам камайтиради.

Ижтимоий тармоқларда юртимизнинг чор Россияси ҳамда собиқ Иттифоқ мустамлакасига айлантирилгунга қадар улкан Туркистон

ўлкасида оммавий саводсизлик ҳукм сурган – деган асоссиз фикрларга дуч келмоқдамиз. Бизга маълумки, тарих аниқ фактларни ва рақамларни талаб қилади.

Тарихчи олим Л.Г. Кимнинг фикрича: “Туркистон тарихига доир манбаларда, аниқроғи, совет даврида яратилган қўлланмаларда инқилобгача Туркистон халқининг атиги 2 фоизи саводхон бўлган, дейилади. Бу рақам кенг тарқалган бўлиб, китоблардан китобларга кўчиб келаётир. Афсус билан эътироф этиш жоизки, Ўрта Осиё халқлари тарихини бўяб-бежаб кўрсатишда ўлкамиздан чиққан айрим олимлар ҳам жонбозлик кўрсатганлар. Уларнинг “катта хизмат”лари, айниқса, Туркистон маҳаллий аҳолисининг саводхонлигини ўта бир ёқлама ёритганликларида кўринади” [1].

Саводсизлик ҳар доим маданиятсизлик, жоҳиллик, маънавий қашшоқлик билан узвий боғлиқ тушунчадир. Шу сабабдан ҳам Чор ҳукмронлиги ва инқилобгача Туркистон аҳолисининг саводхонлиги ҳақида ҳақиқатни айтишнинг муҳим принципиал аҳамияти бор. Бу масалани тўғри ҳал этиш орқалигина Туркистон халқларининг маданий тараққиёти тарихини холисона ёритиш имконига эга бўламиз. Халқларнинг саводхонлиги даражасини асоссиз равишда пасайтириб кўрсатиш уларнинг тарихий ўтмишини камситади, миллий ғурурига зиён етказади ва келажакка бўлган ишончини сўндиради.

Таниқли шарқшунос олим, Фарғона маҳаллий аҳолисига таълим бериш қандай ташкил этилганини бир неча ой мобайнида ўрганган академик Александр Федорович Миддендорфнинг (1815-1894 йй.) Туркистон маҳаллий аҳолисининг саводхонлиги нисбатан юқори даражадалигини таъкидлаб айтган қуйидаги фикрлари диққатга сазовордир: “Фарғонада ҳамма ўқиш ва ёзишни билишини назарда тутсак, туб-жой аҳоли учун зарур қўлланмалар нашр этилиши биланоқ тараққиёт жуда тезлашиб кетади” [2].

Туркистон халқлари маданияти ҳақида Туркистон генерал-губернатори С.М. Духовскойнинг рус подшосига садоқатини изҳор этиб ёзган докладида (1899 йил) қуйидаги қизиқарли фикрларни учратамиз: “Узоқ вақтлар мобайнида Бухоро бутун мусулмонлар (суннийлар) оламида мусулмон ҳуқуқшунослиги ва илмининг мўътабар маркази сифатида тан олиб келинган, боз устига, бу обрў-эътиборни ҳануз йўқотмай келаётир. Бир вақтлар Ўрта Осиёлик руҳонийлар, қонуншуносу араб тили билимдонлари фаолиятининг аҳамияти нақадар улуғ бўлганлигини бугунги кунда бутун дунёдаги мусулмон – суннийлар қўллаётган машҳур ва мўътабар шариат мажмуаларининг айримлари Ўрта Осиёда битилганини эслашнинг ўзигина кифоя. “Ҳидояи-Шариф” Марғилонда, “Ақоид” Бухорода, “Ҳикмат-ул-Айн” Самарқандда

яратилди. Мусулмон оламига шариатнинг сўнгги талқинини Ўрта Осиё тақдим этди. Булардан ташқари, бу ўлка оламга Навоий, Аҳмад Яссавий, Машраб, Сўфи Оллоёр каби шоир-сўфийларни берди. Айни пайтда ёшларга таълим бераётган кўплаб мусулмон мактабларини рус мактабларидаги “тўғри умумий таълим” билан алмаштиришга зўр бериб, узоқ вақт мобайнида, устакорлик ва қатъият билан ҳаракат қилиш туфайли эришмоқ мумкин” [3].

Туркистоннинг бошқа бир генерал-губернатори П.И. Мищенконинг 1909 йил 19 мартда Россия халқ маорифи вазирига йўллаган ушбу ёзувларини эса маҳаллий аҳолини таърифлаётган ёки ўлкадаги халқ таълими ишини тушунмай айтилган фикрлар, деб бўлмайди: “Биз мутлақо маданиятсиз ва саводсиз қабилалар орасида халқ таълимини жорий этишни кўзда тутмаганмиз, балки мусулмонлар орасида қадимдан мавжуд бўлиб, ғоят кенг ёйилган таълимни ислоҳ қилмоқчимиз... Туркистон ўлкаси маҳаллий аҳолиси орасида хат саводни тарқатиш масаласи, айниқса, Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида, Россиянинг Ғарбий Европа қисми аҳолисига нисбатан яхши уюштирилган. Ўлканинг бутун кенг ҳудудини кўпдан-кўп бошланғич билим юртлари – мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртлари бўлган мадрасалар қоплаб олган. Мактаблар махсус қурилган бинолардан ташқари масжидларда, ҳаттоки улкан чинор ва қайрағочларнинг кавакларида жойлашган. Бу ҳолатда минг йиллар давомида маданий ҳаёт кечирган халқнинг қадимий маданиятининг таъсири кўриниб турибди” [4].

Л.Г. Кимнинг фикрича олимлар ва амалдорлар инқилобгача Туркистонда саводхонлик ва таълим беришнинг аҳволи ҳақида гапираётиб, 1897 йили амалга оширилган Россия империясининг биринчи аҳоли рўйхатидаги маълумотларга мурожаат этмаганлар. Ўзбекистон тарихига оид бир неча китобдан парчалар:

“1897 йилги аҳоли рўйҳатига кўра, мактабгача ёшдаги болаларни ҳисобга олмаганда, саводлилар атиги 2,9 фоизни ташкил этган” (“Народное образование в Узбекистане”, Ташкент, 1941);

“Туркистон аҳолиси деярли буткул саводсиз бўлиб, ўқишни биладиган кишилар 2 фоиздан ошмаган” (И.Қ. Қодиров, “Народное образование Советского Узбекистана”, Ташкент, 1964);

1897 йилги аҳоли рўйҳатига кўра, ўлкада саводли ўзбеклар – 1,6 фоизни ташкил этган. Аҳолининг саводхонлиги шундан кейинги йилларда ҳам ошмаган (Ш. Абдуллаев, “Ўзбекистондаги халқлар маданияти тараққиёти тарихидан”, 1921-1932 йиллар);

“Чор ҳукумати миллий маданиятни ривожлантиришга, мактаблар ва маърифат ўчоқларини кенгайтиришга йўл қўймади. Ўзбекистонда ҳар 100 кишининг 98 таси саводсиз эди” (“Ўзбекистон ССР тарихи”,

ЎзССРдаги Ўрта мактабларнинг 9 – 10 - синфлари учун ўқув қўлланма, Тошкент, 1974);

“Ўрта Осиё халқлари инқилобгача деярли ёппасига саводсиз эди. 1897 йили ўзбекларнинг атиги 1,9 фоизи ўқиш ва имзо чекишни биларди” (Узбекская ССР, Москва, 1956);

“1897 йилги Бутунроссия аҳоли рўйҳатига кўра, саводлилар ўлкада 1,8 фоизни ташкил этган, яъни инқилобгача Туркистон деярли саводсиз ўлка эди” (Т.Н. Қори-Ниёзий, “Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар”, Тошкент, 1955) [1].

Маҳаллий олимларнинг юқоридаги фикрларидан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, авторитар тузум ҳукмрон бўлган, маъмурий-буйруқбозлик усулидаги раҳбарлик ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига томир ёйган шароитда бирон-бир оддий олим фан ва маъмуриятни ўз қўлида ушлаб турган юқори лавозимли амалдорларга расмий қарши чиқиши мумкинми? Йўқ, албатта. Шунинг учун ҳам, маҳаллий халқнинг “саводсиз”лиги ҳақидаги маълумотлар тадқиқ этилмай, ижодий ўрганилмай, шунчаки китоблардан китобларга кўчиб келаётир. Иккинчидан, муаллифлар маҳаллий халқларни ёппасига, ёки деярли саводсиз, дея чиқарган хулосаларини Россия империяси аҳолисининг 1897 йилги биринчи рўйҳати материаллари билан асослайдилар. Бу рўйҳат материаллари қанчалик ҳақиқатга яқин?! Умуман, бу фактларни инқилобгача Туркистон халқлари саводхонлигини илмий тадқиқ этишда тарихий манба сифатида ишлатиб бўладими?

Туркистоннинг барча ҳудудлари каби Фарғона вилоятида ҳам аҳолининг саводхонлигини ҳисобга олиш масаласи руслаштириш сиёсати манфаатидан келиб чиқиб ҳал этилган. Фарғона вилоят ҳарбий губернаторининг шахсий ташаббуси билан рўйҳат варақасидаги 13-бандга “Саводли”, деган қўшимча киритилади. Маҳаллий халқнинг саводхонлигини рўйхатга олиш учун губернатор яна бир – “Рус тилида гапира оладими?” деган саволни ҳам қўшади. 13-бандга киритилган ўзгаришларни губернатор шундай тушунтиради: “Бу форманинг икки бўлимдан (“а” ва “б”) иборат 13-бандига яна бир бўлимни қўшиш фойдадан ҳоли бўлмайди, деб ўйлайман. Менимча, “Рус тилида гапира оладими?” – деган савол ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бу саволга берилган жавоб Туркистонда ҳоким миллат тилининг (рус) маҳаллий омма орасида тарқалиш меъёрига ижобий хизмат қилади”. Кўриниб турибдики, Фарғона вилоятидаги маҳаллий аҳолининг саводхонлиги фақат рус тилида ўқий олишига эмас, шунингдек русча гапира олишига қараб аниқланган… [1].

Самарқанд вилоятида рўйхатга олиш чоғида ғоятда қўпол хатоликларга йўл қўйилади. Вилоят аҳолисини рўйхатга олувчи комиссия

ҳисоботига кўра, рўйхатга олиш жараёнида 6 - 14, шунингдек, “саводи”ни қайд этадиган банд тўлғазилмаган. Ваҳоланки, 1896 йил 21 июндаги “Низом”га кўра 12 – (“она тили”) ва 13 – (“саводи”) бандларни тўлғазиш чекланилмаган. Хўжанд, Жиззах, Ўш уездлари комиссияларининг хисоботлари ҳам 13-банд тўлғазилмаганлигидан гувоҳлик беради. Уездлардаги рўйҳатга олувчи комиссиялар аъзоларининг маҳаллий ташкилотларга жўнатган ёзма равишдаги докладларида шу ҳақда сўз юритилади. Генерал-губернатор А. Б. Вревский Туркистон щлкасида 1895 - 1897 йиллар мобайнида амалга оширилган ишлар юзасидан Россия императорига йўллаган ҳисоботида, аҳоли рўйҳатида келтирилган маълумотлар, жумладан, халқнинг саводхонлигига доир кўрсаткичлар асоссиз эканлигини тан олишга мажбур бўлади.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш керакки, Туркистонда ўтказилган 1897 йилги аҳолининг умумий рўйҳати маълумотларидан Чор ҳукмдорлиги ва инқилобгача Туркистон халқларининг саводхонлигини аниқ белгилашда ишонарли манба сифатида фойдаланиб бўлмайди.

Брокгауз Ф.А. ва И.А. Эфроннинг Энциклопедик луғатида (9-жилд, СПБ, 1898) ўқиймиз: “Саводхонлик — “саводхон” деган сўз замирида ўқиш ва ёзишни биладиган ёки фақат бирор-бир тилда ўқий оладиган одам назарда тутилади”. В. Далнинг “Изоҳли луғати”да (1-жилд. Москва 1955 й.) ҳам мазмунан шунга ўхшаш шарҳ берилган: “Саводхонлик — ўқиш ва ёзишни билиш, айрим ҳолларда фақат биринчиси, ўқий олиш”. Бу ўринда В. Далнинг изоҳли луғати XIX асрнинг иккинчи ярмида яратилганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Маданият, фан ва техника тараққиёти туфайли саводхонлик тушунчаси ҳам ўзгарди. 1926 йилги аҳоли рўйҳатида саводхонлик ўқиш ва ёзишни билишга қараб аниқланган, 1989 йили аҳолини рўйхатга олиш варақасида саводхонликни аниқлаш учун қуйидаги саволлар қайд этилган: “маълумоти” (10-банд), “касб-ҳунар билим юртини тугатганлиги” (11-банд), “таълим олаётган билим масканининг тури”. ЮНЕСКО Бош конференциясининг (1958 йил декабрь ойи) Парижда ўтган X сессияси барча мамлакатларга аҳолини рўйхатга олишда саводхонлик тушунчасини аниқлаш учун кишиларнинг ўқий олишлари, ўқиганларни тушуна билишлари ҳамда ўзларининг кундалик ҳаёти ҳақида қисқача баён ёзишга қобилликларини ҳисобга олишни тавсия этади [5].

Энди савол туғилади, 1897 йилги аҳоли рўйхатида қайд этилган маълумотлар ҳақиқатдан йироқ экан, у ҳолда инқилобгача Туркистон халқларининг саводхонлигини қандай қилиб аниқлаш мумкин? Бу мураккаб масалага аниқлик киритиш учун тарихий манбаларни тарихий-сиёсий таҳлил усулида тадқиқ этишга уриниб кўрайлик. Қуйида инқилобгача Туркистон, Россия ва Белоруссиядаги таълим

бериш ва саводхонликнинг тарихий аҳволини қиёслаймиз. Нега қиёслаш учун атай… Россия ва Белоруссия танланган, деган савол туғилиши мумкин. Бунинг сабаби шундаки, совет олимлари ҳозиргача Россия ва Белоруссияда инқилобгача саводхонликнинг аҳволини, ҳамда 1897 йилги аҳоли рўйхатида қайд этилган Россия империяси халқлари саводхонлигига доир маълумотларни чуқур ўрганганлар.

Россияда аҳолининг умумий сони - 126 368 800, мактаблар сони - 33 401, ўқувчилар сони - 2 318 100, аҳолининг умумий сонига нисбатан ўқувчилар - 1,8 фоизни ташкил этган ҳолда аҳолининг саводхонлиги - 21 фоиз;

Белоруссияда аҳолининг умумий сони 6 492 857, мактаблар сони – 2 263, ўқувчилар сони – 1 254 108, аҳолининг умумий сонига нисбатан ўқувчилар - 1,9 фоизни ташкил этган ҳолда, аҳолининг саводхонлиги – 24,7 фоиз;

Туркистонда аҳолининг умумий сони – 3 792 774, мактаблар сони – 6027, ўқувчилар сони – 64 015, аҳолининг умумий сонига нисбатан ўқувчилар – 1,7 фоизни ташкил этган ҳолда аҳолининг саводхонлиги – 19,55 фоиз бўлган [1].

Архив ҳужжатларидан маълум бўлишича чор хукумати Туркистон ўлкасидаги халқ маорифи ишларига 1 084 082 сўм, яъни ўлканинг 44 570 399 сўмлик умумий бюджетидан атига 2,4 фоиз миқдорда пул ажратди. Демак, хулоса қилиш мумкинки, ўлкада маорифни ташкиллаштиришга бир йилда бир жонга ўрта ҳисобда 22 тийин ажратилди [6]. Бу маблағнинг ҳам асосий қисми ўлкада истиқомат қилувчи айнан рус миллатига мансуб аҳоли фарзандлари саводини чиқаришга йўналтирилди. Мазкур маблағнинг ҳам эҳтиёжлардан ва маҳаллий амалдорларнинг “чангалидан” ортган қисмигина маҳаллий аҳолининг таълимини ташкил этишга “етиб келди”.

1910 йилнинг кузида чор Россияси давлат думасида мажбурий умумтаълим ҳақида лойиҳа кўриб чиқилди. Туркистон илғор зиёлилари ва педагоглари бу масалага алоҳида эътибор билан ёндошдилар, чунки улар ушбу лойиҳа диний таълим ва она тилида дарс беришни ман қилиб қўйишидан хавотирда эдилар.

Олим Ж.Ғ. Йўлдошевнинг таъкидлашича, ўлка чоризм томонидан истило қилинганидан сўнг, илм-маърифатнинг нурафшон машъали бўлган мактаб ва мадрасалардаги ўқув-ўқитув ишлари таназзулга юз тутди. Чор амалдорлари Туркистон ҳудудида яшовчи маҳаллий халқ таълим тизими билан жиддий шуғулланмасдан, асосан аҳолини руслаштириш сиёсатини олиб бордилар. Мактаб ўқувчилари ва мадраса талабаларига билим бериш ўрнига, махсус ёлланган баъзи айғоқчилар таниқли илоҳиётшунос олимлар ва мударрисларни тафтиш

қилиб, уларнинг фаолиятини нотўғри талқин қилдилар. Чор ҳукумати маъмурияти ўлкадаги маҳаллий мактаб ва мадрасаларга нисбатан тазйиқ ўтқазиш мақсадида турли хил кураш усулларини қўлладилар. Мактаб ва мадрасаларда ташкил этилган дарс жараёнлари ҳам бу сиёсатдан четда қолмади [7].

Саводхонлик ҳақида гапирганда албатта мазкур ҳолатга нисбий тушунча сифатида ёндошиш тўғри бўлади. Чунки, юқорида қайд этганимиздек, саводхонликни баҳолашда бир қанча мезонларга амал қилиш талаб этилади. Алқисса, саводхонлик тушунчаси давр талабидан келиб чиқиб доимий ўзгариб, такомиллашиб боради. Бу ҳолатлар албатта бугунги кунда давр талабидан келиб чиқиб саводли инсонларга қўйиладиган талабларнинг ошиб бораётганлигидан далолатдир. Масалан бугунги кунда, саводхонлик тушунчасининг ўзини бир неча гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин. Иқтисодий саводхонлик, сиёсий саводхонлик ва б. Бугунда олий маълумотли кишидан бир қанча тилларни билиш талаб қилинмоқда. Ҳаттоки, илмий иш билан шуғулланаётган тадқиқотчиларга чет тилларни билиш даражасини аниқлаш бўйича талаблар жорий қилинган. Бирор жойга ишга жойлашмоқчи бўлсангиз албатта, қанақа тилларни билишингиз сўралади ва кўп тилларни билиш имтиёз сифатида қабул қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ким Л.Г. Уйдирма ва ҳақиқат // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1989 йил 29 октябрь.

2. Миддендорф А. “Очерки Ферганской долины”, СПБ. 1882.

3. Ўз.Р. МДА, 47-ф. 1-р., 2191-иш, доклад Духовского царю.

4. ЎзР. МДА, 1-ф., 31-р., 540-иш, 162-б.

5. Богданов И.М. “Грамотность и образование в дореволюционной России и в СССР”, Москва, 1964.

6. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида (XIX аср охири – XX асрнинг бошлари) // Т.: “Шарқ”, 2006. – Б. 18.

7. Йўлдошев Ж.Ғ. “Таълимимиз истиқлоли йўлида” // Т: Шарқ 1996. – Б. 27.

# ФОРМИРОВАНИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ УМЕНИЙ ДЕТЕЙ СТАРШЕГО ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА В ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

DOI: 10.53885/edinres.2021.49.87.017

**О. Г. Филиппова**

*доктор педагогических наук, доцент, заведующий кафедрой педагогики и психологии детства Южно-Уральского государственного педагогического университета, г. Челябинск, Россия*

**И. В. Спиридонова**

*воспитатель муниципальной дошкольной образовательной рганизации детского сада №51 города Копейск, Челябинская область, Россия*

***Аннотация:*** *Исследована проблема формирования экологических умений детей старшего дошкольного возраста в исследовательской деятельности и описана эффективность разработанной программы «Узнай и защити» в практике работы дошкольной образовательной организации. Изучены научно-методическая литература и программы, по экологическому воспитанию детей дошкольного возраста. Разработаны и реализованы психолого-педагогические условия формирования экологических умений в исследовательской деятельности дошкольников в практике ДОО.*

***Ключевые слова:*** *экологическое воспитание, экологические умения, исследовательская деятельность, принцип природосообразности, мотивационный, когнитивно-деятельностный, рефлексивный критерии, психолого-педагогические условия, организация совместной деятельности, навыки бережного отношения к природе, экологическая ответственность.*

# FORMATION OF ENVIRONMENTAL SKILLS OLDER PRESCHOOL CHILDREN IN RESEARCH ACTIVITIES

**O. G. Filippova**

*Doctor of Pedagogical Sciences, Associate Professor, Head of the Department of Pedagogy and Psychology of Childhood of the South Ural State Pedagogical University, Chelyabinsk, Russia*

**I. V. Spiridonova**

*Educator of the Municipal Preschool Educational Organization of kindergarten No. 51 of the city of Kopeysk, Chelyabinsk region, Russia*

***Abstract:*** *The problem of the formation of environmental skills of older preschool children in research activities is investigated and the effectiveness*

*of the developed program «Learn and protect» in the practice of preschool educational organizations is described. The scientific and methodological literature and programs on environmental education of preschool children were studied. Psychological and pedagogical conditions for the formation of environmental skills in the research activities of preschoolers in the practice of preschool educational institutions have been developed and implemented.*

***Keywords:*** *ecological education, ecological skills, research activity, the principle of nature conformity, motivational, cognitive-activity, reflexive criteria, psychological and pedagogical conditions, organization of joint activities, skills of careful attitude to nature, environmental responsibility.*

**Введение (Introduction).** На современном этапе развития образования проблема формирования экологических умений у детей дошкольного возраста представляет собой процесс единства и взаимосвязи составляющих экологической культуры. Взаимоотношения человека с природой – актуальный вопрос современности. Природа – наш дом и мы должны научиться жить в нём, не разрушая, не уничтожая. Экологическое воспитание дошкольников – это познание элементарных взаимосвязей живой и неживой природы и выработка на этой основе правильных форм взаимодействия с окружающим миром [2].

**Методология исследования (Research methodology).** В основу решения поставленных задач использовался комплекс научных методов: изучение и анализ психолого-педагогической, научно-методической, справочно-энциклопедической литературы и нормативных документов, обобщение опыта, проведение исследований, а также методы математической статистики, включающие наблюдение, тестирование, анализ результатов, обработка данных.

В Законе Российской Федерации «Об образовании в РФ» и других нормативных документах Российской Федерации сформулированы общие положения в системе образования:

- познавательное развитие предполагает формирование познавательных интересов детей, любознательности и познавательной мотивации;
- формирование познавательных действий, становление сознания;
- развитие воображения и творческой активности;
- формирование первичных представлений о себе, других людях, объектах окружающего мира, о свойствах и отношениях объектов окружающего мира (форме, цвете, размере, материале, звучании, ритме, темпе, количестве, числе, части и целом, пространстве и времени, движении и покое, причинах и следствиях и др.). О малой Родине и Отечестве, представлений о социокультурных ценностях нашего народа, об отечественных традициях и праздниках, о планете Земля как

в общем доме людей, об особенностях её природы, многообразии стран и народов мира.

Во ФГОС дошкольного образования устанавливаются следующие целевые ориентиры на этапе завершении дошкольного образования:

- ребенок проявляет инициативу и самостоятельность в исследовательской деятельности;
- проявляет любознательность, интересуется причинно-следственными связями, пытается самостоятельно придумывать объяснения явлениям природы;
- склонен наблюдать, экспериментировать;
- обладает элементарными представлениями из области живой природы, естествознания, математики, истории и тому подобное.

Следует отметить, что именно в старшем дошкольном возрасте создаются важные предпосылки для целенаправленного развития исследовательской активности детей: развивающиеся возможности мышления (А. Н. Поддьяков, И. С. Фрейдкин, О. М. Дьяченко). Становление познавательных интересов (Л. М. Маневцова, Н. К. Постникова, Е. В. Боякова, М. Л. Семенова). Развитие продуктивной (Т. С. Комарова, Н. П. Саккулина, Н. А. Ветлугина) и творческой деятельности (Д. Б. Богоявленская, А. М. Матюшкин, Н. Б. Шумакова). Расширение взаимодействия старших дошкольников с окружающим миром (Л. С. Римашевская, О. В. Афанасьева). Становление элементарного планирования и прогнозирования (Л. А. Регуш, Г. И. Вергелес).

В связи с тем, что тема исследования посвящена формированию экологических умений детей старшего дошкольного возраста, стоит уделить внимание рассмотрению различных точек зрения на понятие «экологическое воспитание» В литературе не сложилось единого подхода к определению понятия экологического воспитания. Первая группа исследователей (М. Коджаспирова, Г. Н. Казарчик, Т. Б. Казарцева, Е. В. Дубова, Т. А. Серебрякова), раскрывает его как процесс формирования экологической культуры[5]. Вторая группа исследователей (В. А. Ясвин, Е. А. Борисова, С. Н. Николаева) определяет экологическое воспитание как процесс формирования системы экологических знаний, умений, навыков, взглядов, убеждений, нравственных качеств [10]. Третья группа исследователей (Н. А. Рыжова, И. И. Скибицкая, Н. Н. Сорокина, Л. В. Мисякова, Р. М. Кадырова) под экологическим воспитанием понимает процесс формирования бережного отношения к природе. Обобщая все вышеизложенные подходы, под экологическим воспитанием мы будем понимать целенаправленный, организованный, систематичный, последовательный, планомерный образовательный процесс, направленный на развитие экологической культуры [8].

Таким образом, подводя итог проведенного анализа различных точек зрения (исследования Г. Н. Казарчик, Т. Б. Казарцевой, Е. В. Дудовой, Е. А. Борисовой, И. И. Скибицкой, Н. Н. Сорокиной, Л.В. Месяковой, А. Д. Шатовой, И. А. Сасовой, А. С. Прутченковой, Л. Н. Галкиной и др.) на понятия «экологическое воспитание» мы пришли к выводу, что в рамках нашего исследования под экологическим воспитанием будем понимать целенаправленный и систематический процесс формирования у детей старшего дошкольного возраста экономически обусловленного бережного отношения к природе [3].

По мнению Л. А. Венгера, А. В. Запорожец, М. И. Лисиной, Л. Ф. Обуховой, Е. О. Смирновой и Д. Б. Эльконина работу по экологическому воспитанию следует начинать с шести лет. Это обусловлено тем, что этот возрастной период важен для развития познавательной потребности ребенка, которая находит выражение в форме поисковой, исследовательской деятельности, направленной на открытие нового, которая развивает продуктивные формы мышления. При этом главным фактором выступает характер деятельности. Как подчеркивают психологи, для развития ребенка решающее значение имеет не изобилие знаний, а тип их освоения, определяемый типом деятельности, в которой знания приобретаются. В возрасте 6-7 лет у ребёнка резко расширяется сфера познавательных интересов. Он смотрит в большой мир широко открытыми глазами, многое вызывает у него интерес, он задаёт массу вопросов. Это говорит о том, что ребёнка интересует не только предметная сторона, но и связи и отношения предметов и явлений большого мира. Кроме того, формируется его отношение ко всему окружающему [9].

В контексте нашего исследовании под педагогическими условиями мы понимаем совокупность необходимых мер, обеспечивающих эффективность организации образовательного процесса, направленного на формирование экологических умений детей старшего дошкольного возраста в исследовательской деятельности.

В основу исследования положена гипотеза о том, что формирование экологических умений детей дошкольного возраста будет происходить успешнее, если реализовать следующие педагогические условия:

- обогатить развивающую предметно-пространственную среду в ДОО для реализации исследовательской деятельности и экспериментирования детей дошкольного возраста;
- создать эмоционально положительное отношение детей старшего дошкольного возраста к природе на основе знаний и представлений об окружающем мире;
- реализовать метод проектов для формирования экологических

умений необходимых для правильного отношения детей к себе, людям, природе.

Анализ исследований по проблеме показал, что в педагогике и психологии рассматриваются вопросы необходимости формирования экологических умений детей старшего дошкольного возраста, в исследовательской деятельности, представлены подходы к определению понятия, компонентов, процесса его формирования у детей [6]. Таким образом, рассмотрев теоретические аспекты проблемы экологического воспитания детей старшего дошкольного возраста, мы можем приступить к оценке эффективности реализации гипотезы и апробированию педагогических условий на практике.

**Анализ и результаты (Analysis and results).** Цель организованного опытно-экспериментального исследования заключалась в проверке эффективности использования совокупности предложенных педагогических условий в практике дошкольной образовательной оганизации и включает в себя три этапа.

Первый (констатирующий) этап позволил установить начальный уровень экологической воспитанности у детей в условиях ДОО. Для определения актуального уровня экологической воспитанности, мы опирались на критерии и показатели (мотивационный, когнитивно-деятельностный, рефлексивный), разработанные в исследованиях Л.Н. Галкиной. Для выявления уровня экологческой воспитанности старших дошкольников мы использовали диагностический инструментарий, основанный на методике Т. А. Федотовой «Воспитание у детей старшего дошкольного возраста культуры взаимодействия с природой».

Анализ начального исследования показал, что у 8% детей старшего дошкольного возраста отмечается высокий уровень, в то время как у 34% средний уровень, а у 58% низкий. У детей низкого уровня отсутствуют познавательные интересы к экологии. Детей этого уровня характеризует отрицательное отношение к процессу получения экологической информации. Они не стремятся к овладению нравственными экологическими качествами в процессе элементарной деятельности, с трудом осваивают элементарные экологические знания, умения и навыки, не понимают экологические понятия, связанные с безотходной технологией производства в соответствии с экологической направленностью. Дети достаточно плохо осознают и выражают свое отношения к полученным знаниям и умениям в области нравственных экологических качеств. Они неспособны получать удовольствие от деятельности, связанной с экологическими отношениями и проявлением нравственных экологических качеств. Полученные данные говорят о том, что с детьми старшего дошкольного возраста необходима целенаправленная работа по экологическому воспитанию.

Второй (формирующий) этап, цель которого проверить эффективность предложенных педагогических условий, а также результатов констатирующего эксперимента, в связи с этим спроектировать и провести работу, направленную на формирование экологических умений детей старшего дошкольного возраста.

Для реализации данной цели нами была разработана и апробирована программа «Узнай и защити».

Ведущими содержательными идеями программы, обеспечивающими формирование экологических умений в исследовательской деятельности определены:

1) идея формирования нового видения предметов и явлений природного мира, как жизнеобеспечивающих ценностей;

2) идея знакомства детей с понятием утилизация, что это экономит материалы и энергию, так как утилизация требует меньших затрат, чем изготовление материала заново;

3) личные возможности ребенка и способы экологически направляемых действий и поведения

Экспериментальная программа включает три тематических блока:

I блок – «Планета – наш дом»;

II блок – «Утилизация мусора»;

III блок – «Новая жизнь старым вещам», которые органически дополняют систему экологического образования в детском саду.

Все темы реализуются в тесной взаимосвязи и находят свое воплощение, как во время организованных занятий, так и в процессе совместной с воспитателем деятельности, а также в индивидуальной работе с детьми [1].

В группе мы активно пополняли развивающую предметно-пространственную среду. В уголке «Познаём мир вместе имеется: физическая карта мира и глобус; телевизор и проектор для просмотра познавательных передач и фильмов; различные виды часов, различные виды календарей; познавательная литература по экологическому воспитанию; настольные игры с познавательным содержанием; познавательная игротека. В группе имеется уголок экспериментирования «Лаборатория Эколят-дошколят» - развивает исследовательскую деятельность. На полочках для детского исследования размещаются самые разнообразные познавательные и природные материалы: коллекции познавательных книг, иллюстрированные энциклопедии и атласы, альбомы с алгоритмами выполнения опытов, новые наглядные материалы: таблицы, макеты, дидактические игры для возраста 6-7 лет: «Найди пару», «Укажи причину», «Найди все формы воды на картинке». Новые материалы: мох, образцы стекла, образцы бумаги,

образцы тканей, пластмасс и металлов, проволока, верёвки и нитки, наждачная бумага, копировальная бумага; технические материалы: шурупы, гайки, болты, скрепки, детали для сборки, новые вещества: крахмал, новые медицинские материалы: шприцы без игл, спринцовки, зелёнка. Пополнение инструментов: мерные ложки, отвёртки; новая посуда: мерные стаканчики, колбы, весы. Новые приборы: песочные часы, микроскоп, подзорная труба. Новые познавательные книги: сборники опытов и экспериментов для детей, тематические энциклопедии; новый наглядный материал: функциональные модели (роботы, автоматизированные приборы); настольные игры: «Магнитные эксперименты», «Природное электричество», «Секреты фокусов».

При проведении занятий по программе используются следующие приемы:

1. Организация совместной деятельности педагога и ребенка.
2. Создание игровой или проблемной ситуации.
3. Использование упражнений как одного из приемов формирования практических умений.
4. Побуждение ребенка к проговариванию того, что он делает.
5. Поощрение ребенка за его успехи (позитивное стимулирование и эмоциональная поддержка, похвала ребенка, создание ситуации успеха, символические «подарки» и призы за успехи выполнения задания в конце занятия с целью закрепления успешности ребенка [7].

В рамках программы использованы основные формы работы с детьми для экологического воспитания: информирование, дидактические игры, организация детского экспериментирования, сюжетно-ролевые игры с использованием моделирования, беседы, тренинги общения, рассматривание и анализ рисунков, фоторепродукций, моделирование и анализ заданных ситуаций, свободное и тематическое рисование, лепка, чтение и прослушивание аудиозаписей художественных произведений (сказок, стихотворений, историй), просмотр видеоисторий для обсуждения, рассказ педагога и детей, сочинение историй, игры-соревнования, использование проективных методик, мастер- классы, экологические акции, экскурсии, мастерская «Чудесные превращения», свободная игра [7].

Третий (контрольный) этап практической части исследования — это срез полученых данных, характеризующие уровень экологической воспитанности по трем критериям: мотивационный, когнитивно-деятельностный, рефлексивный. Определение уровня сформированности данных критериев на контрольном срезе осуществлялось на основе того же диагностического инструментария, что и на констатирующем этапе.

Мотивационный критерий на контрольном этапе изменился, мы

увидели, что уменьшилось количество детей с низким уровнем на 41%, в то время как количество детей с высоким и средним уровнями увеличилось на 20% и 22% каждый соответственно. Это доказывает эффективность проведенной работы на формирующем этапе эксперимента.

Исходя из полученных данных, мы видим, что с низким уровнем количество детей по когнитивно-деятельностному критерию снизилось на 42%, в то время как высокий и средний уровень повысился на 16% и 25% каждый соответственно, что говорит о том, что, не смотря на сложности с детьми низкого уровня экологической воспитанности, все же общая часть детей прогрессировала.

Проанализировав полученные данные по рефлексивному критерию, стоит отметить изменения по количеству детей низкого уровня экологической воспитанности уменьшилось на 37%, в то время как на среднем и высоком уровне наблюдается повешения уровня освоенности умениями на 29% и 8% соответственно.

Таким образом, контрольный срез выявил повышение уровня экологической воспитанности детей, позволил установить позитивные изменения в их развитии. Следовательно, наблюдается наиболее значительный переход дошкольников с низкого на более высокие уровни экологической воспитанности благодаря внедрению комплекса педагогических условий.

В результате исследования нами изучены возрастные особенности формирования экологических умений детей старшего дошкольного возраста, в исследовательской деятельности. Уточнена сущность понятия экологического воспитания. Теоретически обоснованы и реализованы в практике ДОО педагогические условия процесса формирования экологических умений детей старшего дошкольного возраста, в исследовательской деятельности. Выявлены критерии экологического воспитания (мотивационный, когнитивно - деятельностный, рефлексивный) и соответствующие каждому критерию показатели уровня экологической воспитанности детей старшего дошкольного возраста. Разработана и описана программа экологического воспитания старших дошкольников в условиях дошкольной образовательной среды.

**Обсуждение (Discussion).** Формирование исследовательских умений на ступени дошкольного детства закладывает основу для развития у ребенка позиции исследователя, «ученого». С. Л. Рубинштейн указывал, что для детей дошкольного возраста абсолютно естественно развиваться, формироваться, становиться тем, что он есть в процессе исследовательской деятельности.

А. И. Савенков замечал, что «для ребенка естественнее и потому

гораздо легче постигать новое, проводя собственные исследования - наблюдая, ставя эксперименты, делая на их основе собственные суждения и умозаключения, чем получать уже добытые кем-то знания в "готовом виде". В данном случае ученые подчеркивают не только важность организации исследовательской деятельности с дошкольниками, но и ее необходимость для формирования экологических умений в том числе [2].

Опираясь на идеи О. В. Солодянкиной, взаимодействие с семьями детей осуществляется в основном через:

– включение родителей в педагогический процесс;

– обогащение области участия родителей в ходе организации деятельности образовательного учреждения;

– создание необходимых условий, которые способствуют творческой самореализации детей, родителей и педагогов;

– организация выставок детских работ, оформление информационно-педагогических уголков в группе, позволяющих родителям более точно и детально ознакомиться с особенностями учреждения, созданием и обогащением образовательного процесса развивающей предметно-пространственной средой;

– согласованность действий родителей и педагогов в совместном процессе воспитания и развития ребенка.

В рамках нашего исследования мы дополнили формы работы с родителями, организовав инновационную площадку на базе ДОО. Было предложено педагогам, детям и родителям принять совместное участие в проектной деятельности, сборе батареек, сборе макулатуры, проведении опытов с бытовыми отходами, проведении экологических акций, снятии роликов социальной рекламы, изготовлении буклетов, различных поделок из бросового материала, пригласить специалиста гарболога с лекцией «Утилизация мусора». Благодаря проделанной работе. мы получили эффективный педагогический опыт.

**Заключение и рекомендации (Conclusion/Recommendations).** Проведённое исследование, направленное на экологическое воспитание детей старшего дошкольного возраста, вносит определенный вклад в теорию и практику системы дошкольного образования. В ходе исследования мы убедились, что результат будет более эффективным, если проводить работу систематически в специально создаваемых условиях не только в образовательной среде, но и в семье. Таким образом, результаты исследования свидетельствуют о позитивных изменениях в экологическом воспитании, детей старшего дошкольного возраста. У детей повысился уровень сформированности экологических умений в исследовательской деятельности. Следует подчеркнуть, что у

детей проявился не только интерес к экологической сфере жизни семьи и общества, но и активизировалась элементарная самостоятельная природоохранная деятельность.

Библиографический список

Бабаева Т.И. Примерная образовательная программа дошкольного образования /Т.И Бабаева, А.Г Гогоберидзе, О.В. Солнцева и др.//Спб: ООО Издательство «ДЕТСТВО-ПРЕСС», 2014– 280с.

Савенков А.И. Противодействие исследовательскому поведению ребенка в современном образовании/ А.И. Савенков // Высшее образование в России. – 2012 №8-9. С.67-73.

Филиппова, О. Г., Батенова, Ю. В., Прохорова, А. А. Теоретико-практические аспекты развития эмоционально-нравственной культуры у детей старшего дошкольного возраста [Текст] / О. Г. Филиппова, Ю. В. Батенова, А. А. Прохорова // Азимут научных исследований: педагогика и психология. – 2021. – Т. 10, № 3(34). – С. 269-273.

Кадырова, Р. М. Проблема экологического воспитания дошкольников в современной педагогической теории [Текст] / Р. М. Кадырова // Педагогическое мастерство: материалы V Междунар. науч. конф. (г. Москва, ноябрь 2014 г.). – Москва : БукиВеди, 2014. – С. 160-162.

Коджаспирова, Г. М. Педагогический словарь [Текст] / Г. М. Коджаспирова, А. Ю. Коджаспиров. – Москва : Академия, 2015. – 176 с.

Колосова, И. В. Подготовка будущих воспитателей к формированию у детей старшего дошкольного возраста исследовательских умений [Текст] / И. В. Колосова, О. Г. Филиппова // Вестник Челябинского государственного педагогического университета. — 2019. — № 5. — С. 195-213.

Психолого-педагогическое сопровождение образовательного процесса в условиях изменяющегося пространства детства: коллективная монография [Текст] / И. Е. Емельянова, О. Г. Филиппова, С. Д. Кириенко [и др.] ; под науч. ред. О. Г. Филипповой. — Челябинск : Издательский центр «Титул», 2018. — 340 с

Рыжова, Н. А. Экологическое образование в детском саду [Текст] / Н. А. Рыжова. – Москва : Карапуз, 2011. – 432 с.

Рындина А. Г. Особенности применения метода проектов в детском саду в условиях реализации ФГОС дошкольного образования / А. Г. Рындина // Детский сад от А до Я. -№ 5. - № 5 (71). - 2014.- С. 131-141.

Ясвин, В. А. Психология отношения к природе [Текст] / В. А. Ясвин. – Москва : Смысл, 2018. – 234 с.

# ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТДА ЎЗ УСТИДА ИШЛАШ ВА МЕҲНАТНИ ИЛМИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ – САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

DOI: 10.53885/edinres.2021.51.33.018

**Ш. Ў. Нуруллаева**

*Қарши давлат университети доценти, педагогика фанлари номзоди*

***Аннотация.*** *Педагогик фаолият динамик характерга эга бўлиб, у доимий равишда ривожлантиришни тақозо этади. узлуксиз педагогик таълим эса ўқитувчининг ўз устида ишлаши ва фаолиятини илмий ташкил этиши асосида ташкил этилиши лозимдир. Педагогик фаолият мазмунига кўра ижодий характерга эга бўлганлиги сабабли меҳнатни илмий ташкил этиш фаолият самарадорлигини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади. Мақолада шахс ўз устида ишлаш жараёнига доир қарашлар таҳлил қилинган. Шахснинг фаоллик, мустақиллик, жавобгарлик, масъулиятлилик, ташаббускорлик, мақсадга интилиш, ўз-ўзини бошқариш, ташаббускорлик каби психологик сифатлари ўз-ўзини ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади. Ушбу омиллар таҳлили асосида шахс ўз устида ишлаши динамикасини таъминловчи зиддиятлар аниқланган. Илмий таҳлиллар ва изланишларга таянган ҳолда ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаш жараёнининг ўз-ўзини таҳлил, ўз-ўзига вазифа бериш, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини баҳолаш каби босқичларда амалга ошириладиган вазифалар мазмуни ишлаб чиқилган.*

*Педагогик меҳнатнинг иккиёқлама характери, ўқитувчи-ўқувчининг биргаликдаги фаолияти, ягона мақсад сари ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш каби ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Ушбу таҳлиллар асосида педагогик фаолиятни илмий ташкил этиш шартлари сифатида вақтдан унумли фойдаланиш, қулай меҳнат шароити ва дам олиш имкониятлари кўрсатилган; педагогик меҳнатни илмий ташкил этиш тамойиллари ишлаб чиқилган.*

*Мақолада педагогик меҳнатни илмий ташкил этиш учун ўқитувчи касбига оид сифатларни шакллантириш; ўз маҳорат элементларини хосил қилиш; объектив шарт-шароитни ҳисобга олиш ва педагогик фазилатларни таркиб топтириш каби йўналишларда амалга ошириладиган вазифалар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.*

***Калит сўзлар:*** *педагог, педагогик меҳнат, меҳнатни илмий ташкил этиш, режалаштириш, кун тартиби, иш вақти, меҳнат шароити, дам олиш вақти.*

# САМОРАЗВИТИЕ И НАУЧНАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ - ФАКТОР ЭФФЕКТИВНОСТИ

**Ш. У. Нуруллаева**
Доцент Каршинского государственного университета, кандидат педагогических наук

***Аннотация.*** *Педагогическая деятельность носит динамичный характер, который требует постоянного развития. а непрерывное педагогическое образование должно быть организовано на основе самостоятельной работы преподавателя и научной организации его деятельности. Поскольку содержание педагогической деятельности носит творческий характер, научная организация труда является важным фактором, обеспечивающим эффективность деятельности. В статье анализируются взгляды на процесс самостоятельной работы индивида. Психологические качества личности, такие как активность, самостоятельность, ответственность, инициативность, стремление к цели, самоуправление, самосознание, являются важным фактором саморазвития. На основе анализа этих факторов были выявлены противоречия, которые обеспечили динамику работы индивида над собой. На основе научного анализа и исследований разработано содержание заданий, выполняемых на таких этапах, как самоанализ, самостоятельное задание, саморазвитие и самооценка процесса самообучения учителей.*

*Проанализированы специфические особенности педагогической работы, такие как двусторонний характер, совместная деятельность учителя и ученика, организация совместной деятельности, направленной на достижение единой цели. На основе этих анализов в качестве условий научной организации педагогической деятельности указаны продуктивное использование времени, благоприятные условия труда и возможности для отдыха; разработаны принципы научной организации педагогического труда.*

*В статье подробно рассматриваются задачи и рекомендации, которые необходимо для научной организации педагогической работы в таких направлениях, как вопросы формирования личных качеств; формирования педагогического мастерства; учет объектных условий и формирование педагогических качеств.*

***Ключевые слова:*** *педагог, педагогический труд, научная организация труда, планирование, повестка дня, рабочее время, условия труда, время отдыха.*

# SELF-DEVELOPMENT AND SCIENTIFIC ORGANIZATION OF PEDAGOGICAL ACTIVITY - AN EFFICIENCY FACTOR

Sh. U. Nurullaeva
Associate Professor of Karshi State University, Candidate of Pedagogical Sciences

***Abstract.*** *Pedagogical activity is dynamic in nature, which requires constant development. and continuous pedagogical education should be organized on the basis of the independent work of the teacher and the scientific organization of his activities. Since the content of pedagogical activity is of a creative nature, the scientific organization of work is an important factor that ensures the effectiveness of activities. The article analyzes the views on the process of independent work of an individual. Psychological qualities of a person, such as activity, independence, responsibility, initiative, striving for goals, self-management, self-awareness, are an important factor of self-development. Based on the analysis of these factors, contradictions were identified that provided the dynamics of the individual's work on himself. On the basis of scientific analysis and research, the content of tasks performed at such stages as self-analysis, independent task, self-development and self-assessment of the self-learning process of teachers is developed.*

*The specific features of pedagogical work are analyzed, such as the bilateral nature, the joint activity of the teacher and the student, the organization of joint activities aimed at achieving a single goal. On the basis of these analyses, the productive use of time, favorable working conditions and opportunities for recreation are indicated as conditions for the scientific organization of pedagogical activity; the principles of the scientific organization of pedagogical work are developed.*

*The article considers in detail the tasks and recommendations that are necessary for the scientific organization of pedagogical work in such areas as the formation of personal qualities; the formation of pedagogical skills; taking into account object conditions and the formation of pedagogical qualities.*

***Keywords:*** *teacher, pedagogical work, scientific organization of work, planning, agenda, working hours, working conditions, rest time.*

Ҳар қандай меҳнатнинг муваффақияти ва самараси уни ташкил этишга, бу меҳнатни уюштиришга таъсир этадиган шарт-шароитларга, фаолиятни амалга ошириш йўлларига боғлиқ. Демак, педагогик фаолиятнинг самараси ҳам ўқитувчи ўз ишини қандай ташкил этишига

ҳамда бунга таъсир этадиган шарт-шароитлар қандайлигига боғлиқ. Хар қандай меҳнатни бажарувчи шахс ўқитувчи ҳам ўз ишини ташкил этишда ўзига маъқул бўладиган, ўзи яхши эгаллаган маҳорат билан бажара оладиган услубларни танлайди. Биз илмий техника тараққиёти даврида яшамоқдамиз. Демак, ўз ишимизни ташкил этишда ҳам фан-техника ютуқларига асосланишимиз керак бўлади. Хусусан, ўқитувчи ҳам ўз меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил этиши лозимдир.

Шахс шаклланиши ва ривожланишида таълим ва тарбиянинг ўрни қанчалилк салмоқли бўлса, ўз ўрнида айнан таълим ва тарбия жараёнида шахснинг ўз устида ишлаши шунчалик самарали аҳамиятга эгадир. Демак, педагогик тадқиқотларда ўз устида ишлаш бу ташқи олам ва таълим-тарбия субъекти томонидан берилаётган тарбиявий таъсирлар самарадорлигини оширувчи муҳим омил бўлиш билан бир қаторда, алоҳида таълим-тарбия бериш шакли сифатида ҳам ўрганилади.

Ушбу таълим шакли Қадимги Греция фалсафасида ҳам чуқур таҳлил этилган. Жумладан, Суқрот қарашларида етакчилик қилувчи “ўз-ўзини англаш” ғояси инсоннинг ҳақиқат ва ижобий хислатларга эришувида асосий йўл сифатида талқин этилган. Яъни унинг фикрича фақатгина инсон ўз-ўзини англаш орқалигина инсон нимага қодир ва нимани амалга ошира олмаслигини аниқлайди ва келажакда ҳақиқатга эришиш йўлини белгилайди. Суқрот таълимотида етакчилик қилувчи “суқротча суҳбат” метод ҳам инсон ўз-ўзини англашига ва ҳақиқатни ўзи аниқлашида муҳим аҳамиятга эга эканлиги маълумдир. [1, 154].

И. Г. Песталоцци қатор Европа педагог олимлари орасида шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш концепцияси билан ажралиб туради. Жумладан, таълимни ҳам шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш, фаол ривожланишдаги табиий эҳтиёжнинг қондирилиши натижаси сифатида талқи этади ва шундай деб таъкидлайди: “Кўз кўришни, қулоқ эшитишни, оёқ юришни, қўл бирор нарсани ушлашни хоҳлайди. Шунингдек юрак ишониш ва севишни, ақл эса фикрлашни хоҳлайди. Инсоннинг ҳар бир ҳаётий фаолияти замирида жонсизлик ва ҳаракатсизликдан чиқиш, комилликка эришишга бўлган мойиллик мавжуддир” [2, 213].

Фаоллик, мустақиллик, жавобгарлик, масъулиятлилик, ташаббускорлик, мақсадга интилиш, ўз-ўзини бошқариш, ташаббускорлик каби сифатлар шахснинг ўз-ўзини ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Ўз устида ишлашга доир назарий қарашлар шахс ҳаётий эҳтиёжларини қоплаш, психоэмоционал хотиржамлик ва шахс камолотининг муҳим омили сифатида талқин этилади. Муаммонинг педагогик аспектлари таълим жараёнида шахснинг ўз устида ишлаш ва шахсий имкониятларини намоён этиш шаклларини очиб беради. Психологик

нуқтаи назардан эса шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш феномени тўлиқ ўрганилмаган. Аммо манбаларда "ўз-ўзини ривожлантириш" атамаси ўзаро боғлиқ бўлган, аммо бир-биридан фарқланувчи учта тушунчадан иборат эканлиги таъкидланади: ўз-ўзини ривожлантириш, шахснинг ривожланиши ва шахсий ривожланиш. Ушбу тушунчалар кўпинча синонимлар сифатида ишлатилсада, уларнинг ҳар бири ўзига хос маъноларни англатади. Ўз-ўзини ривожлантириш ижодкорликка, яратувчанликка мойиллик сифатида талқин этилади. Демак, психологияда ўз-ўзини ривожлантириш икки йўналишда : биринчиси ички имкониятлар, туртки асосида ўз-ўзидан содир бўладиган жараён сифатида, иккинчиси эса англанган ҳамда мақсадга мувофиқ ўз-ўзини ўзартириш жараёни сифатидаги ривожланиш.

Шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш жараёни бир неча босқичли иерархия тарзида амалга ошади. Бунда ҳар бир босқичдаги эҳтиёжлар тўлиқ амалга ошгандагина навбатдаги босқичга ўтилади ва охир-оқибат шахс ўз имкониятларини намоён этишга ва шахсий ривожланишга эришади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши мутахассис сифатида ўз шахсий имкониятларни намоён этиш томон ҳаракат, педагогик жараён талабларига адаптация,касбий компетентликни мунтазам ошириб бориш, маънвий-ахлоқий сифатларни узлуксиз ривожлантириш каби фаолиятгни амалга ошириш ҳамда шахсий ташаббускорлик, мустақиллик, масъулиятлилик ва иродавий сифатларнинг намоён бўлишидир. Психологик ва педагогик манбалар таҳлилига таянган ҳолда таъкидлашимиз мумкинки, бўлажак ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаш жараёнини тартибга солиб турувчи ташқи омилларга педагогик муҳит, педагогик мулоқот, вақтдан унумли фойдалана билиш ва жамоани бошқариш услуби кабилар киради.

Бошланғич синф ўқитувчиларининг ўз устида ишлаш жараёни динамикасини таъминловчи суч сифатида қатор қарама-қаршиликларни келтиришимиз мумкин:

Шахсий имкониятлар ва ўз фаолият мазмунини ўзгартириш ҳамда ўз-ўзини ривожлантириш эҳтиёжи ўртасидаги қарама-қаршиликлар.

Педагогик мақсад ва мотив ўртасидаги қарама-қаршиликлар. Мотивнинг мақсад сари яқинлаштириш педагогга ўз устида ишлаш эҳтиёжини юзага келтиради.

Педагогик талаб ва вазифалар динамикаси ҳамда уларни амалга оширишдаги ички имкониятлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар.

Педагогнинг ўз фаолияти учун танлаб олган идеал образи ҳамда шахсий натижалари ўртасидаги фарқ.

Бўлажак ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаш жараёни ўзаро узвий

боғлиқ бўлган ва бир-бирини тўлдириб борувчи тўртта босқичда амалга ошади:

Биринчи босқич – ўз-ўзини таҳлил босқичи. Бу босқичда ички ҳаракат "Мен ва Ўзга инсон" модели асосида амалга ошади. Яъни бўлажак ўқитувчи ўз фаолиятини четдан, ўзга бир инсон сифатида таҳлил қилади, ўз фаолиятига ҳеч бир манфаатларга таянмасдан, танқидий, о.ъектив баҳо беради. Ва бунда асосийси ўз имкониятлари, билими, эгаллаган тажрибалари доирасини аниқ белгилаб олади.

Иккинчи босқич – ўз-ўзига вазифа бериш босқичи. Бу босқич "Мен ва Мен" модели асосида амалга оширилади. Бу босқичда педагог ўз имкониятлари ва эгаллаши лозим бўлган билим ҳамда тажрибалари доирасини қиёслаши асосида, жамият талабларидан келиб чиқиб амалга ошириши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олади, ўз-ўзини мустақил ишлаш фаолиятига тайёрлайди, мотивация яратади.

Учинчи босқич - ўз-ўзини ривожлантириш босқичи. "Мен ва МЕН" модели асосида амалга ошадиган босқичда педагог ўзини такомиллашган тажрибалар эгаси бўлган педагог даражасига кўтариш учун амалга ошадиган ҳаракатлар кетма-кетлигини бажаришга киришади. Бу асосий босқич бўлиб, айнан шу босқичда бўлажак ўқитувчи ёки педагог мустақил фаолиятни амалга оширади, иродавий сифатларни намоён этади, ташаббускорлик кўрсатади. Натижада у ўзини "МЕН" тарзида, яъни ривожланишнинг янги, юқорироқ босқичига ўтганлигини англайди.

Тўртинчи босқич – ўз-ўзини баҳолаш босқичи. Бу босқичнинг педагогик ўз устида ишлаш жараёнининг сўнгги босқич бўлиб, бу босқич "Мен ва менинг Идеалим" моделида амалга ошади. Яъни бўлажак ўқитувчи ёки педагог ўз устида ишлаш жараёни натижасини ўз идеалидаги ўқитувчи кўрсаткичлари билан қиёслайди ва ўз фаолиятига баҳо ерадн. Ўз-ўзига берилаётган баҳонинг объективлиги ўз устида ишлаш жараёни самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Яъни ушбу баҳо талабанинг ёки педагогнинг ўз устида ишлаш жараёни давомийлиги, узлуксизлигини таъминлайди.

Ўз устида ишлашнинг ҳар бир босқичида бўлажак ўқитувчи ғолиб ва мағлуб бўлади, маълумотларни қабул қилади ёки рад этади, ривожланади, умумлашмалар қилади, янги маълумотларни ўз тажрибаси билан қиёслайди.Натижада педагогик фаолиятда маълум бир янги босқичга кўтарилади.

Бўлажак ўқитувчиларни педагогик тайёрлаш замонавий шароитда ахборот коммуникацион технологиялардан самарали фойдаланишни тақозо этади. Виртуал таълим муҳити ҳар бир талаба ва педагог учун ўз устида ишлаш жараёнида юзага келувчи замон ва макон муаммоларини

енгиб ўтишга ёрдам беради. Яъни виртуал таълим муҳитида ҳар бир педагог ўз устида ишлаш жараёнини иш жараёнидан ажралмаган ҳолда, масофадан туриб амалга ошириш, илғор тажрибаларни ўрганиш, кузатиш ва ўз навбатида тажрибаларини оммалаштириш имкониятига эга бўлади.

Ўқитувчининг ўз устида ишлаш жараёнини ва меҳнат фаолиятини ташкил этиши жараённи илмий асосда ташкил этиш билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, мустақил фаолият шахснинг бир мақсадга йўналтирилган ижтимоий-фойдали фаолияти бўлиб, у ақлий, жисмоиий куч, масъулият ва ғайратни талаб этади.

Ўқитувчи меҳнати - ижодий касблар турига киради. Педагогик фаолият ўз моҳиятига кўра ижодий характерга эга. Маҳоратли педагог ўқувчи шахсини шакллантиради, кутилмаган вазиятда мустақил қарор қабул қилади, педагогик муаммолар оригинал ечимлар топа билади ва ўқув жараёнини мустақил бошқаради. Ва энг асосийси айнан бир хил педагогик вазият бўлмаганлиги каби, муаммолар ечимида стандарт усуллардан фойдаланишнинг имкони ҳам йўқ.

Педагогик меҳнатнинг моҳияти ва унинг ўзига хослиги шундаки:

а) жараён икки ёқлама характерга эга;

б) ўқитувчи фақат бир ўқувчи билан эмас, балки жамоа билан ишлайди;

в) ўқувчи ва ўқитувчининг биргаликдаги фаолият юритадилар.

Меҳнатни илмий ташкил этишда, авваламбор, илм-фан ютуқларини фаолиятга жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунингдек, илмий асосда ташкил этиладиган меҳнатнинг қуйидаги муҳим шартлари қайд этилади:

1. Вақтдан имкон қадар самарали фойдаланиш;

2. Меҳнат ва дам олиш учун яратилган қулай шарт-шароитлардан самарали фойдаланиш, уни ташкил этиш;

3. Барча имкониятларни ишга солган ҳолда меҳнат қилиш учун соғлиғи ва ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш.

Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш деганда педагогик жараённи бошқариш учун педагогика ва психология фанининг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда ўз ишини ижодий ташкил этиб, янгиликлар яратиш тушунилади. Ўқитувчи меҳнати унинг вақт сарфи билан боғлиқ. Ишнинг муваффақияти вақтдан унумли фойдалалиш, ўзининг имкониятларини тўла ҳисобга олиш, қулай меҳнат шароити яратиш, ўқув-тарбия жараёнида ўзини намойиш этиш ва ўзининг имкониятларини тўла намоён этиши билан боғлиқ.

Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш биринчи навбатда ўзининг ижодий имкониятларига ишониш демакдир. Ўқитувчи таълим жараёнини тўла тасаввур этиши керак, унинг механизмини, қонуниятларини, ўқувчиларнинг билиш имкониятларини яхши англаши керак.

Педагогик меҳнатни илмий асосда ташкил этишда қуйидаги тамойилларга амал қилиш талаб этилади:

1. Режалаштириш.
2. Ташкил этиш
3. Бошқариш.
4. Назорат қилиш.

Қонуният ва тамойилларнинг бажарилиши ўқитувчи меҳнатининг қуйидаги йўналишларига боғлиқ:

1-йўналиш. Ўқитувчи касбига оид сифатларни шакллантириш:

ўз ишига, касбига оид чуқур билимларни эгаллаш;
давлат томонидан қабул қилинган ҳужжатлар, қонунларни билиш;
педагогика, психология ва хусусий методикани ўрганиш;
болалар жамоаси ва шахси ҳақидаги билимларни ўрганиш;
илғор тажрибани ўрганиш ва ўз ишида тадбиқ этиш;
ўз устида ишлаш ва ўз-ўзини тарбиялаш.

2-йўналиш. Ўз маҳорат элементларини хосил қилиш:

ўз ишига керакли бўлган ва педагогик маҳоратини оширишдаги кўникма ва малакаларни эгаллаш;
ўз кучи ва қобилиятинн тўғри ишлата олиши;
ўз вақтида керакли ва тўғри қарор қабул қилиш.

3-йўналиш: объектив шарт-шароитни ҳисобга олиш;

ишлаш шароити ва жамоадаги маънавий ҳолат;
жамоадаги психологик ҳолат;
ижодий ёндашув;
инсонпарварлик;
рағбатлантириш;
гигиена қоидаларига риоя қилиш;
кунни тўғри ташкил этиш.

4-йўналиш. Ўқитувчининг ўз меҳнатини илмий асосда ташкил этиш учун унда маълум даражада педагогик фазилатлар бўлиши керак:

ким билан ишлаётганини аниқ билиши учун улар ҳаёти ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш;
ўз хоҳиш ва мақсадини аниқ билиш;
ўз олдига вазифа қўя олиш;
керакли мазмун, шакл, методларни танлай олиш;
ҳар ишнинг ҳолатини таҳлил қила олиш;
методик қўлланмаларни ўрганиш ва уларни тўплай олиш;
вақтни тўғри тақсимлаш.

Педагогик меҳнатни илмий ташкил этишда ўқитувчинииг кун тартиби ва иш жойи муҳим рол ўйнайди. Ўқитувчи ўзи учун энг оптимал, юқори унум берадигаи кун тартибини топа олиши керак. Педагогик меҳнатни илмий ташкил этишга қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат:

илм-фан янгиликларидан бохабар бўлиш ва ўз фаолиятига жорий этиш;
меҳнат фаолиятини объектив ва субъектив шарт-шароитларни

инобатга олган ҳолда пухта режалаштириш ҳамда ушбу режа асосида фаолият юритиш;

қулай меҳнат шароити яратиш ва техник воситалардан самарали фойдаланиш;

ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш ва фаолиятни назорат қилиш;

рағбатлантириш ва ўз вақтида дам олиш, саломатлик учун қайғуриш;

Педагогик фаолият ўз мазмуни ва мақсадига кўра илм-фан ютуқларини доимий равишда ўрганиб боришни ҳамда амалиётга тадбиқ этишни тақозо этади. меҳнатни илмий ташкил этишда ҳам ушбу шарт муҳим бўлиб, ўқитувчи фаолият мазмунини доимий равишда хорижий ва республикамиз олимлари, педагоглари ютуқлари, янгиликлари билан бойитиб бориши талаб этилади.

Ишни режалаштиришдаги асосий масала уюштириладиган барча фаолият турларини унда қатнашаётган жамоа аъзоларини умумий педагогик мақсадга бўйсундиришни кўзда тутади, бунда яқин, ўрта, узоқ мақсадларни инобатга олиш кўзда тутилади. Демак, ўқитувчининг кун тартиби унинг фаолияти ва ҳаётини тартибга солувчи асбобдир. У йўқ жойда меҳнат унуми ҳам паст бўлади, саломатлик йўқолиб боради. Натижада ўқитувчи сарф қилган кучини қайта тиклай олмайди, иш қобилияти йўқолади, оқибатда сифати касаяди, Илмий асосланган кун тартиби ўқитувчиларнинг ўз меҳнатини алмий ташкил этиш вазифасини ҳал этишга қўйилган қадам бўлади.

Педагогик меҳнатни илмий ташкил этиш шартларидан яна бири иш ўрнини тартибга солиш ва қулай меҳнат шароитини ташкил этишдир. Ўқитувчининг иш жойи иш жараёнининг бир қисми бўлиб, меҳнат унумининг юқори бўлишига таъсир этади. Ўқитувчининг иш жойи, хусусияти, педагогик меҳнатнинг мазмуни ва хусусияти билан белгаланади.

Меҳнат шароити тушунчаси комплекс тушунча. Меҳнатни илмий ташкил этиш тажрибасида меҳнат шароити деганда инсоннинг меҳнат қилаётган жойи, конкрет вазият кўзда тутилади. Яна унга психофизиологик, ижтимоий, психологик ва гигиеник омиллар ҳам таъсир этади.

Педагогик меҳнатнинг самараси, мақсади ва фаолият вазифасига кўра билишда ва аниқлай олишдадир. Шундагина ишни илмий ташкил этиш мумкин бўлади.

Педагогик меҳнатни назорат қилиш ва ҳисобга олиш принципи ўқитувчи ишини мунтазам ва режали кузатиб бориш, ютуқ ва камчиликларни аниқлаш, муҳимларини ажратиб олиш кўзда тутилади. Ҳисобга олишнинг энг мақбул йўли статистик ҳисобга олишдир. Педагогик назорат эса объективлилик, омилкорлик, самарадорлик, мунтазамлилик ва ошкораликни талаб қилади.

Ўқитувчи меҳнатини назорат қилиш ва хисобга олишнинг мунтазамлилиги, изчиллиги қуйидагилардан ташкил топади:

ўқув материаллари ва тарбиявий тадбирларга тайёрарликда ўз-ўзини назорат қилиш;

дарсдан ташқари вақтларда таълим-тарбияни назорат қилиш ва ўз-ўзини кузатиш;

ўқитувчининг дарсдан ташқари вақтда назорат қилиш;

ота-оналар ва жамоатчилик билан бажариладиган ишларни назорат қилиш;

ўз устида ишлашни назорат қилиш.

Инсон педагогик фаолиятда ҳам энг олий қадрият ҳисобланади. ўқитувчининг саломатлиги ҳам педагогик меҳнатни илмий ташкил этишда муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Шу сабабли ўқитувчи фаолиятини режалаштириш ва ташкил этишда дам олиш ҳамда саломатлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Дам олиш учун кунлик амалга ошириладиган иш турлари оралиғида, кунлик иш фаолияти якунида, иш ҳафтаси якунида ва йиллик таътил давомида ўқитувчи дам олиш ва саломатлигини тиклашга алоҳида эътибор қаратиши талаб этилади.

Педагогик меҳнатнинг илмий асосда ташкил этилиши, ушбу жараён самарадорлигини, илмийлигини, мазмундорлигини ошириш билан бир қаторда таълим жараёни иштирокчиларига ўз салоҳиятларини узоқ муддат давомида намоён этиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

Андреев В. И. Педагогика: Учебный курс для творческого саморазвития. Казань: Центр инно- вац. технологий, 2003. 608 с.

Песталоцци И. Г. Избранные педагогические сочинения: в 2 т. М.: Педагогика, 1981. Т. 2., 416 с.

Nurullaeva Sh., Aslanova O., Yuldashev S., Boymatova M. Modeling the Professional Training of Future Teachers. PSYCHOLOGY AND EDUCATION (2021) 58(2): 1295-1305.

Нуруллаева, Ш. У. (2014). ТЕХНОЛОГИИ ФОРМИРОВАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ НАВЫКОВ У БУДУЩИХ ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ. In Подготовка профессиональных управленческих кадров: опыт, проблемы, инновационные образовательные технологии (pp. 60-64).

Nurullayeva, S. U. (2017). Emotional stability as one of the professional qualities of teachers. Наука и мир, 2(7), 64-65.

Nurullayeva, S. H. «Pedagogical cooperation in higher education.» Современное музыкальное образование: традиции и инновации. 2016.

Khalilovna, O. N., Lutfullayevna, B. L., Kosimovich, N. U., & Yusupovna, R. M. (2020). HISTORICAL STUDIES IN THE PEDAGOGICAL TRAINING AND WAYS TO IMPROVE VOCATIONAL TRAINING. Journal of Critical Reviews, 7(3), 274-277.

Khalilovna, O. N., Axmatjanovna, M. M., Kosimovich, N. U., & Botirovna, K. V. (2020). Main core and meaning of shaping professional faith. Journal of Critical Reviews, 7(2), 242-245.

# ОИЛАДА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИ ВА ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИ

DOI: 10.53885/edinres.2021.22.36.019

**Д. С. Давронова**

*Ўзбекистон давлат жахон тиллари университети, “Педагогика ва психология” кафедраси доценти, Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)*

**Д. У. Худойберганова**

*Ўзбекистон давлат жахон тиллари университети 3 босқич талабаси*

***Аннотация.*** *Мазкур мақолада бугунги глобаллашув ва тез суръатлар билан ўзгариб бораётган мураккаб ва шиддатли даврда мамлакатимиз ёшлари маънавиятини турли таҳдидлардан асраш, уларнинг халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятини англаб етиши, ушбу воқеликлар юзасидан холис ва мустақил фикрга эга бўлиши, тўғри ва мақбул хулоса чиқара олиш салоҳиятини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда оила — маҳалла — таълим муассасаси ҳамкорлигини самарали йўлга қўйиш масалалари илмий назарий жиҳатдан атрофлича ёритиб берилган.*

***Калит сўзлар:*** *жамият, оила, ёшлар, глобаллашув даври, ижтимоий талаб, маънавият, тарбия, маҳалла, маънавий соғлом, маърифий етук, тизимли ёндашув*

# ДУХОВНОЕ ВОСПИТАНИЕ МОЛОДЕЖИ В СЕМЬЕ И ЭПОХА ГЛОБАЛИЗАЦИИ

**Д. С. Давронова**

Узбекский государственный университет мировых языков, доцент кафедры педагогики и психологии.
Доктор Философии

**Д. У. Худойберганова**

Узбекский государственный университет мировых языков, студент 3 курса

***Аннотация.*** *Данная статья посвящена защите духовности молодежи страны от различных угроз, пониманию сути процессов, происходящих на международной арене, формированию объективного и независимого мнения об этих реалиях, выработке правильных и*

*приемлемых выводов в сегодняшних сложных и быстро меняющихся условиях. мира. и вопросы эффективного семейно-соседско-образовательного сотрудничества в развитии научно-теоретических.*

***Ключевые слова:*** *общество, семья, молодежь, эпоха глобализации, социальная потребность, духовность, воспитание, соседство, духовно здоровое, просвещенная зрелость, системный подход.*

## SPIRITUAL EDUCATION OF YOUTH IN THE FAMILY AND THE ERA OF GLOBALIZATION

**D. S. Davronova**
*Uzbek State University of World Languages, Associate Professor of the Department of Pedagogy and Psychology. Ph.D*

**D. U. Khudoyberganova**
*Uzbek State University of World Languages, 3rd year student*

***Abstract.*** *This article is devoted to protecting the spirituality of the country's youth from various threats, understanding the essence of the processes taking place in the international arena, forming an objective and independent opinion about these realities, developing correct and acceptable conclusions in today's complex and rapidly changing conditions. the world. and issues of effective family-neighborhood-educational cooperation in the development of scientific and theoretical.*

***Key words:*** *society, family, youth, the era of globalization, social need, spirituality, upbringing, neighborhood, spiritually healthy, enlightened maturity, systems approach.*

Мамлакатимизда оила институти фаолиятини ривожлантириш, маънавий қадриятлар тарғиботи ва аҳамиятини ошириш, меъёрий-ҳуқуқий таъминотни такомиллаштириш ва моддий-техник шароитларни яхшилашга қаратилган ислоҳотлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг оилалардаги иштироки ва ўрнини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнлари олдига қўйилган маънавий баркамол шахсни тарбиялаш мақсадини амалга ошириш имкониятини кенгайтирди. Шунингдек, оилада глобаллашув шароитида ёшларнинг маънавий камолотини ўзаро ҳамкорлик асосида тарбиялаш тизими самарадорлигини ошириш зарурати юзага келмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга

эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш” каби устувор вазифалар белгиланиб, бу борада оиладан ёшларни меҳнатга, маънавий, ғоявий, маданий бойликларга муносабатини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. [1;]

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ёшларни юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш бош мақсад қилиб белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин -қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони , Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилги амалга ошириладиган тадбирлар давлат дастури тўғрисида”ги Қарорида [2;3;4;], жаҳон миқёсида глобаллашув ва ахборот технологиялари тобора кучайиб бораётган бугунги таҳликали замонда, ўсиб келаётган ёш авлодни сиёсий-ҳуқуқий маданияти даражасининг ўсиб бориши, дунёда юз бераётган туб ўзгаришларни холисона ва танқидий баҳолашда, ривожланишнинг барча босқичларида узлуксиз ва мукаммал ўрганишни ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Оилада вояга етмаган болалар ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантириш мазкур қарорларнинг амалиётдаги ижросини таъминлашга бевосита хизмат қилади.

Ҳақиқатдан ҳам, Ўзбекистонда ёшлар ўзига хос ижтимоий қатлам саналиб, Президент Ислом Каримовнинг “Ёшлар бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучидир” асарида:  Эртага ёшларнинг ким бўлиши ва қандай янги марраларни эгаллашига оид ғоялари билан бир қаторда келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом баркамол наслни тарбиялаш миллий хусусиятимиз эканлигига алоҳида эътибор қаратилган. [5;]

Адабиётлар таҳлили асосида айтишимиз мумкинки, глобаллашув – жаҳон цивилизацияси бугунги тараққиётининг ўта муҳим тенденцияларидан биридир Бу - тизимли характерга эга бўлган объектив жараёндир, яъни, у жамият ҳаётининг барча соҳаларига ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Глобаллашув натижасида дунё ҳамжамиятининг барча субъектлари бир бири билан янада кўпроқ боғланиб боради. Бу жараёнда айрим мамлакатларда келиб чиқадиган муаммолар бошқа

давлатларга, албатта, ўз таъсирини ўтказади. Шу билан бир қаторда, дунёда иқтисодий ҳаётини ягона ёндашув асосида, ўзаро боғланган ҳолда ривожлантирувчи субъектлар сони кўпайиб боради.

Ёшлар тарбисига таъсир кўрсата оладиган глобаллашувни ҳаракатга келтирувчи асосий кучлардан бири интернет ва алоқа технологияларининг такомиллашуви ҳисобланиб, оиладан тўғри ташкил этилган тарбия, глобаллашув жараёни ижобий имкониятларини яъниким, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларидан, илм-фан ютуқларидан, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этишига хизмат қилади.

Ўз ўрнида биз глобаллашувнинг ижобий ва салбий томонларини кўриб чиқишни лозим топдик. Глобаллашувнинг ижобий томонлари: ижтимоий ҳаёт ривожланиши суръатларини тезлаштиради; иқтисодий ҳамкорлик имкониятларини кенгайтиради; ижтимоий ҳаёт имкониятларини оширади; сиёсий ҳамкорлик; ахборот коммуникация тизими ривожланади; ОАВ таъсири ошади; турли халқлар ҳаёт тарзи, маданияти ўзаро алоқаларини бойитади; муаммоларни биргаликда ечишнинг имкониятлари пайдо бўлади.

Глобаллашувнинг салбий оқибатлари: глобал ҳаётдаги ўзгаришлар ва ютуқлардан ёвуз мақсадларда фойдаланишга бўлган уриниш холатлари; маънавий таҳдидларнинг кучайиши; ахборот хуружлари; оммавий маданият ва унинг кўринишлари; миллий маданий мерос ва қадриятларни ҳисобга олмаслик, демократия моделларининг хилма-ҳиллигини инкор этишга уринишлар;мафкуравий курашнинг кучайиши.

Фикримизча, юқорида кўрсатилган глобаллашувнинг салбий оқибатлари юзага келмаслиги учун оилавий тарбия жараёнини ижтимоий тарбия билан узвий амалга ошириш, ота оналарга педагогик билим бериш, оилавий тарбия бўйича тажриба алмашиш, ота оналарни тарбиявий ишларга қизғин жалб қилиш учун уларни мактабга, маҳалла фуқаролар йиғинларига жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. [8;]

Айтиш ўринлики, жамиятнинг мафкуравий хавфсизлиги деганда биринчи навбатда ёшлар, жамият, давлатни ахборот маконидаги турли таҳдидлар хавф-хатар омиллари бегона манфаатларнинг талабларидан ҳар томонлама ҳимояланганлигини билдирувчи ҳолат тушунилади. Ҳимоя омиллари сифатида биз ёшларимда мафкуравий иммунитетни бойитиш билан бир қаторда:

–демократик тамойилларга амал қилиш;

–миллий ғояга ишноч ва эътиқод;

–тарихий хотиранинг мустаҳкам бўлиши;

–она тилини билиш;

–миллий қадриятларни ҳурмат қилиш;

–умуминсоний ғояларга содиқлик;

–миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш;

–ўзига хосликни сақлаш ва дунё билан ҳамкорлик масалаларини ёшлар онгига сингдириш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Айтиш жоизки, оилавий тарбия деганда ота – оналарнинг ўз ҳаётлари, турмуш тарзлари асосида бола шахсида дунёқараш асослари, сиёсий, аҳлоқий, эстетик ва бошқа ижтимоий омилларни шакллантириш мақсадида мунтазам, изчил,ғоявий ва маънавий таъсир кўрсатиш жараёни тушунилади. Бироқ бугунги акелерация, глобаллашув жараёни ижтимоий муҳитнинг таъсири, жамият тараққиёти муносабати билан оила, унинг барча ҳаётий босқичлари жиддий ўзгаришларга учраётганини унутмаслигимиз керак.

Юқоридаги фикрларимиз мантиқий давоми ва тажриба ва кузатувларимиз давомида шу нарсага амин бўлдикки, бугун миллий тарбия жараёнини оиладан бошлаб кучайтириш лозим. Бунинг учун бизда кўплар ҳавас қиладиган кучли бир пойдевор – улкан маънавий меросимиз бор. Уларни қунт билан изчил ўрганиб бориш улкан самаралар гаровидир. Тарихийлик тамойилига таяниб айтишимиз мумкинки, барча даврларда улуғ мутафаккирларимиз таълим тарбиявий миллий мероси билан тўғри йўлни кўрсатиб берганлар. Масалан, IX-X асрларда Имом Бухорий, Мотуридий, Форобий, XI асрда Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, XIII асрда Азизиддин Насафий, XIV асрда Амир Темур, Бурҳониддин Рабғузий, XV асрда Улуғбек, Алишер Навоий, Ҳожа Аҳрор Валий, XVI асрда Мирзо Бобур, Махдуми Аъзам Даҳбедий, XVII-XVIII асрларда Бобораҳим Машраб, Хўжаназар Ҳувайдо, XIX асрда Огаҳий, Дукчи Эшон, XX аср бошларида жадид маърифатчилари халқ маънавиятини соғлом сақлаб қолганлар. Улар халқимизни миллий ғурур асосида тарбия қилиб, онги ва қалбини сохта ғоя, қарашлардан ҳимоя қилишган. Демак, биз аждодларимизнинг фақат номини санаш билан чекланмасдан, уларнинг меросини оиладаноқ ёшлар онгига сингдиришда ҳам ўз имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланишимиз лозим. [6;]

Оилада фарзанд тарбиясида халқимизнинг энг илғор, ҳаётда ўзини оқлаган анъаналарини ёшлар онгига сингдириш муҳим педагогик аҳамият касб этади. Бир сўз билан айтганда анъана ижтимоий ва маданий меросдир. Авлоддан–авлодга, оталардан болаларга ўтиб келаётган урф –одатлар, ахлоқ мезонлари, оилавий маросимларнинг тарбиявий таъсири она алласи билан фарзанд қалбига сингдирилган.

Айтиш ўринлики, мазкур занжирнинг бирортасида узилиш ёки тарбиявий ишларда сусткашликка йўл қўйилса жамиятда ижтимоий

ҳимояга мухтож болаларнинг пайдо бўлиши учун муҳит вужудга келади. Бундай ҳолатнинг олдини олишда юқоридаги ҳамкорлик занжири субъектларидан баркамол шахсни тарбиялашнинг қуйидаги тамойилларига амал қилиш тақозо этилади:

- зарарли мафкураларга баҳо беришда ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш зарурлиги;
- инсонпарварлик ва демократик қадриятларнинг бир бутунлиги;
- ғоявий онг ва тафаккур, сиёсий саводхонлик асосидаги дунёқарашни шакллантириш узлуксиз жараён эканлиги;
- оилаларда миллий-маънавий қадриятларни ўрганишга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиш;
- ҳуқуқий соҳадаги ўзгаришларни, назарий билим ва тушунчаларни амалда қўллай олишга доир семинарлар ташкил қилиш.

Вояга етмаган болаларнинг катта ҳаётга қадам қўйиш билан боғлиқ асосий ижтимоий муаммолари, таълим олиш, оила қуриш, меҳнат фаолиятини бошлаш, касбий маҳорат ва илгарилаш, қатъий ижтимоий-сиёсий нуқтаи-назарга эга бўлишга интилишдан иборат. Юқорида қайд этилган тарбияси оғир вояга етмаган болаларнинг ижтимоийлашув ва мослашуви мазкур жамиятга, ижтимоий жамоага, гуруҳга тегишли бўлган умуминсоний ва миллий қадриятларни, қоидаларни, тартибларни, одоб-ахлоқ намуналарини индивид томонидан эгаллаши ва ўрганиши, шахснинг шаклланиш жараёнини ўзида намоён этади. Ушбу муаммолар ўз ичига зарурий равишда вояга етмаган болаларнинг жамиятга қўшилиши, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий муносабатларга мослашуви ҳамда ижтимоий тараққиёт бунёдкорларига айланиши каби масалаларни қамраб олади. Вояга етмаган болаларнинг ижтимоийлашуви бир томондан ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатади, иккинчи томондан эса, вояга етмаган болалар ана шу муносабатларга кириб борар экан, уларнинг таъсири остида ўзгара боради. Ана шу икки томон оилада фарзанд камолотида ҳаётининг барча даврларида муҳим ўрин эгаллайди.

Бир қатор адабиётлар таҳлили асосида айтишимиз мумкинки, оила, унинг жамиятдаги ўрни, оила ичидаги серқирра муносабатлар тизими, оилада тарбия масалалари турли аспектларда ўрганилган. Қардош тожик педагоги Эбраҳими Тагизадех Хосро Морадали [8;] оиланинг ижтимоий тарбия маскани эканлигини айтиб, ҳар қандай оиланинг асосий мақсадини юксак ривожланган, дунёвий ва диний билимларга эга бўлган руҳан соғлом ва жисмонан бақувват бола тарбиясига қаратиш зарурлигини айтади. Ота-оналар фарзанд тарбияси масаласи буюк иш эканлигини ҳис этиб, жавобгарликни ўз зиммаларига олишлари лозим дея уқтиради.

Психолог олим Ғ.Шоумаров [7;] оилани инсон маънавиятини шакллантирувчи маскан сифатида эътироф этиб, ўзбек оиласига хос ижтимоий психологик хусусиятларни кўрсатиб ўтади. Унинг том маъноси шундаки, давлат ва жамият тўлиқ оилаларнинг имкон даражасида кўп бўлишидан, унда авлодлараро ворислик, шажараларнинг бардавомлиги, ёшларнинг оила ва никоҳни қадрият сифатида эътироф этишидан юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги таъминланишига ишончини билдиради.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларимизнинг қалби ва онги, соғлом тафаккури учун курашмоқлик бугунги ижтимоий ҳаётимизнинг асосига айланмоқда. Бу борада жамиятимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Муҳими миллий қадрият ва анъналаримиз асосида ёшларни тарбиялаш тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг билан бир қаторда ёшлар тарбиясида жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз масъулиятини оширишга зарурият ҳам бор. Чунки, ёшларнинг қалби, онги, тафаккури соғлом ғоялар асосида шаклланиши учун ҳар бир шахс масъулдир. Ёшларнинг бўш вақтларини қандай ўтказаётганлиги ҳар бир ота-она, маҳалла аҳли, ўқитувчи-педагогнинг эътиборида бўлиши зарурлигини барчамиз яхши тушунамиз. Бунинг учун, айниқса маҳалла (қишлоқ) фуқароларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилари имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Аксарият ёшларнинг тарбияси оиладан, қолаверса, у туғилиб ўсган маҳалладан бошланади. Шундай экан, мазкур масалаларга ниҳоятда жиддий ва эътибор билан ёндашишни бугунги адолатли сиёсат барчадан талаб қилаётганлиги табиий.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси //. 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин -қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 5325-сон Фармони www// lex. Uz

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилги амалга ошириладиган тадбирлар давлат дастури тўғрисида"ги Қарори//.1998 йил 27 январ 45-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси

тўғрисида”ги Қонуни. ЎзР Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 й, № 39

Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 14 б

Маъмуров Б.Б. Оилада соғлом бола тарбияси. Т.: “Турон Замин зиё” 2014 й -226 б

Шоумаров Ғ, Қодиров У, Хожибоев И. Оилага психологик ёрдам кўрсатиш асослари. Т.: 2014. 55 б

Эбрайими Тагизадех Хосро Морадали. Психолого–педагогические основы формирования социально-ответственного поведения личности подростков (на материале школ исламской республики Иран) автор дисс к.п.н. Душанбе-2014 -5 стр

Отамуродов С. “Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик”(сиёсий-фалсафий таҳлил). Т.: “O’zbekiston” 2013 – 3 б

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАР ЎҚУВ ЮТУҚЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ

DOI: 10.53885/edinres.2021.67.63.020

**А. А. Хўжаев**
Тошкент давлат педагогика университети доценти, педагогика фанлари фалсафа доктори (PhD).

**Г. А. Хўжаева**
Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчиси

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида ўқитиш самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш, масофавий таълим шароитида талабаларни баҳолаш хусусида фикр юритилади.*

***Калит сўзлар:*** *олий таълим тизими, таълим сифати, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, талабалар билимини баҳолаш, тест тизими.*

# МЕХАНИЗМЫ ОЦЕНКИ УСПЕВАЕМОСТИ СТУДЕНТОВ В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ

**А. А. Ходжаев**
Доцент Ташкентского государственного педагогического университета, доктор философии педагогических наук (PhD).

**Г. А. Ходжаева**
Преподаватель Ташкентского государственного педагогического университета

***Аннотация.*** *В статье рассматриваются эффективность преподавания и качество образования в высшей школе, оценка студентов в контексте дистанционного обучения.*

***Ключевые слова:*** *система высшего образования, качество образования, государственные образовательные стандарты, учебные планы, оценка знаний студентов, система тестирования.*

# MECHANISMS FOR ASSESSING STUDENT PERFORMANCE IN HIGHER EDUCATION

**A. A. Khodjaev**
Associate Professor of Tashkent State Pedagogical University, Doctor of Philosophy of Pedagogical Sciences (PhD).

**G. A. Khodjaeva**
Lecturer at Tashkent State Pedagogical University

***Abstract.*** *The article examines the effectiveness of teaching and the quality of education in higher education, the assessment of students in the context of distance learning.*

***Key words:*** *higher education system, quality of education, state educational standards, curricula, assessment of students' knowledge, testing system.*

Ўқитиш ва тарбиялаш жараёни турли тарихий даврларда вақт ҳамда ижтимоий муносабатлар даражасига мос тарзда турли шакл ўзгаришларига учраган, бироқ таълимни такомиллаштириш йўллари ҳақидаги масала ҳамма вақт долзарб бўлиб қолаверган.

Бугунги кунда кадрлар тайёрлаш масаласига давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор берилаётгани олий таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг янги сифат босқичига кўтарилишидан далолат бермоқда.

Шу билан бирга ҳозирги замон олий таълим тизими олдида турган долзарб масалалардан бири ўқув жараёнини бошқариш, масофавий таълим шароитида талабаларнинг ўқув ютуқларини шаффоф ва холисона баҳолаш орқали таълим сифатини ошириш эканлиги эътироф этилди. Таълим сифати илмий тадқиқот объекти сифатида дунёнинг ривожланган давлатларида кенг ўрганилган ва жорий этилган. Таълим муассасаларида ўқув жараёнида таълим сифатига эътибор сусаймаган бўлсада, эдукологик тизим сифатида энди шаклланмоқда.

Юксак замонавий ривожланиш йўлига ўтиш миқёсида муҳим аҳамиятга эга энг муҳим омил фақат техник ғояларни ишлаб чиқариш эмас, балки ички ва ташқи бозорларга харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек, уни амалга ошириш учун илмий - техник соҳа ва юксак технологияларни ишлаб чиқарувчи малакали мутахассисларини илғор таълим муассасаларида ўқитиш, ўқитишнинг замонавий технологияларини жорий этиш, халқаролашув даражасини ошириш, талабаларнинг академик мобиллигини таъминлашга қаратилиши

лозимлигидир.

Бугунги кун ўқитувчилари таълим жараёнида қўллашлари мумкин бўлган замонавий инновацион услублар, ахборотлар базасига етарли даражада эгадирлар. Бунинг учун замонавий компьютер ва бошқа ахборот коммуникацион технологияларини, электрон дарсликлар, видеоматериаллар, фотоматериалларни, интернетдан етарлича фойдалана олишга ўзини ўргатиши орқали масофавий таълим шаротида самарали ва сифатли таълим олиб бориш компетенцияларини шакллантиришлари зарурятдир. Буларнинг ҳаммаси педагогик изланувчилик фаолиятини таъминлайди.

Профессор-ўқитувчилар турли хил замонавий педагогик технологияларни қўллаши мумкин. Масалан, фаол ўқитишнинг имитацион усуллари, лойиҳалар усули, ўқитишда ҳамкорлик, креатив ўқитиш, маъруза-пресс-конференция, муаммоли ва ўйинли технология, жамоавий ва гуруҳли фаолият технологияси, турли ҳолатларни таҳлил қилиш усули, маъруза-суҳбат, визуал маъруза ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўқув-услубий жараёнда замонавий фаолият – педагогнинг ўз касбини такомиллаштиришдаги мавжуд шакл ва воситаларни эгаллашга ижодий ёндашувини назарда тутади. Таълим менежментидаги инновациялар ва замонавий педагогик фаолият ҳақида барқарор ҳамда ҳаммага маъқул бўлган илмий тасаввурлар ва таснифларни янада такомиллаштириш зарурлигини эътироф этиш лозим. Бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири таълимга йўналтирилган илмий билимлар тизимлари ўртасидаги қийинчилик билан енгиб ўтиладиган узилишлардир. Ўқитувчи замонавий фаолиятнинг субъекти ва ташкилотчиси сифатида янгиликни яратиш, қўллаш ҳамда оммалаштиришда иштирок этади. У фандаги билим, анъаналардаги ўзгаришлар мазмунини ва моҳиятини таҳлил эта билиши керак.

Таълим жараёнининг «замонавий» технологиялари талабани нафақат ижтимоий, касбий билимлар билан таъминлайди, балки унда касбига хос сифатлар шаклланишига ҳам ёрдам беради. Таълим жараёнининг технологияси қуйидаги асосий мақсадларга эришишга хизмат қилади:

- давлат манфаатларига мос ҳолда, талабани бўлажак мутахассис сифатида тайёрлайди;

- талабани жамият аъзоси сифатида шакллантириб, ижтимоий тажриба, қадриятларни, меъёрларни англаган жамият манфаатлари билан ҳамоҳанг фаолият кўрсатувчи кадрни тайёрлайди;

- талабани фаол, ташаббускор, креатив фикрлашга қодир шахс сифатида ривожлантиради.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, профессор-ўқитувчиларнинг

замонавий фаолиятга тайёрлигининг муҳим ижтимоий ва касбий сифатлари, нафақат таълим муассасасидаги иқтисодий ва молиявий вазиятга, балки бевосита бу сифатларнинг талаб этилганлиги билан ҳам боғлиқдир. Замонавий олий таълимнинг асосий реал талабларидан бири ўқитувчиларнинг касбий сифатлари ва етарлича малакага эга бўлишидир. Шу жиҳатдан кадрлар масаласи ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки «Кадрлар масаласини ҳал этмас эканмиз, саъй-ҳаракатларимиз кутилган натижаларни бермайди, хаётимиз, маънавиятимиз эса ўзгариши қийин бўлади».

Олий таълим муассасалари факультетларида профессор-ўқитувчилар ёш ўқитувчиларга таълим бериш сирларини ўргатиши, ўқитиш услубларини қўллаш бўйича маслаҳатлар бериши, интерактив ўқитиш усулларини намоён қилиши зарур.

Натижада ўқитувчилар қуйидагиларга эришадилар:

- ўз фаолиятларини баҳолашнинг янги усулларини топиш, касбга бўлган қарашни ўзгартириш;
- педагогик ва ижодий қобилиятларини намоён этиш;
- ўқитувчиларда касбий масъулият ва фидойиликни равожлантиради.

Ўқув жараёни самарадорлигини мониторинг килиш ва доимий назорат қилиш вазифалари нафақат талабаларнинг ўқув фаолияти муваффақиятларини текшириш, балки ўқитиш методларини баҳолаш, шунингдек ўқитувчининг ўз –ўзига берган баҳосини ҳам ўз ичига олиши керак. Назорат топшириқлари орасида талабаларнинг ўзи томонидан тузилган вазифаларни хам ажратиб кўрсатиш мумкин. Талабалар учун муҳими ўқув жараёнига масъулият билан ёндашиш ва креатив қобилиятларини намоён қила олиш имкониятлари кенгайганини назорат қилиш орқали ишонч ҳосил қилишдир.

Психологик –методологик адабиётларда билим ва кўникмаларни назорат қилиш масалалари кенг ёритилган. Назоратнинг энг муҳим функциялари орасида таълимий, диагностик, прогностик, ривожлантирувчи, йўналтирувчи ва тарбиявий турлари мавжуд [1,2,3,4].

Назорат шакли бўйича индивидуал, гуруҳли ва фронталга бўлинди. Индивидуал назоратда ҳар бир талабага алоҳида топшириқ берилди, уни ташқи ёрдамсиз бажариши керак бўлди Ушбу назорат тури, агар талабаларнинг индивидуал билимлари ва кўникмаларини ўрганиш учун, гуруҳли назоратда кичик талабалар гуруҳига (бир неча кишидан иборат) вазифа берилди. Назорат мақсадига қараб гуруҳларга бир хил ёки дифференциал вазифалар берилиши мумкин. Назоратни ташкил этишнинг гуруҳли шакли ўқув материалини умумлаштириш ва тизимлаштириш мақсадида такрорлаш учун ишлатилади. Фронтал назоратда, ўқув гуруҳига умумий вазифалар таклиф этилди.

Назорат тури бўйича ташқи (ўқитувчи томонидан бошқариладиган), талабаларнинг ўзаро назорати ва ўзи–ўзини назоратга бўлинди. Талабаларнинг ўзаро назорати ва ўзини ўзи назорат қилишни ташкил этиш бир қатор муҳим, ҳам инсонпарвар, ҳам проффесионал равишдаги (бўлажак ўқитувчилар каби) фазилатларни, масалан, масъулиятни ҳис қилиш, қабул қилинган қарорларга танқидийлик, уларнинг хатоларини таҳлил қилиш каби фазилатларни ривожлантиришга ёрдам беради. Ўз-ўзини назорат қилиш кўп холларда турли хил баҳолаш тизимларининг таркибий қисми ҳисобланади. Масалан, ўқитишнинг кредит-модуль тизимида талабаларнинг ўқув ютуқларини баҳолаш, кредитларни кўчириб ўтказиш имконияти мавжуд деса булади [5]. Яъни, талабалар ўзларининг ҳар бир модул (фан)ни ўзлаштириш кўрсаткичлари, жумладан ўқув ютуқлари учун ажаритлагн кредитларни тўплаш орқали касбий фаолиятидага мажбурий ва танлов фанларни ўзлаштириш натижасидаги шаклланган компетенцияларини баҳолаш учта таркибий қисмдан иборат: баҳолаш = (ўқитувчининг баҳоси + ўз-ўзини баҳолаш + ўртача гуруҳ, гуруҳ томонидан намойиш етилган).

Талабалар билими назорат қилишнинг ҳозирги кунда рейтинг тизимлари турлича бўлиб, назоратнинг қуйидаги турлари мавжуд: дастлабки, жорий, оралиқ ва якуний. Шунингдек, коррекция(тузатиш) назорати ҳам ажралиб туради. Ушбу назорат турларини аниқлаш учун ўқитишнинг турли босқичларидаги дидактик вазифаларнинг ўзига хослиги асос бўлди. Жорий назорат янги ўқув материалини ўзлаштириш жараёнида амалга оширилади, оралиқ назорат ўрганилган материал (мавзу, бўлим)нинг муҳим даражасини ўзлаштиришни текшириш учун ишлатилади; якуний назорат ёрдамида бутун ўқув курси давомидаги мавзуларни ўзлаштириш даражаси аниқлашни тақазо қилади. Коррекция(тузатиш) назоратида талабалар томонидан жорий назорат топшириқларини такроран ўтиши дейилади. Шу орқали, назоратнинг барча турлари ўқув жараёни мантиғини такрорлади. Дастлабки назорат - бу ўқув жараёнини муваффақиятли режалаштириш ва бошқариш учун зарур шарт бўлиб, талабаларнинг дастлабки билим ва кўникмаларини аниқлашга имкон берди.

Ўқитувчи ва талабалар фаолиятининг усуллари, ўқув материалини ўзлаштириш давомида талабалар томонидан қабул қилинадиган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришини аниқлаш, назорат қилиш усуллари дейилади.

Назорат усуллари оғзаки сўров, ёзма назорат, стандартлаштирилган назорат ва бошқаларни ўз ичига олади.

Оғзаки сўров фронтал ва индивидуал текширув шаклида амалга оширилди. Фронтал сўровномада қисқа вақт ичида барча талабаларнинг билим даражаси маълум бир савол ёки саволлар гуруҳи бўйича

текширилди.

Индивидуал оғзаки сўров жавобининг мазмуни, кетма-кетлиги, қарорлар ва хулосаларнинг мустақиллиги, мантиқий фикрлаш даражаси, талабаларнинг нутқ маданияти жиҳатидан тўғрилигини очиб беришга имкон берди. Оғзаки тест синовлари, агар билимларни идрок этишнинг мазмунлилигини ва уларни қўллашнинг онгини очиб берса, шунингдек, бу талабаларнинг мустақиллиги ва ижодий фаоллигини рағбатлантирса, муваффақиятли деб ҳисобланиши мумкин.

Ёзма текширув қисқа вақт ичида кўплаб талабаларнинг билимларини бир вақтнинг ўзида текширишга имкон берди. Ёзма назорат билимларни ўқув амалиётида қўллаш қобилиятини ташхислаш учун ишлатилади ва ўқув интизомининг ўзига хос хусусиятларига қараб диктант, ёзма иш, мустақил иш, тестлар ва иншолар шаклида амалга оширилади.

Мустақил иш - ижодий характерга эга бўлиб, нафақат маълум билим ва кўникмаларни синаб кўриш, балки талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга имкон берди. Мустақил иш муайян мавзуни ўрганишдаги ўқув жараёнининг муҳим босқичи бўлиб, назорат ишидан олдин туради.

Мустақил талабалар томонидан фан мавзуси ёки бўлимни ўрганишдаги муваффақиятини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Назорат ишларининг самарадорлиги турли хил мустақил ишларни бажаришда ошди. Ўқитувчи мавзуни ўргатиш жараёнида талабалар томонидан материалнинг ўзлаштирилишини оралиқ назорат иши ёрдамида текширилди. Якуний назорат ишини ўтказишдан мақсад, талабаларнинг маълум бир мавзу, курс бўйича олган билим ва кўникмаларини синашдир. Уй вазифа билимларни тизимлаштиришга мўлжалланган бўлиб, материални такрорлаш ва мустаҳкамлашга имкон берди. Уни амалга ошириш жараёнида талабалар вақт билан чекланиб қолмайдилар, улар ўқитувчининг ва бошқа шахсларнинг ҳар қандай ўқув қўлланмаларидан ва маслаҳатларидан фойдаланишлари мумкин.

Тест билим ва кўникмаларни текшириш усуллари орасида алоҳида ўрин тутади [6]. Бундай назорат тури натижаларининг объективлиги билан ажралиб туради. Жавоб стандартларининг мавжудлиги ҳар қандай текширувчига бир хил натижани кўрсатишга имкон берди. Текширишни автоматлаштириш ва талабаларнинг назорат ишларини бажариш вақтини қисқартириш қобилияти талабалар ва ўқитувчининг назорат фаолияти вақтининг пасайишига олиб келди, бу еса назоратнинг частотаси ва мунтазамлигини оширишга имкон берди. Бу эса ҳозирги даврда масофавий таълим жараёнини амалга оширишда талабаларнинг ўқув ютуқларини баҳолашда асосий услуб сифатида қўлланилмоқда.

Педагогик тестларни қўллаш мақсадларига кўра, норматив ва мезоний йўналтирилган тестларга таснифлаш мумкин.

Норматив йўналтирилган тестларнинг (norm-referenced test) вазифаси, тест топширувчилар гуруҳини белгиланган сифатлар даражасига қараб саралашни ўз ичига олади. Бундай тестлар умумий талабалар орасидан энг яхши номзодларни аниқлаш учун фойдаланилди. Айнан бир мавзу бўйича тест ўтказиш ахамиятсиздир. Ахамиятли томони, норматив йўналтирилган тестларда топшириқларни бажариш учун фарқлаш қобилиятига эга бўлиш талаб этилди. Агар тестда барча тест топширувчилар тўғри бажарган ёки ҳеч ким бажармаган топшириқлар бўлса, унда бундай топшириқлар ўчирилиши керак, чунки улар тест топширувчилар рейтингини аниқлашга йўл қўймайди.

Мезонларга йўналтирилган тест (criterion-referenced test) синов ишлари орқали ўқув материалини ўзлаштириш даражасини аниқлашга қаратилган. Тест топширувчилар томонидан индивидуал топшириқни ёки бутун тестни бажариши ёки бажармаслиги (фақат битта тест топширувчига рухсат берилади) ўқув материалини ўзлаштириш ёки ўзлаштирмаслик даражасини белгилайди. Бундай ҳолда, тест (алоҳида топшириқ) ўз вазифасини бажаради. Таълим жараёни давомида жорий ва якуний назоратни ўтказиш учун бундай мезонларга йўналтирилган тестлардан фойдаланилди.

Тест сўзининг таърифида В.С. Ким «тест топшириғи» атамасидан фойдаланган [6]. Бир қатор тадқиқотчилар таъкидлашларича, тестга киритилган барча вазифаларни тест деб аташ мумкин эмас. Тест топшириғини яратиш маълум бир асосий вазифани ишлаб чиқишни ва уни кейинчалик тест топшириғига айлантиришни ўз ичига олади.

М.Б. Челишкова «тест олдидан» ва «тест топшириқлари» ни ажратиб ўтади. «Тест олдидан» топшириғи тестистик топшириқ деб номланиб, агар унинг характеристикаларини миқдорий баҳолашлар белгиласа, тест топшириқларининг мазмуни, шакли сифатини текширишга ва тизимни шакллантириш хусусиятларини аниқлашга қаратилган баъзи мезонларга жавоб беради.

В.С. Аванесов [7] «тест шаклида топшириқ» ва «тест топшириғи» ни ажратиб ўтади.

Тест шаклидаги топшириқ қуйидаги талабларга жавоб берадиган педагогик воситадир:

Мақсадга эга бўлиш;

Қисқалик;

технологик қобилиятлилик (яъни тестларни автоматлаштириш ва натижаларни қайта ишлашга яроқлилиги);

баёнотнинг мантиқий шакли;

жавоб берадиган жойнинг аниқлиги;

жавобларни баҳолашнинг бир хиллиги;

вазифа қисмларини тўғри жойлашиши;

барча мавзулар бўйича бир хил кўрсатмалар;

кўрсатманинг топшириқ шакли ва мазмунига мувофиқлиги.

Тест топшириғи – тестниг таркибий бирлиги бўлиб, маълумотлар ва статистик талабларга жавоб беради:

маълум бир қийинчилик;

дифференциал қобилияти (тест натижаларининг етарлича ўзгариши);

топшириқ балларининг бутун тест натижалари билан ўзаро боғлиқлиги, шунингдек бошқа математик ва статистик талаблар [6,7].

Стандартлаштирилган назоратда қўлланиладиган турли хил вазифалар турларига қарамай, тузилиши жиҳатидан уларни иккита асосий турга фарқлаш мумкин: танланган ва конструктив. Танланган тестлар талабанинг таниб олиш ва эслаш каби фаолиятига асосланиб, эслаб қолиш ва қўшиш асосида тузилади. Танлов тестлари талабаларни таниб олиш ва эсга олишни, конструктив тестлар эса эслаб қолиш ва тўлдириш учун асосланган. Танланган тестлар энг кўп ишлатилган. Бу уларни техник татбиқ этиш, текшириш ва компютер технологияларини синашда ишлатиш қулайлиги билан боғлиқ. Бунда топшириқнинг ҳар бир саволига бир нечта жавоб вариантлари таклиф этилди, талаба уларнинг орасидан тўғрисини топиши керак бўлди. Тест топшириқлари орасида муқобил, кўп мартали ва ўзаро танловни ажратиш мумкин. Муқобил топшириқ талаба таклиф қилинган саволга «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб бериши керак бўлган ҳолларда қўлланилди. Жавобни тахмин қилиш эҳтимоли юқори бўлганлиги сабабли муқобил топшириқлар бошқа тест топшириқларига нисбатан камроқ қўлланилди. Кўп танлов топшириқлари бир нечта жавобларни танлашни ўз ичига олади.

Ўзаро танлов топшириқлари ёки мос келадиган топшириқлар тасодифий тартибда ёзилган бир нечта саволлар ва бир нечта жавоблар ўртасидаги ёзишмаларни ўрнатишдан иборат. Топшириқлар жавоблари қўшимчалар, формулалар, таърифлар ва ҳк қўшиш билан якунланади. Топшириқлар матнида талабалар жавобларини расмий, рақамли шаклда ёзадиган тегишли бўшлиқлар мавжуд.

Педагогик тест, ҳар қандай ўлчов воситаси сингари, маълум бир ишончга эга бўлиши ва бир хил шароитларда ўтказилган ўлчов натижаларининг такрорланишини таъминлаши керак. Ўқитувчи олинган маълумотларнинг ишончлилигига алоҳида эътибор бериши керак бўлди. Тест саволи ва унга жавоблар иложи борича тўғри жавобни танлаш имкониятини истисно қиладиган тарзда тузилиши керак. Савол тўғри ва равшан шакллантирилиши керак. Тестда на унинг тўғри жавоби, на бошқа саволга жавоби ҳақида ҳеч қандай маълумот бўлмаслиги керак. Жавоб вариантларининг сўзлари бир хил услубга мос келиши керак.

Жавоблардан бирини ҳажми, мазмуни ёки тест топширувчини диққатини жалб қилишга қодир бўлган бошқа параметрлар бўйича ажратиб кўрсатишга йўл қўйилмайди. Тестнинг ишончлилигини баҳолашнинг мураккаблиги ва унинг ёрдамида олинган назорат маълумотларининг валидлигини тест усулининг камчиликлари билан боғлаш мумкин.

Тест назоратининг чекловлари борлиги сабабли, талабанинг самарали ижодий фаолиятини, унинг ривожланиш даражасини, касбий фикрлаш тафаккурини тавсифловчи батафсил семантик жавобни текширишга имкон бермайди. Шунинг учун ушбу усулни билим ва кўникмаларни оғзаки, ёзма ва амалий синовдан ўтказиш билан биргаликда қўллаш керак.

Методларни танлаш ўқитувчи томонидан назорат мақсадларининг келиб чиқишига кўра амалга оширилади. Шуни ёдда тутиш керакки, ҳар бир назорат қилиш усули ўзининг афзалликлари ва камчиликларига, қўлланилиш соҳасига эга. Уларнинг ҳеч бири ўқув жараёнининг барча жиҳатларини диагностика қилишга қодир ягона деб тан олиниши мумкин эмас. Фақатгина методик жиҳатдан мақсадга мувофиқ ва барча усулларнинг асосли комбинацияси ўқув жараёни сифатини оширишга ёрдам беради.

Педагогик (методик) тизим самарадорлигини баҳолашнинг вазифаси, эришилган натижаларнинг кутилган (прогноз қилинган) мақсадлар билан ўзаро боғлиқлиги, ҳисобга олиниши керак бўлган омиллар рўйхатини аниқлаш ва шу омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда бир қатор қийинчиликлар миқдорини аниқлаш билан белгиланади.

Педагогик (методик) тизим самарадорлигини баҳолашда фақат билимларни ўзлаштириш сифатини аниқлаш билан боғлаш мумкин эмас, лекин сўнгги муаммони ҳал қилиш натижаларида бу энг объектив назорат тури бўлиши мумкин (масалан, тест ёрдамида).

Тестдан фойдаланиш ушбу усулнинг хусусиятларини ҳисобга олишни талаб қилади. Кўп танловли тестларнинг камчиликларидан бири шундаки, тест топширувчи тўғри жавобни тахмин қилиши мумкин. Тестдан ўтган тўғри жавоб бошланғич билимларнинг мавжудлиги (ўқув жараёни бошланишидан олдин олинган) ёки жавоб вариантларининг нотўғри тузилганлиги туфайли танланиши мумкин. Демак, тест натижалари учун нолга тенг бўлмаган чегара қиймати мавжуд бўлиб, унга ҳар қандай ўқимаган тест топширувчиси эришиши мумкин (лекин ошиб кетмайди).

Талабаларнинг тушуниш даражаси «қадриятлар тизими», «ҳаракат қилишга тайёрлиги» ва бошқа бир қатор омиллар билан бирга талабалар билан мулоқот, уларнинг ўқув фаолиятини кузатиш, суҳбатлар, сўровлар натижасида аниқланиши мумкин. Бундай шароитда мураккаб билим

вазифалари ва машқлар тизимларининг диагностик роли нафақат билимларни ўзлаштириш сифатини, балки талабаларнинг маълум машғулотларга тайёргарлигининг бошқа жиҳатларини баҳолашга имкон берадиган усуллар сифатида ортади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки методик тизимни шакллантиришнинг мақсади «компитенцияни шакллантириш» сифатида тизимнинг самарадорлигини аниқлаш компитенциясини шакллантириш кўрсаткичлари асосида амалга оширилиши керак. Компитенцияни шакллантириш даражаларини тақсимлаш (масалан, «юқори», «ўрта» ва «паст») методик тизим самарадорлигига эришилган натижаларнинг ўртача қийматлари асосида ва фақат маълум даражалар билан боғлиқ натижаларни ҳисобга олган ҳолда аниқлаш имкониятини яратди.

Фойдаланилган адабиётлар:

Бабанский, Ю.К. Педагогика : учебное пособие для студентов пед. институтов /Ю.К. Бабанский. – М. : Просвещение, 1988.

Загвязинский, В.И. Теория обучения: Современная интерпретация: учеб. посо-бие для студ. высш. пед. учеб. Заведений / В.И. Загвязинский – М. : Издатель-ский центр «Академия», 2001.

Ким, В.С. Тестирование учебных достижений: монография / В.С. Ким. – Уссу-рийск : Издательство УГПИ, 2007. – 214 с. : ил.

Пидкасистый, П.И. Педагогика : учебное пособие для студентов педагогиче-ских вузов и педагогических колледжей / П.И. Пидкасистый. – М: Педагоги-ческое общество России. – 1998. – 640 с.

Б.Ходжаев, А.Хўжаев. Кредит-модул тизими: имкониятлари ва афзалликлари // НамДУ илмий ахборотномаси, 2020 йил, 5-сон, 511-521 бетлар.

Ким, В.С. Тестирование учебных достижений: монография / В.С. Ким. – Уссу-рийск : Издательство УГПИ, 2007. – 214 с. : ил.

Аванесов, В.С. Форма тестовых заданий / В.С. Аванесов. – М.: Центр тестирования, 2005 – 156 с.

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА ГЕОМЕТРИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ УЧУН МЕТОДИК КЎРСАТМАЛАР

DOI: 10.53885/edinres.2021.14.76.021

**Н.А.Тўраева**
Бухоро давлат университети доценти

**З. Субханова**
Бухоро давлат университети магистри

**Н. Бахромова**
Бухоро давлат университети магистри

**Ж. Тураев**
Бухоро давлат университети талабаси

Аннотация. Маълумки, геометрия фанини ўзлаштиришда ўқувчилар анча қийналади. Чунки геометрия фанини яхши ўрганиш учун энг аввало ўқувчиларда тасаввур қилиш қобилияти кучли бўлиши керак, бунинг учун эса геометрия фанини ўқитишда системалиликка риоя қилиш керак. Айни пайтда аниқ фанлар тизимида математика фанини ўқитишга эътиборнинг кучайтирилиши долзарб мавзудир. Соддадан мураккабга, осондан қийинроққа ўтиш усулда мавзуларни тизимлаштириш кўпроқ самара бериши, билим ва кўникманинг чуқурроқ эгалланишига эришиш - бу оддий ҳақиқатдир. Бунга вариатив усулда мавзуларни тизимлаштиришни мисол қилиб келтириш мумкин. Бу мақоламизда геометрия фани мавзуларини тўлиқ системалаштирилиши ўрганилган .

Калит сўзлар: технология, ўқитиш, вариатив,ўқиш, таълим, педагогика,билим, тўғри чизиқ, эгри чизиқ

# МЕТОДИЧЕСКИЕ УКАЗАНИЯ ПО ОБУЧЕНИЮ ГЕОМЕТРИИ В НЕПРЕРЫВНОМ ОБРАЗОВАНИИ

**Н. А. Тураева**
Доцент Бухарского государственного университета

**З. Субханова**
Магистр Бухарского государственного университета

**Н. Бахромова**
Магистр Бухарского государственного университета

**Дж. Тураев**
Студент Бухарского государственного университета

**Аннотация.** *Известно что при изучении геометрии ученики сталкиваются с трудностями, потому что для того чтобы в*

*совершенстве изучить предмет геометрии необходимо иметь хорошее воображение и представление. В системе точных наук усиленное внимание к преподаванию математики является актуальной задачей современности. Переход от простого к сложному дает больше эффекта, достигается более глубокое овладение знаниями и навыками - это простое реальность. В качестве примера можно привести вариативный метод систематизации. В статье исследовано полное систематизации геометрии.*

**Ключевые слова:** *технология, обучение, учение, образование, педагогическое, знание, прямая линия, кривая линия, вариатив.*

## GUIDELINES FOR TEACHING GEOMETRY IN CONTINUING EDUCATION

**N. A. Turaeva**
*Associate Professor, Bukhara State University*

**Z. Subkhanova**
*Master of Bukhara State University*

**N. Bakhromova**
*Master of Bukhara State University*

**J. Turaev**
*Bukhara State University student*

***Abstract.*** *In the system of exact Sciences, increased attention to teaching mathematics is an urgent task of our time. The transition from simple to complex gives more effect, a deeper mastery of knowledge and skills is achieved - this is a simple reality. As an example, we can give a variative method of systematization.The article deals with the complete systematization of geometry.*

**Key words:** *technology, learning, teaching, education, pedagogical knowledge, straight line, curve line.*

Шарқ донишмандлари айтганидек: Энг катта бойлик - бу ақл-заковат ва илмдир, энг катта мерос - бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир.

Шу сабабли ҳаммамиз замонавий билимларни ўзлаштириб, илм-маърифат ва юксак маданият эгаси бўлмоқлик узлуксиз ҳаётимиз эҳтиёжига айланиши керак.

ПЛАНИМЕТРИЯ

1-бўлим: Геометрик шакллар. Нуқта ва тўғри чизиқлар, кесма, бурчаклар ва уларнинг турлари, нур, учбурчаклар ва уларнинг турлари, аксиомалар ва теоремалар;

2-бўлим: Учбурчакни ясаш, учбурчакларнинг тенглик ва ўхшашлик аломатлари, учбурчак медианаси , баландлиги , биссектрисаси , тўғри чизиқларнинг паралеллелик аломати, ҳар бир тўғри чизиққа перпендикулярнинг мавжудлиги ва ягоналиги, оғма, тенг ёнли ва тўғри бурчакли учбурчаклар. Пифагор теоремаси;

3-бўлим: Айлана, доира, ясашга доир масалалар, айланага ички чизилган бурчаклар;

4-бўлим: Тўртбурчак қоидалари, параллелограмм, тўғри тўртбурчак, ромб, квадрат, Фалес теоремаси, трапеция, қавариқ кўпбурчаклар, мунтазам кўпбурчаклар ;

5-бўлим: Косинус, синус, тангенс ва котангенс. Синуслар ва косинуслар теоремаси, тўғри бурчакли учбурчакда томонлар ва бурчаклар орасидаги муносабатлар, асосий тригонометрик айниятлар, 0° дан 180° гача бўлган ихтиёрий бурчаклар синус, косинус, тангенс, котангенслар қийматини аниқлаш ;

6-бўлим: Текисликда координаталар системаси, кесма ўртасининг координатаси, нуқталар орасидаги масофа, айлана тенгламаси, тўғри чизиқ тенгламаси, тўғри чизиқ ва айлананинг кесишиши;

7-бўлим: Шаклларни кўчириш масалалари, ҳаракат , ҳаракат хоссалари, шаклларнинг тенглиги ва ўхшашлиги;

8-бўлим: Параллел кўчириш хоссалари, вектор тушунчаси, вектор абсолют катталиги ва йўналиши, вектор координаталари, векторлар устида амаллар, векторларнинг скаляр кўпайтмаси;

9-бўлим: Айлана узунлиги, марказий бурчак ва айлана ёйи;

10-бўлим: Юза тушунчаси, тўғри тўртбурчаклар, параллелограмм, учбурчаклар, ромб, трапеция юзалари, ўхшаш шакллар муносабатлари, доира юзи, сектор ва сегмент юзалари, ташқи ва ички чизилган кўпбурчаклар юзалари.

СТЕРЕОМЕТРИЯ

11-бўлим: Стереометрия аксиомалари ва уларнинг хулосалари , фазода параллел тўғри чизиқлар , тўғри чизиқ ва текисликларнинг параллелиги , текисликларнинг параллелиги;

12-бўлим: Тўғри чизиқларнинг перпендикулярлиги , тўғри чизиқ ва текисликнинг перпендикулярлиги , текисликларнинг перпендикулярлиги , айқаш тўғри чизиқлар, тўғри чизиқлар орасидаги масофа;

13-бўлим: Фазода Декарт координаталар системаси , фазода шаклларни ясаш , тўғри чизиқлар ва текисликлар орасидаги бурчаклар , фазода векторлар;

14-бўлим: Кўпёқли бурчаклар , кўпёқлар, призма , паралеллопипед, пирамида , мунтазам кўпёқлар ;

15-бўлим: Цилиндр , конус , шар , сфера тенгламалари ;

16-бўлим: Тўғри бурчакли паралеллопипед ҳажми , призма ҳажми , пирамида ҳажми , цилиндр ва конус ҳажми , шар ва унинг қисмларининг ҳажми ;

17-бўлим: Цилиндр , сирти , шар ва унинг қисмларининг сирти , конус сирти.

Ўқувчилар геометрия фанини яхши тушуниши учун энг аввало, уларнинг тасаввур қилиш қобилиятини ўстириш керак. Бунинг учун эса планиметриянинг бошланғич боскичларини тўлиқ ва пухта тушунтириб, сўнгра кейинги босқичларига ўтиш лозим. Масалан, агар ўқувчи учбурчак, унинг томонларига қараб турлари, бурчагига қараб турлари ва учбурчакка боғлиқ бўлган барча теорема,формулаларини тўлиқ билмаса, кейинги геометрик масалаларни тўлиқ еча олмайди.

Бугунги кунда геометрияни ўқитиш методикаси бўйича бой тажриба тўпланган. Ҳар бир метод ўз ютуқлари ва камчиликларига эга бўлиб , маълум ҳолатларда ўқув жараёнида намоён бўлади. Замонавий ўқитиш технологиялари ўзида ҳар хил метод ва усулларни жамлаган ҳолдагина натижали бўлиши мумкин.

Ватан равнақи, унинг эртанги келажаги ана шундай камолот чўққисини забт этаётган ёшларимиз истиқболида кўринади. Бугун олиб борилаётган таълим ислоҳотларининг самараси ўларок, ёш иқтидорли ўқувчилар ўз салоҳиятларини кенгрок намойиш этиш имкониятига эгалар. Уларнинг халқаро фан олимпиадаларидаги совринли ўринлари, турли фестивал ва анжуманларда кўпчиликнинг олқишига , эътиборига сазовор бўлаётган изланишлари кишига ўзгача ғурур ва ифтихор бахш этади.

Математика ўқитиш жараёни, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро боғлиқ бўлган тизимли фаолиятлари мажмуаси бўлиб, бунда ўқувчиларни билимли, онгли, математик тушунчаларни пухта эгаллаган ва амалиётга тадбиқ этиш кўникмаларига эга қилиб тарбиялаш назарда тутилган.

Бу жараён таълим мақсади ва унинг асосий компонентлари бўлган таълим мазмуни, ўқитиш, таълим бериш, таълим воситалари билан ўзаро боғлиқ равишда амалга оширилади.

Математика ўқитишнинг муҳим омилларидан бири – унинг мазмуни, ўқитиш мазмуни эса таълим мазмунидан келиб чиқади. Математика дарсликларида ва ўқув дастурларида акс эттирилган ўқув предмети мазмуни таълим бериш ва ўзлаштириш принципларига қаратилган.

Педагогик жараённинг ижобий тарзда амалга оширилиши фақатгина ўқув предметининг мазмунига эмас балки, таълим жараёни амалга оширилаётган муҳитдаги шарт шароитга ҳам боғлиқдир.

Ўқитиш жараёни ўқувчининг хусусий ўрганувчанлик фаолияти ва ўқитувчининг ўргатувчанлик фаолиятидан иборат.

Геометрик билимларни яхши ўзлаштиришнинг хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади :

Ўқувчини дарс давомида фаол бўлишга, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга йўллаш;

Ўқувчиларнинг ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларининг доимий равишда ўсиб бориши;

Ўқувчининг янгиликка интилувчанлигини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтириш;

Педагог ва ўқувчининг ҳамиша ҳамкорликдаги фаолиятининг ташкил этилиши.

Ҳар қандай геометрик тушунча ёки назарий мавзу ўқувчиларга маълум бир методлар асосида тушунтирилади. Ана шундай методлар икки йўналишда бўлиб, улардан бири ўқитувчининг тушунтириш методлари, иккинчиси эса ўқувчиларнинг қабул қилиш методларидир.

Вариатив усулда ёндашувда қуйидаги хусусиятларни ҳар бир педагог ўз фаолияти давомида амалга ошириши мақсадга мувофиқ бўларди:

-ўқитувчининг ўз фани математика илмини чуқур ва пухта билиши, ўқувчилар олдида чинакам обрў -эътибор қозониши;

-геометрия дунёсининг аксиома , теорема ва бир-биридан қизиқ масалаларининг ҳаётий тадбиғига мисоллар билан мустаҳкамланиши;

-ҳар бир ўқувчи шахсига катта қизиқиш билан қараш ва барча жамоавий мулоқотни ташкил қилиш;

-ўқувчиларнинг ўз ишларига бугунги кун талаби билан эмас, балки келажакни ўйлаб иш юритиши;

-ўқувчиларга бўлган муносабатлари, уларнинг тақдири ҳақида ғамхўрлик қилиш, ўз тарбияланувчиларнинг келажаги билан қизиқиш;

-ўқувчи шахсига ҳар томонлама ижобий ва ибратли таъсир кўрсатиш;

- илғор педагогик тажрибани ҳамда таълим-тарбиянинг назариясини чуқур ўрганиш янгиликларни тушуниб олиш уларни ўз тажрибалари билан солиштириб кўриш баъзиларини ўз фаолиятида тадбиқ қилиш.

Ўқитувчининг ўз ишига ижодий ёндашиши иқтидорли ўқувчининг ижодкорлигини оширади. Ўқитувчилар ўқувчиларига билим бериш билан бирга ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ва олийжаноблик фазилатларини шакллантириши керак.

Геометрия чуқур ўқитиладиган синфлар ва ихтисослаштирилган мактаблари ўқувчиларида геометрия фанларини ўқитишда

умумматематик фаолият усулларидан бўлган тушунча ва тасдиқлар билан амаллар бажаришни мақсадли шакллантириш мақсадга мувофиқ бўларди.

Вариатив усулда тизимлаштириш методи юқори синф ўқувчиларининг олий таълим муассасаларида ўқишини мувофақиятли давом эттиришга ёрдам беради. Ўрта мактаб- олий таълим тизимида геометрия фани курсларини ўқитишда узвийликни таъминлайди.

Ўрта мактаб-олий таълим тизимида математика фанларини ўқитишда узвийлик модели геометрия курсларини ўқитиш мисолида очиб берилди.

Ўрта мактаб-олий таълим тизимида математика фанларини ўқитишдаги узвийлик- бу таълим тизими узлуксизлигини, таълим жараёнининг яхлитлигини, истиқболлилигини, таълимнинг талаб этилган сифати ва натижаларини таъминловчи психологик ва педагогик шароитлар яратишга имкон берадиган омилдир.

Адабиётлар

С. Алихонов. Математика ўқитиш методикаси. Чўлпон номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2011.

М.Н.Перова. Методика преподования математики в коррекционной школе. Москва. “Владост”, 1999.

В.С.Крамор. Повторяем и систематизируем школьный курс геометрии. Москва. “Просвещение”, 1990.

# ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МУСТАҚИЛ ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА АЙРИМ КЎРСАТМАЛАР

DOI: 10.53885/edinres.2021.35.32.022

**Н.О.Жўраева**
Бухоро давлат университети

***Аннотация.*** *Бугунги фан ва техника ривожланган даврда талабалар билимини мустаҳкамлашда мустақил таълимнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан мустақил таълимни бажаришда талабаларда ўзига бўлган ишончни ошириш, мустақил билим олиш, мустақил ишланиш ва мустақил ўз устида ишлашга ўргатиш бугунги кунда жуда муҳимдир. Бу ишимизда талабалар мустақил таълимини ташкил этишда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар, талабаларга берилиши керак бўлган кўрсатмалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтилган.*

***Калит сўзлар.*** *талаба, ўқитувчи, мустақил таълим, аудитория, билим, кўникма, малака.*

# НЕКОТОРЫЕ РЕКОМЕНДАЦИИ ПО ОРГАНИЗАЦИИ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ УЧЕБНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ

**Н. О. Джураева**
*Бухарский Государственный Университет*

***Аннотация.*** *В современном мире науки и технологий роль самостоятельного образования в укреплении знаний учащихся приобретает особую важность. В связи с этим сегодня очень важно повысить уверенность студентов в себе, при выполнение самостоятельной работы, при самостоятельном развитие и самостоятельном обучение. В настоящей работе мы кратко обсудим аспекты, которые необходимо учитывать при организации самостоятельной работы студентов, инструкции, которые следует дать студентам.*

***Ключевые слова:*** *студент, преподаватель, самостоятельное образование, аудитория, знания, навыки, квалификация.*

# SOME RECOMMENDATIONS FOR ORGANIZING INDEPENDENT EDUCATIONAL ACTIVITIES IN THE EDUCATIONAL PROCESS

**N.O.Djuraeva**
*Bukhara State University*

***Abstract.*** *In the modern world of science and technology, the role of independent education in strengthening student knowledge is of particular importance. In this regard, today it is very important to increase students' self-confidence, when doing independent work, with independent development and self-study. In this paper, we will briefly discuss the aspects that need to be taken into account when organizing students' independent work, instructions that should be given to students.*

***Key words:*** *student, teacher, independent education, audience, knowledge, skills, qualifications.*

Ўқув материалларининг талабалар томонидан мустақил ўзлаштирилишини такомиллаштиришмасдан замонавий таълим олдига қўйилган вазифаларни талаб даражасида бажаришнинг умуман имкони йўқ.

Мустақил билим олиш назарияси ва технологияда ҳам педагогик тамойиллар асосий ролни ўйнайди. Мустақил билим олаётган субъектни таълим жараёнида ҳеч ким ўқишга мажбур этмаслиги муҳимдир. Зеро "Юзта ўқитувчи ёлла, лекин ўзинг ўзингни мажбурлай олмасанг, ўзингдан ўзинг талаб қила билмасанг, уларнинг ҳеч бири сенга ёрдам бера олмайди"-деган эди украин педагоги Василий Сухомлинский.

Мустақил билим олиш сабабларининг ривожланиши субъектни ижодий фаолиятини ташкил этишга ундайди ва шу билан унинг олдига - мустақил билим олиш қандай бўлиши керак деган саволни қўяди.

Мустақил билим олиш технологияси ва мустақил билим олиш сабаблари бир-бири билан боғликдир: аниқ натижага эриша олишига ишонмаслик таълим олувчини мустақил билим олишдан ҳар қандай бошқа сабаблардан кўра кўпроқ чўчитади ва мустақил ишланишига тўсқинлик қилади.

Мустақил билим олиш технологиясини яратиш бир неча алоҳида муамммоларни ҳал этишни кўзда тутади. Улар орасида мунтазам билим олишнинг мақсадини қўйиш муаммоси алоҳида ажралиб туради. Агарда таълим олиш умумий ривожланишни таъминлашга хизмат қилса, мустақил билим олишнинг мақсади эса касбий шаклланиш ёки касбий маҳоратни ўстиришга хизмат қилиш бўлиб ҳисобланади.

Мустақил билим олишни таъминлашга имкон берадиган топшириқлар тушунча, сабаб ва қадриятли йуналишларни ўзлаштириши паст даражали ва қониқарсиз бўлган талабалар учун қулай шароитни яратишни кўзда тутади. Биргина муваффақиятни ҳис этиш ҳам талабани мустақил билим олишга ундовчи психологик ҳолатни юзага келтиради.

Талабанинг мустақил иши унинг аудиторияда ва ундан ташқарида, ўқитувчи раҳбарлигида ёки ўқитувчи иштирокисиз амалга ошириладиган мустақил иш мажмуини англатади. Лекин, ҳамма талабалар ҳам ўқитувчи иштирокисиз мустақил изланади деб айта олмаймиз.

Чунки талабаларнинг аксариятида ўзига бўлган ишончнинг йўқлиги уларнинг мустақил билим олишларига тўсқинлик қилади. Шундай экан, талабаларнинг ўзига бўлган ишончини, ошириш учун мустақил таълимни бажаришда мутақил ишни бажарувчини дастлаб фан бўйича билимларини бойитиш, ҳар бир фан ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида кераклигини аниқ мисоллар ёрдамида изланувчига етказиш зарур.

Мустақил таълимни ташкил қилиш ҳозирда талабалар орасида мустақил таълимни ташкил этишдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Ҳозирда таълим олувчилар орасида мустақил таълимни ташкил этишдаги муаммолар қуйидагилар:

-вазифаларни ҳамма талабаларнинг бажармаслиги;

-талабаларда ўзига бўлган ишончнинг йўқлиги;

-талабалар нутқ маданиятининг яхши ривожланмагани;

-талабаларни баҳолашда вақтнинг етишмаслиги;

Мустақиллик-шахснинг алоҳида хусусияти, лаёқати, фаоллиги диққатини жамлаш қобилияти, қўйилган мақсадга эришиш йўлида бор кучини сарф этиш каби хусусиятлар бирлигидир.

Шу нуқтаи назардан айтганда, мамлакатимизда ўтган давр мобайнида таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, ўғил-қизларимизнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда билим олиши, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш, қобилияти ҳамда иқтидор, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Талабаларга юқори даражадаги билимни ўқув аудиториясидаги машғулотлар тўлиқ бера олмайди. Буни амалга оширишда мустақил ўқув фаолияти тўлдирувчи ривожлантирувчи вазифасини бажаради.

Шу ўринда мустақил таълим тушунчасига изоҳ бериб ўтсак.

Мустақил таълим-олинган билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, қўшимча маълумот ёки материални мустақил ўрганиш мақсадидаги ўқув шакли.

Талабалар ўқитувчининг бевосита иштирокисиз ёки билвосита бошқарувида, у берган вазифа, дарслик асосида индивидуал бажарадиган

иши мустақил иш ҳисобланади. Талабаларнинг мустақил иши ўқув жараёнининг ажралмас қисмидир.

Мустақил фаолият муайян фандан ўқув дастурида белгиланган ҳамда талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни амалга оширишга хизмат қилади, ўқитувчи маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ёки аудиториядан ташқарида бажарилади. Фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб, мустақил иш турлари бўйича топшириқлар ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабига мувофиқ талабаларнинг мустақил ишини ташкил этишга катта эътибор бериб келинмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 21 февралдаги «Талабалар мустақил ишини ташкил этиш тўғрисида»ги 34-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Талабалар мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида»ги Намунавий низомда қуйидагилар аниқ белгиланган:

– талабалар мустақил ишининг мақсад ва вазифалари;

– талаба мустақил ишининг ташкилий шакллари;

– талаба мустақил ишининг ахборот таъминоти;

– талаба мустақил ишини назорат қилиш ва баҳолаш.

Мазкур низомда талабалар мустақил ишининг мақсад ва вазифалари, шакллари, ахборот таъминоти, назорат қилиш турлари ва баҳолаш мезонлари кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 14 ав-густдаги 286-сонли буйруғининг 1-иловасида «Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома»да талабалар мустақил ишини самарали олиб бориш учун янада кенгроқ ва чуқурроқ маълумот берилган.

Талабаларнинг мустақил таълимидан асосий мақсадлар қуйидагилардан иборатдир:

- янги билим олиш усулларини эгаллаш, жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

-аудиториядаги машғулотларда олган билимларини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, кенгайтириш ва тартибга солиш;

- меъёрий-ҳуқуқий актлар, маълумотлар ва махсус адабиётлар билан ишлашни ўрганиш;

- ўқув материалларини мустақил ўрганиш;

- фаоллиги, билим орттириши, ижодий ташаббуси, масъулияти ва тартиблигини ривожлантириш;

- олган билимларини амалиётда қўллай олишни шакллантириш;

- мустақил фикр юритиш, ўз-ўзини ўстириш, ўзининг режасини амалга оширишни шакллантириш;

- тадқиқот қила олиш қобилиятини ривожлантириш

Талабалар мустақил таълимининг асосий вазифаси мустақил равишда маълумотлар топиш усули билан билим олишни ривожлантириш, ўқув жараёнига ижодий ёндашишга фаол қизиқишни шакллантиришдан иборат.

Талабалар мустақил равишда курс ишлари, курс лойиҳаси, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияларини тайёрлаётганларида қўйилган муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, ўзларининг мустақил асосланган фикр ва хулосаларини чиқаришлари керак.

Замонавий педагогик технологияга кўра, таълим олувчилар ўқиш жараёнида иложи борича мустақил ўрганишлари керак, педагог эса бу мустақил меҳнатни бошқариш, талабаларга керакли материалларни бериб бориши лозим.

Мустақил таълимни тўғри ташкил этиш билим бериш ва тарбияда жуда катта аҳамиятга эга. Педагогнинг асосий вазифаси ҳар бир талабанинг ҳаётда ўз ўрнини топишга ёрдам беришидир. Бунга эришиш учун мустақил таълимни ривожлантириш зарур. Мустақил таълимга топшириқ берилаётганда қуйидагиларга катта эътибор бериш керак:

-талаба олдига аниқ мақсад қўйиш;

-бажариладиган ишнинг алгоритмини таклиф қилиш;

-адабиётларни тавсия қилиш; ишни ба-жариш шакли ва муддатлари белгиланиши;

-ишни ташкил қилишда бериладиган маслаҳат;

-муддатлари белгиланиши ва баҳолаш мезонларини аниқлаш.

Ўқиш жараёнида мустақил таълимни қуйидаги икки гуруҳга бўлиш мумкин: аудиториядаги мустақил таълим ва аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил таълим.

Аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил таълимда талабалар педагоглар томонидан берилган топшириқларни ўқитувчининг иштирокисиз бажарадилар.

Педагог биринчи дарснинг ўзидаёқ талабаларга фан учун ажратилган соат, мустақил ишнинг турлари, назоратнинг усул ва шакллари ҳамда муддати, натижаларни баҳолаш мезонлари, мустақил ишнинг аҳамияти ва зарурлигини тушунтиради.

Мустақил таълим аудиторияда педагог раҳбарлигида олиб борилганда, мустақил фаолиятни олиб бориш учун талаба бевосита педагогдан топшириқлар ва тавсиялар олади.

Педагог эса назорат қилади ва нотўғри бажарилган вазифаларни тўғрилаб, бошқарув функциясини бажаради. Аудиторияда олиб бориладиган турли хил машғулотларда талаба бевосита педагогнинг раҳбарлиги ёки унинг иштирокида мустақил ишни бажаради.

Мустақил таълимда талаба фақатгина педагогдан билим олмай, ўзаро бир-бириdan ҳам ўрганади.

Аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил ишлар қуйидаги турларда амалга оширилади:

-маъруза, амалий машғулотлар, семинар ва лабораторияларга тайёргарлик;

-ўқув режадаги фанларнинг маъруза машғулотларида ўрганилмайдиган мавзуларини мустақил ўрганиш;

- интернетдан керакли маълумотларни излаб топиш;

- курс ишлари, курс лойиҳалари, битирув малакавий ишлар ва магистрлик диссертацияларни тайёрлаш;

- ахборот-ресурс маркази каталоги орқали мустақил равишда адабиётларни излаш;

- ўқув аудиоёзувларини эшитиш, видео-материалларни кўриш;

- ўрганилаётган мавзу бўйича дарслик, ўқув қўлланмаларни ўрганиш;

- назорат ишларини бажариш;

- мавзулар бўйича докладлар, рефератлар ва эсселар ёзиш;

- семинар ва конференцияларда маъруза қилишга тайёргарлик қилиш;

- амалий машғулотларда берилган масала ва мисолларни ечиш;

- ўқув материалларини тизимли ўрганиш мақсадида альбом, жадвал, схема, ребус, тестлар ва кроссворд тузиш;

- ўрганилаётган мавзулар бўйича алоҳида талаба ёки бир гуруҳ талабалар кўргазмали қўлланмалар тайёрлаши;

- мустақил ўрганилаётган саволларни конспектлаш;

-маърузада олинган билимларни мустаҳкамлаш мақсадида тестлар ечиш;

- ижодий ва илмий ишларни бажариш;

- талабаларнинг илмий жамиятлар ва тўгаракларда иштирок этиши;

- танловлар ва олимпиадаларда қатнашиш;

- ўтган амалиёт бўйича ҳисоботлар, талабалар конференцияларига илмий докладлар тайёрлаш;

- ҳисоб-китоб ва график ишларни бажариш;

-жорий, оралиқ ва якуний назоратларга тайёргарлик кўриш;

- монографияларни конспектлаш.

Бизнинг фикримизча, мустақил таълим самарадорлигини ошириш учун авваламбор мустақил таълимга ажратилган соат улушини кўпайтириш керак. Педагог талабаларни мустақил ишларни бажаришга йўналтириши учун малакасини ошириш лозим, педагоглар мустақил таълимни самарали ташкил этиши ва талабаларни мустақил ишларни бажаришга психологик тайёрлаши керак.

Маълумки, илғор хорижий давлатлар тажрибасида таълим кредит соатлар асосида олиб борилади. Талабаларнинг мустақил иши расмий равишда кредит соатларга киритилмайди ва назорат қилинмайди, чунки техник жиҳатдан назоратни амалга ошириш жуда мураккабдир. Лекин

ҳар бир кредит соатига 2 соатдан мустақил иш режалаштирилади ва талабалар томонидан бажарилади.

Бизнинг тадқиқот ишимиз олий таълим тизимидаги барча йўналишлардаги талабларнинг таълим жараёнида мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишга оид бўлиб, талабалар томонидан мустақил равишда жавоб ёзишни (реферат ёки ҳисобот шаклида) талаб этувчи саволлар, талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган топшириқлар ишлаб чиқилиши ва уларни ўрганишда замонавий коммуникацион воситалардан самарали фойдаланиш ҳақида.

Биз шартли равишда тажрибамиздан келиб чиқиб, мустақил ишларни уч турга ажратишни лозим деб топдик:

1. Ёзма мустақил топшириқларга қуйидагилар киради: ҳисоблаш учун берилган вазифаларни бажариш, умумлаштирувчи ва такрорланувчи жадвалларни тўлдириш, технологик хариталарни ишлаб чиқиш, лаборатория, амалий ишлар тўғрисида ҳисоботлар тузиш, турли органайзерлар асосида талабалар фаолиятини ташкил этиш ва бошқалар.

2. График мустақил топшириқларга қуйидагиларни киритиш мумкин: турли лойиҳаларни тайёрлаш, чизмачилик ишларини эскизлаштириш, кесмалар ва кесишмаларни тасвирлаш (айрим детал ва тугунларни чизиб кўрсатиш ва ҳоказо), схемалар, графиклар, диаграммаларни тузиш, кузатиш натижаларини тасвирлаш ва шунга ўхшаш вазифаларни ўз ичига олади.

3. Амалий характердаги мустақил топшириқларга қуйидаги вазифаларни киритиш мумкин: талабалар ўқитувчининг топшириғи асосида мустақил ишни бажариш жараёнида буюм ва маҳсулотларни тайёрлаш, жиҳоз ва асбоб-ускуналарни таъмирлаш, маҳсулотга ишлов бериш, ҳисоблаш, янги мосламаларни лойиҳалаш, макет ва моделлар, намуналар тайёрлаш каби ишларни амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оши-риш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4732-сонли фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 24-сон, 312-модда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 21 февралдаги «Талабалар мустақил ишини ташкил этиш тўғрисида»ги 34-сонли буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 14 августдаги «Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома тўғрисида»ги 286-сонли буйруғи.

Ҳасонбоев Ж., Тўрақулов Х. ва бошқалар. Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2009. -355-б.

# БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА МЕТОДИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

DOI: 10.53885/edinres.2021.72.14.023

**Ш. О. Ибрагимова**
Фарғона давлат университети, педагогика кафедраси ўқитувчиси

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада, методик компетентлик, бўлажак бошланғич таълим ўқитувчиси методик компетентлигининг ўзига хос хусусиятлари, методик тафаккурни шакллантириш, мактабда методик ишларни ташкил этишга янгича ёндашувлар ёритиб берилган.*

***Калит сўзлар:*** *методик компетентлик, ўқитиш методикаси, методик тафаккур, бошланғич таълим.*

# ИННОВАЦИОННЫЙ ПОДХОД К РАЗВИТИЮ МЕТОДИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ

**Ш. А. Ибрагимова**
преподаватель кафедры педагогики, Ферганского государственного университета

***Аннотация.*** *В данной статье освещаются новые подходы к организации методической работы в школе, формированию методического мышления, методической компетентности, методической компетентности будущего учителя начального образования.*

***Ключевые слова:*** *методическая компетентность, методика преподавания, методическое мышление, начальное образование.*

# INNOVATIVE APPROACH TO THE DEVELOPMENT OF METHODICAL COMPETENCE IN FUTURE PRIMARY SCHOOL TEACHERS

**Sh. A. Ibragimova**
is a teacher of the Department of pedagogy at Fergana State University

***Abstract.*** *In this article, new approaches to the organization of methodological work in the school, forming methodological thinking, methodological competence, methodological competence of the future teacher of primary education are highlighted.*

***Keywords:*** *methodical competence, teaching methodology, methodical thinking, primary education.*

Introduction. Таълим ислохотларини амалга оширишнинг устувор субъекти ўқитувчи омили бўлар экан, унинг шахси ва касбий – методик компетентлик даражаси таълим тизими олдига қўйилаётган вазифаларнинг самарали бажарилиши ва кутилган натижаларга эришишни ифода этади. Бу ҳақда янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида” ги Қонун (2020 йил 23 сентябр) таълим соҳасида амалга ошириладиган ишларнинг мақсади, вазифалари ва йўналишларини белгилаб берди. “Таълим тўғрисидаги” Қонуннинг 5-боб 44 - моддасида белгилаб берилгандек, “Педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи – тегишли маълумоти, касбий тайёргарлиги бўлган ва маънавий ахлоқий фазилатларга эга шахсларга берилади.

Янги давлат таълим стандартларининг жорий этилиши яна бир бор ўқитувчига касбий фаолиятни сезиларли ўзгартирувчи ва янги мазмун билан тўлдирувчи талабларни қўймокда. Чунки мазкур стандартлар компетентли-фаолиятли ёндашувга асосланган бўлиб, улар аждодларидан билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш эмас, балки узлуксиз таълим олиш, эҳтиёжлари ва қобилиятларини ривожлантиришга лаёқатли шахсни таркиб топтиришга йўналтирилганлиги билан фарқ қилади.

Шундай экан, ўқитувчи касбий масъулиятининг ошиши ва жамиятдаги ролининг ўзгариши уларни таълим жараёнидаги жадал ўзгаришларга тез мослашиш, ўта фаоллик, доимий ўзини ривожлантириш ва мустақил билим олишга тайёр бўлиш, ўқитишнинг замонавий ёндашувлари ва технологияларидан бохабар бўлиш ҳамда уларни самарали қўллай олиш сифатларига эга бўлишларини тақозо қилади.

Materials and methods. Методик компетентлик – педагогик жараённи методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шаклларини тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллай олиш, воситаларни муваффақиятли қўллашни англатади. Бундан ташқари, В. А. Адольф ва В. А. Сластениннинг фикрига кўра, методик компетентлик аниқ ифодаланган амалий хусусиятга эга ва ўз моҳиятига кўра у ёки бу фанни ўқитишнинг аниқ қуриш масалалари бўйича кенгайтирилган билимлар тизимини акс эттиради[5.78].

Муаллиф, ўқитиш методикасини яхши эгаллаган, турли методик тизимларга ўзининг муносабатини аниқ белгилайдиган ва методикада ўзининг индивидуал услубига эга бўлган ўқитувчини компетентли деб аташ мумкин, деб ҳисоблайди. Бўлажак бошланғич таълим

ўқитувчисининг касбий компетентлиги структурасида методик компетентлик каби компонентни алоҳида ажратиш мумкин.

У қуйидаги билимлар мажмуини акс эттиради:

- кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни ўқитиш методикасининг назарий асослари;
- миллий ўқитиш назариясининг ривожланиш тенденциялари;
- яхлит педагогик жараёнда бошланғич таълимнинг моҳияти ва роли;
- бошланғич таълимда махсус фанларни ўқитишнинг дидактик ва методик асослари;
- фанда интеграцион жараёнларнинг методологик асослари (моддий оламнинг яхлитлиги, табиат, жамият ва билиш ҳодисаларининг ўзаро боғлиқлиги ва умумий алоқаси тўғрисидаги таълимот);
- илмий билимларнинг дифференциацияси ва интеграцияси диалектикаси уларнинг бошланғич таълим ўқув-тарбия жараёнидаги роли тўғрисида;
- бошланғич таълимнинг амалдаги ўқув дастурларининг фанлараро алоқадорлигини амалга оширишнинг моҳияти, аҳамияти, кўринишлари ва йўллари тўғрисида;
- кичик мактаб ёшидаги ўқувчи шахсининг индивидуал хусусиятлари ва унинг ўз-ўзини амалга ошириш қобилиятларининг педагогик диагностикаси методлари;
- умумлашган касбий кўникмалари:
- педагогик фикрлаш ва ҳаракат қилиш кўникмаси;
- ҳақиқий педагогик ҳодисалар ва далилларни ўрганиш, ифодалаш, тушунтириш;
- касбий асосланган қарорлар қабул қилиш, педагогик вазифаларни ечиш;
- ихтиёрий ўқув-тарбиявий жараённи ташкил этиш;
- шахсий фаолиятли ёндашув технологияларини қўллаш;
- фаол тинглаш, эмпатияли қабул қилиш ва адекват ўзини ифодалашни кўзда тутувчи қадриятли-мазмунли даражада педагогик мулоқот кўникмалари ва малакалари;
- касбий хулқ ва мулоқотнинг демократик услуби малакалари; алоқали ўзаро муносабат техникасини эгаллаш;
- мустақил билим фаолияти кўникма ва малакалари тизимини;ўз-ўзини ривожлантириш ва касбий компетентликнинг шаклланишини таъминловчи кўникмаларни қўллай олиш.

Бундан ташқари, А.К.Маркова бошланғич таълим ўқитувчиси касбий фаолиятининг ўзига хослигини таъкидлайди, у бошланғич таълим ўқитувчиси ўқувчида ўқиш кўникмалари ва ўқув фаолияти асосларини ҳосил қилиши, мактабдаги хулқ-атвор намуналарини

шакллантиришидан иборатдир (ўқувчиларнинг мактабдаги кейинги йиллардаги ўқишлари муваффақияти бунга боғлиқдир).

Шу сабабли, муаллиф бўлажак бошланғич таълим ўқитувчиси қуйидагиларни амалга ошириши лозим деб ҳисоблайди:

− ўқувчиларда ўқув вазифасини тушуниш ва қисмларга ажратиш, ўқув фаолиятида усуллар ва натижаларни қисмларга ажратиш, бир неча ечиш усулларини солиштириш, ўзўзини назорат қилишнинг бир неча турларини бажариш қобилиятларини шакллантириш;

− ўқув-билиш мотивларини ҳосил қилиш (иш усулларига, ўз-ўзини баҳолашга қизиқиш)[3.126].

Демак, методик компетентликнинг қуйидаги асосий хусусиятларини айтиш мумкин: бошланғич таълимда таълим ва тарбиянинг анъанавий ва замонавий методлари, шакллари, воситалари, усуллари, технологияларини билиш, уларни қўллай олиш, ижодий қайта ўзгартириш кўникмаларига эгалик.

Results and discussion. Методик ишлар маълум маънода, уни индивидуализация ва дифференциацияси шароитларида илмий-методик жиҳатдан такомиллаштириш бўйича ўқитувчилар талабларини қондириши мумкин. Методик ишларни ташкил этиш дифференциаллашган асосда қатор объектив ва субъектив омилларга асосланган, энг аввало, ҳаётий ва профессионал установкалар, қадриятли йўналганлик, тажриба ва ўқитувчиларнинг профессионализмини илмий-методик тайёргарлигини такомиллаштириш ишлари бўйича ҳаётий заруратлар ҳисобга олинади. Шунингдек, мактабларда ижобий тажрибаларни, унинг методик хизматлари анъанавий фаолияти сақлаш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Буларнинг барчаси мактабда ўқув тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари учун бошқарув объекти бўлиб ҳисобланади.

Мактабда методик ишлар бошқаруви, агар унинг вазифалари, мазмуни, ташкилий асоси аниқ ва тушунарли намоён этилса, нафақат мактаб директори, илмий ишлар мудири, балки ўқитувчилар учун ҳам самарали кечади. Мактабда методик ишлар вазифалари умумий кўринишда қуйидаги тарзда шаклланиши мумкин:

1) мактаб жамоасининг педагогик фаолиятининг инновацион йўналганлигини шакллантириш, тизимли ўқиш педагогик тажрибаларни умумлаштириш ва тарқатишни, шунингдек, педагогик фанлар ютуқларини жорий этишига мувофиқ намойиш этиш; ўқитувчиларнинг назарий(фанга оид) ва психологик-педагогик тайёргарлигини ошириш;

2) янги таълим дастурлари, ўқув режа, давлат таълим стандартлари бўйича ташкил этиш; янги педагогик технологиялар, формами и таълим ва тарбиянинг шакл ва методлари билан бойитиш; янги

меъёрий(норматив) ҳужжатлар, инструктив-методик материалларни ўрганиш бўйича ишларни ташкил этиш;

3) диагностик индивидуаллаштирилган ва дифференциаллаштирилган асосда ўқитувчиларга илмий-методик ёрдам кўрсатиш: педагогик иш фаолиятида айрим қийинчиликларни бошдан кечирадиган ёш ўқитувчиларга; фан ўқитувчиларига; синф раҳбарлари ва тарбиячиларга; ўқитувчиларга, илмий-методик ёрдам кўрсатиш; кичик педагогик тажриба стажига эга ўқитувчиларга; педагогик тажриба стажига эга бўлмаган ўқитувчиларга ва бошқаларга илмий-методик ёрдам кўрсатиш; педагогик мустақил таълимни ташкил этишда ўқитувчиларга маслаҳатли-консультатив ёрдам кўрсатиш; профессионал педагогик маданиятнинг умумий даражасини ошириш.

Ўқитувчилар методик ишлар мазмунини ўқитувчилар фаолиятининг энг умумлаштирилган тавсифи сифатида профессионал-педагогик маданиятнинг таркибий қисми: ўқитувчиларни умумий маданий тайёргарлиги; методологик маданият; тадқиқот маданияти; профессионал-ахлоқий маданият; тарбиявий маданият; диагностик маданият; бошқарув маданияти орқали мақсадга мувофиқ белгилаш.

Ҳар бир йўналишда профессионал-педагогик маданиятни шакллантириш ҳақидаги методик ишлар мазмуни аниқлаштирилади ва узоқ вақт мобайнида ўрганиш предмети бўлиши мумкин. Ўқитувчиларнинг методик, инновацион фаолиятдаги иштироки охирги натижада педагогик тизим шаклланишига, индивидуал педагогик фаолият усулининг ва салоҳиятнинг шаклланишига ёрдам беради. Методик ишларни ташкил этиш мактаб тури ва унинг жойлашуви ва бошқаларга мувофиқ кескин фарқланиши мумкин.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида методик компетентликни ривожлантиришдаги мавжуд ҳолат, муаммолар ва қарама-қаршиликлар бошланғич синф ўқитувчиларини методик тайёрлашнинг ўзига хосликларини аниқлашга имкон берди. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида касбга тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Турли фан соҳаларидан илмий тушунчаларни шакллантириш учун ягона асоснинг белгиланиши (ўқитувчиларни касбга тайёрлашда интегратив ёндашувнинг амалга оширилиши).

2. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчини касбга тайёрлаш асосида компетентликка йўналтирилган ёндашиш.

3. Болалар ўсиши ва ривожланишига хос психологик-физиологик хусусиятларни билиш (таълимнинг ворисийлик тамойили асосида шахсга йўналтирилган ёндашув доирасида амалга оширилиши).

4. Билимларни ўзлаштириш жараёнининг психологик

қонуниятларини, бошланғич синф ўқувчилари ўқитишда дидактик ва методик тамойилларни билиш.

5. Таълим жараёнида турли педагогик технологиялар, масалан, АКТ (ахборот -коммуникацион технологиялари)дан фойдаланиш.

6. Талабанинг мустақил билим олишга, ўзини ривожлантиришга ва такомиллаштиришга мунтазам интилиши.

7. Илмий-тадқиқот фаолияти амалга оширилиши ва бошқалар.

Conclusion. Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида методик компетентликни шакллантиришнинг мақсади -касбий ва шахсий ривожланиш жараёнида талабанинг ўз-ўзини англаш, баҳолаш ва бошқаришни ривожлантиришдир.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг методик компетентлигини ривожлантириш - таълимни тараққий эттиришнинг юзага келадиган педагогик ҳамда муаммоли вазиятларни муваффақиятли ҳал этилишини таъминловчи, мотивацион хислатлар, интеилектуал салоҳият, иродавий сифатлар, амалий кўникмалар, ҳиссий сифатлар, ўз - ўзини бошқара олиш сифатларини таърифловчи ҳамда касб эгасининг мустақил билим олиши ва ўз - ўзини ривожлантиришда муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

“Таълим тўғрисида”ги Қонун. ЎРҚ-637-сон. 2020-йил 23-сентябрь. https://lex.uz/

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармони. Қонун хужжатлари тўплами миллий базаси https://lex.uz/

Маркова А.К. Психология профессионализма. - М.: Международный гуманитарный фонд «Знание», 1996. -С. 312.

Кузьмина Н.В. Профессионализм личности преподавателя и мастера производственного обучения. – Москва, 1990.

Сластенин, В.А. Введение в педагогическую аксиологию. – М.: Издательский центр «Академия», 2003. – 192 с.

Siddikov B. S. The importance of sports and recreation activities for a harmoniously developed generation //Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества. – 2020. – С. 107-111. URL: https://www.elibrary.ru/item.asp?id=44005450

Sobirjon A. Socio–pedagogical factors of formation of activities of society and social involvement in students who have an active life position // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2020. – Т. 8. – №. 12.

Urinova N. M. Developing and Promoting Students’ Social Activity //Eastern European Scientific Journal. – 2018. – №. 6. URL: http://journale.auris-verlag.de/index.php/EESJ/article/viewFile/786/859

Ахмедов Бекзод Ахмадиллаевич, Сиддиков Бахтиёр Саидкулович,

Джалалов Бахромжон Бегмурзаевич. Модернизация образования - основной фактор в формировании инновационной компетенции будущих учителей // Academy. 2020. №9 (60). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/modernizatsiya-obrazovaniya-osnovnoy-faktor-v-formirovanii-innovatsionnoy-kompetentsii-buduschih-uchiteley (дата обращения: 09.04.2021).

Джалалов Б. Б. Важные аспекты формирования инновационных компетенций у будущих учителей //european research: innovation in science, education and technology. – 2019. – С. 43-44.URL: https://www.elibrary.ru/item.asp?id=35363013&pff=1

Джалалов Б. Б. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг назарий методологик асослари //Педагогика ва психологияда инновациялар. – 2020. – Т. 10. – №. 3. URL: https://pedagogy.tadqiqot.uz/index.php/pedagogy/article/download/180/173

Джалалов Б. Б. Развитие профессиональной компетентности педагогических кадров в условиях глобализации как педагогическая проблема //international scientific review of the problems and prospects of modern science and education. – 2018. – С. 53-55. URL: https://www.elibrary.ru/item.asp?id=35363013

Джалалов Б. Б., Хатамов Х. А., Насайдинова Ф. У. Преимущества коллективного обучения //Ученый XXI века. – 2016. – С. 40.URL: http://www.uch21vek.com/assets/uch21vek_6_2_2016.pdf#page=41

Ибрагимова Ш. О. Роль семьи в формировании ценностных представлений у молодежи о браке и семье //european research: innovation in science, education and technology. – 2019. – С. 84-86. URL: https://www.elibrary.ru/item.asp?id=38465482

Сиддиков Б. С. Физическое воспитание как фактор развития личности // International scientific review. 2019. №LXIV. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/fizicheskoe-vospitanie-kak-faktor-razvitiya-lichnosti (дата обращения: 09.04.2021).

Сиддиков Б. С., Джалалов Б. Б. Задачи развития активности молодёжи с помощью педагогических тренингов //Ученый XXI века. – 2016. – №. 6-2. URL: http://uch21vek.com/assets/uch21vek_6_2_2016.pdf

Уринова Н. М., Байджанов Б. Х. Социально-педагогические особенности подготовки будущих учителей к воспитательной работе // Ученый XXI века. – 2016. – С. 21. URL: http://www.uch21vek.com/assets/uch21vek_4_2_2016.pdf#page=21

Уринова Н. М., Таджибоева Х. М. Педагогические основы развития социальной активности учащейся молодежи //international scientific review of the problems of philosophy, sociology, history and political science. – 2018. – С. 29-33. URL: https://www.elibrary.ru/item.asp?id=35363577

Уринова Н. М., Хусеинова С. Б. Теоретико-практическая подготовка будущих учителей гуманитарного профиля к социально ориентированной воспитательной работе // Бюллетень науки и практики. 2021. Т. 7. №5. С. 434-440. https://doi.org/10.33619/2414-2948/66/4

# ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДКОРЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ ҚУРИЛМАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

DOI: 10.53885/edinres.2021.44.47.024

**Н. М. Ҳамдамова**

Бухоро давлат университети, “Физика”кафедраси таянч докторанти

***Аннотация.*** *Мазкур мақолада шахс ижодкорлик қобилиятларини ривождантириш муаммоси, ўқувчиларнинг амалий, ижодий фаолиятларини ташкил этиш тоифалари, ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини шакллантиришда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш йўналишлари тўғрисида маълумотлар баён қилинган.*

***Таянч тушунчалар:*** *шахс ижодкорлик қобилияти, ўқувчиларнинг ижодкорлик фаолияти, техник тафаккур, муқобил энергия, қуёш*

# ИСПОЛЬЗОВАНИЕ УСТРОЙСТВ С АЛЬТЕРНАТИВНЫМИ ИСТОЧНИКАМИ ЭНЕРГИИ В ФОРМИРОВАНИИ ТВОРЧЕСКИХ СПОСОБНОСТЕЙ УЧАЩИХСЯ

**Н. М. Хамдамова**

докторант кафедры «Физика», Бухарского государственного университета

*Аннотация. В настоящей статье изложены сведения о проблемах развития творческой способности личности; способах организации практической, творческой деятельности учеников; направлениях использования источников альтернативной энергии в формировании творческих способностей учеников.*

***Ключевые слова:*** *творческая способность личности, техническое мышление, творческая деятельность учеников, альтернативная энергия, солнце*

# USING ALTERNATIVE ENERGY DEVICES TO SHAPE STUDENTS’ CREATIVITY

**N. M. Khamdamova**

doctoral student of the Department of Physics, Bukhara State University

***Abstract.*** *This article provides information on the problems of the development of the creative ability of the individual; ways of organizing practical, creative activities of students; directions of using alternative*

*energy sources in the formation of students' creative abilities.*

***Key words:*** *creative ability of a person, technical thinking, creative activity of students, alternative energy, sun*

Шахс ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш муаммоси, уларнинг сифатларини ривожлантириш муаммоси, уларни тарбиялаш ва ривожлантириш масалалари, у барча даврларда тадқиқотчилар, педагоглар ва бошқа турли йўналиш вакилларининг қизиқтириб келаётган масалалардан бири ҳисобланади. Ўқувчиларнинг ижодкорлик фаолияти билан боғлиқ масалалар бугунги кунда энг кам ўрганилган масалалардан биридир.

Ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этиш педагогик ва психологик томондан болалар учун жуда мураккаб бўлган жараёндир. Чунки бунда бирор турдаги янги буюмни ясашда ўқувчи техник тафаккур қила олиш қобилиятига эга бўлиши, яъни масала ёки топшириқнинг моҳиятини англаш, фикрлаш, буюм шаклини тасаввур этиш ва уни амалда тайёрлай олиш каби ақлий ва жисмоний ишларни бажариш қобилияти талаб этилади. Сир эмаски, кўпчилик ўқувчиларда бу учта қобилият яхлит ҳолда мужассамлашмаган бўлади.

Ўқитувчилар дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда амалий ижодий ишларни бажариш жараёнида ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириши мумкин. Бу эса уларнинг келажакда касб танлашларида муҳим ўрин тутади.

Дарсларда ўқувчиларнинг амалий, ижодий ишларини ташкил қилишда улар томонидан тайёрланадиган буюмларни тузилиши, уларнинг қисмларини бириктириш усуллари, уларни тайёрлашда ишлатиладиган материалларнинг, иш асбоблари ва иш усулларининг турлари ҳамда сонига қараб қуйидаги 5 та тоифага ёки даражага бўлиб олиш мақсадига мувофиқдир:

1. Бир деталли энг оддий буюмлар. Буларга кўрсаткич таёқча, чизғич, зулпин каби буюмларни киритиш мумкин.

2. Бир-икки хил материалдан қилинадиган кўп деталли оддий бирикмали буюмлар. Буларга куракча, қутича, замбил, нутромер, кронциркуль каби буюм ва асбобларни кўрсатиш мумкин.

3. Бир ёки бир неча хил материаллардан қилинган кўп деталли, мураккаб бирикмали буюмлар. Буларга сурат ромчалари, ром, эшик, дарвоза, курси, сандиқ, сандал каби буюмларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

4. Оддий механизмли буюмлар. Буларга дастаки – қўл тискилари, винтли қотиргичлар, коловорот кабилар мисол бўлади.

5. Ҳаракатланувчи буюмлар ва радиоқурилмалар. Бу тоифага

механик ёки электр қурилма ёрдамида ҳаракатланадиган, радио орқали бошқариладиган автомобиль, трактор, кема, самолёт, ракета моделлари, турли хил ўйинчоқлар, роботлар, радио сигналларни тарқатувчи, қабул қилувчи, овоз ва тасвирларни ёзиб олувчи ва қайта эшиттирувчи ҳамда кўрсатувчи қурилмалар ва шу кабиларни киритиш мумкин [ 3, б. 94 ].

Айнан бир хил номдаги буюм ёки қурилма ўзининг тузилиши ва бадиий ишланишига кўра мураккаброқ кўринишларда бўлиши ҳам мумкин. Шу сабабли бу даражаланишни умумий ҳолда тузилган деб қараш ўринлидир. Бинобарин, ўқувчилар томонидан тайёрланадиган буюмларни бундай оддийдан мураккабга қараб борувчи хусусият асосида даражаларга бўлиб олиниши уларнинг ўсмирлик давридаги ақлий ва жисмоний ривожланиш жараёнидаги ўзгаришларга мос ҳолда беш хил йўналиш бўйича амалий, ижодий машғулотларни ташкил этиш имконини беради. Бу эса ўқувчиларнинг зерикмай, толиқмай, ўз имкониятлари даражасида мустақил ва ижодий ишларига катта ёрдам беради. Амалий, ижодий машғулотларни ташкил этишда ўқувчиларга фан-техника технологияларнинг энг сўнги ютуқлари тўғрисида ахборотлар бериш билан бир қаторда, турли энергетик қурилмаларни лойиҳалаш ва ясашга доир билимлар бериш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда фан-техниканинг жадал суръатларда тараққий этиб бориши, Ер юзида аҳоли сонининг кун сайин кўпайиши натижасида озиқ-овқат, энергетик, экологик, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни вужудга келишига сабаб бўлишини турли мисоллар ёрдамида тушунтириш мумкин.

Бутун дунёда энергетика муаммолари кескинлашиб бораётганлиги, у билан боғлиқ ҳолда атроф-мухитни асраш муаммосининг ҳам долзарб масалага айланиб бораётганлиги, қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш муаммосини кўпроқ кун тартибига қўймоқда [ 1, б. 4 ]. Ер юзида энергия танқислигининг олдини олиш мақсадида ҳамда атроф муҳит мусаффолигини сақлаш мақсадида энергиянинг бошқа манбалари: ер ости иссиқлик энергияси, шамол ва қуёш энергиясидан фойдаланилмоқда.

Умуман, табиатда фойдаланадиган энергия манбаларини икки гуруҳга ажратилади. Қайта тикланадиган (муқобил) ва қайта тикланмайдиган энергия манбалари. Қайта тикланадиган энергия манбаларига қуёш, шамол, сув манбалари, тупроқ, биогаз энергия манбаларини киритиш мумкин.

Муқобил энергия манбалари ичида қуёш энергиясидан фойдаланиш бошқа тур энергия манбаларига қараганда анча қулай ҳисобланади. Мамалакатимизда бу турдаги энергия манбасидан фойдаланиш

имкониятлари катта. Жумладан, ёзда бир суткада 16 соат давомида қуёш нур сочиб турса, қиш кунларида ўртача 6-7 соат бўлади. Қуёш энергиясининг йиллик ўртача қиймати 1 м2 майдонга тушадиган энергияси 5,46 109 Ж ни ташкил қилади, бу тахминан 300 кг кўмирни ёққандаги ажралиб чиқадиган энергияга тенг [ 6, б. 18 ].

Таълим тизимида ўқувчиларга қуёш энергиясидан фойдаланишга оид тадқиқотларни ривожланиш тарихи ва тараққиёти, Республикамиздаги Тошкент, Бухоро, Қарши, Фарғона муқобил энергия манбалари (гелиотехника) мактабларининг вужудга келиши ва бу мактабларда олиб борилган илмий-тадқиқот йўналишлари ҳамда халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланишга доир маълумотлар беришга эътибор қаратиш мумкин. Муқобил энергия манбаларидан ҳисобланган қуёш энергетик қурилмаларидан халқ хўжалигида фойдаланиш бўйича Республикамизда етарлича тажрибалар мавжуд. Паст ҳароратли қуёш қурилмалари: Қуёш сув чучутгичлари, Қуёш сув иситгичлари, Қуёш қуритгичлари, Қуёш иссиқхоналари, Қуёш музлатгичлари, Қуёш уйларидан турли соҳаларда фойдаланиш йўлга қўйилган [ 4, б. 7].

Бундай қурилмаларни ясашда ўқувчилар технологик харита чизиб, фанера, ёғоч, пластмассадан қилинган макет ва моделларни ясашлари мумкин. Ана шундай қурилмалардан бири мини мева-сабзавот қуритгич-иссиқхона қурилмаси бўлиб, уй шароитида қуёш энергиясидан фойдаланиб, бутун мавсум давомида оилага етарли миқдорда мева-сабзавотларни тез ва сифатли қуритиш хамда қиш ва эрта баҳорда кўкат ва кўчатлар етиштиришга мўлжалланган .

Қурилманинг хар иккала томонида шиша ромли эшиклар ва табиий вентиляцияни таъминловчи тўрли дарчалар мавжуд. Қурилма камерасида уч қатор силжувчан тўрли стеллажлар ўрнатилган. Ҳар бир қатор стеллажнинг юзаси 1 м. кв. дан бўлиб (иккита 0,5 м. кв. дан), икки қатор пасткисида қуритиладиган маҳсулот жойлаштирилади. Юқоридаги стеллаж қуёш нурларини маҳсулотга туғридан-туғри тушишидан сақловчи соябон вазифасини бажаради, баъзи ҳолларда унда хам мева-сабзавотларни қуритиш мумкин. Қурилма енгил (15 кг атрофида) ва ихчам бўлиб уни ҳовлининг куёш нури тушадиган ихтиёрий жойида ўрнатиш мумкин [5, б. 57].




1-расм. Қуёш мини мева-сабзавот қуритгич-иссиқхона қурилмасининг схемаси 1 - шиша билан қопланган ёғоч каркас; 2 - қуритиладиган мева-сабзавотлар ёйилиши учун тўр тагликлар; 3 - тўр соябон; 4, 6 - табиий хаво алмашинувини таъминловчи дарчалар; 5 - қурилманинг шишаланган эшиги.

Қурилмани маҳаллий шароитда ўсадиган турли дарахтлардан олинган ёғочлардан тайёрлаш мумкин. Қурилма олдинги девори ва усти тиниқ шиша билан қопланган, узунлиги 1500 мм, эни 720 мм, олд кисми 600 мм, орқа деворининг баландлиги 900 мм булган “иссиқ кутидан” иборат (1-расм).

Ана шундай қурилмалардан яна бири бу қуёш энергияси ҳисобига хлорелла етиштириш қурилмаси ҳисобланади. Қурилмани ясашга оид маълумотлар беришдан олдин бир ҳужайрали яшил сув ўтлари, уларнинг турлари, уларнинг қўлланилиш соҳалари тўғрисида маълумотга эга бўлиш лозим бўлади. Хлорелла қуёш энергиясини жадал равишда ўзлаштиради. Унинг биомассаси таркибида (40 – 50) % оқсил, (30 – 37) % углевод, (5 – 10) % ёғ, витаминлар ва бошқа моддалар мавжуд. Бир га сув ҳавзаси юзасидан (апрель–ноябрь ойларида) хлорелладан (30–70) т гача биомасса олиш мумкин. Хлорелланинг нисбатан юқори (38°С), ўртача (25–30°С) ва паст (15°С) ҳароратларда ўсадиган турлари бор. Нисбатан юқори ва ўртача хароратни сезувчи турлари кўпроқ устирилади ва ҳосилдор ҳисобланади. Хлорелла аралаштириладиган (суспензияси) махсус; механизациялаштирилган ҳовузларда кўп миқдорда ўстирилади [ 2 б. 112].

Хлорелла ўстирувчи қурилмалар асосан доиравий ҳавза ва тўғри бурчак шаклидаги узун бетон лотоклардан иборат (2-расм). Хлорелла яхши ўсиши учун тегишли озуқа моддалари ва карбонат ангидрид гази билан таъминлаб туришдан ташқари, ҳар бир ҳужайра қуёш нуридан баҳраманд бўлиши керак. Бунинг учун хлорелла суспензияси доимо

трубелент оқим тарзида ҳаракат қилиб туриши керак. Суспензия насослар ёрдами билан берк контур бўйича кун бўйи ҳаракатга келтириб турилади.



**2-расм.** Қуёш энергияси ёрдамида хлорелла ўстирувчи қурилма

Хлорелладан озиқ-овқат саноатида, фармацевтикада, чорвачиликда, ифлос сувларни биологик тозалашда ёпиқ экологик системалардаги ҳавони регенерация қилишда фойдаланиш мумкин. Турли моддаларга бой бўлган-лиги сабабли хлорелладан кондитер маҳсулотларига, айрим ичимлик таркибига қўшиб истеъмол қилиш мумкин. Ҳар хил дорилар таркибига қўшилади. Хлорелла қўшиб тайёрланган маз ва шамчаларнинг даволаш хусусияти хлорелла қўшилмаганларидан яхширoқ. Қорамол, қўй, ечки ва бошқалар рационига суткасига (2–10) л хлорелла суспензияси қўшиб берилганда, уларнинг тирик вазни (15– 20) %, сут маҳсулдорлиги эса (13–18) % га кўпаяди. Хлорелла суспензиясини тут баргига пуркаб бериш натижасида ипак қуртларининг вазни (15–25) % гача, пилланинг салмоғи эса (14–18) % гача ортади. Хлорелланинг қишлоқ хўжалигидаги бошқа экинлардан фарқи шундаки, унинг ўсаётган муҳити ўзгариши билан таркибидаги оқсил, ёғ ва бошқа озиқ моддалар миқдори ўзгариши мумкин. Бу эса келажакда хлореллани ўстириш негизида оқсил, ёғлар, витаминлар, антибиотиклар ва бошқа моддалар олиш имкониятини беради.

Ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини шакллантиришда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш йўналишлари тўғрисида маълумотлар бериш уларда турли қурилмаларни лойиҳалаш ва ясашга доир кўникмаларини ривожлантиради. Шунингдек, бу каби маълумотлар ўқувчиларда турли қурилмаларни такомиллаштиришга, янги қурилмаларни излаб топиш ва яратишга бўлган ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Германович В., Турилин А. Альтернативные источники энергии. Практические конструкции по использованию энергии ветра, солнца,

воды, земли, биомассы. – Санк-Петербург: Наука и техника, 2011. – 320 с.

2. Жўраев Ҳ.О. Муқобил энергия манбаларига оид маълумотларни ўқитишда медитаълим воситаларидан фойдаланиш. Монография. – Бухоро: 2017. – 160 б.

3. Каримов И. Меҳнат таълими ўқитиш технологиялари. – Тошкент. Фан ва технология, 2013. – 228 б.

4. Клычев Ш.И., Мухаммадиев М.М., Авезов Р.Р., Потаенко К.Д. Нетрадиционные и возобновляемые источники энергии. – Ташкент. Фан и технологии, 2010. – 192 с.

5. Каххоров С.К., Жураев Х.О. Альтернативной источники энергии. – Ташкент. Нисополиграф, 2016. – 214 с.

6. Мухитдинов М., Эргашев С.Ф., Исакулов Ж.И. Қуёш энергиясидан фойдаланиш. – Т.: ДТМ. 1999. –107 б.

# ИНФОРМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА МЕДИАТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЁТДАГИ ҲОЛАТИ

DOI: 10.53885/edinres.2021.89.59.025

**Д. Сулайманова**
Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиали Математик ва табиий-илмий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

# ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МЕДИА-ТЕХНОЛОГИЙ В ПРЕПОДАВАНИИ КОМПЬЮТЕРНЫХ НАУК В ПРАКТИКЕ

**Д. Сулайманова**
Старший преподаватель кафедры математики и естествознания Алмалыкского филиала Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова

# USING OF MEDIA TECHNOLOGIES IN TEACHING INFORMATICS IN PRACTICE

**D. Sulaymanova**
Almalyk branch of Tashkent State Technical University named after Islam Karimov, senior lecturer of the Department of Mathematics and Natural Sciences

Abstract: Background. This article examines the concept of «cognitive independence», as well as «cognitive activity» and analyzes the main ways and means of forming these abilities in the educational process. To study the individual psychological characteristics of a student as a subject of activity by identifying the dependence of mental independence on the parameters of the cognitive style, which is the basis for success in educational activities and further implementation of self-education.

Methods. In this article were used methods an objective study of the subject of research; study in development, considering the conditions and influencing factors; study in activity, as one of the main conditions for development; systemic - structural approach; the concept of individuality.

Results. The technologies successfully used in the practice of teaching a foreign language are analyzed as modern personality-oriented technologies that ensure the formation of linguistic and professional competence, readiness for self-education.

Conclusion. Only a combination of all types of tasks represents the optimal organization of independent activity, contributes to the best assimilation of the material and forms students' independence in the learning process.

Keywords: independence, mental independence, students, cognitive activity, cognitive independence.

Introduction. The country is taking a number of measures to improve the efficiency and quality of the educational process, including the use of media technologies in teaching. In accordance with the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017, DP-4947 «On the Strategy for the Further Development of the Republic of Uzbekistan», in order to «further improve the system of continuous education, increase access to quality education» [1], paragraph 4 of Article 3 of the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated April 6, 2017 No. 187 «On approval of state educational standards of general secondary and secondary specialized, vocational education» [3], in the Republic of Uzbekistan, based on the priority of continuity, education, personality and interests of students, several basic competencies are formed in accordance with their age characteristics. One of them is the ability to work with information.

Competence in working with information is defined as the ability to search, sort, process, store, effectively use the necessary information from media sources, ensure their safety, and form the ability to have a media culture. The use of media technologies in teaching computer science is directly related to the acquisition of almost all competencies defined in the State Educational Standards. Education and upbringing of a modern person who knows how to work with information, search for the necessary information from media sources, effectively sort it, process, store, use, ensure their safety, form the ability to acquire media culture is the main content in fulfilling the tasks specified in the Educational Standards.

Materials and methods. The research is based on the following concepts and principles of its organization:

1) an objective study of the subject of research;

2) study in development, considering the conditions and influencing factors;

3) study in activity, as one of the main conditions for development;

4) systemic - structural approach;

5) the concept of individuality.

Results and discussion. According to F.A.Khamroeva, media technologies can become an innovative source of information when creating the necessary

scientific and methodological support for effective work in the educational process. The use of the media, that is, the Internet, television, radio, film, video and other means of communication, proves to be effective in improving the quality of education using modern information and communication technologies and achieving the desired goal [7]. The emergence of mass media in education contributes to the enrichment of the continuous learning process with visual materials, improving the quality of lessons and increasing the effectiveness of the assimilation of knowledge by students. The researcher defines the features of didactic complexes that provide students with scientific methods of teaching natural science based on media technologies:

• multimedia is a set of education in natural geographic sciences based on audio, video, text, graphics and animation tools using software and hardware;

• Media technology is the programming of an interactive educational process through the preparation of visual and sound effects under a single control.

This technology is a way of communication, a product of human activity. Consequently, their use increases the quality of teaching and students' interest in science, saves time on reading, in-depth study of the material, the introduction of distance and e-learning due to the simultaneous impact on several senses. By the nature of media technologies, audiovisual technologies, multimedia technologies, hypertext technologies, holographic technologies form integrated technological structures. The object of the researcher's research work is the geographical sciences taught at the stage of higher education, and the technology and model developed by him are difficult for students of general education schools.

The need for media technology. At the same time, as a result of the development of science and technology, a modern lesson cannot be imagined without demonstration of principles, demonstration. A.Asmolov also noted this: "... it is necessary to expand programs, various teaching aids. In this sense, e-learning (EE) resources in various fields can help expand the range of options available. What does it mean? This is an opportunity for development according to your individual program, the «path» of development. ETM, like textbooks, is one of the unique cultural tools for learning the truth in certain areas of education [5]. « Electronic resources provide:

• reduces the time of development;

• optimizes learning activities due to the content of the lesson, the accuracy of the tasks;

• prevents students not participating in the lesson from assimilating the topic;

• provides additional materials to improve the level of development of

volunteers;

• individual adaptation increases motivation due to different types of emotional perception of information;

• Creation of information culture, creation of opportunities for management and adjustment of the educational process.

However, despite the fact that every teacher has a large number of free e-learning resources in their practice, there are situations when the finished resource does not always reflect the intended information. For example, a teacher may have a personal understanding of a topic to be covered and may not have the hardware, software, or resources previously developed to implement it. In such cases, of course, it will be necessary to create such an electronic learning resource independently, and the teacher will need skills to create it.

Today, the most common program for creating presentations and slides using computer technology is Power Point. This program creates great opportunities for the presentation of text documents, tables, graphics, illustrations in the desired form. The main features of the program are the display of available data and developed documents.

The main purpose of using presentations and slide films is to achieve the desired effect when presenting theoretical material with illustrations, diagrams, tables. They allow the teacher to do this as accurately and reliably as possible when explaining new material in the lesson, to more actively conduct the lesson and save time for the teacher and student. That is why teachers widely use Power Point to create e-books, slideshows, and their demonstrations are accompanied by explanations of new material [4]. These e-guides allow the teacher to work without tools like traditional chalkboards and chalk. It is also very convenient for students to have diagrams, formulas, tables, illustrations, etc. On the screen right in front of their eyes. More Power Point also allows for easier lesson management. The hyperlinks returned from the slide to the corresponding slides and again to the content of the e-manual provide the teacher with a framework not only for explaining such a manual, but also for students who can use it in practical work.

However, Power Point is a convenient topic for students to learn. The software environment not only strengthens the skills acquired in the process of studying the Microsoft Word text editor, but also allows students to open up new horizons, new wonderful opportunities, knowledge that will surprise them, surprise and attract them. This activates and facilitates the fulfillment of all the factors that the teacher needs to do on a regular basis in order to stimulate interest.

The advantages of the program are that students can develop individual

projects on topics of interest to them, use them in their work to expand interdisciplinary relationships.

Using Power Point and built-in iSpring software allows students to:

• develop skills of independent work in search of necessary materials;

• development of creative abilities;

• Demonstrate a new and effective way of working.

Working in Power Point is closely related to the study of topics and text editors. In doing so, students will have the opportunity to see the results of their work in this program as they explore topics throughout the lesson [6]. Therefore, work in the Power Point iSpring Suite immediately begins with hands-on exercises and labs. Then it will be possible to implement creative, creative projects on the chosen topic for creating a presentation.

The iSpring Power Point program is most convenient for teachers of general education schools in terms of compliance with the qualification requirements for computer science and information technology in general education, secondary and secondary specialized, vocational educational institutions, established by state educational standards, as well as the stages of studying computer science.

Stages of studying the subject of computer science and information technology in general secondary and secondary specialized, professional educational institutions [1]

| **Stage of education** | **Graduates** | **Standard level** | **Name of level** |
|---|---|---|---|
| General secondary education Stage of training | Graduates of 5th grade of secondary schools | **A1** | Basic level of study of computer science and information technology |
| | In-depth study of computer science and information technology in secondary schools and graduates of 5th grade of specialized schools. | **A1+** | An enhanced elementary level of study of computer science and information technology |

Qualification requirements for graduates of general secondary and secondary special, vocational education institutions [1]

| Stage of education | Graduates | Competence content |
|---|---|---|
| Competence to search for information and collect it in electronic media | **A1** | Knows the science of computer science and the history of its development;<br>can start and shut down the computer properly;<br>follow safety rules and hygiene requirements when working on a computer;<br>knows the basic devices of the computer and their functions, can use them;<br>searches and collects various types of information from information sources;<br>can use elements of the operating system. Knows a simple graphics editor and its capabilities;<br>stores and uses searched graphical information;<br>knows the difference between a text editor and a processor, their capabilities, stores and uses the searched textual information;<br>knows the concepts of word processor such as character, word, line, paragraph, text, block, page number, can apply in practice. |
| | **A1+** | Can give simple examples of information coding, perform practical exercises;<br>knows the basic and additional devices of the computer and their functions, can use them;<br>can use the capabilities of the word processor, such as columns, hyperlinks, footers, screen capture on the page. |

Involving a 5th grade student in education through media technology is therefore one of the main tasks for a computer science teacher. Especially in today's pandemic and globalization, it is impossible not to acknowledge that the role and opportunities of media technologies in the information environment of society have increased several times. Of course, the requirements of the time show that this is also important from a pedagogical point of view.

Conclusion. Despite the recent large-scale reforms in the field of informatization of society and education, the provision of quality educational services, the development of science and technology, as well as the significant scientific work of our scientists on the use of information technology in

education, output and implementation issues are very topical.

Issues of informatization of the educational process are related to the launch of the Ministry of Innovation Development of the Republic of Uzbekistan on November 29, 2017 in accordance with the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated November 29, 2017 No PF-5264 «On the establishment of the Ministry of Innovation Development» [2]. The launch of the Science and Technology Center under the Ministry in December 2019 has also accelerated the ongoing reforms.

Independent work with a computer in a 5th grade student, searching, analyzing, sorting and systematizing information according to the level of content and complexity - the formation of competence to obtain information is a task that should be formed by a computer science teacher.

REFERENCES

Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated April 6, 2017 No 187 «On approval of state educational standards of general secondary and secondary special, vocational education» Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, No 14, Article 230.

Decree of the President of the Republic of Uzbekistan «On the establishment of the Ministry of Innovative Development of the Republic of Uzbekistan» dated November 29, 2017 No PF-5264. National Database of Legislation, 01.12.2017, No. 06/17/5264/0339; 28.09.2020, 06/20/6075/1330; 02.04.2021, 06/21/6198/0269. https://lex.uz/docs/3431985.

Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 No PF-4947 «On the Action Strategy for further development of the Republic of Uzbekistan.» Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, No. 6, Article 70.

Balakina V.P. Using the Power Point program in the work of a computer science teacher. Materials of the XIX international conference «Application of new technologies in education» June 26-27, 2008.

Maria Agranovich. Personality on the Web: Electronic educational resources help students find themselves. Rossiyskaya Gazeta - Special Issue No. 223 (5599). https://rg.ru/2011/10/06/asmolov.html.

Okulov S.M. «Informatics: Development of the Intellect of Schoolchildren» - M.: Binom, 2005.

Khamroeva F.A. Improving the methods of teaching natural geography in higher education institutions on the basis of media technologies. Author's abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PHD) on pedagogical sciences. Tashkent, 2020, 43 p.

# ЧАПАҚАЙ ЎҚУВЧИЛАРДА ЁЗУВ ҚУРОЛЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

DOI: 10.53885/edinres.2021.28.27.026

**Р. А. Қўлдошев**

*Бухоро давлат университети Бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси*

***Аннотация.*** *Ёзув жараёнида ҳаракатларни бажаришда деярли барча ҳолатларда чап қўлдан фойдаланувчилар чапақайлар. Илмий жиҳатдан, шахсий юмушларни, асосан, чап қўлда бажарувчилар чапақай деб аталади. Ушбу мақолада чапақай ўқувчиларга ёзув қуроллари билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш, ёзишни ўргатиш усуллари ва уни ташкил этиш методикаси, чапақай ўқувчилар билан ишлашни тўғри ташкил қилиш ва унинг қийинчиликлари ҳақида фикр юритилган.*

***Калит сўзлар:*** *чапақай,ёзув, ўқувчи, дафтар, синф, ҳарф, ёзув қуроллари, ручка, ёзув дафтари.*

# РАЗВИТИЕ НАВЫКОВ РАБОТЫ С ПИШУЩИМИ ИНСТРУМЕНТАМИ У ШКОЛЬНИКОВ-ЛЕВШЕЙ

**Р. А. Кулдашев**

*Преподаватель Бухарского государственного университета, кафедра методики начального образования*

***Аннотация.*** *Практически во всех случаях пользователи-левши хлопают в ладоши при выполнении действий в процессе записи. С научной точки зрения тех, кто выполняет личную работу, в основном левши, называют чапакаи. В статье рассматриваются вопросы формирования навыков работы с пишущими инструментами у учащихся чапакая, методы обучения письму и методы его организации, правильная организация работы с учащимися чапакая и ее трудности.*

***Ключевые слова:*** *аплодисменты, письмо, читатель, тетрадь, класс, письмо, письменные принадлежности, ручка, тетрадь.*

# DEVELOPMENT OF WRITING SKILLS AMONG LEFT-HANDED SCHOOLCHILDREN

**R. A. Kuldashev**
*Lecturer at Bukhara State University, Department of Primary Education Methods.*

***Abstract.*** *In almost all cases, left-handed users clap their hands when performing an action while recording. Scientifically speaking, those who do personal work, mostly left-handers, are called chapakai. The article discusses the formation of skills in working with writing instruments among students of chapakay, methods of teaching writing and methods of its organization, the correct organization of work with students of chapakay and its difficulties.*

***Key words****: applause, letter, reader, notebook, class, letter, writing materials, pen, notebook.*

**Кириш. Т**аълим тизимининг дунё амалиётида ўқитиш методикасини индивидуаллаштириш ва компетенциявий ёндашув асосида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга таълим сифатини таъминлашнинг етакчи омили сифатида қаралади. Айниқса, "Ўзбекистон Республикасининг халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш" Концепциясини қабул қилиниши мамлакатимизда таълим соҳасида катта ислоҳотлар эшигини очди. Хусусан, бошланғич синф чапақай ўқувчиларини ёзувга ўргатиш технологияларини тизимли тарзда ташкил этишнинг методологик асослари юзасидан олиб борилаётган илмий изланишлар чапақай ўқувчиларни ёзувга ўргатиш самарадорлигини оширишнинг, шунингдек, интерфаол таълим воситасида ташкил этишнинг дидактик таъминотини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Чапақайларнинг ишлаш самарадорлигини ошириш ҳамда унинг ўзига хос хусусиятларидан тўлиқ фойдаланиш учун ўнг ярим шар имкониятларига имкон қадар тез-тез мурожаат қилиш керак. Нега? деган саволнинг туғилиши табиий ҳол, албатта. Агар шундай қилинса, идрок тезлиги ва ҳиссийлигини хотирада умумлаштириш, яхлитлаш, образлилик хусусиятлари ошади. Шу мақсадда ўқув жараёнига моделлар ва макетларни манипуляция қилишни мунтазам равишда киритиш фойдали бўлади. Ҳар қандай схемалардан фойдаланиб, чапақай болаларда ўнг ярим шарнинг имкониятларини моҳирлик билан фаоллаштириш мумкин.

Ёзишни ўргатиш усуллари ва уни ташкил этиш методикаси, асосан, ўнақай ўқувчилар учун мўлжалланган. Шунинг учун ота-оналар ва

ўқитувчилар чапақай ўқувчилар билан ишлашни тўғри ташкил қилишда кўп қийинчиликларга дуч келишади. Бу нарса ёзув пайтида дафтарнинг ҳолати, ҳарфларнинг қияликларини кузатиш зарурати, ёзишда иш жойини тўғри ташкил этиш каби масалаларга тааллуқли.

Чапақай ўқувчиларга ёзув қуроллари билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш катта аҳамиятга эга. Агар бу иш маромига етказилиб амалга оширилса, чапақай ўқувчилар ўқув жараёнига – ёзувни ўрганишга тайёр бўлишади.

Ўқитувчи синфда ўқувчиларнинг, айниқса, чапақай ўқувчиларнинг иш жойини тўгри ташкил этгандан сўнг уларга ёзув қуроллари ва дафтардан қандай фойдаланишни ўргатиши лозим. Биринчи навбатда ўқитувчи ўз шогирдлари учун сифатли ёзув қуролларини танлайди, чунки ёзувнинг чиройли бўлиши кўп жиҳатдан ёзув қуролларига боғлиқ. Ҳозирги замонда ёзув қуролларининг тури ниҳоятда кўп ва уларнинг ҳаммаси ҳам талабга жавоб беравермайди. Кўпгина ёзув қуроллари таълим стандартлари талабларига жавоб беролмайди. Шунинг учун ўқитувчининг ўзи ўқувчиларни сифатли ёзув қуролларини танлашига ёрдам бериши керак. Мазкур масалани ота-оналар мажлисида улар билан биргаликда муҳокама этиш яхши самара беради. Чапақай ўқувчиларнинг ота – оналари билан бу борада алоҳида суҳбат қилган маъқул. Чунки чапақайлар учун, айн, пайтда, уларга мос тарзда ўқув қуроллари ишлаб чиқарилмоқда. Албатта Ўзбекистонда ҳали чапақайлар учун ўқув қуроллари ишлаб чиқиш йўлга қўйилмаган, лекин уларни махсус магазин ва дўконлар орқали хорижий давлатлардан олиш мумкин. Бу масалага ҳозир кенг йўл очиб берилган. Фақат озгина масъулият ва жонкуярлик керак, холос.

Методлар

Дафтар. Дафтар асосий ёзув қуроли сифатида умумтаълим мактабларида катта аҳамиятга эга. У биринчи навбатда сифатли оқ қоғоздан, силлиқ ва чизиқлари аниқ кўриниб турадиган бўлиши керак.

Талабга мувофиқ 1-синф ўқувчилари учун қия чизиқлари орасидаги масофа 25 мм га, кичик ҳарфлар ёзиладиган сатр чизиғи оралиғи 5 мм га тенг бўлган икки чизиқли дафтар тавсия этилади. Дафтарнинг қия чизиқлари 65°брчакка тенг бўлиши лозим (1-расм).




1-расм. Чапақай ўқувчилар учун ёзув дафтари

Қия чизиқлари сийрак бўлган икки чизиқли дафтарга ёздириб, машқ қилдириш орқали 1-синф ўқувчиларини майда ҳарфлар билан тез

ёзишга тайёрлаб борилади. Бундай дафтарда машқ қилиш ўқувчиларга ҳарфларнинг эни ва улар орасидаги масофани кўз билан чамалашга ҳамда ҳарфларнинг қиялигига риоя қилишга имкон беради.

Бошланғич синф ўқувчилари учун тавсия этилган бир чизиқли дафтарнинг параллел чизиқлари орасидаги масофа 8 мм га тенг бўлиб, ундан кам оралиқдаги дафтарга (бир чизиқли дафтарлар турли-туман бўлиб, улар орасидаги масофалар ҳам ҳар хилдир) ёздириш мумкин эмас. 2-синфда бир чизиқли дафтарга кичик ҳарфларнинг бўйи 3 мм, бош ҳарфларнинг бўйи 6 мм га тенг бўлиши лозим. Дафтар ҳошияси 30 мм га тенг бўлиши керак (2-расм).




2-расм. Дафтар ҳошияси

Ўқувчилар томонидан нотўғри ёзилган ҳарф ва унинг элементлари фақат ҳошияда ёзиб кўрсатилади.

Ўқувчиларда ёзув малакасини тўғри шакллантириш учун дафтарни тўғри тутишда алоҳида эътибор бериш лозим, чунки дафтар бутун ўқиш давомида ўқувчининг зарур ёзув қуролларидан бири ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг, хусусан, 1-синф ўқувчисининг дафтар тутишига аҳамият бермаслик, унинг зарур қоидаларини тушунтирмаслик ёзув сифатининг пасайишига олиб келади.

Ўқувчиларнинг дафтарларига қўйиладиган асосий талаблардан бири –бу дафтарнинг ташқи кўринишини бир хилда бўлишига эришиш. Дафтарнинг муқовасига ҳуснихат қоидаларига мослаб бир хилда ёзиш керак.

1-синф ўқувчиларининг дафтарлари устига ўқитувчининг ўзи ёзиб бериши керак. 2-синфдан бошлаб ўқувчиларнинг ўзлари дафтарнинг муқовасига ўқитувчи томонидан кўрсатилган намуна асосида мустақил ёза олишлари мумкин.

Ҳар бир ўқувчида ёзув учун иккита дафтар бўлиши лозим. Бирига синфда ёзади ва ўқитувчига текшириш учун топширади, иккинчисини эса ўқитувчидан қайтариб олади. Назорат ишлари учун эса алоҳида дафтар юритилади.

Ўқувчиларнинг дафтарлари ўқитувчи томонидан мунтазам равишда текшириб борилади. Дафтарни тоза тутган ва чиройли ёзган ўқувчиларни рағбатлантириб бориш керак. Ўқувчиларни рағбатлантиришда фақат "4" ва "5" баҳолар билан чегараланмай, уларнинг дафтарлари устига алоҳида ажралиб туриши учун "юлдузча", "байроқча", "бешбурчак", "тўртбурчак" ва "учбурчак"лар қўйиб бериш мумкин. Қайси ўқувчининг дафтарида юлдузча, байроқча ва бешбурчак бўлса, ўша ўқувчи яхши ёзган ҳисобланади. Рағбатлантиришнинг бу туридан 1-2-синфларда

кенг фойдаланиш мумкин.

Таъкидлаганимиздек, бошланғич синфларда ҳарфларнинг қиялигини бир хилда, яъни 65ºбурчакда сақлаш катта аҳамиятга эга. Ўқувчиларга ҳарфларнинг қиялигини тўғри сақлашга ўргатишдан олдин дафтарни парта устига қандай қўйишни тушунтириш лозим. Дафтарнинг парта устида нотўғри туриши гигиена қоидалари бузилишига сабаб бўлади, чунки ёзувнинг қиялиги дафтарнинг ҳолатига қараб белгиланади. Агар дафтар кўрсатилган қияликда турса, ёзув 65ºбурчак қияликда ёзилади. Агар дафтарнинг ҳолати ўзгарса, ёзувнинг ҳам қиялиги ўзгаради. Шунинг учун ҳар бир дарсда ўқитувчи ўқувчилар дафтарини кузатиб бориши керак. Дафтарнинг пастки чап бурчаги кўкрак ўртасида тўғри бўлиши ёки дафтарнинг қия чизиғи парта қопқоғининг четига тик бўлиши керак (3- расм).




3-расм. Чапақай ўқувчилар учун ёзув дафтари

Дафтар бети ёзув билан тўлиб борган сари дафтар юқорига суриб борилади. Чап қўл билан эса дафтарнинг юқори томони босиб турилади. Ёзув дарсларида дафтарнинг парта устида тўғри туришини ташкил этиш биринчи галдаги вазифадир. Бу муҳим вазифани амалга ошириш ўқитувчидан кўп меҳнат талаб этади. Бунинг учун синф партасининг устига икки ўқувчининг ҳар бири учун ингичка қия назорат чизиқ чизилади. Бу чизиқнинг остки учи ўқувчиларнинг чап кўкраклари ўртасида тўғри бўлиб, парта қопқоғига нисбатан 65ºбурчак қия бўлади. Натижада ҳамма ўқувчиларнинг олдида (партада) назорат чизиқлар бўлади. Ўқитувчи ўқувчиларни дафтарнинг четини ёки ўртасини шу назорат чизиққа текис қилиб қўйишларига эриша олса, бас. Сатрлар тўлиб борган сари дафтарни шу чизиқ бўйлаб юқорига кўтариб бориш лозим (4-расм).




4-расм. Чапақай ўқувчилар учун ёзув дафтари

Агар дафтарнинг чап бети тўлса, дафтарнинг бukланадиган томони назорат чизиққа тўғрилаб олинади ва ўнг бетига ёзишга ўтилади (5-расм).



5-расм. Чапақай ўқувчилар учун ёзув дафтари

Бу усулдан бир чизиқли дафтарга ёзишда кенг фойдаланиш мумкин. Бундай назорат чизиқлар дафтарни буклашдан сақлайди. Чунки баъзи ўқувчилар ўзига қулайлик туғдириш мақсадида дафтарни буклаб ёзадилар. Дафтарнинг ҳошиясига ҳам эътибор бериш лозим, чунки дафтарнинг четида қолдирилган жой ёзувнинг текис чиқишига, сўзларни бўғинларга ажратишга, айрим нотўғри ёзилган ҳарф ва унинг элементларини тўғри ёзиб кўрсатишга имкон беради.

Бошланғич синф ўқувчилари дафтарни сақлашда бир оз қийинчиликларга учрайдилар. Шунинг учун уларга дафтар ўлчамидан катта бўлган ва қалин материалдан ишланган мактаб сумкасидан фойдаланишни тавсия этиш лозим.

Ўқувчиларни дафтарга ёздиришга бошлашдан олдин уларга сана, сарлавҳа ва ёзувларни қаердан бошлаб ёзишни тушунтириш лозим.

Дафтардаги сарлавҳа ва ёзувларнинг тўғри жойланиши ёзувнинг сифатини оширади. Нотўғри қўйилган сарлавҳа хатнинг сифатига салбий таъсир этади/

ИККИ ДЎСТ

Бир бор экан, бир…

(Тўғри)

ИККИ_ДЎСТ

Бир бор экан, бир…

(Нотўғри)

1-синф ўқувчисидан кунларни рақамлар билан, ойларнинг номини эса ҳарфлар билан варақнинг ўртасдига ёзиш талаб этилади.

Ўқувчиларнинг ёзган ҳарф ва матнларини мунтазам равишда қизил сиёҳ билан текшириб, зарур кўрсатмалар бериб бориш ўқувчиларнинг келгусида бенуқсон ёзишлари учун замин ҳозирлайди.

Ўқувчиларнинг ишларини баҳолашга алоҳида эътибор қаратиб, тегишли кўрсатмалар бериб бориш лозим. Ўқувчиларнинг баҳоси бажарилган ишнинг остига қўйилиши керак.

Ўқувчиларнинг дафтарларига “Кўрилди”, “Хато” тарзида эмас, “Чизиқдан ёз”, “Ҳарфлар орасидаги масофани тўғри сақла”, “Ҳарфларни боғлаб ёз”, “Қияроқ ёз” каби ёзиб кўрсатиш мақул.

Ўқувчиларнинг ҳуснихатга, дафтар тутишга қизиқишини ошириш мақсадида мактаб бўйича энг яхши тутилган дафтарларни йиғиб, кўргазма ташкил этиш керак.

Юқорида санаб ўтилган талабларнинг барчаси умумий тарзда ҳуснихатга ўргатиш дарсларига ўқитувчилар томонидан тадбиқ этиб келинади. Табиийки, бу талабларнинг аксарияти чап қўлли ўқувчилар учун ҳам тадбиқ этишлиши керак. Лекин чапақай ўқувчиларнинг ўзига хос, индивидуал характерларини ҳамда айрим психологик ва физиологик жиҳатларини ҳисобга олиб, ёзув қуроллари билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш учун дафтар тутиш талабларига баъзи бир ўзгаришлар ва қўшимчалар киритишга тўғри келади. Масалан, ёзув жараёнидаги дафтар ҳолатини кўриб чиқамиз. Пастдаги А расмда ўнг қўлда ёзадиган ўқувчининг дафтари ёзув жараёнида парта устида қандай қўйилиши кўрсатилган. Унга кўра дафтар парта устида чап томонга 300 бурчак қияликда қўйиб ёзилиши керак (6-расм).




6-расм. А – ўнг қўлда ёзадиган ўқувчи учун

В расмда эса чапақай ўқувчининг дафтари парта устида қандай туриши ҳолати кўрсатилган. Унга кўра ёзув жараёнида чапақай ўқувчининг дафтари партанинг чап томонидан 15-20 см ичкарида, ўнг томондан 600бурчак қияликда қўйилиши керак. Партанинг ўнг томонидан 15-20 см жой қолдирилишининг сабаби чапақай ўқувчининг чап қўли, (ёзадиган қўли) тирсаги осилиб қолмаслиги учун парта устида туриши керак. Агар қўли партани четида осилиб қолса ёзиш жараёни янада қийинлашади. Дафтарни ўнг томонда 600бурчак қияликда қўйилишида ҳам сабаб бор. Агар шу ҳолатда чапақай ўқувчи ёзишни бошласа ёзганларини тўла тўсмайди. Уни қисман бўлса ҳам кўриб туриш имкониятига эга бўлади. Натижада чапақай ўқувчининг сатр усти ва қатор оралиғларида текис ва равон ёзиши анча осонлашади (7-расм).




7-расм. В – чап қўлда ёзадиган ўқувчи учун.

Ручка. Ёзув қуролларининг тарихи, хусусан ручка жуда қадимга, милоддан олдинги даврларга, қадимги одамлар ғор деворларига тош билан расм чизган даврларга бориб тақалади.

Қадимдан ҳозирга қадар ёзув қуролларининг механизми турли ўзгаришларга учради. Бу ҳол одамларнинг турмуш тарзининг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда ривожланди. Одамлар деворларда турли хилдаги расмларни чизадиган бўлдилар. Бунинг учун қиррали тошлар, суяклардан фойдаланар эдилар. Бундан 4000 йил олдин шундай эди. Бундан 3000 йил аввал мисрликлар томонидан иероглифлар ихтиро қилинган. Иероглифларни ёзиш учун мўйқаламлар яратилди. Ана шу мўйқаламлар ҳозирги ручкаларнинг прототипига айланган. Хитойликлар мўйқаламни сичқон ва туя жунидан тайёрлар эдилар. Шу даврда бўёқ тайёрлаш рецепти ҳам пайдо бўлди. Бўёқ ихтиро қилингандан сўнг ёзув қуроллари янада мукаммал бўлди (8-расм).



8-расм. Қадимги ёзув қуроллари

Энди ручка ўрнига бамбук, най, қамиш пояларидан фойдаланар эдилар. Бу ўсимликларнинг поялари бўёқни ўзига жуда яхши ушлар ва ёзишга қулай эди. Милодий даврнинг 600-1800- йиллари ёзиш учун турли қушлар қанотининг бир парчаси (пат)дан фойдаланилган.

Пат ўсимлик пояларидан кўпроқ ва яхшироқ хизмат қилар эди. Ёзиш учун асосан ёш ғозларнинг патидан фойдаланилар эди. Патни баҳор фасли ғозларнинг чап қанотидан олар эдилар. Ўнг қанотдан олинган патлар ёзув жараёнида хат устини ёпиб қўяр эди. Кейинчалик патни иссиқ қумда куйдириб учини ўткир қилар эдилар. XVIII асрда келиб патларга эҳтиёж яна ортди. Россия ҳар йили Англияга 27 миллион пат юборар эди.

Массачустетлик Джон Д.Лауд 1888 йилнинг октябр ойида “учи айланадиган ручка” ихтиро қилиб патент олди (9-расм).

Учида шарикчаси бор ручка бўёққа ботирилар эди. Шу ручканинг нусхаси кейинчалик бошқа ручкаларнинг ясалишига асос бўлди.



9-расм. Джон Д.Лауд

Кейинроқ ака-укалар Ладисло ва Георг Биролар ручканинг яхши нусхасини яратдилар. Улар ясаган ручка учида ҳам шарикча бор эди. Бу шарикча айланиб ўзидан из қолдирар эди. Ручка бўёғи муаммоси ҳам уларни кўп қийнаган. Улар ўз ихтироларини француз Марсело Бичга сотдилар. 1952 йилдан бошлаб бўёғи қуримайдиган ва томмайдиган ручка ихтиро қилинди (10-расм).



10-расм. Замонавий ёзув қуроллари

Қалам (карандаш – туркча карадас – “қора тош“ сўзидан олинган) 1775- йил француз Н. Ж. Конте томонидан ихтиро қилинган. Графит (карбоннинг бир тури), яъни қаламнинг қора бўёғи авваллари темир найчанинг ичида солинар эди. Бошида тилло найчадан фойдаланганлар. Бу қалам тури ёзиш учун эмас, балки шон – шавкат учун олиб юрилар эди.

Марказий Осиёда хат сиёҳда қалам (қамиш қалам, савағич қалам) билан ёзилган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан ручка билан ёзиш расм бўла бошлаган. Шу даврда ўзбек тилида “Пўлод қалам” атамаси пайдо бўлиб, ҳозирги қалам эса қариндошқалам (карандаш-қалам) деб юритилган. Бизнинг давримизда ёзувда авторучка, шарикли ручка, қалам, ёзув машинкаси ва компьютердан фойдаланилмоқда. Ёзувнинг бу каби воситаларидан ҳарфлар босим билан ёзилмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир ҳарфни аниқ, тоза, чиройли, айни вақтда, тез ёзиш талаб қилинади.

Ҳозирги кунда авторучкалар хилма-хил бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам бошланғич синф ўқувчиларига мос келмайди. Бошланғич синф ўқувчилари учун тавсия этиладиган шарикли авторучкаларнинг йўғонлиги болаларнинг қўл бармоқларига мос бўлиши керак. Тавсия этиладиган шарикли авторучкаларнинг узунлиги 130 мм га, йўғонлиги эса 8 ммдан ошмаслиги лозим (11-расм).



11-расм. Ручкалардан фойдаланиш қоидалари

Авторучкалардан фойдаланиш қоидалари тайёргарлик даври машғулотлари давомида ўргатилади. Ўқувчиларни шарикли авторучкада ёзишга ўргатишдан аввал, ундан қандай фойдаланиш, сиёҳли найча (стержен)ни қандай алмаштириш, уни сақлаш қоидаларини ўргатиш лозим. Айниқса, чапақай ўқувчилар учун ёзув қуроли - ручка катта аҳамиятга эга. Улар ўнақайлардан фарқли равишда ўзига хос ёзув қуролига эга бўлишлари керак.

Деярли бутун инсоният тарихида, ўнақайлар учун меҳнат қуроллари универсал деб ҳисобланган. Ҳатто инсоннинг энг қадимги аждодлари - гомидлар (2 миллион йил олдин яшаган) ҳам меҳнат қуролларини ўнақайлар учун ясаганлар. Ва бу ҳолат ўнақайларнинг кўпчиликни ташкил этиши билан боғлиқ. Айни дамда улар дунё аҳолисининг қарийб 90% ини ташкил этишади. Худди шу сабабга кўра, минг йиллар давомида чапақайлар ўнақайларга қайта тикланган. Аммо шуни тушуниш керакки, чапақайлик - бу осонликча ўзгариши мумкин бўлган алоҳида қобилият эмас. Бу одам миясининг ўнг ярим шарига боғлиқ физиологик жараён бўлиб, генетик хусусиятдир. Чапақайларнинг ўнақайларга қайта ўқитиш соғлиғининг ёмонлашишига олиб келади. Бу XX асрнинг иккинчи ярмида аниқланган. Аниқланган фактлар чапақай мактаб ўқувчиларини ўқитиш методларини қайта кўриб чиқиш кераклигини таъкидламоқда.

Ҳамма нарса оддий ва осон бўлиб туюлиши мумкин, қаламни чап қўлингизга олиш кифоя - ва муаммолар ҳал қилинади, афсуски бу шундай эмас. Ўнг қўллар учун одатий ва оддий бўлган жараёнлар чапақайлар учун бутунлай бошқача тарзда амалга оширилади. Олимларимизнинг таъкидлашларича, шу боис қадим замонлардан буён ота-боболаримиз қуролларни фақат ўнг қўллар учун қилишни афзал кўришган. Бу ерда кичик гуруҳларнинг манфаатлари ҳисобга олинмаган. Қабиланинг кўп қисми учун тенглаштирилган.

Чапақайлар бошқа технологияларга муҳтож. Масалан, қайчининг ҳолати. Ўнақайлар учун моделлар чап қўлда камдан-кам ҳолларда

кесилади. Ва, агар улар буни қилсалар ҳам бу биз хоҳлаган тарзда эмас.

Араб мамлакатларида каби, чап қўллар учун ўнгдан чапга ёзиш қулайроқ. Лекин чапақайлар бу ишни чапдан ўнгга қилишларига тўғри келади. Шарикчалари 360 0 бурчак градусга айланмайдиган оддий ручкалар, ўтказиб юборади ва бундай шароитда ёзишдан бош тортади. Чапақайлар учун мўлжалланган ручкаларда эса шарикча кўпроқ юмалоқланади ва ҳар қандай бурчакдан ёзади. Ранги ҳам тезроқ қурийди. Бу эса жуда муҳим, чунки чап қўлингиз билан чапдан ўнгга ёзганингизда булғаниш табиий ҳол ҳисобланади. (Ажабланарлиси, ўнақайлар учун тасаввур қилиш қийин. Аммо чап қўлингиз билан чапдан ўнгга ёзганингизда, матн ўша қўлнинг орқасида яшириниб қолади). Чапақайлар ручкасидаги каучук ёстиқча ҳам бошқача.

Иш юритиш материалларида, одатда ўнақайлар учун маҳсулотлар «R» ҳарфи, чапақайлар учун «L» (англ. Left – чапақай) ҳарфи билан



12-расм. Ручкаларнинг турлари

Дунёда чапақайлар учун махсус ўқув қуроллари ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳам мавжуд.

Бу корхоналарда ўқув қуроллари билан биргаликда турли хилдаги мосламалар ҳам ишлаб чиқарилади. Бу мосламалар чапақай ўқувчиларга ручка билан ишлаш кўникмасини шакллантиришга катта ёрдам беради. Ушбу мослама – уйинчоқлар орқали чапақай ўқувчиларни ручка тутиш, уни тўғри ишлатиш ва у билан самарали ёзиш малакасини шакллантиради. Биз пастда ана шундай мосламаларнинг методик аҳамияти ва чапақай ўқувчиларни ёзувга тайёрлашда қанчалик аҳамияти борлиги ҳақида фикр юритамиз (13-расм).



13-расм. Чапақай ўқувчиларни ёзувга тайёрлаш

Суратда кўрсатилгандек симулятор чапақай боланинг бармоқларига қўйилади ва ушбу мослама – “туяқуш”га ҳаракат қилиш “ўргатилади”.

Ушбу симулятор чапақай болаларни қўл мускулларини ҳамда уларни ҳаракатини мувофиқлаштиришга ёрдам беради. Ушбу мослама - туяқуш гўдак юриши, югуриши, тўсиқлардан сакраб ўтиши, футбол ўйнаши, бошини эгиши, рақсга тушиши, турли хил нарсаларни олиб юриши, шунингдек, бола хаёли таклиф қиладиган бошқа ҳаракатларни бажариши мумкин. Бола туяқушнинг узун бўйинидаги лентадан кўп рангли ҳалқаларни кийгизиши ёки шарф боғлаши мумкин.

“Туяқуш” юмшоқ, эгилувчан материалдан тайёрланган бўлиб, уни ҳар қандай боланинг қўлининг кўрсаткич ва ўрта бармоқларига осонгина қўйиш мумкин. Бармоқ симулятори билан бир неча ҳафта машқ қилгандан сўнг, боланнинг қўллари қанчалик кучли бўлганлигини кўриб ҳайрон бўласиз. Муайян машқлардан сўнг кичик нарсаларни, шу жумладан ручка ва қалам билан қийин ишларни бажаришда бола қўлларининг чидамлилик ва эпчиллиги ошганини сезиш мумкин.

14-расмдаги мослама эса қўлнинг нозик моторикасини ривожлантириш ва қўл ва бармоқларни мувофиқлаштириш учун бир қатор афзаликларга эга.



14-расм. Қўлнинг нозик моторикасини ривожлантириш

“Филча” –ақлли бармоқ устаси, стол усти ва йўл ўйини. Симулятор чапақай бола бармоқларига қўйилади ва «Филча топтуша» ҳаракатга ўргатилади. Чапақай бола фил юриши, югуриши, орқа оёқларида ўтириши, футбол ўйнаши, танаси билан ҳар хил нарсаларни кўтариши ва узукни танаси билан айлантириши мумкин.

Машқлар қўл ҳаракатларини мувофиқлаштиради ва ривожланишини таъминлайди, шунингдек, бу боладаги тасаввур, тафаккур ва образли нутқни ривожлантириш учун ноёб материал вазифасини ҳам бажаради.

Филча юмшоқ, эгилувчан материалдан тайёрланган бўлиб, уни ҳар қандай бола қўлининг 5 бармоғига осонгина қўйиш мумкин. Бу мослама,

асосан, 4 ёшдан 8 ёшгача бўлган чапақай болалар учун тавсия этилади.

15 - расмда “Унисум” мосламаси - чапақай қўлларини ўргатиш учун



15-расм. “Унисум” мосламаси

Чапақай ўқувчиларга осон, тез ва чиройли ёзишни ўргатиш учун, биринчидан, ручка ёки қаламни қандай тутишни яхши ўргатиш керак. Юқорида расми берилган симулятор болаларга расм чизиш ва ёзиш усулларини ўргатишда бармоқларнинг тўғри жойлашишини ривожлантириш учун осонликча ўйин услубида имкон беради – ручка (қалам) ушлаб туриш учун осон ва қулайдир.

Вояга этган ҳар бир бармоқ қандай жойлашиши кераклиги ва тутқичнинг қийшайиши қандай бўлиши лозимлигини тушунтириб бериб, доимий равишда бола устида туриши шарт эмас. Болага биринчи марта ўрганишда ёрдам бериш кифоя.

Симулятор ёзишда ручка ёки қаламнинг мутлақо тўғри эгилишини, бармоқларнинг тўғри ҳолатини ишлаб чиқишга ва учта масалани эчишга имкон беради:

хаттотлик – бола тоза ва чиройли ёзади; ёзиш тезлиги – бола тез ёзади; ёзишда қўл чарчаши – узоқ вақт ёзишда ҳам қўл чарчамайди;

“Ўз–ўзини ўргатадиган ручка (қалам)” бу ёзув қуролларини ушлаб туриш учун қулайлик эмас, балки болани ёзишни ўргатиш, болалар ва катталар учун нотўғри ёзиш техникасини тузатиш учун ноёб симулятор ҳисобланади.

16-расмдаги ручка термопластик эластомердан тайёрланган. Болаларни 3 ёшдан қаламга, ёзиш техникасини тўғрилашга – 6 ёшдан ручкага ўргатиш беқиёс ёрдам беради.



16-расм. Термопластик эластомердан тайёрланган ручка

Чапақайларни ёзув кўникмаларини шакллантиришда Германияда ишлаб чиқарилган ноёб Stabilio ручкаларидан фойдаланиш тавсия этилади. Мазкур ручкалар ёзиш пайтида максимал қулайликни таъминлайди, чунки у «чапақайлар» қўллари тузилишининг антропометрик ва физиологик хусусиятларини ва уларнинг ёзиш методларини ҳисобга олиб ясалган. Тананинг махсус шакли ва бармоқлар билан туташган каучук туташ зонаси ёзув пайтида қўл ва елкада мушакларнинг чарчашига йўл қўймаслик учун қўл ва бармоқларни тўғри ҳолатида сақлайди. Бундан ташқари, бу ручкалар чиройли ёзувга ўргатишда самарали восита ҳисобланади. Мураккаб ручка (қалам) сиёҳлари билан бир хил, аммо қаторларда фарқли ўлароқ юмшоқ, тезроқ, енгилроқ ёзади ва булғанмайди. Бундан ташқари:

бу ручкалар уни тўғри тутиш маҳоратини ўргатади ва шакллантиради;

чиройли ёзув малакаларини шакллантиради; ранги қоғозда бир зумда қурийди ва булғанмайди; ғайриоддий дизайни билан ажралиб туради, диққатни жалб қилади ва чапақайларни ёзишга тез ўргатади;

17-расмда кўрсатилганидек, Франциядаги Maped компаниясининг чапақайлар учун махсус Висио шарикли ручкаси ҳам ёзув малакаларини шакллантиришга қўл келади.



17-расм. Visio шарикли ручкаси

Чапақай ўқувчилар учун ёзувга Visio ручкалари кўриниши яхшироқ бўлиши ва ёзув пайтида мукаммал ушлаш учун махсус эгри шаклга эга. Ушбу шакл қўлнинг тўғри ҳолатини бошқаради, бу айниқса ёзишни ўрганаётган чапақай болалар учун жуда муҳимдир. Юмшоқ туташ жойи энг яхши қулайлик ва ҳатто ёзишни кафолатлайди.

Конусли пўлат учи нейлон ёки нейлон учига қараганда қўл босимига яхшироқ бардош беради. Унинг шакли ҳам чап қўлда ёзаётган ўқувчи ёзувини кўриши учун махсус ишлаб чиқилган (18-расм).



18-расм. Флаир Ангулар шарикли ручкаси

18-расмда оригинал Флаир Ангулар шарикли ручкаси тасвирланган. Улар ҳам чапақайларни ёзувга ўргатишга йўналтирилган. Ушбу ручкаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, учи муайян бурчак остида жойлашган. Бу уни чапақайлар учун идеал қилади, чунки у ёзилган нарсаларни кўришга имкон беради. Ручкани ушлаш жойи тишланган, шунинг учун ручка қўлда сирпанмайди ва енгил, ҳаводор ёзувга эришилади. Паст вискозители немис сиёҳи билан тўлдирилган (19-расм).



19-расм. Саттлер Грип ёзув асбоблари

19-расмда анатомик Саттлер Грип ёзув асбоблари кўрсатилган. Уларнинг ушлагичи деярли ҳар қандай ёзув асбобларига мос келади.

Бу мосламалар ёзув предметига кийилади ва ёзув пайтида чапақай ўқувчиларнинг бармоқларини тўғри ушлаб туришга имкон беради. Улар юмшоқ токсик бўлмаган каучукдан тайёрланган.

Юқорида кўрсатганимиз ёзув мосламалари ва ручкалар чапақай ўқувчиларда ёзувни ўрганишнинг дастлабки даврларида катта ёрдам беради. Улардан ота-оналар ва бошланғич синф ўқитувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Алифбегача бўлган даврдан бошлаб ҳарф ва унинг элементлари бир хил баландликда, қияликда ва қалинликда ёзишга ҳамда аста-секин ёзув дафтаридан тўғри фойдаланиш ўргатиб борилади. Ўқитувчининг кўрсатмасига биноан чапақай ўқувчи дафтардан зарур машқни топиши ва бажариши лозим бўлади.

Чапақай ўқувчилар учун дафтарни тўғри тутиш, ручка ушлаш малакалари муайян даражада шакллангандан кейин ёзувга ўргатиш дарслари бошланади.

“Ёзув дафтари” “Алифбе” китоби асосида тузилган бўлиб савод ўргатиш даврида ўқувчиларни ёзув малакаларини шакллантиришга мўлжалланган. “Ёзув дафтари”да ҳарфларнинг ўрни ва шакли аниқ берилган бўлиб, ўқувчилар шу намуналарга қараб ёзадилар. “Ёзув дафтари” ўқитувчи меҳнатини анча осонлаштиради, ҳар бир ўқувчига ҳарф намунасини ёзиб беришдан озод бўлади. Аммо шу билан бирга ҳарф элементи ёки ҳарфнинг шаклини синф тахтасида кўрсатиб бериши шарт.

“Ёзув дафтари”да ҳарф ёки унинг элементлари ва сўзлар билан бир қаторда бўш сатрлар ҳам берилган. Ундан ҳар бир ўқитувчи шу куннинг топшириғига мослаб фойдаланиши мумкин.

Дафтардаги баъзи бир бетлардаги нуқтачалар билан берилган ҳарфларнинг устидан ручка юргизиб чиқиш орқали ўқувчилар шу ҳарф шаклини тўғри тасаввур қилишга ўргатилади. Бу машқларни барча ўқувчиларга қўллаш шарт эмас. Уни хунук ёзадиган ва ҳарфларни ёзишда қийналаётган ўқувчиларга қўллаш мумкин.

“Ёзув дафтари”дан ўқувчилар “Алифбе” даврининг охиригача фойдаланадилар. Сўнгра икки чизиқли оддий ёзув дафтаридан фойдаланиш мумкин.

Бу даврда чапақайлар учун ёзув дафтарлари методик ва дизайн жиҳатидан ўнақай ўқувчилар учун амалдаги “Ёзув дафтари” дан фарқ қилиши керак. Чапақайларнинг ёзув дафтарлари қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим (20-расм):

ёруғлик ўнг томондан тушиши керак;

барча кўргазмали материал дафтар варағининг ўнг томонида ёзилиши ва намойиш этилиши керак. Бу чапақайларга ҳарф ва унинг элементларини кўриб туриб нусха кўчириши ёки қараб ёзишига қулайлик туғдиради;



20-расм. Чапақайларнинг ёзув дафтарлари қуйиладиган талаблар

Ручкани ушлаб туриш техникасига ҳам доимий равишда эътибор қаратиш лозим. Ручка ўрта бармоққа, унинг юқори тирноқ қисмига қўйилади. Бармоқнинг тирноқ фаланкси ручкани ушлаб туради ва кўрсаткич бармоғ осонгина ёзувчи шарикчадан 1,5-2 см масофада ручка устига қўйилади ва бармоқларнинг ҳаракатини бошқаради. Ёзиш жараёнида чапдан ўнгга ҳаракат қилинади (қалам йўналиши чапга, қўл ва бармоқларнинг ҳаракати эса ўнгга).

Натижалар

Чапақай ўқувчиларнинг чап қўл билан ёзишининг бир неча усули мавжуд.

1-усул. “Ўнг қўл” позициясининг ойнали тасвири. Кўпинча у қулайроқ ва тўғри ёзиш техникаси бўйича ўқимаган болалар томонидан қўлланилади. Ушбу қўл ҳолати ўқув жараёнини жиддий равишда мураккаблаштиради, чунки амалдаги “Ёзув дафтари”да барча нусхалар чап томонда жойлашган.

2-усул. Тутқичли чап қўл чизиқ устида жойлашган. Ушбу усул болани намуна бўйича ёки илгари ёзилган ҳолда бошқаришга имкон беради ва ёзишда хатолар сонини камайтиради. Айнан шундай ёзиш усули ўз-ўзидан ва кўпинча чапақай ўқувчиларга қўл келади.

3-усул. Тутқичли чап қўл чизиқ остида. Бу ёзувнинг энг қулай усули, чунки бола қўлини буриш керак эмас, намуна аниқ кўринади, олдин ёзилгани булғанган эмас. Бироқ, шу тарзда ёзишда “ўнг қўл” ҳуснихат талаблари бузилади: ҳарфларда ўнг томонга бурилиш йўқ, аксинча улар чап томонга бурилади. Аммо бу унчалик муҳим эмас. Кўплаб “ўнақайлар” кўпинча чап томонга қараб ёзадилар. Энг асосийси, болага ўзи учун қулай ёзиш имкониятини бериш, бу эса беихтиёр хатолар эҳтимолини минималлаштиради.

Дафтарнинг ҳолати. Дафтар ўнг томонга эгилиб ётади, шунда бола ёзаётган варақнинг ўнг бурчаги кўкрагининг ўртасига тўғри келади. Саҳифа тўлдирилганда, ўнг қўли дафтарни юқорига кўтаради, саҳифанинг пастки бурчаги ҳали ҳам ўқувчининг кўкрагининг ўртасига тўғри келади.

Чапақайлар масаласида хорижда, айниқса, Европа мамлакатларида жуда кўп ижодий ишлар қилинган. Чапақай ўқувчиларни ҳимоя қилиш ва ҳар томонлама педагогик ёрдам кўрсатиш борасида ҳам ибратга арзигули ишларни амалга оширганлар. Руслар бу борада анча илгарилаб кетганликларини тан олиш керак

Рус олимаси М.М. Безрукихнинг чапақай болалар учун тайёрлаган дафтари кириш қисмини қуйидаги ажойиб ҳамда чапақай болаларни илҳомлантирувчи ва қизиқишини оширувчи сўзлар билан бошлайди: “Ассалом, кичик дўстим!

Мен сени жуда қизиқарли ва доно инсон билан таништирмоқчиман. У ҳам сенга ўхшаб ҳамма ишини чап қўлида бажаради: қошиқ ва тароқни чап қўлида ушлайди, чап қўли билан тўпни отади ва теннис ўйнаётганда чап қўли билан ракеткани тутади. Энг муҳими - ҳаммадан асосийси – у чап қўли билан расм чизади ҳамда ёзади ва у буни жуда яхши уддалайди.

Агар сен ҳаракат қилсанг, у сени ҳам ўзига ўхшаб эпчиллик ва моҳирликка ўргатади".

Хулоса

Мактаб дастлабки кунлардан бошлаб, аввалги тажрибалари билан бевосита боғлиқ бўлмаган бир қатор талабларни қўяди, бу эса 1-синф ўқувчиларида кўплаб қийинчиликлар ва муаммоларни келтириб чиқаради. Шу сабабли, мактаб нафақат чапақай боланинг мактабга мослашиши, балки мактабнинг ўзи ҳам боланинг мойиллиги, қизиқиши, билимлари, кўникмалари ва кўникмаларига мослашиши учун ўзаро таъсир ўтказиш жараёнини ташкил қилиши керак.

Ўзаро таъсирнинг натижаси-унинг тажрибасини бойитиш мактаб томонидан ўқувчининг шахсий хусусиятларига ва таълим қобилиятига тезда жавоб бериш қобилиятини олиш, ўқув жараёнини етарлича ўзгартириш билан аниқланади. Мослаштириш бир-бирига томон бир ҳаракат: бир томондан, ўқувчи - мактабга, ўқув жараёнига мослашиш, таълим дастурлари талаблари, ўқитувчилар ва бошқалар, бошқа томондан, ўқитувчи қаршисидаги мактаб - ўқувчига, унинг хусусиятларига, индивидуаллигига мослашиш. Ўқитувчи чапақай ўқувчига чап қўл билан боғлиқ субъектив ва объектив қийинчиликларни енгишга ёрдам бериши керак.

Педагогик ёрдам орқали ўқувчиларга таълим ва мулоқот жараёнида юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этишда ёрдам беришга қаратилган чора-тадбирлар тизимини тушуниш орқали биз уни махсус педагогик фаолият деб ҳисобламаймиз. Педагогик ёрдам-ўқитувчининг болага ғамхўрлик қилишида, унинг психологик фаровонлиги, соғлиғи, ўқув фаолиятида муваффақиятга эришишида намоён бўлади.

Адабиётлар

Qo'ldoshev R.A. Difficulties in learning to write and read left-handed children // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. – Great Britain.– № 8., 2020.– P. 40 – 45 (13.00.00; № 3).

Безруких М.М. Проблемные дети / М.М. Безруких. - М.: Изд-во УРАО, 2000. -312 с.

Безруких М.М. Ребёнок идёт в школу / М.М. Безруких, С.П. Ефимова. - М.: Академия, 2000. - 248 с.

Безруких М.М. Если ваш ребёнок левша / М.М. Безруких, М.Г. Князева. - М.: Новая школа, 1994. - 108 с.

Безруких М.М. Возрастная физиология / М.М.Безруких, В.Д.Сонькин, Д.А. Фарбер. - М.: Академия, 2002. - 234 с

Qo‘ldoshev R.A. Psychological aspects of left-handedness: concept, causes, and peculiarities // Psychology and education (2021) 58(1): 4981-4988 ISSN:00333077.

Қўлдошев Р.А Чапақай ўкувчиларнинг мактабга мослашуви ва унинг ўзига хос хусусиятлари? // Pedagogik mahorat. -Buxoro, 2021,- №2.-127-132 (13.00.00; №23).

Qo‘ldoshev R.A. Chapaqay bolalarni maktabga qanday tayyorlash kerak? // Pedagogik mahorat.-Buxoro, 2020,- №3.-145-147 (13.00.00; №23).

Qo‘ldoshev R.A. The content of pedagogical assistance in the period of adaptation of left-handed first-graders to school, adaptation to school and its features among students of the first year of study // Pedagogik mahorat.-Buxoro, 2020,- №5.-132-135 (13.00.00; №23).

Qo‘ldoshev R.A. Birinchi sinf chapaqay o‘quvchilarining maktabga moslashishi, maktabga moslashishi davridagi pedagogik yordamning mazmuni // Pedagogik mahorat.-Buxoro, 2020,- Maxsus son.B.32-35 (13.00.00; №23).

Qo‘ldoshev R.A. Left-handed children and the learning process // EPRA International Journal of Research and Development (IJRD) Volume: 5 | Issue: 10 | October 2020 277-281.

Qo‘ldoshev R.A. Psychological aspects of left–handedness: concept, causes, and peculiarities // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal Year: 2021, Volume: 11, Issue: 1 First page: (623) Last page: (631) Online ISSN: 2249-7137.

Qo‘ldoshev A. R., Yodgorova F. G. How to find out right or left // Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2021. – Т. 10. – №. 1. – С. 154-163.

Azimov Y.Y, Qo‘ldoshev R.A. Husnixat darslarida axborot-kommunikatsion texnologiyalardan foydalanish// Pedagogik mahorat.-Buxoro, 2016,- №6.-104-108 (13.00.00; №23).

Avezmurodovich Rustambek Qo‘ldoshev, G’aforovna Habiba Jumayeva. (2021). Forming Writing Skills in Left-Handed Students. Middle European Scientific Bulletin, 10(1). https: // doi.org/10.47494/mesb.2021.10.309.

Qo‘ldoshev R.A. Left-handedness and the reasons for its occurrence // Monografia Pokonferencyjna Science, Research, Development #32.- Berlin 30.08.2020- 31.08.2020 B. 133-136.

Qo‘ldoshev R.A. Chapaqay o‘quvchilarda yozuv ko‘nikmalarini shakllantirish // Бошланғич синф она тили таълимининг узвийлигини таъминлашда инновацион технологиялардан фойдаланиш” мавзусида республика миқёсидаги илмий-назарий онлайн конференция материаллари. - Бухоро, 2020.-Б. 28-30.

# ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

DOI: 10.53885/edinres.2021.20.49.027

**А.Р. Саттиева**
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази

**Д.М. Алимова**
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази

**Р.А. Бегматова**
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 46- сонли мактаб

**М.К.Эрматов**
Тошкент шаҳри, 4- сонли сколиозга ихтисослаштирилган мактаб интернати

***Аннотация:*** *ушбу мақолада таълим жараёнларида фойдаланиладиган тест топшириқларини яратишда педагогик ўлчовлар назарияси, тестология қоидалари асосида ишлаб чиқиш ва ушбу тест топшириқлари ўқитиладиган мавзулар ва дарсликлар асосида тузиш кераклиги таклиф этилган. Бундан ташқари тестология қоидалари асосида тузилган тест топшириқлари ёрдамида ўқувчилар ва талабаларини билим даражасини баҳолаш учун жорий ва якуний синовларда фойдаланиш тавсия этилган.*

***Калит сўзлар:*** *педагогик тест материаллари, тест топшириқлари, тестология, тест турлари.*

# РАЗРАБОТКА И ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕСТОВЫХ ЗАДАНИЙ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ

**А. Р. Саттиева**
*Государственный испытательный центр при Кабинете Министров Республики Узбекистан*

**D. М. Алимова**
*Государственный испытательный центр при Кабинете Министров Республики Узбекистан*

**Р. А. Бегматова**
*Город Ташкент, Алмазарский район, школа No46*

**М. К. Ерматов**
*Ташкент, школа-интернат при сколиозе №4*

***Аннотация:*** *В статье предложено, что разработка тестовых*

*заданий, используемых в учебном процессе, должна основываться на теории педагогических измерений, правилах тестологии, на учебниках и изученных темах. Также рекомендуется использовать тестовые задания, созданные в соответствии с правилами тестологии, в текущих и итоговых испытаниях для оценивания уровня знаний учащихся и студентов.*

***Ключевые слова:*** *педагогические тестовые материалы, тестовые задания, тестология, виды тестов.*

## DEVELOPMENT AND USE OF PEDAGOGICAL TEST ITEMS IN THE EDUCATIONAL PROCESS

**A. R. Sattieva**
*State Testing Center under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan*

**D. M. Alimova**
*State Testing Center under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan*

**R. A. Begmatova**
*Tashkent city, Almazar district, school No46*

**M. K. Ermatov**
*Tashkent, boarding school for scoliosis No. 4*

***Abstract:*** *The article proposes that the development of test items used in the educational process should be based on the theory of pedagogical measurements, the rules of educational assessment, on textbooks and topics studied. It is also recommended to use test items created in accordance with the rules of educational assessment in the current and final tests to assess the level of knowledge of pupils and students.*

***Key words:*** *pedagogical test materials, test tasks, educational assessment, types of tests.*

Сўнгги йилларда мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий эттириш мақсадида барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, таълим тизимини модернизация қилиш, илм-фанни ривожлантириш, ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб бориш, шу билан бирга, юрт равнақи йўлида муносиб ҳисса қўшувчи малакали кадрларни тайёрлаш, таълим ва фан соҳасида меҳнат фаолиятини олиб бораётган ҳар бир педагог-ўқитувчиларнинг бурчидир.

Ўқув жараёнини модернизация қилиш жараёнида талабалар ёки ўқувчилар билимини баҳолаш усулларидан бири сифатида тест тизими ва тест технологияларини ривожлантириш кенг аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда тест тизимини илмий-методик манбалар билан таъминлаш энг долзарб муаммолардан бири саналади. Ушбу муаммо, биринчи навбатда, педагог-ўқитувчилар учун педагогик тест топшириқларини (ПТТ) ишлаб чиқишидадир. Тест топшириқларини ишлаб чиқиш учун, энг аввало, тестологиянинг ўзи нима эканлигини ўзлаштириш жуда муҳим ҳисобланади [1]. Педагогик тест – муайян билим соҳаси бўлимлари бўйича синалувчиларнинг тайёргарлик даражасини холисона аниқлаш имконини берувчи тест топшириқлари тўпламидир [2]. Педагогик тест материалларини ишлаб чиқишда уларни оддий топшириқдан, яъни савол ва жавобларни тақдим этиш шаклида эмас, балки уни яратиш ва қўллаш жараёнида педагогик ўлчовлар назарияси, тестология қоидалари асосида ишлаб чиқишдир [3]. Тестология қонун-қоидалари асосида тузилган тест топшириқларини ўқув жараёнига жорий қилиш таълим жараёнидаги муаммоларни объектив баҳолашга имкон беради. Тест синовлари муаммоларига бағишланган илмий ва услубий адабиётларда педагогик тестларнинг турли хил таснифлари таклиф қилиниши билан бирга тест топшириқларининг асосий шакллари, тест топшириқларини лойиҳалашга қўйиладиган умумий талаблар баён қилинган.

Педагогик тестларнинг энг кенг тарқалган тури битта тўғри жавобдан иборат бўлган тест топшириқлари бўлиб, уларда ўрганилаётган фаннинг асосий бўлимлари ёки мавзуларига биноан тест топшириқлари тузилади. Тузилган тест ёрдамида талаба ёки ўқувчиларнинг ўқув материалини ўзлаштириш даражаси синов пайтида текширилади ва уларнинг билим ва кўникмалари қай даражада эканлиги аниқланади. Синов учун режалаштирилган билим ва кўникмалар рўйхатига ўрганилаётган фаннинг концептуал аппаратини ўзлаштириш, аниқ фактларни билиш, ўрганилаётган материални тушунтириш, умумлаштириш, тизимлаштириш қобилияти ва шу каби бошқа талаблар киритилиши мумкин. Педагогик адабиётларда ўқув мазмуни ва мутахассисликларни режалаштиришда эътиборга олиниши лозим бўлган ўқув мақсадлари таснифини ишлаб чиқишга ҳаракатлар қилинмоқда. Адабиётларда педагогик тест топшириқларини тузиш услубига қараб, тўртта шаклга ажратилади [2]: ёпиқ тест топшириғи; очиқ тест топшириғи; мувофиқликни таъминлаш топшириғи ва тўғри кетма-кетликни тузиш топшириғи кабилардир. Биз буни қуйидаги жадвал орқали батафсил ёритиб берамиз.

Тест вариантини яратишда тест топшириқларининг барча кўрсатилган шаклларидан фойдаланиш мумкин, аммо билимни баҳолаш учун ўтказиладиган якуний синов учун тест вариантини яратишда бир хил шаклни танлаб олиш тавсия этилади.

Ҳозирги вақтда энг кенг тарқалган тест топшириқлари ёпиқ шаклда бўлиб, улар бир нечта таклиф қилинган жавоблар орасидан тўғри жавобни танлашни ўз ичига олади. Синалувчилар билимини баҳолаш учун тестларни тузишда тест топшириқларининг ушбу туридан фойдаланишни тавсия этилади. Шу билан бирга, тест топшириқлари шакли ва уларнинг форматларини танлашдан бошлаб тестнинг ишончлилиги, яроқлилиги (валидлиги) каби сифатларини баҳолаш орқали тест топшириқларини ишлаб чиқиш қоидаларига амал қилиниши керак.




ёпиқ тест топшириғи ёки танлов усули билан берилган тест топшириғи - синалувчи тўғри жавобни келтирилган жавоб вариантлари ичидан танлайди;

очиқ тест топшириғи - синалувчидан топшириққа жавоб вариантини ўзи шакллантириши, яъни ёзиши талаб қилинади;

мувофиқликни таъминлаш топшириғи – синалувчидан икки тўплам

элементларининг ўзаро мослигини аниқлаш талаб этилади;

тўғри тартибни аниқлаш топшириғида - тест топширувчидан элементларни тўғри кетма-кетлигини аниқлаш талаб этилади.

Адабиётларда тестларни тузишда билиш ва бажариш керак бўлган бошқа муҳим талаблар ҳам берилган [4,5]. Таъкидлаш керакки, тестология бўйича илмий мақола ва адабиётлар, ўқув қўлланмаларда, қоида тариқасида, битта тўғри жавобни танлаш билан топшириқларга устунлик бериш таклиф этилади, яъни битта тест топшириғидаги битта тўғри жавобга жуда яқин бўлган жавобларни келтириш тавсия этилади. Бироқ, бундай комбинация амалиётда шуни кўрсатадики, чалғитувчи жавобларнинг яхши танланганлиги синалувчиларга бундай тест топшириқларини бажаришда сезиларли даражада қийинчилик туғдиради. Бундай тест топшириқлари синалувчиларнинг эгаллаган билимлари қай даражада эканлигини аниқлаш имконини беради. Шунинг учун тест топшириқларидан синалувчиларнинг билимини баҳолаш учун ўтказиладиган якуний синов вақтида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тестологлар тест топшириқлари тест тузиш қоидаларига мос ҳолда тузилганлигини тест материалларининг сифати билан боғлайдилар ва ўқув жараёнларидаги синовларда ва айниқса, якуний назорат синовларида мана шундай тест топшириқларидан фойдаланишни тавсия этадилар. Бироқ тест материалларининг сифати, тест тузувчилар томонидан ишлаб чиқилган тест топшириқлари текширилиши, синалиши, муҳокамалардан ўтказилиши ва мутахассис экспертлар тавсияси каби бир неча босқичлардан ўтиши талаб этилади. Ушбу талабларга жавоб берадиган тест топшириқлари бир хил шароитда апробациядан ўтказилади ва унинг натижалари тестологияда фойдаланиладиган статистик усуллар орқали статистик таҳлили билан баҳоланади.

Олий таълим шароитида талабалар гуруҳлари 30 кишини ташкил қилганда ва семинар дарси давомида барча талабалар билан савол жавоб қилиш вақт нуқтаи назаридан имконият бўлмаганда, семинар дарси охирида тестдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолда, таклиф қилинган тест вариантлари ўрганилаётган мавзу бўйича 10 дан ортиқ бўлмаган саволларни ўз ичига олиши керак ва шунга мувофиқ уларни амалга ошириш учун 7-10 дақиқа вақт ажратилади. Семинарларда ишлатиладиган тестларда жуда кўп сонли саволлар бўлмаслиги керак. Бу ерда вақт омилини ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Шу муносабат билан ҳар бир тест топшириғини бажариш учун синалувчига, қоида тариқасида, 1 дақиқадан 2 дақиқагача вақт (вақт вазифанинг мураккаблигига қараб) кераклигини эслатиб ўтиш ўринлидир. Семинар давомида тест синовларини қўллашни режалаштиришда юқорида айтиб

ўтилган масалаларни эътиборга олиш керак.

Тест ёрдамида талаба ёки ўқувчиларнинг мустақил олган таълимини қай даражада ўрганганлигини аниқлаш ҳамда олган билимларини баҳолашда ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда тест топшириқлари ўрганилаётган фаннинг ўқув дастурида белгиланган мавзуларни қамраб олган ҳолда ишлаб чиқилади ва маъруза курси учун фойдаланиш тавсия этилган ўқув адабиётларнинг мазмунини ҳам акс эттириши керак. Бу эса талабанинг эътиборини ўрганилаётган мавзунинг ёки бўлимнинг энг муҳим жиҳатларига қаратишга имкон беради.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, педагог-ўқитувчиларнинг педагогик тестларни ишлаб чиқиш бўйича ўз қарашлари ва мулоҳазалари мавжуддир. Шунинг учун тест топшириқларини ишлаб чиқиш бўйича алоҳида дарсликлар, илмий мақола муаллифлари томонидан таклиф қилинаётган ёндашувлар, талаб ва таклифларни ҳам эътиборга олиш керак. Бу эса тест синовларида олинган натижаларни таҳлил қилиш, тест топшириқларини ишлаб чиқишдаги ютуқ ва камчиликларни аниқлашга ёрдам беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Аванесов В. С. Основы научной организации педагогического контроля в высшей школе: Учеб. пособие. М., 1987 г.

Аванесов В. С. Теоретические основы разработки заданий в тестовой форме: Пособие для профессорско-преподавательского состава высшей школы. М.: МГТА 1995. – 95 с.

Баратов А.А. Таълим сифатини баҳолашда асосий педагогик ўлчов воситаси бўлган тест топшириқларининг назарий асослари ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, “Ахборотнома” илмий-услубий журнали, Тошкент ш., 2018 й. №3, 4-9 бет.

М.Ш. Закирова, Н.Н. Ерматова Тест тузиш методикаси ва экспертизаси. Услубий қўлланма., Тошкент ш., 2018 й., -41бет.

M. Yu. Tashmetov, F. K. Khallokov, N. B. Ismatov, I. I. Yuldashova, I. Nuritdinov, S. Kh. Umarov. Study of the influence of electronic radiation on the surface, structure and Raman spectrum of a TlInS2 single crystal // Physica B: Condensed Matter. Volume 613, 2021, 412879

Челышкова М. Б. Теория и практика конструирования педагогических тестов: Учеб. пособие. М., 2002. – 432 с.

# BOSHLANG'ICH SINF O'QITUVCHISINING KASBIY-PEDAGOGIK FAOLIYATINI TAKOMILLASHTIRISH

DOI: 10.53885/edinres.2021.25.35.028

**Sh. A. Baxshulloyeva**
Buxoro davlat universiteti magistranti

***Annotatsiya.*** *Maqolada boshlang'ich sinf o'qituvchilarini tayyorlashda ularning kasbiy-pedagogik faoliyatini mazmunli va sifatli tashkil etish, o'quvchilarning bilimini oshirishga yo'naltirilgan zamonaviy texnologiyalardan samarali foydalanishga o'rgatishning zaruriy jihatlari yoritilgan. Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarini intellektual va ma'naviy salohiyati yuksak yangi avlod kadrlarini tayyorlash, ta'lim tashkilotlari bitiruvchilari zamonaviy kasb egalari bo'lishlari uchun ularda zarur ko'nikma va bilimlarni shakllantirishning zaruriy jihatlari ochib berilgan. Boshlang'ich sinf o'qituvchilariga qo'yiladigan talablar pedagogik, psixologik va sotsiologik xarakterga egaligi bilan ahamiyatli hisoblanadi.*

***Kalit so'zlar:*** *boshlang'ich sinf o'qituvchisi, oliy ta'lim muassasasi, kompetensiya, o'quvchi bilimi, zamonaviy texnologiya, intellekt, ma'naviy salohiyat.*

# ПОВЫШЕНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ.

**Ш. А. Бахшуллоева**
Магистр Бухарского государственного университета

***Аннотация.*** *В статье описаны необходимые аспекты содержательной и качественной организации профессионально-педагогической деятельности при подготовке учителей начальных классов, эффективного использования современных технологий, направленных на повышение уровня знаний учащихся. Необходимо подготовить новое поколение будущих учителей начальных классов с высоким интеллектуальным и духовным потенциалом, сформировать у выпускников учебных заведений необходимые навыки и знания, чтобы они стали современными профессионалами. Требования к учителям начальной школы значительны по своему педагогическому, психологическому и социологическому характеру.*

***Ключевые слова:*** *учитель начальных классов, вуз, компетентность, знания учащихся, современные технологии, интеллект, духовный потенциал.*

# IMPROVING THE PROFESSIONAL AND PEDAGOGICAL ACTIVITY OF PRIMARY SCHOOL TEACHERS.

**Sh. A. Bakhshulloeva**
Master of Bukhara State University

***Abstract.*** *The article describes the necessary aspects of the content and quality organization of professional and pedagogical activities in the preparation of primary school teachers, the effective use of modern technologies aimed at increasing the level of knowledge of students. It is necessary to prepare a new generation of future primary school teachers with high intellectual and spiritual potential, to form the necessary skills and knowledge among graduates of educational institutions so that they become modern professionals. The requirements for primary school teachers are significant in their pedagogical, psychological and sociological nature.*

***Key words:*** *primary school teacher, university, competence, students' knowledge, modern technologies, intelligence, spiritual potential.*

**Kirish.** "O'qituvchi o'z bilim malakasini oshirish usullarini puxta egallamog'i, mustaqil ishlashini o'rganmog'i lozim" – degan edi A. Jomiy.

Mamlakatimizda ilg'or xorijiy tajribalar asosida uzluksiz ta'lim tizimi uchun pedagog kadrlar tayyorlashni nazarda tutuvchi oliy ta'lim tizimida zamonaviy yondashuvlarni ishlab chiqishni ta'minlashga qaratilgan islohotlar natijasida bo'lajak o'qituvchilarni tayyorlashning zamonaviy ta'lim mazmunini modernizatsiyalash, talabalar ichki imkoniyatlarini ro'yobga chiqarishga imkon beruvchi zarur shart-sharoitlar yaratishga yo'naltirilgan ta'lim muhitini yaratish bo'yicha tadqiqotlar olib borilmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-sonli farmoni, 2017 yil 20 apreldagi "Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-2909-sonli, 2017 yil 29 noyabrdagi "O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligini tashkil etish to'g'risida"gi PF-5264-sonli qarorlari, 2018 yil 25 yanvardagi "Umumiy o'rta, o'rta maxsus va kasb-hunar ta'limi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-5313-sonli Farmoni va boshqa ushbu sohaga tegishli me'yoriy-huquqiy hujjatlarda belgilab berilgan vazifalarni amalga oshirishda boshlang'ich sinf o'qituvchisining o'rni alohida hisoblanadi. Chunki boshlang'ich sinf o'qituvchisi maktabga ilk qadam qo'ygan o'quvchilarning savodini chiqarishda, ularni shaxs sifatida shakllanishida muhim o'rin egallaydi.

***Adabiyotlar tahlili.*** O'qituvchining kasbiy tayyorgarligiga qo'yiladigan talablar, ularning ulug'lanishi Sharq mutafakkirlari Ismoil al-Buxoriy, Yusuf Xos Hojib, Abu Nasr Forobiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Abduraxmon Jomiy, Alisher Navoiy, Jaloliddin Davoniy, Abdulla Avloniylarning asarlarida o'z ifodasini topgan. Oliy ta'lim muassasalarida o'qituvchilarni tayyorlash muammolari respublikamiz va chet ellik mutaxassislar tomonidan bir qator adabiyotlarda yoritilgan. Oliy ta'lim jarayonida bo'lajak o'qituvchi shaxsini shakllantirish, o'z-o'zini boshqarish asosida o'quvchilarning ijtimoiy faolligini oshirish va kasbiy shakllanganlikni tashxislash masalalari M.A.Abdullajonova, O.A.Abdulina, A.A.Akbarov, X.A.Abduraxmanova, S.V.Safonovalarning tadqiqotlarida o'rganilgan. O'qituvchining kasbiy mahoratini tadqiq qilgan pedagog olimlar H.Abdukarimov, N.Azizxo'jayeva, A.Aliyev, Yu.A.Axrorov, A.A.Verbitskiy, R.H.Jo'rayev, B.R.Jo'rayeva, J.G'. Yo'ldoshev, S.M.Markova, G.M.Maxmutova, L.M.Mitina, A.G.Morozov, U.N.Nishonaliyev, M.Ochilov, B.Raximov, N.Saidahmedov, V.A.Slastyonin, O'.Tolipov, A.R.Xodjaboyev, A.A.Xoliqov, N.Shodiyev, O.Haydarova, A.A.Hamidov, F.R.Yuzlikayevlarning ishlarida bo'lajak o'qituvchilarning pedagogik mahorati, ta'lim texnologiyalaridan foydalanish imkoniyatlari, talabalarning dunyoqarashlari, kasbiy va muloqot madaniyatini rivojlantirish yo'llari va usullari, shuningdek, o'qituvchilarni kasbiy tarbiyalash va tayyorlash muammolari tadqiq etilgan.

O'qituvchi shaxsini kasbiy tarbiyalashning psixologik va psixofiziologik jihatlari A.A.Bodalev, Ye.M.Ivanova, E.G'oziyev, M.G.Davletshin va boshqalarning tadqiqotlarida o'z aksini topgan. O'qituvchining kasbiy kompetentligini shakllantirish muammosi V.Adolf, I.Zimnyaya, A.Karabayeva, N.Kuzmina, N.Muslimov, Sh.Sharipov kabi qator olimlar tomonidan o'rganilgan. Adabiyotlar tahlili shundan dalolat beradiki, kompetentlik va kompetent yondashuvning mazmuni va ta'riflari, shuningdek, zamonaviy o'qituvchining kasbiy sifatlari keng tadqiq etilgan. Lekin oliy ta'lim muassasalarida bo'lajak kollej o'qituvchilarini tayyorlash jarayonini tashxis qilish tizimi, bo'lajak o'qituvchilarni innovatsion tayyorlash mazmuni, shakl, metod va vositalarining kasbiy kompetentlikni shakllantirishdagi imkoniyatlari yetarli darajada o'rganilmagan.

O'qituvchining kasbiy tavsifnomasini tuzish, unga bo'lgan talablarni aniqlash, shaxsni shakllantirishda tarbiyaning maqsad va vazifalari, qoidalari, ta'lim va tarbiya metodlari, uning qadimiy ildizlari (genezisi)ni aniqlashda Sharqning taniqli qomusiy olim va mutafakkirlarining hissalari kattadir. Buyuk Sharq mutafakkirlari AlXorazmiy, Al-Kindiy, Al-Forobiy, Al-Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Umar Hayyom, Sa'diy Sheroziy, Mirzo Ulug'bek, Abduraxmon Jomiy, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Boburlar birinchilardan bo'lib ta'lim metodlarini ilmiy asoslab berishdi. Anglash faoliyatini jadallashtirish,

bilimlarni amaliyotda qo‘llash, bilimlarning tizimliligi, ketma-ketligi, mantiqiyligi, induksiya, tajriba, taqqoslash, kuzatish metodlari shular jumlasidandir.

Pedagogika tarixiga oid tadqiqotlarda ta’lim-tarbiya va pedagogik fikrlarning taraqqiyoti quyidagi davrlarga bo‘lib o‘rganilgan: 1) Eng qadimgi davrlardan 1917 yilgacha ta’lim-tarbiya va pedagogik fikrlar taraqqiyoti; 2) 1917-1990 yillarda pedagogik fikrlar rivojlanishi; 3) Mustaqilllik yillarida O’zbekistonda ilm-fan va ta’lim-tarbiya sohasidagi tadqiqotlar. Bu davrlashtirishni bo‘lajak o‘qituvchilarni innovatsion tayyorlash davrlari genezisi sifatida ham qabul qilish o‘rinlidir. Bu davrlar uchun o‘qitishning quyidagi usullari xarakterlidir: 1) Savtiya usuli; 2) Jamoa usuli; 3) Jadid usuli; 4) Sinf-dars usuli; 5) Loyihalashtirishga asoslangan, natijalarga kafolatli erishishga yo‘naltirilgan texnologik yondashuv. Mazkur ta’lim texnologiyalari bir-biridan progressivligi bilan farq qilib, bir-biriga nisbatan yangi, innovatsion texnologiya hisoblanadi, xususan, savtiya usuliga nisbatan jamoa usuli, jamoa usuliga nisbatan jadid usuli innovatsion va h.k. O’qituvchilarni tayyorlash sohasida olib borilgan ilmiy tadqiqotlarda ilgari surilgan o‘qituvchi kasbiy professiogrammalarining tahlili hamda jamiyatning o‘qituvchilik kasbiga qo‘yayotgan talablari asosida pedagogik oliy ta’lim muassasalari bitiruvchisining sifatlari ishlab chiqildi.

Pedagogik oliy ta’lim muassasalari boshlang‘ich ta’lim yo‘nalishi bitiruvchisining sifatlari quyidagicha guruhlandi:

1-guruh. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilariga DTSda belgilangan bilim, ko‘nikm, malaka, kompetensiyalarni shakllantirishga psixologik tayyorgarlik: jamiyat hayoti, yosh avlod tarbiyasida o‘zining alohida rolini anglab yetish. Hozirgi zamon o‘qituvchisi oldiga qo‘yiladigan talablarni bilish, pedagogik faoliyatga qobiliyatning mavjudligi, o‘qituvchilik kasbiga qiziqish, nerv sistemasining egiluvchanligi, chuqurligi va kuchliligi, undagi psixik jarayon (his qilish va idrok, diqqat, tasavvur, fikrlash, xotira, nutq, iroda)larning optimal holatdaligi. Pedagoglik kasbiga va o‘quvchilar bilan muloqotga kirishishga bo‘lgan ehtiyojini anglash.

2-guruh. Shaxs sifatlari: insonparvarlik, ma’lumotlilik, ma’naviy dunyosining mazmuni, madaniyati, eruditsiyasi (iqtidori), o‘z bilimini doimo oshirib borish, pedagogik odobga egalik, talabchanlik va adolatlilik, axloqiy qiyofasi, o‘z o‘quvchilariga o‘qish, ishlash va yashashda namuna bo‘la olish, umuminsoniy va milliy qadriyatlarni hurmat qilish.

3-guruh. Kasbiy sifatlar: o‘quvchi-yoshlarning o‘ziga xos va yosh xususiyatlarini bilish, har bir o‘quvchi shaxsini loyihalashtira olish; didaktik bilimlarning mavjudligi; o‘z o‘quv predmetini va unga doir so‘nggi yangiliklarni bilish, o‘quv reja, dastur, o‘quv qo‘llanmalar, darslik va qo‘shimcha adabiyotlarni bilish; ta’lim vazifalari, funksiyalari va tashkil

etish tamoyillarini bilish; o‘quv dasturiga tuzatishlar kiritishni bilish, eskirgan ma’lumotlarni olib tashlash, o‘rniga yangi, zamon talablariga mos, jonajon o‘lka tarixi, madaniyati, xalq an’analari xususiyatlariga mos keladigan materiallarni qo‘ya olish; o‘quv ishlarini rejalashtirishni bilish (kalendar va dars rejalari); o‘quvchilarning ta’limi, tarbiyasi va rivojlanishini ta’minlovchi, ta’limning eng ta’sirchan, noan’anaviy shakl va metodlarini tanlay olish va ijodiy qo‘llay olish ko‘nikmasi; xalqaro aloqalar imkoniyatlaridan foydalana bilish ko‘nikmasi; ta’lim jarayonida, auditoriya va auditoriyadan tashqari ishlar jarayonida tarbiyaviy ishlarni tashkil eta bilishga doir bilim va ko‘nikmalarning mavjudligi; o‘quv-tarbiyaviy ishlarni samarali olib borishda erishgan yutuqlarida to‘xtab qolmaslik, faol ijodiy izlanishda davom etish.

Bizning yondashuvimizga ko‘ra, bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchisi qiyofasida quyidagilar bo‘rtib turishi kerak: - bolaparvarlik; - o‘z kasbini sevishi; - pedagogik faol bo‘lish; - o‘zi ustida doimiy ishlashi. Bunday yondashuv asosida oliy pedagogik ta’lim jarayonida bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarini tayyorlash mapqsadga muvofiq bo‘ladi.Shu jihatdan xalqaro pedagogik tajribalarjda qabul qilingan quyidagi konseptual yo‘nalishlarga e’tibor berish lozim: a) bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilariga kasbiy, psixologik va pedagogik bilim berish; b) bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarini pedagogik ko‘nikma bilan qurollantirish;

g) bola bilan ishlash psixologiyasini shakllantirish. Ushbu yondashuv asosida bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarini tayyorlash kutilgan samarani berishi shubhasizdir. Ayni paytda, har bir o‘qituvchi faoliyati davomida o‘zining kasbiy qiyofasini takomillashtirib borishini unutib bo‘lmaydi. Bizning yondashuvimizga binoan bugungi kunda boshlang‘ich sinf o‘qituvchilari zamonaviy yondashuvlardan xabardor bo‘lishi kerak. Shu jihatdan bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilari qiyofasida pedagogtk, psixologik va estetik malakalik bo‘rtib turishi kerak. Bu borada quyidagi pedagogik malakalarni egallash maqsadga muvofiq bo‘ladi: - bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilari pedagogik vazifani qo‘ya olishi, o‘quv-tarbiyaviy ishlarni samarali tashkil eta olishi kerak; - imkon qadar har bir o‘quvchi bilan individual ishlash uslubiga ega bo‘lishi shart; - o‘quv materiallari bilan ishlash ko‘nikmasini egallash bo‘lajak o‘qituvchilar uchun muhim ahamiyatga ega.

Bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchisini kasbiy tayyorlash. O’zbekistonda barpo etilayotgan Uchinchi Renessans jarayonida bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarini kasbiy tayyorlash muhim vazifa hisoblanadi.

Buning uchun quyidagilarga ahamiyat berish maqsadga muvofiq bo‘ladi:

- bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarini pedagogik qonuniyatlar va texnologiyalar bilan chuqur tanishtirish;
- bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarini intellektual va ma’naviy

salohiyati yuksak yangi avlod kadrlarini tayyorlash, ta'lim tashkilotlari bitiruvchilari zamonaviy kasb egalari bo'lishlari uchun ularda zarur ko'nikma va bilimlarni shakllantirish;

- dunyo miqyosidagi bugungi keskin raqobatga bardosh bera oladigan milliy ta'lim tizimini yo'lga qo'yish, darslik va o'quv qo'llanmalarini zamon talablari asosida takomillashtirish, ularning yangi avlodini yaratish, o'quv dasturlari va standartlarini optimallashtirish;
- ta'lim-tarbiya muassasalarining rahbar xodimlari, pedagog va murabbiylari, professor-o'qituvchilari va ilm-fan sohalari vakillarining jamiyatimizdagi o'rni va maqomini oshirish, ularning mashaqqatli mehnatini munosib qadrlash va faoliyat samaradorligiga qarab moddiy rag'batlantirish;
- pedagog xodimlarning kasbiy mahorati va faoliyat samaradorligini muntazam oshirib borish uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish, malaka oshirish tizimini «hayot davomida o'qish» tamoyili asosida takomillashtirib borish;
- ilmiy-tadqiqot va ta'lim xizmatlarini ko'rsatish bo'yicha xususiy sektorning salmog'ini kengaytirish, hududlarda nodavlat ta'lim tashkilotlarini tashkil etish orqali raqobat muhitini shakllantirish, ta'lim sohasida davlat-xususiy sheriklikni rivojlantirish;
- zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo'llagan xolda ta'limni boshqarishni avtomatlashtirish va har tomonlama tahlil qilib borish tizimini yaratish, elektron resurslar va masofaviy ta'limni yanada rivojlantirish, ta'lim oluvchilar o'rtasida IT-sohasidagi kasblarni ommalashtirish;
- ilm-fanni iqtisodiyotning asosiy harakatlantiruvchi kuchiga aylantirish, ilmiy tadqiqotlar ko'lamini kengaytirish, iqtidorli yosh olimlarning innovatsion faoliyatini rag'batlantirish, mavjud ilmiy tashkilotlar salohiyatini yanada mustahkamlash va rivojlantirish.

Pedagogik olimlarning fikricha, bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilari quyidagi funksional komponentlarni bilishi kerak:

1. o'quv materiallarini tayyorolash va taqdim etish;
2. o'quvchilarni bilim va tarbiya olishga qiziqtira olishi;
3. o'quvchilar shaxsida uchraydigan kamchiliklarni bartaraf eta olishi;
4. muntazam ravishda o'quvchilarni kuzatib borishi.

Mazkur yondashuv asosida bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarini kasbiy tayyorlashda muhim ahamiyatga ega.

Tajribali pedagog olimalardan A.K.Markovo yondashuviga ko'ra bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilari faoliyati to'rt yo'nalishdan iborat:

1. kasbiy psixologik va pedagogik bilimlarni egallash;
2. kasbiy pedagogik malakani egallash;
3. kasbiy psixologik ko'nikmalarni egallash;
4. shaxsiy fazilatlar egasi bo'lish.

Biznincha, ushbu tavsiyalar nazariy va amaliy jihatdan asoslarga ega. Shu sababli oliy pedagogik ta'lim jarayonini tashkil etishda bo'lajak o'qituvchilarni kasbiy, psixologik va estetik jihatdan tayyorlashga e'tibolr berish maqsadga muvofiq bo'ladi.

Hozirgi zamon rivojlanish jarayonida bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarini kasbiy tayyorlashda modellashtirish masalasiga ahamiyat berish dolzarb bo'lib turibdi. Unga ko'ra, oliy pedagogik ta'lim jarayoni o'ziga xos model ko'rinishiga ega bo'lishi kerak. Chungi modellashtirish to'rt jihatga ega bo'ladi:

- model bu o'quv materiallarini tizimli taqdim etish;
- model muammolarni o'z vaqtida aniqlash va bartaraf etib borish;
- model ta'lim oluvchini hamisha ob'ekt sifatida bilish;
- model yangi ma'lumotlarni o'z vaqtida o'quv jarayoniga kiritib borish.

Shu jihatdan bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarini kasbiy tayyorlash ishlarini modellashtirib olish maqsadga muvofiq bo'ladi.

O'zbekiston Respublikasining yangi tahrirdagi "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni (2020 yil 23 sentabr) 5-bobida o'qituvchilarning huquqiy maqomi belgilangan. Mazkur huquqiy maqomga ko'ra, bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilari faoliyatga quyidagi asoslarga binoan yo'naltirilishi kerak:

- chuqur kasbiy tayyorgarlik va ma'naviy-axloqiy fazilatlarga ega bo'lish;
- ta'lim oluvchilar huquqlariga rioya qilish;
- kafolatlangan ish sharoitidan foydalanish;
- o'quv dasturlarini tuzishda mualliflik dasturlarini ishlab chiqishni bilish;
- zamonaviy pedagogik shakllarni, o'qitish va tarbiya vositalarini erkin tanlash;
- innovatsiyalar ishlab chiqish va amaliyotga joriy qilish; - sog'liqni saqlash muassasalarida bepul tibbiy ko'rikdan o'tish; - ta'lim oluvchilarning huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilishda ishtirok etish.

Oliy pedagogik ta'lim jarayonida bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilari ana shu huquqlar asosida faoliyatga yo'naltirilishi kerak. Ayni paytda, mazkur Qonunda o'qituvchilarning quyidagi majburiyatlari ham belgilab qo'yilgan:

- ta'lim-tarbiya jarayoni ishtirokchilarining sha'ni, qadr-qimmati va ishchanlik obro'sini hurmat qilish;
- o'quv mashg'ulotlarini sifatli o'tkazishi;
- axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan o'qitish va tarbiyaning ilg'or hamda innovatsion shakllari va usullaridan foydalanishi;
- voyaga yetmagan ta'lim oluvchilar bilan ta'lim-tarbiya ishlarini ularning ota-onasi bilan birgalikda olib borishi;
- o'z malakasini muntazam ravishda oshirib borishi;
- tibbiy ko'rikdan o'z vaqtida o'tishi.

Mazkur majburiyatlar bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarini kasbiy

faoliyatga yo‘naltirishning asoslari bo‘lib xizmat qiladi.

Bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilari kasbiy faoliyatga quyidagi mexanizmlar asosida yo‘naltirilishi kerak:

a) mutaxasssilik fanlarini o‘qitish jarayonida;

b) maxsus kurslar vositasida;

v) mustaqil ta’lim vositasida;

g) ustoz-shogird an’anasi vositasida.

Bu mexanizmlarga amal qilish bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarini kasbiy faoliyatga yo‘naltirish jarayonini aniq tashkil etish imkonini beradi. Misol uchun, mustaqil ta’lim vositasini olaylik. Pandemiya kabi murakkab sharoitlar shuni ko‘rsatdiki, oliy pedagogik ta’lim jarayoni hamisha va har qanday vaziyatda mustaqil ta’limga tayyor turishi kerak.

Shunday qilib boshlang‘ich sinf o‘qituvchilariga qo‘yiladigan talablar pedagogik, psixologik va sotsiologik xarakterga egaligi bilan ahamiyatli hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O’roqov Sh. Ta’lim muassasalarida o‘quv-tarbiya jarayonini samarali tashkil etishning o‘ziga xos xususiyatlari//Xalq ta’limi. – Toshkent: 2016, №5. –B.55-60. (13.00.00; №2).

2. O’roqov Sh. Bo‘lajak kollej o‘qituvchilarida kasbiy-pedagogik kompetentlikni shakllantirishning ilmiy-metodik jihatlari//SamDU ilmiy tadqiqotlar axborotnomasi. – Samarqand: 2015. 4-son. –B.132-135. (13.00.00; №6).

3. O’roqov Sh. Pedagogikani o‘qitishda fanlararo aloqadorlik muammolari// Uzluksiz ta’lim sifat va samaradorligini oshirishning nazariy uslubiy muammolari. Respublika ilmiy konferensiyasi materiallari (27-28 may). -Samarqand: SamDU, 2010. –B.50-52

4. O’roqov Sh. Oliy ta’lim muassasalarida mutaxassisni innovatsion tayyorlashning didaktik xususiyatlari// Ta’limda innovatsiyalar: strategiya, nazariya va amaliyot. Xalqaro ilmiy maqolalar to‘plami. – Samarqand: 2018. I qism. – B.48-52.

# BOSHLANG'ICH SINFLARDA BO'SH O'ZLASHTIRUVCHI O'QUVCHILAR FAOLLIGINI OSHIRISH TEXNOLOGIYASI

DOI: 10.53885/edinres.2021.13.24.029

**L. S. Elibayeva**
Buxoro davlat universiteti, Pedagogika kafedrasi katta o'qituvchisi

***Annotatsiya.*** *Maqolada boshlang'ich ta'lim jarayonida bo'sh o'zlashtiruvchi o'quvchilarning faolligini oshirish, ularning o'z tengdoshlari qatoriga yetib olishiga imkon yaratish, o'quvchida bilim, ko'nikma, malaka va kompetensiyalarni shakllantirish, rivojlantirishga xizmat qiladigan ta'lim texnologiyalarini amaliyotga qo'llash tajribalari keltirilgan.*

***Kalit so'zlar:*** *boshlang'ich ta'lim, bo'sh o'zlashtiruvchi o'quvchi, faollikni oshirish, bilim, ko'nikma, malaka, texnologiya, kompetensiya.*

# ТЕХНОЛОГИЯ ПОВЫШЕНИЯ АКТИВНОСТИ СЛАБОУСПЕВАЕМЫХ УЧЕНИКОВ В НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЕ

**Л. С. Элибаева**
Старший преподавател кафедры педагогики Бухарского государственного университета

***Аннотация.*** *В стате представлен опыт практического применения образовательных технологий, повышающих активность слабо успевающих учащихся в начальном образовании, позволяющих им достич своих сверстников, сформироват у учащегося знания, умения, компетенции.*

***Ключевые слова:*** *начальное образование, слабо успевающих, повышенная активность, знания, умение, квалификация, технология, компетенция.*

# TECHNOLOGY FOR INCREASING THE ACTIVITY OF POORLY PERFORMING PRIMARY SCHOOL STUDENTS

**L. S. Elibaeva**
Senior Lecturer, Department of Pedagogy, Bukhara State University

***Abstract.*** *The article presents the experience of the practical application of educational technologies that increase the activity of poorly performing students in primary education, allowing them to reach their peers, to form the*

*student's knowledge, skills, competence.*

***Key words:*** *primary education, poorly performing, increased activity, knowledge, skill, qualifications, technology, competence.*

Zamonaviy ta'limning eng muhim unsurlari qadimdan shakllanib kelgan. Ta'lim maqsadi, mazmuni, shakl, uslub va vositalari ta'lim jarayonlari mazmunini tahlil qilish uchun qo'llaniladigan an'anaviy kategoriyalar bo'lib hisoblanadi. Aynan shu kategoriyalar ma'lum predmet, mutaxassislik yoki ixtisoslik bo'yicha o'quv-tarbiyaviy jarayonni tashkil qiluvchi pedagog faoliyatining predmeti sifatida yuzaga chiqadi.

Qayd etilgan pedagogik kategoriyalarni maqsadga muvofiq ravishda yo'naltirilgan pedagogik faoliyatning qonuniyat va mezonlarini tizimlashtiruvchi omil vazifasini bajaradi. Zamonaviy o'qituvchi dars jarayonida «aktyor» emas, aksincha «rejissyor» bo'lishi kerakligini anglashi lozim. Buning uchun esa u bir necha yangicha ta'lim usullarini yaxshi bilishi kerak.

Shu yerda Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev "Mustaqil o'ylay oladigan tafakkur yuritib to'g'ri ma'qqul va maqbul ish tuta oladigan vatanparvar shaxslarni shakillantirish va tarbiyalash kerak deb ta'kidlaydi hurmatli yurtboshimiz o'z nutqlarida.

Darhaqiqat yoshlarni zamonaviy fan-texnikaning, umuman, ilm-fanning yutuqlaridan bahramand qilmasdan turib, ularga yuqori malakali ixtisos egalari bo'lib yetishishiga zamin yarata olmaymiz. Eng avvalo, boshlang'ich ta'lim jarayonida o'quvchilarga to'g'ri va maqsadga muvofiq bilim berish muhim ahamiyat kasb etadi.

Kuzatishlar asosida ayta olamizki, boshlang'ich ta'lim davrida o'quvchida o'yin faoliyatining o'rnini o'qish faoliyati egallaydi. O'qib-o'rganish bolaning vazifasi, ijtimoiy burchi bo'lib qoladi. O'qish jarayonida u darsliklarini va o'quv qurollarini saranjom saqlash, o'z vaqtida o'rnidan turish, maktabga belgilangan vaqtda borish, uyga berilgan vazifalarni bajarish yuzasidan ko'nikmalarni o'zlashtiradi. O'quvchi tobora mas'uliyatli bo'lib boradi. Bilimlar bolaning saviyasini o'stiradi, aqliy rivojlanishini ta'minlaydi, sezgilari va irodasining o'sishiga ta'sir ko'rsatadi. Biroq, bu davrda ham bolaning diqqati hali beqaror bo'ladi. Boshlang'ich sinfda o'quvchi xotirasida ham o'zgarishlar ro'y beradi. O'quvchi birinchi sinfdan boshlab, ta'lim jarayonida o'quv materialining ko'p qismini ixtiyoriy ravishda eslab qoladi. Shu bilan birga o'z-o'zini doimo nazorat qilib borishi lozim. Buning natijasida o'quvchining xotirasi takomillashadi, tafakkuri o'sadi. 7-8 yoshli bolalarda ham tafakkur hali konkret xarakterda bo'ladi. Ular o'zlari idrok etgan yoki tasavvur qilgan narsalar haqidagina fikr yuritadilar. Mantiqiy tafakkurning dastlabki ko'rinishlari shakllana boshlaydi. Uchinchi

va to'rtinchi sinflarda o'quvchilar ilmiy bilimlarga oid ayrim tushunchalarni ham o'zlashtirib oladilar. Bu davrda o'quvchilarning ruhiyatida hissiy kechinmalar yuz beradi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarida biror fanga, darsga nisbatan qiziqish yuzaga keladi. Ular ta'lim olishni burch ekanligini anglab yetadilar. Dars vaqtida o'quvchi faoliyatiga qo'yilgan yuqori baho o'quvchilarda ruhiy tetiklik, shodlik, iftixor kabi hissiy kechinmalarni tug'diradi. Ammo o'quvchilar orasida fanlardan orqada qolish, o'zlashtirishi past baholanadiganlari ham uchrab turadi. Ushbu o'quvchilar bilan har bir boshlang'ich sinf o'qituvchisi alohida ishlarni olib borishi va ulardagi kamchiliklarni o'z vaqtida aniqlab, imkon qadar bunga yechim topishi zarur. Shunday ekan boshlang'ich ta'lim o'qituvchisi har tomonlama yetuk, o'tkir diplamat, o'z kasbini ustasi, intellekutal salohiyatga ega shaxs bo'lishi shart.

Boshlang'ich sinflarda o'quvchilarni zo'riqish va turli psixologik ta'sirlardan asrash, qiziqarli o'yinlar orqali bilimlarini mustahkamlash muhim ahamiyat kasb etadi. O'qituvchi o'quvchilarni ziyraklik va chaqqonlikka hamda fikrini to'g'ri va aniq ifoda etishga undovchi o'yinlardan foydalanishi samarali natija beradi. Masalan, "G'oyib bo'lganini top" o'yinida turli geometrik shakllar yozuv taxtasi yoki magnitli doskaga tartibsiz joylashtiriladi.

O'quvchilar shakllarni ko'rib bo'lgach, o'qituvchi "Tun", deydi. Bolalar ko'zini yumadi. O'qituvchi shakllardan bir nechtasini olib, yashiradi va "Kun", deydi. O'quvchilar ko'zini ochib, qaysi shakllar g'oyib bo'lganini aytishi kerak.

Bo'sh o'zlashtiruvchi o'quvchilarni aniqlash va ular bilan ishlash o'qituvchidan alohida sabot va mas'uliyatni talab etadi. Shu bois bu toifa bolalar bilan shug'ullanish uchun, avvalo, yakkama-yakka suhbat o'tkazib, ularning qiziqishlarini aniqlash lozim. Maxsus jurnal tutilib, bolalarning o'zlashtirishini muntazam monitoring qilib borilishi, o'quvchilarga qiynalayotgan fanidan alohida mashg'ulotlar daftari tuttirish kabi usullar ham samarali hisoblanadi. Shuningdek o'quvchilardagi ijobiy o'zgarishlar rag'batlantirilishi muhim.

Bo'sh o'zlashtiruvchilarning faolligini oshirish uchun ularning mustaqil fikrlash qobiliyatini hamda nutqini rivojlantirish kerak. Bunda turli ertaklardan foydalanish mumkin.

Masalan: Bir daryoda uch baliq ahil-inoq yashar ekan. Ular har doim birga suzar, topganlarini birga baham ko'rarkan, — deya hikoyasini boshlaydi pedagog. — Bir kuni daryoga baliqchilar kelibdi. To'r va qarmoqlarini hozirlab, baliqlarni qanday ovlash haqida maslahatlasha boshlabdi. Shu yaqin atrofda suzib yurgan baliqlar bu suhbatni eshitibdi. Shunda ulardan eng aqllisi...

Boshlang'ich sinf o'qituvchisi ertak shu yerga yetganda tin olib, bolalarga

yuzlanadi:

- Xo‘sh, baliq nima debdi, bolalar? Qani kim aytadi?

O’quvchilar o‘z fikr-mulohazalarini bildiradi. O’qituvchi imkon qadar diqqati tez chalg‘iydigan o‘quvchilarning e’tiborini tortishga harakat qiladi. Javoblarni eshitgach, “Qani, eshitaylik-chi, aqlli baliq do‘stlariga nima maslahat beribdi”, deb ertakning davomini aytadi:

- Darhol dengiz tomon yo‘lga chiqaylik, endi bu yerda qolish xavfli, — debdi aqlli baliq.

Do‘stlari uning gapiga e’tibor bermay:

- Daryoda bizdan boshqa baliqlar ham bor. Baliqchilar ular orasidan bizni qanday ham tutardi, — debdi bepisandlik bilan.

Aqlli baliq do‘stlarini o‘zi bilan birga ketishga harchand chorlamasin, ular qaysarlik bilan o‘z gapida turib olibdi. Noiloj yolg‘iz o‘zi uzoq safarga chiqibdi va eson-omon dengizga yetib olibdi...

O’qituvchi yana to‘xtab, o‘quvchilarga savol beradi:

— Xo‘sh bolajonlar, qolgan ikki baliqning taqdiri nima bo‘libdi?

Pedagog o‘quvchilarning fikrini diqqat bilan tinglaydi. Qanday javob aytilmasin, bolalarning shaxsiy nuqtai nazarini to‘g‘ri yoki noto‘g‘riga ajratmaydi. Aksincha, har bir javobdan so‘ng “Rahmat, bu sening fikring”, “Fikringni aytganing uchun minnatdorman”, deb bolalarni rag‘batlantirib turadi. Hammaga o‘z mulohazasini bildirishi uchun teng imkoniyat yaratishga intiladi. Javoblardan so‘ng:

- Ertakning davomini tinglaylik-chi, qolgan ikki baliq taqdiri qanday kechibdi, — deb matnni davom ettiradi:

- Ikkovlon baliqchilardan himoyalanish uchun o‘zini boshqa baliqlar orasiga uribdi. Biroq baliqchilarning keng-mo‘l to‘ri hamma baliqlarni birvarakayiga ushlab olibdi. Shunda ikki baliq do‘stining aytganiga quloq solmagani uchun qattiq pushaymon bo‘libdi. Qissadan hissa shuki, bolajonlar, odam doimo o‘zidan aqlli, tajribali kishilarning so‘ziga, xolis maslahatiga amal qilishi lozim. Shunda to‘rga ilingan ikki baliq kabi afsuslanmaydi.

O’qituvchi dars o‘tishda boshqa ko‘plab usullardan ham foydalanishi lozim. Eng muhimi, ular samara berishi.

Bugungi jadal o‘zgarishlar va yangilanishlar ta’lim-tarbiya sifatiga e’tiborni yanayam kuchaytirishni taqozo etmoqda. Avvalo Vatani, xalqi, qolaversa, bola manfaatlari uchun xizmat qilayotgan o‘qituvchi mutaxassis sifatida o‘z sohasini yaxshi bilishi, ijodkor bo‘lishi talab qilinyapti. Nafaqat darslarda, mashg‘ulotlardan keyingi vaqtlarni ham to‘g‘ri rejalashtirgan holda faoliyat yuritish orqaligina orzu-maqsadimizga yetamiz.

Ta’lim-tarbiya jarayoni markazida o‘quvchi shaxsi turar ekan, o‘qituvchi bolaning aqliy imkoniyati, qobiliyati va qiziqishlarini hisobga olishi zarur.

- 40-45 daqiqalik dars faqat faol o‘quvchilarni qondira oladi. Har bir

o‘quvchining individual-psixik taraqqiyot yo‘llarini chuqur bilish, bola qalbiga yo‘l topa olish uchun boshlang‘ich sinf fanlariga fanga oid qo‘shimcha darslar tashkil qilish samarali natija beradi.

Fanga oid qo‘shimcha dars o‘quvchilar uchun quyidagicha tashkil qilinadi:

1. O’quvchining qiziqishiga qarab.
2. Bo‘shliqlarni to‘ldirish maqsadida.
3. Bo‘sh o‘zlashtiruvchi bolalar uchun.
4. Iqtidorli o‘quvchilar bilan ishlash maqsadida.

O’quvchining qiziqishiga qarab qo‘shimcha dars tashkil etish, bu - fan to‘garaklariga a’zo qilish bo‘lib, bunda ular bilimlarini mustahkamlab, o‘zlarini qiziqtirgan savollarga javob oladi.

Bo‘shliqlarni to‘ldirish maqsadida tashkil qilingan qo‘shimcha darslarda test natijalaridan kelib chiqqan holda ish olib boriladi.

Bo‘sh o‘zlashtiruvchi o‘quvchilar uchun qo‘shimcha dars¬lar tashkil qilishdan oldin, bo‘sh o‘zlashtirish sababi o‘rganiladi. Dars qoldirish, ma’lumotlarni qabul qilishni istamasligi, o‘yinqaroqligi, oilaviy ahvoli kabilar.

Bunday o‘quvchilar bilan haftada 2 kun 1 soatdan vaqt ajratib, boshdan boshlamoq kerak.

Iqtidorli o‘quvchilar uchun qo‘shimcha darslar tashkillash maxsus reja va mukammal dastur talab qiladi. Iqtidorli o‘quvchilarni ijodiy ishlarga yo‘naltirish, ijod namunalari ko‘rgazmasini tashkil qilish, ularni monitoring natijalari asosida rag‘batlantirib borish zarur.

Boshlang`ich ta’lim jarayonida bo‘sh o‘zlashtirishni vujudga keltiruvchi omillar, o‘zlashtirmovchi o‘quvchilarning psixologik xususiyatlarini o‘rganish ta’lim jarayonida o‘quvchi o‘zlashtirmasligining oldini olishga yo‘naltirilgan chora – tadbirlar tizimini ishlab chiqish imkonini beradi. bo‘sh o‘zlashtirishning oldini olish bo‘yicha tadbirlar tizimi har bir o‘quvchi real o‘quv imkoniyatlarining barcha asosiy tarkibiy qismlarini kompleks rivojlantirishga, ya’ni shaxsning intellektual, irodaviy, hissiy sohalarini bir vaqtda rivojlantirishga, uning ta’lim va tarbiyasini ta’minlash, o‘qishga va jamoaga ijobiy munosabatini rivojlantirish, uning ishga qobiliyatini shakllantirishga yo‘naltirilgan bo‘lishi kerak. O‘quvchi real o‘quv imkoniyatlaridan birining shakllanishi muhimligini yetarlicha baholamaslik, bu tizimning yaxlitligiga salbiy ta’sir ko‘rsatadi. Natijada bo‘sh o‘zlashtirishning muvafaqqiyatli oldini olishga olib kelmaydi.

Bunday kompleks yondashuv maktabda, sinfda, guruhiy va tarbiyaviy tadbirlar birgalikda olib borilgandagina amalga oshirilishi mumkin.

Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib quyidagi xulosaga keldik:

1. Bo‘sh o‘zlashtiruvchi o‘quvchiga qo‘yiladigan baho uning shaxsi

shakllanishiga ta'sir qiladi.

2. Bo'sh o'zlashtiruvchi o'quvchining kichik muvaffaqqiyatini ham hammaning oldida maqtash, ozgina yuqori baholash, uni yangi muvaffaqqiyatlarga undaydi.

3. Ko'pchilik o'qituvchilar bo'sh o'zlashtirishning vujudga kelishida ko'proq ota – ona aybdor deb o'ylashadi. Demak ota – onaning farzandlari bilan uyda shug'ullanmasliklari, nazorat qilmasliklari, o'tilgan mavzularning uy vazifalarida mustahkamlanmasligi o'zlashtirmovchilikni keltirib chiqaruvchi yetarli omildir.

4. Boshlang'ich sinflarda bo'sh o'zlashtirishning vujudga kelishi bolaning psixik jarayonlarining yetarlicha rivojlanmaganligi bilan bog'liq.

5. Bo'sh o'zlashtirish o'quvchilar narsa va hodisalar orasidagi muhim belgini ajratish, predmetlarni, bir umumiy guruhga umumlashtirishga qiynalishadi.

6. Bo'sh o'zlashtirish o'quvchilarda diqqat, xotira, tafakkur qiyin rivojlangan bo'lib, bunday o'quvchilar individual shug'ullanishga ehtiyoj sezadilar.

7. Bo'sh o'zlashtirishni keltirib chiqaruvchi omillardan yana biri bolaning maktabda o'qishga psixologik jihatdan tayyor bo'lmay kelishidir.

8. Bo'sh o'zlashtirish o'quvchilarda ijobiy o'quv motivatsiyasi shakllanmagan. Ma'lumki, psixologik jixatdan tayyorgarlikning asosiy tarkibiy qismi motivatsion tayyorgarlikdir.

9. Maxsus tashkil etilgan mashg'ulotlarda bo'sh o'zlashtiruvchi o'quvchilarni bilim jarayonlarini rivojlantirish orqali bo'sh o'zlashtirishni bartaraf etish mumkin.

10. Bo'sh o'zlashtirishni bartaraf etishda o'quvchi, psixolog va ota – onalar hamkorlikda ish olib borishlari muhim omil hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. – T.: O'zbekiston, 2017. – 104 b.

2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 6 apreldagi 187-son "Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida"GI Qarori.

3. Musurmonov A. "Ta'lim-tarbiyada xalq og'zaki ijodidan foydalanish". T.: O'qituvchi, 1993.

4. Suvonov O.va boshqalar. «Pedagogik texnologiyalarni qo'llash davr taqozosi». «Xalq ta'limi», 2004 yil, № 5.

# МУҲАММАД АВФИЙНИНГ ШАРҚОНА ТАРБИЯГА ОИД ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ ХУСУСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

DOI: 10.53885/edinres.2021.20.18.030

**С.М.Умарова**
Бухоро давлат университети таянч докторанти

***Аннотация.*** *Муҳаммад Авфий Бухорий – XII-XIII асрларда Мавороуннаҳрда илм-маърифат ривожланган давр намояндаси. Унинг «Жавомеъ ул-ҳикоёт ва лавомеъ ул-ривоёт» асарида келтирилган нодир ҳикоят ҳамда ривоятлари шахснинг маънавий олами, ахлоқий тарбиясига етарлича таъсир кўрсата олади. Файласуф ижодкорнинг ҳикоятларида нафснинг чегараси, илму одоб, ахлоқ, инсонпарварлик, диёнат, донишмандлик, фаросат, зеҳн ва ақл каби инсоннинг инсонлигини белгилаб берувчи мезонлар батафсил изоҳланган.*

*Мазкур мақолада Муҳаммад Авфийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид айрим ҳикоятлари таснифланган, ҳикоятларда ёритилган тарбия турларига педагогик мазмун-моҳият нуқтаи назаридан ёндашилган.*

***Калит сўзлар:*** *маънавият, ахлоқий тарбия, хулқ, одоб, нафс, тўғрилик, инсонпарварлик, адолат, мардлик, ибрат, тарбия турлари*

# НЕКОТОРЫЕ РАЗМЫШЛЕНИЯ О РАССКАЗАХ И ПОВЕСТВОВАНИЯХ МУХАММАДА АВФИЙ ПОСВЯЩЁННЫХ ВОСТОЧНОМУ ВОСПИТАНИЮ

**С. М. Умарова**
докторант, Бухарского государственного университета

***Аннотация.*** *Мухаммад Авфий Бухари является ярким представителем периода, когда в Мавороуннахре в XII-XIII веках развивалась наука и образование. Его редкие рассказы и повествования, представленные в произведении «Джавоме-ул-хикаят» и «Лавоме ул-риваят», способны значительно повлиять на духовный мир и нравственное воспитание личности. В рассказах творца-философа приведено подробное разъяснение критериев, определяющих человечность личности, такие как предел сладострастия, этикет знаний, мораль, гуманизм, верность, мудрость, изобретательность, ум и интеллект.*

*В данной статье классифицированы некоторые рассказы Мухаммада Авфий о духовно-нравственном воспитании, а также с точки зрения педагогического содержания и сущности рассматрены виды воспитания, описанные в пословицах.*

***Ключевые слова: д****уховность, нравственное воспитание, поведение, манеры, честность, человечность, справедливость, мужество, виды воспитания, образцовость.*

# SOME REFLECTIONS ON THE STORIES AND WRITINGS OF MUHAMMAD AVFI DEDICATED TO EASTERN EDUCATION

**S. M. Umarova**
Ph.D. student, Bukhara State University

***Abstract.*** *Muhammad Avfiy Bukhari is an outstanding representative of the XII-XIII centuries when science and education were progressing in Mavorounnahr. His unique stories and narratives, outlined in his "Javome-ul-hikayat" and "Lavome-ul-rivayat", can significantly influence the spiritual world and moral education of an individual. The stories of the writer-philosopher provide a detailed explanation of the criteria that determine the humanity of a person, such as the limit of voluptuousness, etiquette of knowledge, morality, humanism, loyalty, wisdom, ingenuity, brightness, and intelligence.*

*In this article, some of the stories of Muhammad Avfiy about spiritual and moral education are classified, as well as the types of education described in proverbs are considered based upon the pedagogical content and essence.*

***Key words:*** *spirituality, moral education, behavior, manners, honesty, humanity, justice, courage, types of education, exemplaryness.*

Муҳаммад Авфий ҳикоят ва ривоятлар ининг мавзу қамрови кенг ва ранг-баранг. У ўзи шоҳид бўлган, билган ва эшитган воқеа-ҳодисаларни "Жавомеъ ул-ҳикоёт" асарига жамладики, ундаги ҳар бир ифодада шахснинг шаклланиши, ривожланиши ва камолотига қаратилган таълимий-тарбиявий уйғунликни кузатиш мумкин. Жумладан, асарда шахс шаклланишига таъсир этувчи омиллар сифатида – (биологик) насл омили, (ижтимоий) муҳит омили ҳамда таълим-тарбия омили ҳикоят ва ривоятларининг аксариятида ибрат, ўзи яшаган давр ва жамиятидаги муаммоларни аччиқ танқид остига олиш орқали, баъзи ўринларда эса енгилгина кулгу, "коса тагида нимкоса" шаклларида изоҳланган. Унинг мезонлари сифатида – инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳақсеварлик, илмлиликка эътибор қаратилса, шу мезонларнинг объекти сифатида тан, ақл, руҳ, мулоқотнинг ўрни ва аҳамияти асосланади. Фикримизча, мазмун-моҳиятига кўра Авфийнинг жамият учун фойдали инсон ахлоқига оид ҳикоят ва ривоятларини қуйидагича таснифлаш ўринли:

Хулқ, одоб, тўғрилик, диёнат, нафс тарбиясига доир ҳикоятлар.

Ақлу дониш, илм ва илмсизлик, ҳозиржавоблик зикридаги ҳикоятлар.

Тарихий шахслар ибратига оид ҳикоят ва ривоятлар.

Саргузашт ҳикоятлар.

Табиийки, мазкур бўлинишларнинг ҳар бири ҳам ўз ичида кичик мавзуий гуруҳлардан ташкил топади: ақл, заковат, одоб, илм, илмсизлик,

ҳунар, донишмандлик, ҳозиржавоблик, тўғрилик (қалб поклиги), нафс, диёнат ва вафо, саҳоват, карамли бўлиш, ҳиммат ва ҳ. Уларда, асосан, киши маънавий олами ва ахлоқи, таълим-тарбияси объект сифатида намоён бўлади. Маънавият – қалб софлигида акс этса, ахлоқ – маънавиятнинг амалда намоён бўлиши. Яъни, биринчиси – ботин бўлса, иккинчиси – унинг восита(кўз, тил, қулоқ, қўл, оёқ поклиги ва ҳ.к)лар орқали зоҳирда акс этиши. Агар бири адашса, иккинчиси айнийди – воситанинг бирор чегараси бузилса, ор-номус масаласига дахл қилинади. Бу: маънавият ~ ахлоқ ~ маънавият каби бир тизимда жойлашади, бири иккинчисини тақозо этаверади. Ахлоқ мукаммаллигига эса тарбия орқали эришамиз. Айнан маънавий-ахлоқий тарбиянинг вазифаси аввало, ўқувчида маънавий-ахлоқий онгни шакллантиришдан бошланади . Турли замон ва маконда ижтимоий тарбия моҳияти турлича бўлиб, унинг мазмуни ижтимоий мақсадлардан келиб чиқиб асосланган. Тарбия ғояси турлича ифодаланган бўлса-да, унинг йўналтирувчанлик хусусияти ҳамда объектига кўра муносабати якдилликни ифода этади . Тарбия яхлит жараёнда амалга оширилиб, унинг таркибий қисмлари айни бир вақтда фаолиятнинг бирор тури асосида намоён бўлади.

Шарқда тарбия тушунчаси мутафаккирлар ва халқ педагогикасининг тарбия тўғрисидаги неча асрлик бой тажрибаларига таянишини биламиз. Тарбия назарияси – фалсафий, психологик, социологик, этика ва эстетикага оид, физиологик билимлардан фойдаланилган ҳолда асосланади. Тарбиянинг натижаси юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали соҳа мутахассисларини тарбиялашдир. Зеро, шахс таълим-тарбиянинг натижаси сифатида шаклланадиган ижтимоий мавжудот саналади.

Муҳаммад Авфий ҳикоят ва ривоятларида ҳам ҳар томонлама етук шахсни тарбиялаш унга изчил равишда ақлий, ғоявий-сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, меҳнат, эстетик, жисмоний, экологик, жинсий, ҳамда ҳуқуқий тарбия беришга урғу берилади. Объект сифатида тарбияланувчи-китобхоннинг онги, хулқ-атвори ва фаолиятининг ижодий бирлиги инобатга олинади. Шунингдек, ҳикоятларни таснифлашда тарбия жараёнини ташкил этишнинг якка (гуруҳли, оммавий) шакли, яъни педагогик мазмунни таснифлашда индивидуал ёндашувга таянилади. Бу ўқувчида ўқиётган ҳар бир ҳикоят ва ривоятда баён этилган педагогик мазмунни англай олишни, мустақил хулоса қилишни ўргатадиган педагогик тизимларни вужудга келтириш, тизим ғояларига амал қилишни тақозо этади.

Қуйидаги ҳикоятда Муҳаммад Авфий Анушервон орқали вазири Бузургмехрнинг илму донишда мумтозлиги, ақлий тарбиянинг қандай намоён бўлишини кўрсатади: “Адолатли шоҳ Анушервон вазири Бузургмеҳрга, дунёда энг яхши нарса нималар эканлигини сўрайди. Бузургмеҳр бунга жавобан 3 та нарсани айтади: ўлим, аёл, эҳтиёж. Бунинг тавсифи шундай. “Аёл бўлмаганда сенга ўхшаган зот каердан туғиларди?”, яъни аёлни бутун олам аҳли инсоният ибтидоси ва мавжудлигининг сабаби сифатида айтиб ўтган. “У бўлмаганда

отангнинг салтанати сенга тегармиди?”, деб ўлимни изоҳлайди. Дарҳақиқат, ўлимни эса одамизод интиҳоси деб кўрсатиш мумкин. Чунки ўлим бўлмаганда, салтанат ва мерос отадан-ўғилга, авлоддан-авлодга ўтмайди, ҳаёт давом этмайди, дунё қариб боради.

Эҳтиёж тушунчасига келганда, “Эҳтиёж бўлмаганда менга ўхшаган одам сенинг саройингда турармиди”, деб жавобини изоҳлайди Бузургмеҳр. Буни бировни яна бировга олиб борувчи сабаб, у ёки тубанликка, ёки юксакликка олиб борувчи омил деб тушунтирсак ўринли бўлади. Айнан ана шу жараёнда маънавият ва тарбиянинг ўрни, унинг намоён бўлиш шарт-шароитлари маълум бўлади. Демак, Авфий ҳикоятда биринчидан, аёл, ўлим ва эҳтиёжни дунёдаги энг ўткир нарсалар деб талқин қилади; иккинчидан, савол орқали Бузургмеҳрнинг ақлу-фаросатда камолотга эришганлигига ишора беради; учинчидан, вазирнинг жавоби яна мушоҳадага олиб боради.

Ҳикоятда келтирилган дунёда энг ўткир нарсалар моҳияти қуйида таснифланади (Қаранг: 1-жадвал).

| **Моҳият** | **Мазмун** | **Таъриф** | **Хулоса** |
|---|---|---|---|
| Ўлим | Интиҳо | Организм ҳаёт фаолиятининг бутунлай тўхташи, тугаши; ортга қайтмас физиологик жараён | Ҳаёт интихоси, агар ўлим бўлмаганда аждод ва авлодлар давом этмайди, дунё қариб боради. Ўлим ҳақ ва ана шу ҳақиқат ҳаёт давоми этишини, туғилишни тақозо этади. |
| Аёл | Ибтидо | Эркакка қарама-қарши жинсдаги шахс; ар.-оила; хотин. | Бутун олам аҳли инсоният ибтидоси ва мавжудлигининг сабаби |
| Эҳтиёж | Сабаб | Бирор нарсага бўлган талаб, ҳожат, зарурат, зарурият, муҳтожлик. | Камолотга ёки заволотга эришишга олиб борувчи йўл. Унга эса маънавият ва тарбия орқали эришилади. |

М.Авфийнинг худди шундай бошқа бир ҳикоятида Анушервон тилидан инсон учун энг зарур саналган нарсаларни аниқлайди. Ушбу таҳлил ҳам юксак маънавият ва илм соҳиби Бузургмеҳр тилидан келтирилади.

Адолатли шоҳ Хусрав I вазиридан инсон учун энг зарур нарсалар нималар эканлигини сўрайди.

Биринчидан, туғма зеҳн, деб жавоб берибди Бузургмеҳр.

Иккинчидан, агар туғма зеҳн бўлмаса, одоб ва илм ўргансин.

Учинчидан,одобу илм ўрганолмаса, мол-давлат, зару зевар орттирсин.

Тўртинчидан, мол-мулк орттиришни эплолмаса, сертавозеъ ва серилтифот бўлсин.

Бешинчидан, бу ҳам қўлидан келмаса, унда бунақа тирикликдан ўлган афзалроқ, ҳам одамлар ундан қутулади, ҳам ўзи - ўзидан қутилади.

2-жадвал. Инсон учун энг зарур нарсалар моҳияти

| № | Моҳият | Мазмун |
|---|---|---|
| 1 | Туғма зеҳнли бўлиш | Идрок, фаҳм, хотира, тушуниш қобилияти. (Зеҳн худди ақлга ўхшаб ҳам туғма, ҳам орттирилган бўлиши мумкин.) |
| Туғма зеҳн бўлмаса агар, | | |
| 2 | Одоб ва илм ўрганиш лозим. | Ўқиш, ўрганиш, тадқиқ қилиш, таҳлил этиш билан эришиладиган маълумот, билим, кўникма бу илм. Одоб эса киши ахлоқининг ижобий кўринишда намоён бўлиши, яъни ахлоқга оид қисм. |
| Одоб ва илм ўрганолмаса, | | |
| 3 | Молу-давлат, зару-зевар орттириш лозим. | Мол-давлат орттириш, зару-зеварли бўлиш ҳам кўп айбларни беркитади (қўлида бошқа илму одоби, ҳунари бўлмаган ҳолатида) |
| Давлатманд бўлишни эплолмаса, | | |
| 4 | Серилтифот ва сертавозели бўлиш керак. | Илтифот ва тавозеъ инсоннинг зийнати бўлиб, тавозеъ - ўзини камтар тута олиш, илтифот эса атрофдагиларга нисбатан марҳаматли, ҳимматли бўла олиш қобилиятидир. |
| Тавозеъли ва илтифотли бўлиш қўлидан келмаса, бунақа тирикликдан ўлган афзалроқ – ҳам одамлар ундан қутулади, ҳам ўзи ўзидан қутулади. | | |

Демак, Авфий шу иккала ҳикоят орқали дунёдаги энг ўткир ҳамда энг зарур нарсалар нима ва унинг моҳияти қандай эканлигини ўқувчига етказмоқда. Бун, аввало, кишида ибрат, ватанпарварлик туйғуларини уйғотади. Яъни, ҳикоятда келтирилган қаҳрамонлар Анушервон (Хусрав I ) ҳамда Бузургмеҳр ким эканлиги, улар қандай маънавият ва илм, дониш соҳиби бўлганликларини билиш – ўз тарихини ўрганишга; аждодлари билан фахрланиш, ғурурланиш туйғуларини уйғотишга; юксак маънавиятли бўлишга интилишга, дунёқарашни кенгайтиришда мотив бериш вазифаларини бажаради. Қолаверса, ҳикоятларда тилга олинган – ўлим, аёл, эҳтиёж, зеҳн, илм ва одоб, зару зевар тўплашга интилиш, илтифот ва тавозъли бўлишнинг моҳияти нималарда эканлигини англашга ўргатади.

Бунда қуйидагича тўхтамларга келиш, бизнингча, тўғри бўлади:

1. “Ўлим ҳақ” дейилади азалдан, туғилиш – ўлим – туғилиш – ўлим

ва ҳаётнинг ана шу занжир тарзида давом этиши, умрнинг ўткинчилиги, абадий эмаслигимиз, демак, дунёда бунданда ўткирроқ нарса йўқлиги.

2.Аёл – нафс эмас, у она бўлиши мумкин бўлган зот, яъни Яратгувчидан кейин турадиган одамизодни ярата олишга қодир ягона зот, унинг муқаддаслиги ҳам шунда, ўткирлиги ҳам шунда.

3.Эҳтиёж – ҳар қандай кишиларни ҳар нарсаларга тириклик юзидан хоҳ маънавий, хоҳи иқтисодий зарурат туфайли кимнингдир ҳузурида, кимнингдир эшигида туришга мажбур қилади. Эҳтиёж туфайли инсон ёки баркамолликка эришади, ёки тубанликка ботади. Табиийки, баркамолликка эришиш маънавий ва ахлоқий тарбия орқалигина амалга ошади.

Зеҳн - бу фаҳм-фаросат, идрок дегани, агар у туғма бўлса, унданда аълороғи йўқ, чунки ҳар ерда сенинг обрўйингга хизмат қилади. Туғма зеҳн бўлмаса, унда ақлий тарбия бериш орқали орттирилган ақлни юзага келтириш мумкин. Шунингдек, Кайковус ўзининг “Қобуснома” асарида ақлни икки турга ажратади, туғма ва орттирилган. Шунга кўра, зеҳнни ҳам худди шундай шакллантириш мумкин деган фикрга келсак, ноўрин бўлмас.

Илм ва одоб – ҳар қандай замонда ва жамиятда билим олиш, маълумотли бўлишга интилиш, одоб ўрганиш қадрланган. Бу ахлоқий, ақлий тарбиянинг хизмати туфайли намоён бўлади.

Зару-зевар орттириш – кишининг илму одоб олишга рағбати бўлмаса, мол ва давлат соҳиби бўлсин, бу ҳам унинг кўп айбларини беркитади. Мол-давлат орттириш учун ҳам инсонда ақлий ва меҳнат тарбиясини шакллантириш керак.

Серилтифот ва тавозеъли бўлиш – кишида бағрикенгликни, олийҳимматликни, камтаринлик каби фазилатларни шакллантириш орқали намоён бўлади. Бу ҳам инсонга зийнат.

Тарбияга оид ушбу категорияларни Авфийнинг қатор ҳикоят ва ривоятлари орқали мукаммалроқ таснифлаш мумкин. Юқорида келтирилган биргина ҳикоятда мазмун тарбия ва униниг категорияларига тақалади. Тарбия – шахсни мақсадга мувофиқ такомиллаштиришда уюштирилган педагогик жараён бўлиб, тарбияланувчининг шахсига мунтазам ва тизимли таъсир этиш имконини берувчи жараён сифатида тавсифланади педагогик адабиётларда . Тарбия жараёнида тарбияланувчининг онги шаклланади, ҳис-туйғулари ривожланади, ижтимоий алоқага киришиш учун хулқий одатлар ҳосил бўлади. Демак, ушбу мураккаб жараён жамиятнинг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келадиган хулқий малака ва одатларни ҳосил қилади. Бунга эришиш учун тарбияланувчининг онги, ҳиссиёти ва иродасига таъсир этиб борилади.

“Жавомеъ ул-ҳикоёт”да келтирилган қуйидаги ҳикоятда юнон файласуфи Арастунинг ўлими олдидан ўғлига қилган насиҳати таҳлили орқали илмнинг кароматларини таснифлаш мумкин (Қаранг: 3-жадвал).

3-жадвал

Илмнинг хосияти нималарда

| № | Моҳият | Хулоса |
|---|---|---|
| 1. | Ўлимдан бошқа барча сирларнинг ечими бор, дардларнинг давоси бор. | Илмсиз инсоннинг китоблар юкланган эшакдан фарқи йўқ. |
| 2. | Молу-давлат орқали орттирилган шон-шарафда бақо йўқ, аксинча, илмдан келган шарафу-шон фанони ва заволни билмайди. | Изат-эҳтиромга лойиқ бўлай, номим абадий қолсин десанг илм орттир. |
| 3. | Шоҳлар олдида фақат илм туфайлигина азиз бўлмоқ мумкин. Зеро, шоҳлар тобелигидаги одамлар шоҳларга таъзим қилишади ва сиғинишади. | Обидлар ва маъбудалар орасида ер билан осмонча фарқ бор. |

Арасту тилидан айтилган биринчи фикр Ибн Сино таълимотида ҳам учрайди. Яъни,

Қаро ер қаъридан то авжи зуҳал,
Коинот сирларин барин қилдим ҳал.
Кўп мушкул тугунни англадим, ечдим,
Ечилмай қолгани биргина ажал!!!

Кўринадики, у олим, файласуф сифатида ўз умрини илму ҳикмат сирларидан воқиф бўлишга сарфлаган. Илму дониш нури билан кўп тугунларни еча олган, аммо фақатгина ўлимга келганда чора топа олмаган икки Шарқу Ғарб даҳоларининг фикри, айни бир хил хулосаларни беради. Иккинчи хулосада – илмсиз инсоннинг китоблар ортилган эшакка қиёсланиши Унсур ул-маолий Кайковуснинг “Қобуснома” асарида илм борасида айтилган мукаммал фикрлар сирасида учрайди. Унинг яна бир нафс ҳақидаги ҳикоятида Юноннинг машҳур ҳакими Буқрот тилидан қуйидагиларни ўқишимиз мумкин. Ҳаким беморнинг томирини ушлаб:

–Мен, сен ва касаллик уч тарафмиз, учаламиз ҳам бир-биримизга мухолифмиз. Агар сен менга ёр бўлсангу айтганимни қулоғингда тутсанг, яъни, емагин, ичмагин деган нарсамдан нафсингни тийсанг биз икки тан, икки жон бўламиз, касаллик танҳо қолади. Биз уни енгамиз. Икки жон, икки тан бирлашса, ҳамиша бир кишини мағлуб қилиши

муқаррардир.

Ҳикоятда келтирилган ҳаким Ибн Сино бўлиши мумкинлигини бугунги кунда чоп этилаётган айрим нашрлар кўрсатади . Фикр айнан кимнинг тилидан айтилгани эмас, унда қандай фикр айтилгани ва ундан қандай хулосалар олиш мумкинлиги аҳамиятли. Демак, Авфий асарида худди ўзи айтганидек, юздан ортиқ бошқа китоблардан истифода этган. Ҳикоят ва ривоятларга оид хулоса ҳамда маълумотларни кетма-кет бериб бориши орқали у илм, таълим-тарбия тўғрисида шарқу ғарбнинг мумтоз алломалари томонидан айтилган фикрлар бир-бирини тўлдиришини кўрсатган.

Ҳикоятларнинг аксариятида тарихий шахслар ва қаҳрамонлар, ҳукмдорлар, амирлар образи билан боғлиқ дидактик мазмунли ифодалар киритилган. Масалан, Чин шоҳи ва Искандар ҳақидаги ривоятда мардлик, олийжаноблик, нафс, ҳукмдорлар ибрати, қадимда бўлган дипломатик келишувлар, қолаверса, иккала ҳукмдор ҳукмронлик қилаётган халқларнинг аҳволидан хабар беради.

Искандар жаҳонни забт қилмоқ қасдида Чин мамлакатига кириб борди ва шоҳ саройи рўпарасида ўз қароргоҳини қурди. Бир куни Искандарнинг хос ҳожиби унга Чин шоҳи элчиси келганини ва у Искандар билан кўришмоқчилигини айтди. Искандар қабул қилди, элчи ёлғиз гаплашмоқчи бўлганини айтди. Улар ҳоли қолишгач, элчи аслида Чин шоҳи эканлигини маълум қилди. Искандар ундан бундай журъатнинг сабабини сўради. Чин шоҳи жавоб қилди.

–Билгинки, мен сени оқил ва одил подшоҳ деб биламан. Қадимдан ҳозиргача ўртамизда ҳеч бир кина ва адоват бўлмаган. Сенга қасд қилмадим, шунингдек, сен ҳам бу ерга келиб қароргоҳ қуриб ўрнашганинг сабаби юртни озод қилиш эмас. Мабодо мени ўлдирсанг ҳам, ўрнимга бошқасини ўтқазадилар, сен эса бадном бўлиб қоласан.

Искандар Чин шоҳининг сўзларидан унинг оқиллигига тан берди. Ва: “Мамлакатнинг уч йиллик хирожини хоҳлайман”, деди. Чин подшоҳи розилик билдирди. Бундай тез розилик қароридан ҳайратда қолиб Искандар сўради:

Хирожни тўлаб адо қилгач аҳволинг нима кечади?

Шундай бўладики, ким мамлакатимга ҳужум қилса, албатта ҳалок қилади.

Агар икки йиллик хирожингга қаноат қилсам-чи?

У ҳолда, аввалги аҳволидан бироз яхшироқ бўлади.

Агар бир йиллик хирожингга қаноат қилсам-чи?

У ҳолда мамлакатимга халал етмайди. Агарчи бу мол билан

хазинам бўшаб қолса-да, аммо хушбахтлигим йўқолмайди.

–Мен ярим йиллик хирожингга розидурман.

“Фалон куни дийдор кўришсак, ўз аркони давлатингиз билан бизнинг дастурхонимизга марҳамат қилиб, танавулдан кейин хирожни олиб кейин қайтсангиз”, деди Чин шоҳи шукрона айтиб. Тайинланган куни Искандар лашкарлари билан Чин шоҳининг ҳузурига борди ва қарасаки, чинлик аскарлар гўё дарё, унинг лашкари эса шу дарёдан томчидек.

–Сен мени макр-ҳийла қилиб чақирдингми?

–Кучлилар ҳийла қилмайдилар. Маккоралик ожизлар ишидир.

–У ҳолда ҳисобсиз аскарни йиғишнинг боиси нима?

–Бу ҳали ҳамма аскарим эмас, фақат ўрта (қалб) қисми, холос. Қолгани– маймана ва майсара қисмлари етиб келишмади. Мен ожизлигим туфайли сенга итоат қилаётганим йўқ. Сенга шунинг учун ўз аскарларимни кўрсатмоқдаман. Бироқ шунга аминманки, сенга осмон давлати ёрдир. Кимки сен билан беллашса, у, албатта, йиқилажагини сездим. Шунинг учун ҳам сенга фармонбардор бўлдим.

Искандар бу жавобдан ундирмоқчи бўлган молларининг баҳридан ўтди. Чин шоҳи уни меҳмоннавозлик ила лаъл ва жавоҳирлар билан тўлдирилган олтин косалар, идишлар қўйилган дастурхонга таклиф этди. Искандар бу ҳолдан ҳайратда, ундан егулик – ҳеч бўлмаганда нон сўради.

–Во ажаб Румда нон топиш шунчалик мушкулмиди, шунча машаққат чекиб бу ерларга келибсан?..

–Менинг бу сафаримдан ҳеч қандай фойда бўлмаса-да, сенинг бу ҳикмату пандинг барча мақсад ва талабимга жавоб бўлди, деди Искандар йиғлаб. Сўнгра Искандар ўз аскарларига орқага қайтишга фармон берди.

Искандар ва Чин шоҳи орасидаги диалог, ҳарбий юриш мақсадида бошланган муносабат дипломатик келишув билан якун топади. Бунда – ақлий, фуқаролик, ахлоқий, ҳуқуқий тарбиянинг баъзи кўринишлари ифодаланган (Қаранг: 4-жадвал).

4-жадвал. Искандар ва Чин шоҳи муносабатларининг тарбиявий таснифи

| № | Искандар | Чин шоҳи |
|---|---|---|
| 1. | **Нафс**<br>Мамлакатнинг уч йиллик хирожини хоҳлайман! | **Донишмандлик**<br>Мен сени оқил ва одил подшоҳ деб биламан. Қадимдан ҳозиргача ўртамизда ҳеч бир кина ва адоват бўлмаган. Сенга қасд қилмадим, шунингдек сен ҳам бу ерга келиб қароргоҳ куриб ўрнашганинг сабаби юртни озод қилиш эмас. Мабодо мени ўлдирсанг ҳам, ўрнимга бошқасини ўтқазадилар, сен эса бадном бўлиб қоласан. |
| 2. | **Мардлик**<br>- Хирожни тўлаб адо қилгач аҳволинг нима кечади?<br>- Мен ярим йиллик хирожингга розидурман. | **Олийжаноблик**<br>- Ким мамлакатимга ҳужум қилса, албатта ҳалок қилади. |
| 3. | **Ҳукмдорлар ибрати**<br>Искандар бу жавобдан ундирмоқчи бўлган молларнинг баҳридан ўтди. | **Ҳукмдорлар ибрати**<br>Кучлилар ҳийла қилмайдилар. Маккоралик ожизлар ишидир. |
| 4. | **Дипломатик келишувлар**<br>- Менинг бу сафаримдан ҳеч қандай фойда бўлмасада, сенинг бу ҳикмату пандинг барча мақсад ва талабимга жавоб бўлди. | **Дипломатик келишувлар**<br>- Во ажаб Румда нон топиш шунчалик мушкулмиди, шунча машаққат чекиб бу ерларга келибсан?.. |

Кейинги ҳикоятда нафснинг ҳашаротлар тимсолида қандай ифодаланиши келтирилган.

Битта донни минг машаққат билан уйига судраб бораётган чумолини кўрган қовоқ ари шундай дебди:

Ҳой, чумоли, шўринг қурсин, битта донни деб шунча заҳмат чекасанми. Кел, менинг емишим, ичишимни томоша қил, қандай лаззатли таом бўлмасин, одамлар мендан ортганини ейишади. Агар қанотимни ёйиб бир осмону фалакка учсам, истаган жойимга бориб қўнаман!

Кейин қовоқ ари учиб қассобнинг дўконига борибди ва қанорадаги

гўштга қўнибди. Қассоб қўлидаги пичоғи билан қовоқ арини бир урган экан, иккига бўлиниб кетибди.

Чумоли келиб арининг оёғини тортибди.

Қовоқ ари:

Мени қаёққа судраб кетяпсан, - деб сўрабди.

Кимки бирор ерга ҳасад кўзи билан қўнса, уни ўзи истамаган бошқа ерга судраб кетишади, - дебди чумоли.

Ҳикоят ҳашаротлар тилидан мажозий мазмунни ифодаласа-да, унинг моҳияти ҳар қачон, яъни узоқ ва яқин ўтмишда ҳам, бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятига эга. Нафс, кибр, манманликни ўзига фазилат қилган кишиларнинг иллати оқибати, шундай: ўз бошига етиши билан якун топади. Буни қуйидагича ифолаш мумкин (Қаранг: 5-жадвал).

5-жадвал

Баднафслик ва кибрнинг оқибати таснифи

| № | Тимсол | Моҳият-сабаб | Оқибат |
|---|---|---|---|
| 1 | Қовоқ ари | Нафс, кибр ва ҳасад | Ақлий ва ахлоқий тарбия-нинг саёзлиги |
| 2 | Чумоли | Ҳалоллик, қаноат, меҳнатсеварлик | Меҳнат тарбияси самараси – меҳнатнинг таги роҳат. |
| 3 | Қассоб (сабабчи персонаж) | Нарса ва ҳодиса | Кимки бирор ерга ҳасад кўзи билан қўнса, уни ўзи истамаган бошқа ерга судраб кетишади. |

Қушлар тилидан баён этилган мажозий китоб “Латоиф ул-ишорот”да бу ҳикоя худди шундай келтирилган. Жониворлар, қушлар тилидан келтирилган ҳикоятларга дуч келганда, ушбу йўналишда тамал тошини қўйган ижодкорлар - Ғарбда Эзоп масаллари, В.А.Жуковский, И.А.Крыловнинг масал ва ҳикоялари, Шарқда Гулханийнинг “Зарбулмасал”ига албатта мурожаат қилиш лозим. Ўзининг дидактик характердаги асарларида тарбия компонентларини объект сифатида қамраб олган алломалар Абулҳасан Рудакий, Шоҳид Балхий, Абулқосим Фирдавсий, Ибн Сино, Умар Ҳайём, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Абдуқодир Бедил, Фахриддин Али Сафий, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Убайд Зоконий каби олимларни келтириш ўринли. Улар ўзларининг дидактик асарларида кулги, кичик сўз ўйинлари ҳамда сатирик, мажозий ҳикоятларнинг асосий ғоясини бериш ўрнида улардан усталик билан истифода этишгани маълум. Масалан, Мирзо Абдуқодир Бедилдан шундай кичик ҳикояни келтириш мумкин.

Мумсик бой олдида ўлим накд бўлди,

Заридан бир табиб сиқими тўлди.
Олтини сарф бўлиб кетганидан бой,
Сиҳат топган чоғда қайтадан ўлди .

Хулоса шуки, Муҳаммад Авфийнинг «Жавомеъ ул-ҳикоёт» тўплами халқнинг доно кишилари томонидан айтилган ҳикматли сўзлар, ҳикоят ва ривоятлар, кишиларнинг фазилатларини мақтаб, иллатлари, илмсизлиги ва бадахлоқлиги устидан чиройли кулги орқали танқид остига олинган латифалари билан қимматли. Чунки муаллиф шахс маънавий-ахлоқий тарбияси, дунёқарашига таъсир этишда дидактик мазмунга эга бўлган панд-насиҳатни лўнда ва мазмунли қилиб етказишнинг қулай воситалари – ҳикоят, ривоят, кичик ҳикоят, латифа мисолида ифодалаган. Авфий тилининг ўқимишлилиги берилаётган ғоя ва фикрларнинг шахс онгига таъсирини кучайтиради, мустақил хулосага келиш жараёнини тезлаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11-жилд. –Тошкент, 2005.–331 б.

2.Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. –Тошкент,2004. –323 б.

3.Убайд Зоконий, Муҳаммад Авфий, Фахриддин Али Сафий, Абул Фарож. Ҳикоят ва ривоятлар. –Тошкент, 1987.– 128 б.

4.Олимов Ш. Маънавий-ахлоқий тарбия асослари. – Т.: Fan va texnologiya, 2015.-228 б.

5.Ma’murov B.B. Umumiy pedagogika. Darslik.– Buxoro: Durdona, 2020.–118 b.

6. Тўхтахўжаева М., Нишонова С., Ҳасанбоев Ж., Усмонбоева М., Мадиярова С., Қолдибекова А., Нишонова Н., Сайидаҳмедов Н. Педагогика. 1-қисм. Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010. – 400 б.

7. Yuldasheva Dilorom Nigmatovna. O`zbek tilini o`qitish metodikasi. –Buxoro: Durdona, 2021.–428 b. http://yuldasheva.buxdu.uz/index.php/kutubxona/2021-02-23-13-28-46/45-o-zbek-tilini-o-qitish-metodikasi

# MASHINASOZLIK YO‘NALISHI TALABALARIDA KASBIY KOMPETENSIYALAR VA TEXNIK QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISH IMKONIYATLARI

DOI: 10.53885/edinres.2021.79.67.031

**S. Yu. Adizova**

***Annotatsiya. Maqolada mashinasozlik yo‘nalishi talabalarida kasbiy kompetensiyalar va texnik qobiliyatini rivojlantirish imkoniyatlari haqida fikr yuritilgan.***

***Kalit so‘zlar:*** *kompetensiya, texnik qobiliyat, kasbiy kompetentlik, kompetentli yondashuv, ta’lim moduli.*

***Аннотация.*** *В статье рассматриваются возможности развития профессиональных компетенций и технических способностей студентов-механиков.*

***Ключевые слова:*** *компетентность, технические возможности, профессиональная компетентность, компетентный подход, учебный модуль.*

***Abstract.*** *The article discusses the possibilities of developing professional competencies and technical abilities of mechanical students.*

***Key words:*** *competence, technical capabilities, professional competence, competent approach, training module.*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 oktabrdagi “O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’limi tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish Konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” gi PF-5847-sonli Farmonida oliy ta’lim mazmunini sifat jihatidan yangi bosqichga ko‘tarish, ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarining barqaror rivojlanishiga munosib hissa qo‘shadigan, mehnat bozorida o‘z o‘rnini topa oladigan yuqori malakali kadrlar tayyorlash tizimini yo‘lga qo‘yish vazifalarini belgilab berdi .

Ilg‘or pedagogik va axborot texnologiyalarning keng o‘zlashtirilishi, talaba - yoshlarning qobiliyatlari va imkoniyatlariga muvofiq ravishda ta’limga tabaqalashtirilgan yondashuvning joriy etilishi hamda ta’lim berishning ilg‘or pedagogik texnologiyalarini, zamonaviy o‘quv – uslubiy majmualarning yaratilishi, ta’lim - tarbiya jarayonining didaktik jihatdan ta’minlanishi ta’limni boshqarish tizimini takomillashtirishga asos bo‘lmoqda. Bu o‘z navbatida ta’lim muassasasi rahbarlari zimmasiga ta’lim, fan, texnika va texnologiyalarning jahon miqyosidagi yutuqlarini, yangiliklarni tatbiq etgan holda pedagogik jarayonni ilmiy asosda tashkil etish va uni loyihalash yo‘nalishlari, shuningdek, boshqaruv faoliyatlarida

vujudga kelayotgan noan'anaviy muammolarni ijobiy hal etish borasida turli yangi vazifalarni yuklaydi. Bozor munosabatlari sharoitida mehnat bozorida ustuvor o'rin egallagan kuchli raqobatga bardoshli bo'lish har bir mutaxassisdan kasbiy kompetensiya va texnik qobiliyatga ega bo'lish, uni izchil ravishda oshirib borishni va shu bilan birga yo'nalish talabalarining bilish faoliyatini rivojlantirishning amaliy ko'nikmalarini shakllantirishga yo'naltirilgan pedagogik tizim va ta'lim jarayonlarini raqamli texnologiyalar asosida individuallashtirish, modulli ta'lim texnologiyalarini amaliyotga keng joriy etish mexanizmlarini takomillashtirish davr taqozo etmoqda.

"Kompetensiya" tushunchasi ta'lim sohasiga psixologik ilmiy izlanishlar natijasida kirib kelgan. Psixologik nuqtai nazardan kompetensiya "noan'anaviy vaziyatlar, kutilmagan hollarda mutaxassisning o'zini qanday tutishi, muloqotga kirishishi, raqiblar bilan o'zaro munosabatlarda yangi yo'l tutishi, noaniq vazifalarni bajarishda, ziddiyatlarga to'la ma'lumotlardan foydalanishda, izchil rivojlanib boruvchi va murakkab jarayonlarda harakatlanish rejasiga egalik" ni anglatadi .

Kasbiy kompetentlik - mutaxassis tomonidan kasbiy faoliyatni amalga oshirish uchun zarur bo'lgan bilim ko'nikma va malakalarning egallanishi va ularni amalga yuqori darajada qo'llay olinishidir.

Kasbiy kompetentlik mutaxassis tomonidan alohida bilim, malakalarning egallanishini emas, balki har bir mustaqil yo'nalish bo'yicha integrativ bilimlar va harakatlarning o'zlashtirilishini nazarda tutadi.

Shuningdek, kompetensiya mutaxassislik bilimlarini doimo boyitib borishni, yangi axborotlarni o'rganishni, muhim ijtimoiy talablarni anglay olishni, yangi ma'lumotlarni izlab topish, ularni qayta ishlash va o'z faoliyatida qo'llay bilishni taqozo etadi.

Kasbiy kampotentlik quyidagi holatlarda namoyon bo'ladi: - murakkab jarayonlarda, - noaniq vazifalarni bajarishda, - bir-biriga zid ma'lumotlardan foydalanishda, - kutilmagan vaziyatda harakat rejasiga ega bo'la olishda.

Kasbiy kompetentlik negizida turli sifatlar shakllanadi.Quyida kasbiy kompetentlik negizida aks etuvchi sifatlarning mohiyati qisqacha yoritiladi.

- Ijtimoiy kompetentlik – ijtimoiy munosabatlarda faollik ko'rsatish ko'nikma, malakalariga egalik, kasbiy faoliyatda sub'ektlar bilan muloqotga kirisha olish.

- Maxsus kompetentlik – kasbiy-pedagogik faoliyatni tashkil etishga tayyorlanish, kasbiy-pedagogik vazifalarni oqilona hal qilish, faoliyati natijalarini real baholash, bilim, ko'nikma va malakalarni izchil rivojlantirib borish bo'lib, ushbu kompetentlik negizida psixologik, metodik, informatsion, kreativ, innovatsion va kommunikativ kompetentlik ko'zga tashlanadi.

Zamonaviy yuqori malakali mutaxassisga ijtimoiy buyurtma ko'p hollarda shaxs va faoliyatning sifatli tavsifnomalariga qo'yilgan ob'ektiv

talablar bilan belgilanadi. Aynan ta’lim sifatini takomillashtirish davlatning ijtimoiy va iqtisodiy siyosatini amalga oshirish sur’ati, sifati va usullariga ahamiyatli ta’sir ko‘rsatmoqda.

Ta’lim - jamiyatni isloh qilish va uni tashqi dunyo uchun yanada ochiq hamda yangi texnologiya va bilimlarga yo‘naltirilgan jamiyatga aylantirishning asosiy omilidir. U nafaqat jamiyatning rivojlanish istiqbolini, balki har bir insonning alohida faoliyatini oldindan aniqlaydi va belgilaydi.

Kompetentli yondashuv oliy ta’lim jarayonini rivojlantirishning muhim omillaridan biri xisoblanadi. Bugungi kunda ta’lim sifatini bo‘lajak mutaxassislarning kompetentliligini shakllantirish va texnik qobiliyatlarini oshirish bilan ta’minlash mumkin, bunga ta’lim jarayoniga zamonaviy texnologiyalarni joriy etish orqali erishish mumkin. Shunday texnologiyalardan biri modulli ta’lim texnologiyasidir. Oliy ta’limga modulli kompetentli yondashuv ta’lim jarayonida shakllantirilishi va rivojlantirilishi zarur bo‘lgan tayanch, kasbiy va maxsus kompetensiyalar kompleksini loyixalashtirish imkonini beradi.

Oliy ta’limda modulli kompetentli yondashuv asosida ta’lim dasturlari mazmunini loyixalashtirish texnologiyasi quyidagi ko‘rinishga ega bo‘ladi:

1) ish beruvchilar bilan hamkorlikda muayyan ta’lim yo‘nalishi bo‘yicha tayyorlanadigan mutaxassisning asosiy funksiyalari ro‘yxati belgilab olinadi;

2) belgilangan funksiyalarni amalga oshirish uchun zarur va yetarli bo‘lgan maxsus kasbiy kompetensiyalarning to‘plami aniqlanadi;

3) nazariy bilimlariga tayangan holda talaba hal qila olishi kerak bo‘lgan amaliy harakatlar va bajariladigan ishlarning namunaviy asosi sifatidagi tipik kasbiy vazifalar, muammolar va vaziyatlar to‘plami loyihalashtiriladi;

4) ta’limning maqsadlari, mazmuni, o‘zlashtirish usullari va o‘zlashtirilganlik darajasini aniqlash yo‘llarini o‘z ichiga olgan ta’lim modullari tizimi ishlab chiqiladi;

5) ta’lim modullarining muayyan to‘plamidan asosiy ta’lim dasturlari loyihalashtiriladi;

6) maxsus kasbiy kompetensiyalarning shakllanganlik darajasini aniqlash mezonlari va ularni baholash usullari ishlab chiqiladi.

Ta’lim moduli - ta’lim maqsadlari va mazmunini belgilashning avtonom birligi bo‘lib, ularni o‘zlashtirish va nazorat qilish bo‘yicha tavsiyalarni o‘z ichiga oladi hamda bir yoki bir nechta kompetensiyani yoki biror murakkab kompetensiyaning bir qismini shakllantirishni ta’minlaydi.

Kompetentlik sifatlarini o‘zida shakllantirgan mutaxassis o‘z kasbining yetuk ustasi bo‘ladi, barcha vaziyatlarda ham o‘z faoliyatini muvaffaqiyatli olib borishi uchun doimiy ravishda o‘z bilim va mahoratini oshirib, zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalarni, ilg‘or pedagogik tajribalarni, metod va usullarni muntazam o‘rganib, pedagogik kasbiy kompetensiyalarini

rivojlantirib boradi. Shunday shaxsiy sifatlarga ega bo'lgan mutaxassisning kasbiy faoliyati davomida zarur kompetensiyalari shakllanadi. Mehnat qilish madaniyatigagina emas, balki yuksak umumin-soniy madaniyatlar: odob-axloq, qadriyatlar va obru-e'tibor egasi bo'lishi o'z-o'zidan ayon bo'ladi. Har qanday tadqiqotni amalga oshirishning metodologik asosi sifatida tanlab olinadigan g'oyalar, holatlar, nazariya va yondashuvlar asosida o'rganiladigan hodisa mohiyati talqin qilinadigan nazariy g'oya aks ettiriladi, ob'ekt to'g'risidagi tasavvurlar modellashtiriladi, uni samarali rivojlantirishning mexanizmlari, vosita va pedagogik shart-sharoitlari aniqlanadi.

Malakali mutaxassisni tayyorlashda, ya'ni tayanch, umumkasbiy (kasbiy-pedagogik) va kasbiy (maxsus) kompetensiyalarni shakllantirishda va rivojlantirishda ta'lim mazmuni (davlat ta'lim standartlari va o'quv reja, dasturlar), shakli, metod, vositalari (darsliklar, elektron axborot ta'lim resurslari va boshqa didaktik materiallar, o'quv va metodik qo'llanmalar, laboratoriya jihozlari va hokazolar) va ta'lim texnologiyalari (ta'lim metodlari, tashkiliy shakllari va boshqalar) dan foydalanib o'quv-tarbiya jarayoni tashkil etiladi, hamda kasbiy-pedagogik faoliyatni amalga oshirish va auditoriyada ideal sharoitda olingan nazariy bilimlar hamda amaliy ko'nikmalarni real sharoitda tajribadan o'tkazish maqsadida malakaviy amaliyot tashkil etiladi.

Bunda ta'lim japayonida egallangan tayanch, umumkasbiy (kasbiy-pedagogik) va kasbiy (maxsus) bilim, ko'nikma, malakalarini mehnat faoliyati amaliyotiga tatbiq etadilar. Kasbiy - pedagogik faoliyat natijasida - boy dunyoqarashga, mustaqil, faol, tashkilotchi, qobiliyatli, ijodkorlik (kreativlik) ruxida, o'zini – o'zi nazorat qila olish tartibida faoliyat olib boradigan, ma'lum kompetentlik darajasiga ega, etuk malakali kadslasning tayyorlanganligini tekshirish va tahlil qilib borish uchun faoliyat monitoringini olib boriladi. Hatijada etuk, malakali kadrlarning mustaqil va rejali asosda o'z ustida ishlashi, kasbiy bilim, ko'nikma va malakalarini izchil rivojlantirib borishini ta'minlanishi kuzatiladi. Yuqorida sanab o'tilgan kasbiy - pedagogik faoliyatlar tizim ichida kechadi, lekin bu tizim faoliyatini samarali bo'lishi uchun uni o'rab turgan muhit, ya'ni ijtimoiy, madaniy, pedagogik muhit talab darajasida bo'lishi zarur.

Kasbiy faoliyat monitoringi - etuk, malakali kadrlarning mustaqil va rejali asosda o'z ustida ishlashi, kasbiy kompetentlikni izchil rivojlantirib borishini kuzatishdan iborat. Bunda ta'lim oluvchilarning o'qitilish darajasini bilish uchun testlar, yozma ish og'zaki nazoratlar, audit, portfolio, o'z - o'zini baholash, imitatsion va muammoli - vaziyatli topshiriqlar asosida ma'lumotlarni yig'ish usuli, ta'lim natijalarining darajasini taqqoslash uchun kerak bo'ladigan ma'lumotlar majmuidan iboratdir [3].

Texnik oliy ta'lim bitiruvchilarining kasbiy kompetentligini zamonaviy ilmiy-texnik bilimlar negizida shakllangan psixopedagogik va umum

- muhandislik hamda maxsus tayyorgarligi belgilaydi. Bitiruvchilarni muhandis - texnolog sifatida tayyorlashdan ko‘zlangan maqsad - oliy pedagogik ta’lim tizimida ushbu mutaxassislarning psixopedagogik va texnik texnologik tayyorgarligini ta’minlashdan iboratdir. Oliy malakali kadrlar tayyorlash klassifikatoridagi barcha sohalari bo‘yicha oliy ta’lim muassasalarida o‘qitilishi yo‘lga qo‘yilgan va pedagogik nuqtai nazaridan moslashtirilgan fanlar bo‘yicha ta’lim olgan bo‘lib, o‘sib kelayotgan avlodni ta’lim va tarbiya masalalarini hal etish kabi vazifalarni bajarishi zarur.

Mashinasozlik yo‘nalishi talabalarida kasbiy kompetensiyalar va texnik qobiliyatini rivojlantirish hamda shakllantirishning yakuniy maqsadi sifatida quyidagilarga e’tibor qaratiladi:

- mutaxassis kadrlarni kasbiy-pedagogik kompetentligini va texnik qobiliyatini shakllantirishda asosiy e’tibor o‘quv fani vositalari, pedagogik faoliyat mazmuni va talabaning shaxsiy imkoniyatlari asosida shakllantirishga qapatiladi;

- kasbiy-pedagogik faoliyatning mazmuni, vazifalari, ushbu japayonda hal etiluvchi muammolar va yuzaga kelish ehtimoli bo‘lgan qiyinchiliklar xususida yaxlit tasavvurga ega bo‘lgan holda shaxsiy faollikka erisha olishiga acoclanadi;

- mutaxassis kadrlarni psixopedagogik nuqtai nazardan tayyorlash aniq maqsad, ya’ni pedagogik va psixologik bilimlarning ta’lim muassasasida tashkil etiluvchi kasbiy ta’limning o‘ziga xosligi bilan belgilanadigan tuzilmasi va mazmuniga yo‘naltirilgan;

- mutaxassis kadrlarning kasbiy - pedagogik faoliyatidan kutiladigan va erishish mumkin bo‘lgan natijalar talaba shaxsi, uning yo‘nalganligi (talablari, qiziqishi, qadriyatli yo‘nalishi, ishi, ongi, sabablari); ma’lumot darajasi (bilim, malaka, ko‘nikmalari, bilimlarini doimiy ravishda boyitishga intilishi va mahorati); tarbiyalanganlik holati (ma’naviy, estetik, jicmoniy, mexnat va hokazolar jihatdan); ijtimoiylashuvi (faol kasbiy va ijtimoiy faoliyatni tashkil etishga tayyorligi, bilim olishni davom ettirishi, ijtimoiy va qadriyatli qoidalarni qabul qilishi); madaniyatliligi (ijtimoiy-madaniy qadriyatlarini qabul qila olishi, intellektual, iqtisodiy, ekologik, madaniyat, aqliy va jismoniy mehnat madaniyati, munosabatlari mazmuni va xulq) kabi holat bilan belgilanadi. Kutilayotgan natijalarning eng yuqori darajasi bo‘lajak mutaxassislarning kasbiy kompetentligi hisoblanadi.

Yo‘nalish talabalarining kasbiy - pedagogik kompetentligi mazmunini loyihalashtirish jarayonining asosiy, yakuniy maqsadini aniqlashdan uning yakuniy natijasini loyihalashtirishgacha bo‘lgan davrni o‘z ichiga oluvchi o‘zaro mantiqiy bosqichlar o‘z ifodasini topadi.

Talabalarning kasbiy faoliyatini modellashtirish mazkur loyiha doirasidagi tadqiqot muammosining ijobiy echimini ta’minlashga xizmat qiluvchi

omillardan biri sanaladi. Shu bois talabalarning kasbiy-pedagogik faoliyatini modellashtirish, uning mohiyati va shartlari xususida ma'lumotlarga ega bo'lish talab etiladi.

Mutaxassis kadrlarni tayyorlash jarayoni murakkab xususiyatga ega bo'lib, bu jarayonda maqsadning aniq belgilanishi, mutaxassis modelining tarkibiy asoslarini aniqlashtirish muhim ahamiyatga ega.

Yuqorida keltirilgan faoliyat asoslari ma'lum mutaxassis uchungina emas, balki barcha mutaxassisliklar vakillari uchun ham zarur bo'lgan kompetentlikni o'z ichiga oladi. Masalan, bilim olishga moyillik, tashkilotchilik, jamoani boshqara olish, ijtimoiy faoliyatni tashkil etishga tayyorlik. Mutaxassis modelining ikkinchi va uchinchi tarkibiy asoslari hisoblanadigan faoliyat turlari ma'lum kasb uchun qo'yiluvchi aniq talablar darajasini belgilaydi.

Mutaxassis kadrlar avvalo ta'lim mazmunini loyixalashtirish bilan bog'liq quyidagi mahoratlar tizimini egallab olishi kerak: o'qitish maqsadlarini (ta'limiy, tarbiyaviy va rivojlantirish) konstruktiv tasvirlash; ta'lim oluvchilarda ma'lum kasb faoliyati bo'yicha bilim, ko'nikmalarning shakllanganlik darajasini aks ettiruvchi ko'rsatkichlarni aniqlash; ushbu ko'rsatkichlarning aks etishiga imkon beruvchi chizmalar, sxemalar, loyixalar, texnik-texnologik hamda tashkiliy-iqtisodiy mashqlar va ta'lim metodlari, shaklini to'g'ri tanlash; ularning ketma-ketligini aniqlash; ta'lim oluvchilar tomonidan nazariy va amaliy bilim va ko'nikmalarning shakllantirilishi va hokazolar borasidagi zarur ma'lumotlarga ega bo'lishni ta'minlovchi ko'rsatkichlarni aniqlash.

Kasbiy kompetentlikni shakllanishi jarayonida bo'lajak mutaxassislarning individual xususiyatlarini o'rganish, kompetensiyalarni o'zlashtirish jarayonini tashkil etish hamda uning natijalarini baholash muhimdir. O'quv faoliyatining zarur tarbiyaviy natijasini aniqlashga xizmat qiluvchi kompetensiyalar alohida tizimni tashkil etadi. Ma'naviy dunyoqarash va uning mohiyati hamda umumiy madaniyatlilik darajasiga qo'yiluvchi talablarni ham o'z ichiga oladi.

Tuzilishi nuqtai nazaridan mutaxassis modeli uni o'zgartirish va tuzatish imkonini beruvchi, faoliyat samaradorligiga ta'sir ko'rsatuvchi va oson tashxis qilinadigan tarkibiy qismlarni o'z ichiga olishi zarur. Ikki qismli tuzilmaga ega bo'lgan mutaxassis modeli eng ko'p tarqalgan model hisoblanadi.

Mutaxassis modeli - bu ishlab chiqarish sohasida yuzaga keladigan muammoli vaziyatlarni muvaffaqiyatli hal etilishini ta'minlovchi, ma'lum sifatlarni ta'riflovchi hamda kasb egasining mustaqil bilim olishi va o'zini rivojlantirishini aks ettiruvchi andoza hisoblanadi.

Mutaxassis modelini yaratishda kasbiy faoliyatning ma'lum turi uchun muvofiq keladigan shaxsiy sifatlar to'plami tartibga solinadi. Mutaxassis

modelining turlaridan biri malakaviy tavsifnoma hisoblanadi. Uning mazmunida quyidagi holatlar aks etadi: turli lavozim va turli ish joylari uchun xos boʻlgan kasbiy faoliyat turlari, vazifa va majburiyatlar, shaxsiy sifatlar, bilim va koʻnikmalar. Bunday modellar kadrlarni tanlash va joy-joyiga qoʻyish, ularni attestatsiyadan oʻtkazish, shuningdek mutaxassislarni tayyorlash va qayta tayyorlash dasturlarini tuzishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Mutaxassis modeliga koʻra pedagogik - psixologik, kasbiy hamda ixtisoslik fanlarni oʻqitishda taʼlim mazmuni, shakli, metod, vosita va texnologiyalarini samarali qoʻllanishi orqali kasbiy kompetentli mutaxassisning kasbiy pedagogik tayyorgarligi taʼminlanadi.

Kompetentli yondashuv asosidagi modulli taʼlim, muammoli taʼlim texnologiyalari, keysstadi metodi va pedagogik, texnik-texnologik muammoli vaziyatli topshiriqlar boʻlajak mutaxassislarni tayyorlashda kasbiy, ixtisoslik, pedagogik-psixologik turkumi fanlari va kasbiy faoliyat uygʻunligini taʼminlab, kasbiy kompetentli mutaxassis tayyorgarligini yuqori sifat darajasiga koʻtaradi.

Mutaxassis kadrlarning kasbiy kompetentligini shakllanishi muayyan individual va shaxsiy sifatlarning oʻzaro bogʻliqligi va shaxsning ijtimoiy-madaniy faollik darajasiga bogʻliq boʻladi. Ushbu sifatlar motivatsion, tashkilotchilik, mustaqillik, qobiliyat, hissiy-irodaviy, predmetli faoliyatli, kreativlik, oʻz-oʻzini boshqara olish layoqati kabi-lardan tarkib topadi.

Kasbiy kompetentli mutaxassisning faoliyatli modelida taʼlim mazmuni uch darajada: tayanch kompetentlik (oʻquv rejasidagi barcha blok fanlari uchun); umumkasbiy kompetentlik (oʻquv rejasidagi pedagogik-psixologik hamda umummuhandislik fanlari toʻplami uchun); maxsus kompetentlik (oʻquv rejasidagi kasbiy va ixtisoslik fanlari uchun) shaklida keltirilgan.

Shunday qilib, tayanch kompetentlik oliy pedagogik taʼlimning har bir bosqichi uchun taʼlim bloklari va oʻquv fanlari darajasida aniqlanadi. Tayanch kompetentlik tartibini belgilashda kasbiy pedagogik taʼlimning asosiy maqsadlariga muvofiq ijtimoiy va shaxsiy tajribaning mohiyati, ijtimoiy jamiyatda kasbiy faoliyatni tashkil etish jarayonida hayotiy koʻnikmalarni egallashga imkon beruvchi asosiy turlar muhim ahamiyat kasb etadi .

Kasbiy kompetentlik sifatlariga ega kadrlarni shakllantirish modeli - taʼlim va ishlab chiqarish jarayonida yuzaga keladigan pedagogik hamda texnik-texnologik muammoli vaziyatlarni muvaffaqiyatli hal etilishini taʼminlovchi, motivatsion xislatlar, intellektual salohiyat, hissiy-irodaviy sifatlar, predmetli-faoliyatli koʻnikmalar hamda oʻz-oʻzini boshqara olish sifatlarini taʼriflovchi, tashkilotchilik qobiliyatiga ega hamda kreativ fikrlovchi, kasb egasining mustaqil bilim olishi va oʻzini rivojlantirishini aks ettiruvchi andoza hisoblanadi.

Auditoriyadagi ta'lim, malakaviy amaliyotlar hamda mustaqil ta'lim jarayonida bilim, ko'nikma va malakalar, faoliyat tajribasini o'zlashtirish hamda shaxsiy, kasbiy va individual sifatlarga ega bo'lishlik bitiruvchilarning tayanch, umumkasbiy va maxsus kompetentliklarining shakllanishini ta'minlaydi.

Xulosa. Mutaxassis kadrlarda kasbiy kompetentlikni shakllantirishning maqsadi kasbiy va shaxsiy rivojlanish jarayonida ta'lim oluvchining o'z-o'zini anglash, baholash va boshqarish kabi tarkibiy qismlarni rivojlantirish hamda ta'lim muassasalarida ishlashga tayyorlash hisoblansada, shu bilan birgalikda ularning umumkasbiy va ixtisoslik fanlari asoslarini o'rganish vazifalari quyidagilardan iborat bo'lishi kerak:

- yo'nalish mutaxassisining kasbiy faoliyatida pedagogik, umumkasbiy va ixtisoslikka oid bilimlarni o'zlashtirishga nisbatan ijobiy munosabatda bo'lishga erishish;
- ta'lim va ishlab chiqarish jarayonlariga xos bo'lgan muammoli vaziyatlarda masalalarni ajratib olish hamda ularni hal qilish usuli sifatida pedagogik va texnik-texnologik tafakkurni rivojlantirish;
- yo'nalish mutaxassisining kasbiy faoliyatida individual ta'lim metodini qo'llay olish, o'quv-pedagogik va ishlab chiqarish harakatlarining reproduktiv hamda ijodiy usullarini shakllantirish;
- kasbiy faoliyatida muhim kasbiy - pedagogik sifatlarini, ya'ni hamdardlik, bolalarni sevish va boshqalarni rivojlantirish, kasbiy va shaxsiy o'z - o'zini rivojlantirish ehtiyojini yuzaga keltirish.

Kasbiy kampotensiya va texnik qobiliyatga ega mutaxassis quyidagilarga erisha oladi: - o'z bilim va malakalarini izchil boyitib boradi, - yangi axborotlar, ma'lumotlarni o'zlashtiradi, - davr talablarini chuqur anglaydi, - yangi g'oyalar va bilimlarni izlab topadi, ularni qayta ishlaydi va o'z kasbiy amaliy faoliyatida samarali qo'llaydi.

# БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА КИТОБХОНЛИК ВОСИТАСИДА БАДИИЙ АДАБИЁТ НАМУНАЛАРИГА ҚИЗИҚИШНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

DOI: 10.53885/edinres.2021.40.32.032

**Б. У. Мингбаева**

Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчиси

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик воситасида бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, мақолада билишга асосланган қизиқишлар шахс фаоллигини таъминловчи мотив бўлиб, у билиш фаолияти ривожланишига кўмаклашиши ҳақида фикр юритилган.*

***Калит сўзлар:*** ***к****ичик ёшдаги ўқувчилар, китобхонлик, бадиий адабиёт намуналари, қизиқиш, ўқув предметлари, ҳаётий вазиятлар, динамик ривожланиш, интеллектуал ривожланиш, эмоционал фаоллик, ўқиш мотивлари, эҳтиёж.*

***Аннотация.*** *В данной статье рассматриваются особенности формирования интереса к образцам художественной литературы через чтение у учащихся начальной школы. Также в статье интерес, основанный на знаниях, является мотивацией, обеспечивающей активность человека, и считается, что познание способствует развитию активности.*

***Ключевые слова:*** *младшие школьники, чтение, примеры художественной литературы, интерес, учебные предметы, жизненные ситуации, динамическое развитие, интеллектуальное развитие, эмоциональная активность, мотивация чтения, потребность.*

***Abstract.*** *This article discusses the features of the formation of interest in the samples of fiction through reading among primary school students. Also in the article, knowledge-based interest is the motivation that ensures human activity, and it is believed that knowledge contributes to the development of activity*

***Key words:****and phrases: primary school students, reading, examples of fiction, interest, academic subjects, life situations, dynamic development, intellectual development, emotional activity, reading motivation, need.*

Бугунги кунда шахс имкониятларини кенгайтиришнинг кўплаб йўналишлари ва воситалари мавжуд. Бундай воситалар биринчи

навбатда ҳар бир инсоннинг билиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади. Китоб ва китобхонликка бўлган қизиқиш шахс фаолиятининг самарали кечишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам китобхонлик воситасида ўқувчиларда бадиий адабиётга нисбатан қизиқишни шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга.

Педагогика энциклопедиясида “Қизиқиш - 1) объект ёки ҳодисани англаш ва бирор фаолият турини ўзлаштиришга мойиллик; 2) ўқувчи ёки талабанинг ўзи учун қимматли ва ёқимли бўлган муайян нарса ва ҳодисага муносабати” [1; 391-б.] сифатида таъриф берилган.

Қизиқишларда шахснинг ўзига хос хусусиятлари мужассамлашган бўлади. Қизиқиш билимларни онгли, пухта, барқарор, англаган ҳолда ўзлаштиришга кўмаклашади. Қизиқиш инсонда интилиш, фаоллик, ички туртки, эҳтиёжни шакллантиришга хизмат қилади. Қизиқиш шахснинг борлиққа танлаб муносабатда бўлиши, ўзига хос қарор қабул қилиши, ўзини ўзи назорат эта билиши, мақсадга интилувчанлигида, юзага келган тўсиқларни енгишида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларда бошланғич синфлардан бошлаб у ёки бу ходисага нисбатан қизиқиш уйғотиш алоҳида аҳамиятга эга. Қизиқиш туфайли ўқувчилар муйян объектни чуқурроқ ўзлаштиришга интиладилар. У ҳақидаги билимларни алоҳида интилиш билан ўзлаштиришга киришадилар.

Бошланғич синф ўқувчиларида бадиий адабиётга қизиқиш уйғотиш орқали инсоният ақл-идрокининг нодир намуналарида ифодаланган билимлар ва ҳаётий тажрибаларни ўрганишларига кенгроқ шароит яратилади. Ўқувчиларда бадиий адабиётга нисбатан қизиқиш уйғотишда китобхонлик асосий восита сифатида хизмат қилади.

Р.Г.Сафарова[2]нинг фикрича, ўқувчиларда бадиий адабиётга қизиқиш уйғотишда таълим жараёни асосий ўрин эгаллайди. Таълим жараёни олдига шахсни ҳар томонлама уйғун ривожлантириш вазифаси қўйилган бугунги кунда ўқувчиларда китоблар ёрдамида бадиий адабиётга қизиқиш уйғотиш ижтимоий-педагогик заруриятга айланмоқда. Китоб ўқиш орқали ўқувчилар ўз билимларини мунтазам такомиллаштиришга муваффақ бўладилар. Ахборот технологиялари ва ахборот олиш манбаларининг кўпайганлиги туфайли ўқувчилар китобга тобора камроқ мурожаат қилмоқдалар. Ўқувчилар билан ўзаро муносабатга киришишнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўқитувчилар уларда бадиий адабиётга нисбатан қизиқиш уйғотишлари лозим. Айнан бошланғич синфларда бадиий адабиётга нисбатан ўқувчиларда шаклланган қизиқишлар барқарор бўлиб, бутун ҳаёти давомида мустаҳкамланиб боради.

Ўқувчиларда бадиий адабиётга қизиқиш уйғотиш ғоясининг асосчиси буюк чех педагоги Я.А.Коменский[3] ҳисобланади. У ўзининг

“Буюк дидактика” асарида ўқувчиларда у ёки бу машғулотга нисбатан қизиқиш уйғотиш ҳақида фикр юритган.

Қизиқиш билиш эҳтиёжларининг намоён бўлиш шаклидир. У шахсни ўз фаолияти мақсадини англашга йўналтиради. Объектив борлиқни ифодалайдиган далилларнинг моҳиятини чуқурроқ англашга ундайди. Қизиқиш шахснинг ўрганилаётган объектни ўзлаштиришга бўлган интилишини ифодалайди. Ўқувчининг айни бир қизиқишини қондириш иккинчи қизиқишнинг вужудга келишига асос бўлиб, билиш фаолиятининг ривожланишига шароит яратади.

Л.С.Выготский[4]нинг таъбирича, қизиқишлар бола хулқ-атворининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. У ўқувчи интилишларининг ёрқин ифодасидир. Қизиқишлар ёрдамида ўқувчиларнинг фаолияти уларнинг эҳтиёжларига мувофиқ келади. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия жараёни ўқувчиларнинг қизиқишларига асосланган ҳолда ташкил этилиши керак. Бу ўқув жараёнининг ўқувчиларни қизиқтирган ўқув предметларига устиворлик бериш асосида ташкил этишини англатади. Ўқувчига босим ўтказиш, пўписа қилиш, қўрқитиш орқали уни муайян ҳодисани ўрганишга жалб этиш мумкин эмас. Ўқувчиларда қизиқиш уйғотиш билан бир қаторда уни муайян мақсадга йўналтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Муҳим жиҳатлардан яна бири ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнларини ҳаётий вазиятларга яқинлаштиришдан иборат. Ўқув жараёнини ҳаётий вазиятларга яқинлаштиришда бадиий адабиёт намуналари муҳим ўрин эгаллайди. Ўқув жараёнини ҳаётий вазиятларга яқинлаштириш ўқувчиларда муайян ходисаларга нисбатан қизиқиш уйғотади. Педагоглар ўқувчиларда қизиқиш уйғотиш орқали уларни аниқ бир фаолиятга кенгроқ жалб этиш мумкинлигини англаб етишлари лозим.

Ҳар бир шахс ўзини ўраб турган борлиққа нисбатан шахсий муносабат тажрибасига эга. Худди мана шу муносабат уни муайян вазиятларга олиб киради ва маълум нарсаларни ўрганишга нисбатан қизиқиш, эҳтиёж ва истакни вужудга келтиради.

Билишга оид қизиқишлар ўқув жараёнининг динамик ривожланишини таъминлашга кўмаклашади. У ўқувчиларнинг фаол тарзда ўқув-билув фаолиятини ўзлаштиришларига ёрдам беради. Билишга оид қизиқишлар ўқувчиларда ташаббускорликни таркиб топтиради. Бу жараёнда ўқувчининг ўзи янги билимларни ўзлаштириш усулларини излаб топади. Натижада таълим, тарбия ва ривожланишнинг самарадорлиги ортади. Фаол бўлмаган ва хеч нарсага қизиқмайдиган ўқувчиларга ўқитувчилар кучли таъсир ўтказиб, уларнинг билишга оид қизиқишларини муайян мақсадга йўналтиришлари керак.

Қизиқишлар ўқувчиларда ёрқин ҳис-туйғуларни вужудга келтириш имкониятига эга. Ўқувчилар ўз қизиқишларини қондириш учун объектив борлиқни чуқурроқ ўрганишлари, унинг ўзига хос жиҳатларини англаб етишлари талаб қилинади. Ўқувчиларнинг қизиқишлари қондирилиши натижасида уларда қувонч ҳисси, кўпроқ билишга интилиш майллари кучаяди. Агар ўқувчилар ўзлари қизиққан муайян нарсани ўргана олмасалар уларда салбий ҳис-туйғулар, ўз кучларига ишонмаслик вужудга келади. Билишга оид қизиқишлар ўқишнинг асосий мотивларидан бири ҳисобланади. Буни ўқувчилар бошқалардан кўра кўпроқ хис этадилар. Бу ўқувчилар ўзлари учун нима қизиқарлию, нима қизиқарли эмаслигини аниқлаб олган вақтларидан бошланади. Бундай нарсалар сирасига дарс, ўқув предмети ёки муайян китобларни киритиш мумкин.

Ўқувчилар учун билишга оид қизиқишлар ўқиш мотивлари сифатида уларни мазкур объектларни билишга ундайди. Мазкур ўринда ўқитувчилар уларга тўсқинлик қила олмайдилар, чунки бу ўқувчиларнинг шахсий қизиқишлари билан боғлиқ. Бу ўқувчилар фаолиятининг асосий мақсадини ифодалаб, ўқув жараёнининг осон, самарали, ёрқин, хис-туйғуларга бой бўлишини таъминлаб уларнинг дарсларда толиқмасликларига асос яратади. Билишга оид қизиқишлар ўқув фаолиятининг турли майллари билан ўзаро алоқадор бўлиб, ўқувчи дунёқарашини ҳар томонлама бойитишга кўмаклашади. Ушбу қизиқишлар бир-бирига мос келмаса, ўқувчиларнинг ривожланиш жараёнлари секин кечади. Ўқувчиларда муайян ходисаларга нисбатан қизиқишнинг шаклланиши натижасида уларда ўқув жараёнига нисбатан онгли муносабат ҳосил бўлади. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларнинг ўз шахсий ўқув-билув фаолиятларини бошқаришлари, қўйилган мақсадга эришиш йўллари ва мақсадларини аниқ англаб олишларига кўмаклашади. Шу билан бир қаторда ўзлари қизиққан соҳадаги билим, кўникма, малакаларининг мунтазам бойишини таъминлайди.

О.А.Тўрақулова[5]нинг фикрича, ўқувчиларда билишга оид қизиқишларни шакллантириш ўқитувчи зиммасидаги мураккаб вазифалардан ҳисобланади. Бунинг учун педагог ўқув жараёнини ўқувчиларда билиш қизиқишларини шакллантиришга йўналтирган ҳолда ташкил этиши лозим. Бу жараёнда ўқувчи мунтазам тарзда ўқув материалларига қизиқиши, ўз-ўзини ривожлантириши, ўзлаштирган билимларининг йўналиши ва соҳаларини кенгайтириши мақсадга мувофиқ. Ўқувчилар ўқув жараёнида туғилган муаммоларни ечишга ўз шахсий ҳиссаларини қўшишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу мақсадга эришиш учун ўқитувчи педагогик жараёнда вужудга келадиган кўплаб муаммоларни бартараф этиши, дарсни ташкил

этишнинг энг яхши усулларини танлаши талаб этилади. Бунинг учун ўқитувчи зарур ўқув материалларини танлайди, ўқувчиларда мустақилликни шакллантиришга оид турли ёндашувларни таҳлил қилади, таълим мақсадига эришилганлик натижасини аниқлайди.

Ўқувчиларнинг қизиқишларини қондириш нафақат уларнинг интеллектуал сохаларини бойитиш, балки, уларни келажакдаги фаолиятга йўналтириш имкониятига ҳам эга.

Ўқувчиларнинг билишга оид қизиқишларини ривожлантириш соҳасида қуйидаги даражаларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

синчковлик
қизиқувчанлик
шахсий билишга асосланган қизиқиш
ижодий қизиқиш.

Улар ўқувчиларнинг у ёки бу ўқув предметига нисбатан турли-туман қизиқишларини ифодалайди. Хали ўрганилмаган билимларни ўрганишга интилиш, янги ахборотларни ўзлаштириш кабилар шулар жумласидандир.

Синчковлик – билишга асосланган қизиқишнинг дастлабки босқичи ҳисобланади. Бунда ўқувчининг эътибори билан боғлиқ тарзда унинг муайян нарсаларни ўрганишга, билишга бўлган интилиши ифодаланади. Қизиқишнинг ушбу босқичида муайян объект ёки ходиса чуқур ўрганилмайди, балки унга синчковлик билан назар ташланади. Бунда шахс ўзини ўраб турган воқеликда қандай ўзгаришлар рўй берганлигини синчковлик билан ўрганишга киришади ва унга муносиб жавоб қайтаради.

Бу босқичдаги қизиқишлар мунтазам эмас балки, элементар характерга эга бўлиб, асосланмаган вазиятга боғлиқ ҳолда вужудга келади. Бу холат айниқса ўқувчилар мактабга келган дастлабки кунларда кузатилади. Ўқувчилардаги бундай кузатишлар атрофдаги айрим нарсаларга боғлиқ бўлиб, юзаки характер касб этади. 3-4-синф ўқувчилари эса атрофдаги нарсаларга қизиқувчанлик билан муносабатга киришадилар.

Қизиқишнинг қизиқувчанликка асосланган босқичи янгича моҳият касб этиб, уни қизиқтирган ходисалар ва нарсаларнинг барча ўзига хос жиҳатларини аниқлашга бўлган интилиш кучаяди. Ушбу жараёнда билиш мақсадга йўналтирилганлик характерига эга бўлиб, ўқувчиларнинг интилишларига ташқи омиллар таъсир кўрсатади. Қизиқувчанлик босқичида ўқувчиларда бевосита қизиқишга бўлган интилишнинг шаклланганлигини кузатиш мумкин. Бунда ўқувчи билиш жараёнига тўлиқ жалб этилади. Унинг ёрдамида эса ўзининг билиш эҳтиёжларини қондиради. Бундай фаолиятнинг натижаси ўқувчи учун алоҳида аҳамият

касб этади. Натижада ўқувчи ўзи қизиққан соҳани чуқурроқ ўрганишга киришади, бир нуқтада тўхтаб қолмайди. Қизиқувчанлик эса шахсий қизиқишга айланади.

Билишга асосланган қизиқиш сабаб-оқибат боғланишларини шакллантириш заруриятини келтириб чиқаради. Натижада ўқувчилар мазкур боғланишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга харакат қила бошлайдилар. Ушбу босқичда ўқувчилар олдига муайян муаммолар қўйилади. Ўқувчилар эса ушбу муаммоларга онгли тарзда ечим топишга интиладилар. Билишга асосланган қизиқишлар ўқувчиларни билмасликдан узоқлаштиради. Объектив борлиқнинг янги жиҳатларини англаш, интеллектуал ривожланишнинг янги босқичларига кўтарилишларини таъминлайди. Натижада ўқувчиларнинг фаол харакатлари таъминланади: ўз-ўзини назорат қилиш, ирода кучига ишониш, иш жараёнида ташаббускорлик ва некбинлик, ўз-ўзини такомиллаштириш ва ривожлантиш истагига эгаликнинг намоён бўлиши.

Ижодий қизиқишларнинг намоён бўлиш босқичи қуйидагиларни ўз ичига олади: мустақиллик, ўқувчининг қайта шаклланган фаолияти, ўз олдиларида турган муаммоларнинг янгича ечимларини таъминловчи усулларни қўллаш, ўз ижодий лаёқатларини намоён қилиш кабилар.

Китобхонликка бўлган қизиқиш – ўқувчиларнинг китобларда ифодаланган аждодлар тажрибасини ўрганиш ва ўз фаолиятида қўллашга бўлган интилишини ифодаловчи қизиқишдир. Бунинг учун ўқувчиларда ақлий ҳамда эмоционал фаоллик шаклланиши лозим. Ақлий ҳамда эмоционал фаоллик китобларда мақсадга йўналтирилган асосий компонент сифатида намоён бўлиб, ўқувчиларга ижтимоий тажрибани тақдим этишга хизмат қилади. Чунки китобларда ушбу тажриба сақланиб, аждодлардан авлодларга тақдим этилади. Шунга кўра, билишга асосланган қизиқишлар танловга асосланган қизиқиш бўлиб, биринчи навбатда ўқувчиларнинг интеллектуал соҳасини ривожлантиришга кўмаклашади. Қизиқиш ёрдамида ўқувчилар муайян соҳадаги билимларни ўзлаштиришга фаол киришадилар. Бунда уларга китоб яқиндан ёрдам беради.

Шахснинг ривожланиши учун билишга оид қизиқишларнинг аҳамияти шундаки, унда муайян соҳадаги фаолият қизиқиш таъсирида ўқувчининг рухий жараёнларини фаоллаштиради. Ўқувчиларда интеллектуал қониқиш ва ҳиссий кўтаринкилик бағишлайди. Билишга оид қизиқишлар шахс фаоллигини таъминловчи мотив бўлиб, унинг билиш фаолияти ривожланишига кўмаклашади.

Бошланғич таълимнинг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларда китобхонлик воситасида бадиий адабиётга қизиқишни шакллантиришдан

иборат. Бу муҳим масалалардан бири бўлиб, китоблар ва китобхонлик ўқувчиларга таълим-тарбия бериш ва уларни ривожлантиришда катта аҳамият касб этади.

Фойдаланилган манбалар:

Педагогика энциклопедия. III жилд. жамоа // Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2017. – 424 б.

Сафарова Р.Г. ва б. Ўқувчи-ёшларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик-психологик механизмлари.// Монография. – Т.: “Tafakkur qanoti” нашриёти, 2018 йил, 192 бет.

Коменский Я.А. https://ru.wikipedia.org/wiki/Коменский,_Ян_Амос

Выготский Л.С. https://ru.wikipedia.org/wiki/ Выготский_Лев_Семёнович

Тўрақулова О.А. Адабий таълим жараёнида академик лицей ўқувчиларида мутолаа маданиятини ривожлантириш технологияси: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy). ...дисс. – Тошкент, 2020. – 174 б.

# HAYOT FAOLIYATI XAVFSIZLIGINI TAKOMILLASHTIRISH USULLARI

DOI: 10.53885/edinres.2021.71.87.033

**Sh. R. Akobirov**
Navoiy Davlat Pedagogika Instituti, Fakultetlararo jismoniy madaniyat kafedrasi o'qituvchisi

***Annotatsiya.*** *Ushbu maqolada Hayot faoliyati xavfsizligi mazmuni, inson hayoti hamda faoliyati mobaynida xavfsizlik choralarining ahamiyati tushuntirilgan.Shu bilan birga, hayot faoliyati xavfsizligi fan sifatida o'qitilishi, uning vazifasi , maqsadi hamda oldiga qo'yilgan xavfsizlik chora –tadbirlari bilan ta'minlash haqida so'z boradi.Xavfsizlik, faoliyat, hayot faoliyati xavfsizligini taminlash usullari va ularni rivojlanish kabi atamalar aniq tariflangan. Mamlakatimiz O'zbekistonda xavfsizlik chora-tadbirlarining barcha texnogen, iqtisodiy, siyosiy va axborot turlari bo'yicha qabul qilingan qarorlar hamda amalga oshirilgan islohotlar maqolada o'z aksini topgan. Inson hayotida xavfsizlik tushunchasini bugungi kunda yoshlarga tushuntirish, tashqi ta'sir etuvchilarning ijobiy va salbiy tomonlarini yoshlar tarbiya jarayonida yosh avlodga singdirish, xavf-xatardan holi muhitni tashkil etish yo'llari , usullari hamda mavjud sharoitlarni rivojlantirish usullari keng ko'lamda tahlil qilingan. Umumiy tahlil etilgan ma'lumotlardan foydalanib xulosa sifatida qo'shimcha takliflar bildirilgan***.***

***Kalit so'zlar:****Hayot faoliyati xavfsizligi, xavf, faoliyat, texnogen xavf, xavfsizlik, hayotiy faoliyat, hayotiy faoliyat modeli, Faoliyat xavfsizligini ta'minlash tamoyillari, gomosfera*

***Аннотации.*** *В этой статье разъясняется содержание безопасности жизнедеятельности, важность мер безопасности в жизни и деятельности человека. Четко определены такие термины, как безопасность, деятельность, методы обеспечения безопасности жизнедеятельности и их развитие. В статье отражены принятые решения и реформы по всем видам техногенных, экономических, политических и информационных мер безопасности в Узбекистане. Концепция безопасности в жизни человека сегодня широко разъясняется молодежи, положительные и отрицательные аспекты внешних воздействий передаются молодому поколению в процессе обучения молодых людей, способов и средств создания безопасной среды и способов развития. существующие условия широко анализируются. Дополнительные предложения были внесены в результате общего анализа.*

***Ключевые слова:*** *безопасность жизнедеятельности, опасность, деятельность, техногенная опасность, безопасность,*

*жизнедеятельность, модель жизнедеятельности, Принципы эксплуатационной безопасности, гомосфера.*

***Abstract.*** *This article explains the content of life safety, the importance of safety measures in human life and activity. Terms such as safety, activities, methods of ensuring the safety of life activities and their development are clearly defined. The article reflects the decisions taken and reforms in all types of man-made, economic, political and information security measures in Uzbekistan. The concept of security in human life is widely explained to young people today, the positive and negative aspects of external influences are passed on to the younger generation in the process of educating young people, ways and means of creating a safe environment and ways to develop existing conditions. Additional suggestions were given as a result of the overall analysis about our consept.*

***Key words:*** *Life safety, hazard, activity, man-made hazard, safety, safe activity, activity model, occupational safety principles, homosphere*

Kirish. Insonning faol harakatlari yig‘indisi - faoliyat tushunchasini bildiradi. Aynan mana shu faoliyat insonlarni boshqa tirik mavjudotlardan farqlantiradi. Demak, faoliyat - insonning bor bo‘lib turishi uchun zaruriy ko‘rsatkich hisoblanadi. Mehnat esa inson faoliyatining eng oliy shaklidir. Shuning uchun faoliyat ham, mehnat ham bo‘lmasa, kishilik jamiyati ham bo‘lmaydi.Quyida aslida hayotiy faoliyat, xavf va xavfsizlik tushunchalariga oydinlik kiritamiz:

Faoliyat – ma’lum darajada xo‘jalik samarasiga erishish maqsadida inson bilan tabiat hamda antropogen muhitning maqsadga yo‘naltirilgan o‘zaro ta’sir jarayonidir.

Xavf – tirik yoki o‘lik materiyaning insoniyat sog‘ligiga, tabiatga va material boyliklarga zarar etkazuvchi, baxtsiz va ko‘ngilsiz hodisalarga olib keluvchi salbiy xususiyatlaridir1.

Xavfsizlik – ob’ektga ta’sir etuvchi turli xil moddalar, materiallar, energiya va ma’lumotlar oqimini maksimal ruxsat etilgan miqdordan oshmaydigan holatidir. Har qanday xavf aniq bir ob’ektga ta’sir etgandagina real xavf hisoblanadi. Turli xil xavflar oqimidan himoyalanadigan ob’ekt deganda, atrof –muhitning har qanday komponentini tushunish mumkin, ya’ni: inson, jamiyat, davlat, tashkilot (korxona, muassasa), tabiat, dunyo, kosmos[6]

Hayotiy faoliyat - bu odamning kundalik faoliyati, dam olishi, turmush tarzidir.

Xavfsizlik - bu faoliyatning holati bo‘lib, ma’lum ehtimollikda xavflarning kelib chiqishini bartaraf qilishdir.[3]

Faoliyat xavfsizligi qadim zamonlardan to hozirgi kunimizga qadar

insoniyatni ilmiy va amaliy qiziqishlarining eng muhim bir tomonidir. Odamzot har doim o‘zining xavfsizligini ta’minlashga intiladi. Ishlab chiqarishning rivojlanishi bilan bu masalalar maxsus bilimlarni talab qiladi. Bizning davrimizda xavfsizlik muammolari yanada keskinlashdi. Ma’lumki baxtsiz hodisalar, yong‘inlar, avariyalar va talofatlardan katta miqdorda zarar ko‘riladi.

Shuning uchun xavflardan himoyalanish masalalarida odamlarni tarbiyalash muhim ahamiyatga ega. Jamiyatimizni barqarorlashtirishda bu fan muhim ijtimoiy rol o‘ynaydi va xalq xo‘jaligi faoliyatining xavfsizligi darajasini oshirishga ulkan hissa qo‘shadi. Bunda, maxsus shu sohaga oid qarorlar bilan olib borilgan dasturiy vositalar alohida o’rin egallaydi.

Asosiy qism.Faoliyat jarayonining modeli ikki elementdan: inson va muhitdan tashkil topgan deyish mumkin, chunki faol faoliyat bilan faqat insonlar shug‘ullanadi va ular o‘zlarini o‘rab turgan atrof muhit bilan yaqin munosabatda bo‘ladilar. Shuningdek, «Inson - muhit» tizimini ham ikki maqsadli deb qarash mumkin: «birinchi maqsadi - inson o‘zining mehnat faoliyati jarayonida muayyan yutuqlarga, samaradorlikka erishishga harakat qilsa, ikkinchi maqsadi - mehnati jarayonida yuzaga keladigan ko‘ngilsiz oqibatlarni bartaraf qilishdan iborat bo‘ladi.[6]

Hozirgi davrda ishlab chiqarish xavflaridan, tabiiy ofatlardan, falokat va halokatlardan insonlarning hayot faoliyatini saqlash eng dolzarb muammolardan hisoblanadi.

Turli falokatlar, halokatlar va ofatlardan insonlar hayot faoliyatini saqlash «Hayot faoliyati xavfsizligi» fanining maqsadlaridan biridir.

Aynan mana shu muammolar echimini «Hayot faoliyati xavfsizligi» fani o‘rganadi.[5]

«Hayot faoliyati xavfsizligi» fanining markaziy e’tiborida “inson- tabiat-jamiyat” rivojlanishining maqsadlari yotadi. Hayot faoliyati xavfsizligi fani - ilmiy metodologik fanlar qatoriga kirib, uning asosiy maqsadi, inson hayot faoliyatida yuzaga keladigan xavflarning kelib chiqish sabablarini, oqibatlarini va ularni yo‘qotish uslublarini, xavfsiz ish sharoitlarini yaratish, tabiiy, texnogen va ekologik favqulodda vaziyatlardan fuqarolarni muhofaza qilish, ularni ham nazariy, ham amaliy jihatdan himoyalanishga tayyorlash hamda jarohatlanganlarga tibbiy yordam ko‘rsatish qoidalarini o‘rgatishdan iborat.

Hayot faoliyati xavfsizligi fanining asosiy vazifalari :

1. Xavflarning identifikatsiyasini o‘rganish. Bunda inson faoliyati jarayonida yuzaga keladigan xavflarning kelib chiqish sabablarini, uning xususiyatlarini va ko‘ngilsiz oqibatlarini o‘rganish.

2. Ishlab chiqarish jarayonlarida va xizmat ko‘rsatish sohalarida xavfsiz mehnat sharoitlarini yaratishga qaratilgan chora-tadbirlarni o‘rganish.

3. Ishlab chiqarish jarayonlarida kasb kasalliklarini kamaytiradigan uslubiyatlarni ishlab chiqish.

4. Fuqarolarni turli xavflardan, tabiiy ofat, avariya va halokatlardan himoyalanish usullariga oʻrgatish.

5. Mehnat jarayonlarida baxtsiz hodisalarning oldini olish chora-tadbirlarini oʻrganish.

6. Tabiiy, texnogen va ekologik shikastlanish oʻchoqlaridagi fuqarolarni qutqarish va tiklash ishlarini oʻtkazish.

7. Jarohatlangan insonlarga birinchi tibbiy yordam koʻrsatishni oʻrgatish. [2]

Faoliyat xavfsizligini ta’minlash tamoyillari

Xavfsizlikni ta’minlash tamoyillari (prinsiplari) ularni amalga oshirish belgilariga qarab shartli ravishda 4 ta sinfga boʻlinadi:

1. Yoʻnaltiruvchi (taxminiy) tamoyil
2. Texnik tamoyil
3. Tashkiliy tamoyil
4. Boshqaruv tamoyili

Taxminiy tamoyillar oʻzida xavfsiz echimlarni topuvchi yoʻnalishni aniqlovchi metodologik va ma’lumot bazasi boʻlib, xizmat qiluvchi, asos soluvchi gʻoyalarni taqdim etadi. Bunga quyidagi tamoyillar kiradi: operatorning aktivligi, faoliyatni gumanlashtirish, strukturani oʻzgartirish, operatorni almashtirish, sinflashtirish, xavfni bartaraf qilish va kamaytirish, tizimlilik va boshqalar.

Texnik tamoyil xavfli omillarning ta’sirini bevosita oldini olishga yoʻnaltirilgan. Texnik tamoyillar fizik qonunlarni ishlatishga asoslangan. Bunga quyidagilar kiradi: masofadan himoyalash, ekranlashtirish, qattiqligini oshirish, blokirovkalash (yakkalash), vakuumlashtirish, havo kirmaydigan qilish, passiv zveno kiritish, zichlashtirish, flegmatizatsiyalash va eta olmaslik tamoyillari.

Boshqaruv tamoyillari deb, xavfsizlikni ta’minlash jarayonining alohida bosqich va etaplari orasida oʻzaro bogʻlanish va munosabatlarni aniqlovchi tamoyillarga aytiladi. Ularga rejali, nazoratli, boshqarmali, majburiyli, qayta aloqali, samarali, javobgarlik, ragʻbatlantirish, ierarxik, bir ma`noli, adekvatli tamoyillar kiradi.

Tashkiliy tamoyillarga xavfsizlik maqsadida mehnatni ilmiy tashkil qilish qoidalarini amalga oshiruvchi tamoyillar kiradi. Ularga vaqt boʻyicha himoyalash, ma’lumot berish, rezervlashtirish, normallashtirish, kadrlarni tanlash, ketma-ketlik, ergonomik. mehnatni ratsional tashkil qilish va zidlik tamoyillari kiradi.

Bir vaqtda ayrim tamoyillar bir nechta sinflarga kiradi. Xavfsizlikni ta’minlash tamoyillari tizimlarni xosil qiladi va bir vaqtning oʻzida har bir

tamoyil nisbatan mustaqillik kashf qiladi.

Xavfsizlikni ta’minlash usullari 3 xil turga bo‘linadi:

A - metodi, gomosfera bilan noksosferani bir-biridan joy yoki vaqt jihatidan ajratish usuli. Bu usul ishlab chiqarish jarayonlarini mexanizatsiyalashtirish va avtomatlashtirish, jihozlarni masofadan boshqarish, manipulyator va robotlarni qo‘llash bilan amalga oshiriladi.

B - metodi xavfsizlik prinsiplarini qo‘llab, xavflarni yo‘q qilish va noksosferani (ishlab chiqarish muhitini) normallashtirish, hamda noksosfera tavsiflarini inson tavsiflariga moslashtirishga asoslanadi. Bu usul insonlarni shovqin, chang, gaz, jarohatlanish va hokazo xavfli omillardan himoya qilishga qaratilgan tadbirlar majmuasi hamda qisman xavfsiz texnikani yaratish bilan amalga oshiriladi.

Agar A va B metodlarni qo‘llash bilan talab qilingan xavfsizlik darajasiga erishish ta’minlanmaganda, C - metod qo‘llaniladi.

C - metodi tegishlicha himoya vositalari yordamida insonlarning himoyalanish xususiyatlarini oshirishga hamda insonni noksosferaga moslashtirishga asoslangan.

Bu usul kasbiy tanlash, o‘qitish, instruksiyalar berish, psixologik ta’sir qilish va shaxsiy himoya vositalarini qo‘llash bilan amalga oshiriladi. C-metodni amalga oshirishda noksosfera tavsiflarini o‘zgartirish uchun har xil vositalar qo‘llaniladi.

Real sharoitlarda yuqorida keltirilgan usullarning bittasi yordamida zarur xavfsizlik darajasini har doim ta’minlash mumkin bo‘lmaydi. Bunday holatlarda yuqorida keltirilgan usullar majmuasini qo‘llash maqsadga muvofiq bo‘ladi.[3]

Xavfsizlikni ta’minlashda psixologiyaning ahamiyati

Mehnatni muhofaza qilishda psixologiya ham muhim o‘rinni egallaydi. Zamonaviy ishlab chiqarishda avariyalar, shikastlanishlar muammosi faqat muhandislik uslublari bilan echilmaydi. Tajribalardan ma’lumki, avariya va shikastlanishlar muhandis-konstruktorlik ishlaridagi kamchiliklar asosida yuzaga keladi. Shuningdek tashkiliy-psixologik sabablar, masalan kasb bo‘yicha xavfsizlik talablariga past darajada tayyorgarlik ko‘rilishi, etarli bo‘lmagan tarbiya, mutaxassislarning xavfsizlik choralariga e’tiborsizligi, xavfli ishlarga etarli malakaga ega bo‘lmagan shaxslarni jalb qilish, ishda odamlarni toliqqan va psixologik holatda bo‘lishi ham sabab bo‘ladi. Bular mutaxassisning faoliyatiga ishonchsizlikni (xavfsizlikni) pasaytiradi. Xalqaro tajriba, izlanishlarning ko‘rsatishicha maishiy ishlab chiqarishdagi shikastlanishlarning 60-90 %i zarar ko‘rgan kishilarning aybi bilan sodir bo‘ladi. Xavfsizlik psixologiyasi faoliyat xavfsizligini ta’minlashda psixologik bilimlarni tadbiq qilishni ifodalaydi. Bu yerda mehnat faoliyati jarayonida ko‘rinadigan psixologik holatlar turlari to‘liq tekshiriladi, psixologik

jarayonlar, psixik xususiyatlar ko‘rib chiqiladi.[6]Inson psixikasida sodir bo’ladigan salbiy jarayonlar samarali ijobiy usullarda maxsus mutahasis yordamida treninglarda bartaraf etiladi. Psixologik xavf ham ta’sir jihatidan juda kuchli ta’sirga ega chunki u boshqaruvchilik xususiyatiga egadir.

O’zbekistonda Aholi va hududlarni tabiiy va texnogen tusdagi favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish tizimini takomillashtirish maqsadida Vazirlar Mahkamasi qarori bugungi kunda ro’y berishi mumkin bo’lgan texnogen va favqulodda xavf xatarlani oldini olish maqsadida aholini ushbu vaziyatlarda amalda harakatlanish bilimlari bilan ta’minlovchi hamda himoya tadbirlarini olib borilgan asosiy choralardan biridir.[1]

Ushbu qarorda hayot xavfsizligiga daxl qiluvchi barcha ta’sirlar keltirilgan. Bundan tashqari, O‘zbekiston respublikasi favqulodda vaziyatlarning oldini olish va bunday vaziyatlarda harakat qilish davlat tizimini yanada takomillashtirish to‘g‘risida, Favqulotda vaziyatlar vazirligiga yangi vazifalar topshirilishi, Favqulodda vaziyatlarning oldini olish va bunday vaziyatlarda va harakat qilish davlat tizimi to‘g‘risidagi nizom ishlab chiqilishi mamlakatimizda barcha turdagi sodir bo’lishi mumkin bo’lgan xavf –xatarlarni oldini olishga qaratilgan. Mahalliy davlat hokimiyati organlarining Favqulodda vaziyatlarda ularning oldini olish va harakat qilish davlat tizimi hududiy quyi tizimida aholini va hududlarni favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish bo‘yicha belgilangan funksiyalar aholi yashash tarzi hamda hayot faoliyatini xavfsiz shaklda olib borishga qaratilgan bo’lin, bunda aholining ozuq –ovqat, texnik mehnat jarayonida xizmat ko’rsatishi, gidrometerologik tasirlarni, salomatlik borasidagi keng ko’lamli xavflarni oldini olishga aholi hayot tarzini xavfsizligini ta’minlashga qaratilgan vazifalarni o’z ichiga oladi. Ishonch bilan ayta olamizki, mamlakatimizda olib borilayotgan ushbu chora- tadbirlar hukumatimiz hamda prezidentimiz tomonidan uzoqni ko’zlab yurtimizda xatarlardan holi jannatmakon sharoitlarni yaratishni maqsad qilgan. Buni biz prezidentimizning SH.Mirziyoyev “Tanimizda kuchimiz, shijoatimiz bor ekan –xalqimizga zarur eng yaxshi sharoitlarni yaratamiz, bizning xalqimiz doim bundanam ortig’iga loyiq va munosib bo’lgan “degan fikrida yuqoridagi qarorlarni, islohotlarni isbotini ko’rishimiz mumkin.

Xavfsizlikni taminlash choralari haqida so’z borganda , x avfsizlikni taminlash choralari bu – usullarni va asoslarni amaliy, tashkiliy, moddiy gavdalantirib amalga oshirishdir.

Usullar va asoslar o’zaro bog’liqdir.Asoslar, usullar, choralar xavfsizlikni ta’min etishdagi mantiqiy pog’onadir. Ularni tanlab olish faoliyatning aniq sharoitlariga, xavfning darajasiga va boshqa mezonlarga bog’liq.Xavfsizlikni taminlash yo’llari ko’p.

Ularni belgilariga qarab bir necha sinfga ajratish mumkin.[3]

yo’naltiruvchi,tashkiliy, boshqaruv.texnik,

Inson mehnat faoliyati jarayonida bo’ladigan fazo – ish joyi (gomosfera), doim mavjud yoki vaqti-vaqti bilan xavf paydo bo’ladigan fazoni noksosfera deyiladi.

Xavfsizlikni taminlashga quyidagi usullar orqali erishiladi:

HFX uslubiy va boshqaruv masalalarining xavfsizlik darajasi va «T(tavakkal)»ga ob’ektiv ta’siri katta. HFX boshqarilishida inson-muhit tizimi tushuniladi. HFXni boshqarish ob’ektiv xavfli holatdan kam xavfli holatga o’tkazishdir. Bunga iqtisodiy va texnik maqsadga muvofiqlik shartlariga amal qilinadi. «Inson-muhit», «inson-ishlab chiqarish» va boshqa tizimlar murakkab ko’p tarkibli uyushmalardan (tizimlardan) hisoblanadi. Xavflarni o’rganish va tahlil jarayonida tarkiblarga ajratiladi.

Faoliyat modeli: 1-inson; 2-muhit; 3-aks ta’sir qiluvchi aloqalar.

Aniq faoliyat sharoitida bu turkumlar (elementlar) yanada ravshanlashadi. Shuning uchun faoliyatni loyihalashda uning turkumlarini (elementlarini) yetarli darajada aniqlab, to’g’ri keladigan axborot manbalaridan foydalanib, ularning xavfli xususiyatlari topiladi.

Faoliyatni turkumlarga ajratish:

1-inson; 2-mehnat quroli; 3-mehnat vositalari; 4-quvvat (energiya); 5-mehnat mahsulotlari; 6-texnologiya; 7-flora; 8-fauna; 9-ma’lumot; 10-tabiiy iqlim; 11-mehnatni tashkil etish; 12-jamoa[5]

Ko’rib turganimizdek faoliyat qanchalik murakkab jarayon bo’lsa , xavfsizlikni takomillashtirish ham shunchalik katta masuliyatni talab etadi. Har bir faoliyat turiga ko’ra ongli ravishda xolisona xavfsizlik usullaridan foydalaniladi. Agar xatarlarsiz muhit yaratishga harakat qilsak, har faoliyat turi bilan mashg’ul bo’lishda biz soha mazmunida yondashuv va alohida bilimni talab etadi , bu esa yetarli bilim ko’nikmalarni taqozo etadi.

Xulosa. Xulosa sifatida shuni ta’kidlash mumkinki, xavfsizlikni ta’minlash faqatgina biryoqlama jarayon emas, balki bahamjihat birgalikda olib boriladigan umumiy vazifadir. Avvalo,aholi yoshu- qari hayot faoliyati xavfsizligi nima ekanligini ongli ravishda anglamog’i va shu xavfsizlik choralariga doimo amal qilmog’I zarur.Bu borada nafaqat mehnat faoliyati, tabiat, atrof muhit bilan o’zaro bog’liq zanjirga ham zarar yetkazmaslik eng asosiy masalalardan hisblanadi.Inson tabiat o’zaro bog’liq ekanmi inson faoliyati xox iqtisodiy, siyosiy, texnogen yoki gidrometerologik jihatdan ta’sirda bo’ladi. Mustaqil bilimli shaxs sifatida hayot faoliyati xavfsizligini ta’minlashni rivojlantirish sohasida aholiga keng ko’lamda tushuntirish hamda profilaktika ishlarini amalga oshirishni taklif etgan bo’lardim. Zero, bu yetishib elayotgan yosh avlod uchun asosiy tayanch vazifasini ham o’taydi deb umid qilaman.

Foydalanilgan adabiyotlar

1.Texnogen, tabiiy va ekologik tusdagi favqulodda vaziyatlarning tasnifi to‘g‘risidaToshkent sh.,1998-yil 27-oktabr 455-son

2. Yormatov G‘.Y. va boshqalar. Hayot faoliyati xavfsizligi. –T.: “Aloqachi”, 2009

3. Yormatov G‘. Y. va boshqalar. Hayot faoliyati xavfsizligi. O‘quv qo‘llanma. -T.: 2005.

4. O‘. Yo‘ldoshev va boshqalar. Mehnatni muxofaza qilish. -T.: Mehnat, 2005.

5. Nigmatov I., Tojiyev M. X. «Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi» Darslik.-T.: Iqtisod-moliya. 2011.

6.A.QUDRATOV, T.G’ANIYEV, O’.YO’LDOSHEV, G’.YO. YORMATOV, N.XABIBULLAYEV,A.D. XUDOYOROV Hayot faoliyati xavfsizligi fanidan ma’ruza kursi. Aloqachi-2005

7. . Bezopasnost jiznedeyatelnosti. /Pod.red. Mixaylova L.A. Kiev – Xarkov – Minsk, 2007.

8. Mikryukov V.Y. Bezopasnost jiznedeyatelnosti. Uch.posobie. RostovDon.2006

9. Norxo‘jaev A.Q., Yunusov M.Y. Favqulodda vaziyatlar va muhofaza tadbirlari. –T.: „Universitet”, 2001. 10. Tojiev M.X., Nigmatov I va b. «Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi». O‘quv qo‘llanma. –T.: MCHJ., Ta’lim manbai, 2002.

11. Belov S.V. i dr. «Bezopasnost’ jiznedeyatel’nosti», «Vshaya shkola», - M.: 1999.

Internet saytlari:

1. www.mintrud.uz.,
2. www.minzdrav.uz.,
3. www.mchs.gov.uz.,
4. www.uznature.uz.,

# ТАЛАБАЛАРНИ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ – ДОЛЗАРБ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

DOI: 10.53885/edinres.2021.14.64.034

**Ҳ. Сафоев**

Бухоро давлат универстети мустақил изланувчиси

*Аннотация: Ушбу мақолада олий таълим муассасалари талабаларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини бу соҳага кенг жалб этиш, Ўзбекистон фуқароларининг ижтимоий-сиёсий онги ва дунёқараши, фуқаролик позицияларини ватанпарварлик асосида камол топтириш муаммолари очиб берилган. Шунингдек, мақолада талабаларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинган.*

*Калит сўзлар: талабалар, ўқувчилар, ҳарбий ватанпарварлик, Ватанпарварлик туйғуси, ҳарбий таълим, ижтимоий-сиёсий онг, фуқаролик жамияти, таълим, тарбия, ривожланиш, тарихий тажрибалар, илмий тавсиялар.*

# ВОЕННО-ПАТРИОТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ СТУДЕНТОВ – КАК АКТУАЛЬНАЯ ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПРОБЛЕМА

*Аннотация: Данная статья направлена на дальнейшее усиление и качественное повышение работы по воспитанию студентов высших учебных заведений в духе военного патриотизма, широкого вовлечения в эту сферу общественных организаций и других институтов гражданского общества, проблемы совершенствования на основе общественно-политического сознания и мировоззрения граждан Узбекистана. В статье также анализируется проделанная работа в области воспитания школьников в духе военного патриотизма.*

*Ключевые слова: студенты, школьники, военный патриотизм, патриотизм, военное образование, социально-политическое сознание, гражданское общество, образование, воспитание, развитие, исторический опыт, научные советы.*

# MILITARY-PATRIOTIC EDUCATION OF STUDENTS - AS AN ACTUAL PEDAGOGICAL PROBLEM

***Abstract**: This article is aimed at further strengthening and improving the quality of work on the education of students of higher educational institutions in the spirit of military patriotism, the broad involvement of public organizations and other civil society institutions in this sphere, the problems of improvement based on the socio-political consciousness and worldview of citizens of Uzbekistan. The article also analyzes the work done in the field of educating schoolchildren in the spirit of military patriotism.*

*Keywords: students, pupils, military patriotism, sense of patriotism, military education, socio-political consciousness, civil society, education, upbringing, development, historical experiences, scientific advice.*

Бугунги кунда талаба-ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича олий таълим тизимидаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қабул қилинган концепцияларни амалга ошириш доирасида ҳар томонлама ривожланган, билимдон, халқига, шунингдек, ватанга хизмат қилиш ишига содиқ ёшларни тарбиялашга оид кенг миқёсли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Барчамизга яхши маълумки, ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади” .

Ҳар қандай ишда ватанпарварлик ҳисси намоён бўлиши керак. Чунончи, давлатимиз рамзлари, миллий қадрият ва анъаналаримиз, тарихий обидалар ва қадамжоларимиз шулар жумласидандир. Демак, ватанпарварлик – ўз Ватани ва она ерига муҳаббат; унинг тарихи, маданияти, миллий ва умуминсоний қадриятларини ҳурмат қилиш; ҳар бир инсоннинг ўз кучига ишончи ва бутун жамиятнинг бирдамлиги; ўз мамлакати тарихига алоқадорлиги ва келажаги учун масъулиятни ҳис этиши; бир сўз билан айтганда ўз она Ватани учун жонбозлик кўрсатишидир. Бундай жонбозлик эса ёшларда таълим жараёнида сингдирилади.

Дарҳақиқат, бугунги кунга қадар ёшлар орасида ватанпарварлик ҳиссини шакллантириш кейинги ўринларга тушиб кетган эди.

«2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да ҳам бу масала алоҳида ўз аксини топди. Жумладан, ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қуйидаги устувор

вазифалар белгиланди:

биринчидан, жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

иккинчидан, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш;

учинчидан, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш.

Шундай экан, ёшларда ватанпарварлик ҳиссини шакллантириш давр талаби. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялай олмасак, уларда ҳарбий ватанпарварлик ҳиссини шакллантириб бўлмайди.

Шу нуқтаи назардан бугунги кунда ёшларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, етук инсонлар бўлиб улғайиши йўлида замонавий, илғор-инновацион шарт-шароитларни яратиб бериш учун барча имкониятлар яратилмоқда. Чунки ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маънавий етук, жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор қанча кучайтирилса, унинг самараси ҳам шунча юқори бўлади.

Олий таълим муассасаларида талаба-ёшларни ҳарбий ватарпарварлик руҳида тарбиялашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 140-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 июндаги “Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда ўзбекистон республикаси қуролли кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4375-сон қарори муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, миллий қадриятларга, халқларнинг маданиятига ва ўзлигига бўлган таҳдидлар, ёд ғояларни сингдиришга бўлаётган уринишлар кучайиб бораётган глобализация жараёнлари жадал ривожланаётган шароитда ёшлар энг заиф қатлам бўлиб қолаётганлиги сабабли бу йўналишда қўшимча комплекс чора-тадбирлар қабул қилиниши долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш Концепцияси (ЎзР ВМ 23.02.2018 й. 140-сон қарорига 1-илова)да ёшларни ҳарбий-

ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва асосий принциплари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги мураккаб глобаллашув даврида, ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган шароитда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан боғлиқ долзарб вазифалар ва уларни ҳал этиш йўллари, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, оила, маҳалла, таълим-тарбия институтларининг бу борадаги роли ва аҳамиятини, ўзаро ҳамкорлигини миллий ва халқаро ҳуқуқий нормаларни ҳисобга олган ҳолда белгилаб беради, деб таъкидланган.

Ҳарбий ватанпарварлик тушунчасининг мазмун-моҳиятини билиш учун авваламбор, ватанпарварлик ўзи нима, у қанақа тушунча ёки қанақа фазилат эканлигини аниқлаштириб олишимиз керак.

Ватанпарварлик – қадимий тушунча бўлиб, унинг асоси юнон тилидан («pater») олинган, яъни ватан сўзидан олинган. Ватанпарварлик деганда, Ватанга муҳаббат, унинг ўтмиши ва ҳозирги куни учун ғурурланиш мазмунидаги маънавий ва сиёсий тамойил, ижтимоий ҳиссиёт тушунилади. Ёшларда ватанпарварлик ҳисси аввалламбор оиладан, мактабгача таълим ёшидан сингдирила бошланади. Кейинчалик умумий ўрта таълим муассасаларида, шакллантирилиб, бу жараён олий таълим муассасаларида ривожлантирилади. Умумий ўрта таълим муассасаларида асосан Ватанни табиий ва маънавий муҳит сифатида акс эттирувчи қадриятлар интериоризацияси, яъни ватанпарварликнинг ҳиссий компонентлари ташкил топади.

Ватанпарварлик — кишиларнинг она юртига, ўз ошёнига муҳаббати ва садоқатини ифодалайдиган тушунча. Ватанпарварлик барча кишилар, халқ, миллатлар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу, маънавий қадриятлардан бири. Тарихий жиҳатдан Ватанпарварлик кишиларнинг ўз ватанлари тақдири билан боғлиқ ижтимоий ривожланиш, халқларнинг ўзлари яшаётган ҳудуднинг дахлсизлиги ва мустақиллиги йўлидаги кураши жараёнида такомиллашиб келган ҳис-туйғулар жамланмаси ҳамдир. Бу ватаннинг ўтмиши ва ҳозири билан фахрланишда, унинг манфаатларини ҳимоя қилишда намоён бўлади. Ватанни севиш иймондандир деб ҳам бежизга айтишмаган.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси - «Ватан» тушунчасини шакллантириш, жонажон ўлкага, Ватанга, халқига, миллий анъаналари ва одатларига, бошқа миллатларга ҳурмат ва муҳаббатни тарбиялаш; миллати, Ватанига ғурурни тарбиялаш; мустақил Ўзбекистон давлатидаги барча ер усти ва ер ости моддий бойликларини асраб-авайлаш; давлат рамзлари: гимн, герб, байроқ тўғрисидаги тушунчаларни кенгайтириш, ҳар қандай ҳолатда ҳам уларни кўз қорачиғидай асраш демакдир.

Талабаларда ҳарбий ватанпарварликни тарбиялаш эса – мустақиллик, эркин ва фаровон ҳаёт масаласи ҳисобланади. Шундай экан, бугунги кунда ёшларимизни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий ватанпарварликнинг компонентларини улар онгига сингдириш таълим

тизими олдида турган муҳим масалалардандир.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг методологияси ва илмий асослари инсоният омилига нисбатан қўлланилади. Бу тушунчага инсоннинг ғоявий, сиёсий, маънавий жисмоний ва бошқа фазилатлари йиғиндиси киради. Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг назарий ва амалий асосларида Ўзбекистон Конституцияси, Ўзбекистон Респубикаси Президентининг Ватанпарварлик ва мустақил Ватан ҳимояси ҳақида ғоялари, Олий Мажлис қонун ва қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ҳалқ таълими вазирлиги, Мудофаа вазирлигининг буйруқ ва кўрсатмалари, ҳарбий педагогика ва психология, ҳарбий фанлар ва бошқа қоида ҳамда меъёрий ҳужжатлар ўрин олган.

Хулоса қилиб айтганда, талаба-ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш - бу миллати, тили ва касбидан қатъи назар, уларда Ватанга садоқат туйғусини шакллантириш, уларни ўз фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини бажаришга, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қодир шахслар этиб тарбиялашга йўналтирилган давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотларининг кўп босқичли, тизимли, мақсадли ва мувофиқлаштирилган фаолияти ҳисобланади.

Талабаларда давлат ва жамият олдидаги ўзларининг масъулиятини англаб ҳиссини тарбиялаш, бунинг учун "ўқув-тарбиявий жараёнга ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш самарали шакллари ва методларини татбиқ этиш, илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш, самарали методик ҳамда моддий-техник базаси зарур.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси –Тошкент, Ўзбекистон, 1992-йил

2. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. 247 (6741)-сони. – 2017-йил

3. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида ПФ-4947-сон 07.02.2017

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февраль куни тасдиқланган 140-сон қарори "Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси".

4. Фролов Б.А. Военно-патриотическое воспитание учащихся школ Узбекистана в годы Великой Отечественной войны. – 1941-1945 г.г.: Автореф. дисс. … канд.пед.наук. – Ташкент, 1991. – 18 с.

5. Маматов О. Ватанпарварлик - миллий истиқлол мафкурасининг муҳим таркибий қисми. Тошкент-2001й.

# THE INTERNATIONAL ASSOCIATION OF EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN FOR THE FIRST TIME IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN PIG 2021 INTERNATIONAL RESEARCH

DOI: 10.53885/edinres.2021.42.35.035

**K. F. Rajabova**
Bukhara Regional Department of Public Education
Methodist of the department of methodic service

***Abstract.*** *This article states that the international research on graduates of primary schools in the national educational institutions of the Republic of Uzbekistan (Grade 4) has passed the evaluation monitoring.*

***Keywords:*** *Republic of Uzbekistan, Research Materials, April 5-14, 2021, Russia, Transparent, Reform, Monitoring of Russia Coordinators.*

Pirls (Progress In International Reading Literacy Study) is the quality of text reading and understanding, which allows reading and understanding of text by primary school graduates, as well as identifying the differences in the national education system.

Studies are carried out periodically - every five years, five times and now: 2001 (1), 2006 (2), 2011, 2011 and 2016 (4). In 2021 (5), Uzbekistan was scheduled for the first time in the international Pirls program, and was carried out on the basis of relevant contracts with the Association of Education Research.

Experience of Pirls International Research in Pirls 2021 Along the April 2020 in 280 countries in 280 regions: in 11 seconds due to the Karonavirus pandemy: November 28, 38 in the Republic of Karakalpakstan district School No. 38 in Koktepa district , Tashkent city No. 41 No. 41 No. 38 of Tashkent region, Fergana Region 3 No. 3, Fergana Non-secondary school in Buvayda district of Province, school No. 34 in Kuvalak district No. 11 in Quvasoy district, Jizzakh region, No. 11 in Quvasoy district, Jizzakh region Secondary education school, Non-secondary school No. 28 in Jizzakh, 10 in Arnasay district Negot National Education School No. 63 in Naryn district, Naryn district, Naryn region No. 6 No. 8 in Naryn region, Naryn region School No. 6 No. 8 in Naryn region, Naryn region, Naryn region School No. 6 No. 8 in Naryn region, Naryn region, Naryn region School No. 6 Naryn district School No. 6 , Nighth secondary school No. 1 in Urgut district of Samarkand, Non-secondary school No. 16 in Boyavut district of Syrdarya region, 32 in Boiler district of Tashkent region, 32 - 54 - No. 32 in Akkurgan district, No.

7 in Akkurgan district, School No. 23 in Chorzi Region 23 in Shovot district of Khorezm region, General Secondary School No. 2 in Chazarasp District held in educational schools.

A total of 1,400 students took place in Uzbek, Russian and Karakalpak languages to prepare for key research to the main research in 2021.

In 2021, 5,982 participated in 626,646 students took part in the study of 0.01% of the total number of students. At the republic took part in a total of 1,088 schools (0.018 percent), of which 221 classes are covered.

Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated December 8, 2018 on the work of the Association of Cabinet for the organization of international research in the field of quality assessment in the field of public education. The State Inspectorate for the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan and the Ministry of Public Education in accordance with international requirements and high levels on December 7, 2020 Dedications of Pirls 2021 Republic of Uzbekistan is the current year A joint decision of March 31 was made.

International Assessment of Education Inspectorate in the field of education (The State International Educational Association (IEA) in the field of education (The progress in the International Educational Association and the State Inspectorate of the Republic of Uzbekistan with the Evaluation Cabinet - IEA) - Student recreational literacy an agreement was signed on March 19, 2019 on the main research of the program.

According to the schedule with IEA, the study is planned to be transferred between 1-30 April 2021.

182 total secondary schools from Uzbekistan to participate in the study, of which the 4th classes in the total language of 4th school No. 60 in Oltoza region is not in accordance with the language of research, the language of students, Khorezm region in Urgench Since the 4th grade at the total year of the 2020-2021 academic year, the total secondary schools are expected to be excluded from the 2020-2021 academic year in the 2020-2021 academic year.

Of the 41 seconds of 180 secondary secondary schools, 4th grade, 4th grade, and a total of 221 grades IEA were presented at 41 seconds. The «Tender Instructions within the School» was selected by the National Center for International Research on Assessment of the Quality of Education.

The relevant school leaders are accepted by the list of students in the selected classes, received a total of 5948 students and their parents (guardians), 221 teachers and 180 secondary school principles (or deputies) attended from the school.

The research process aims to assess the reading literacy between the selected 4-grade students (2), Parental Payers of Replacers (3), Teacher

Survey (4) and included the Memorial School of Educational School of Education (5).

Research materials (assessment notebooks, surveys, research results, etc.) The IEA belongs to the copyright and confidential.

The research process was followed by the IAE organization by international quality assemblers.

The research processes were held in 180 secondary schools in randomly selected April 5-14, 2021.

As per April 3rd 2021, the

In the security of the research materials, the Republican Project Development was provided on the basis of general secondary schools through the State Parademic Service.

Research Procedure Test, administrators have been organized to introduce the role and duties of school coordinators and national quality control.

A study in the selected schools was adapted to the teaching schedule of participating students as an exception.

A high level and fair in the selected schools of the research were assisted in comprehensive ways to ensure that responsible staff will be held in an appointed time.

The observance of quarantine rules in the selected schools was strictly controlled.

Maintaining the attendance of students involved in the study and to participate in the study in the study and the organization of preparation activities on the importance of this research.

Experts of the Association of Educational Research Association will be provided with the necessary database in the national education system, and based on the conclusion, extensive reforms are carried out in the primary education system.

# ЎРТА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ ЧИЗМАЧИЛИК ДАРСЛАРИДА КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ

Д.К. Маматов – Бух ДУ мустақил тадқиқотчиси
Б.Б. Маъмуров – Бух ДУ профессори, п.ф.д. (DSc)

*Аннотация. Мақолада мактабда компьютер графикасини ўқитишдан асосий мақсад, ўқувчиларга чизмачилик ва мухандислиик графикаси фанларидан бажариладиган график ахборотларни чизма, диаграмма ва схемалар каби тасвирларни компьютер ёрдамида бажариш тартиби ва қоидаларини ўргатишдан иборат. «Компьютер гарафикаси»нинг асосий масаласи амалий ва операцион дастурлар ҳамда тайёр буйруқлар пакетидан фойдаланиб, лойиҳалаш ва технологик жараёнларнинг моделларини яратиш ишларини ўқувчилар томонидан компьютерда эркин бажаришлари учун зарур бўлган билим ва малакаларга эга бўлишидан иборат.*

*Калит сўзлар: мактаб, компьютер графика, ўқитиш, ўқувчи, чизмачилик, мухандислиик графикаси, фан, чизма, диаграмма ва схемалар, операцион дастур.*

Аннотация. Основная цель обучения компьютерной графике в школе в статье - научить школьников порядку и правилам компьютерного графической информации, такой как схемы и выполняемых по дисциплинам черчение и инженерная графика. Основная задача «Компьютерной графики» - предоставить студентам знания и навыки, необходимые для свободного выполнения на компьютере проектирования и создания моделей технологических процессов с использованием практических и операционных программ и готовых пакетов.

Ключевые слова: школа, компьютерная графика, обучение, студент, рисунок, инженерная графика, наука, рисунок, схемы и схемы, действующая программа.

Annotation. The main purpose of teaching computer graphics in school in the article is to teach students the order and rules of computer-aided drawing of graphic information, such as drawings, diagrams and schemes, performed in the disciplines of drawing and engineering graphics. The main task of «Computer Graphics» is to provide students with the knowledge and skills necessary for the free performance on the computer of design and creation of models of technological processes using practical and operational programs and ready-made packages.

Keywords: school. computer graphics, teaching, student, drawing, engineering graphics, science, drawing, diagrams and schemes, operating program.

Ёш авлодни ҳозирги замон талабларига мос равишда тарбиялашдек вазифа педагоглар олдида туради. 2021 йилда янада хайрлироқ меҳнат қилиб, ёшларимиз онгига Мустақил Ўзбекистон, Ватан деган тушунчаларни сингдириб дунё билан ҳамнафас бўлишини таъминлашимиз керак.

Чизмачилик таълими ривожланиб бораётган мустақил давлатимизнинг барча тармоқларида янги технологиянинг яратилиши ва жорий қилинишида инсон амалий фаолиятида тутган ўрни билан белгиланади. Жаҳонда информатика ва ахборот технологияллари жадал суръатлар билан ривожланиб, такомиллашиб бораётган сохадир.

Баъзи бир мактабларда замонавий компьютерларнинг етишмаслиги; - чизмачилик фани ўқитувчиларининг компьютер воситаларидан фойдаланишни билмасликлари; баъзи бир мактабларда замонавий компьютерлар бор, бироқ керак бўлган дастур (программалар) нинг бўлмаслиги. (булар “AutoCAD”, “3D MAX”, “Компас”, “CorelDRAW” ва “Photoshop”) мисол бўла олади.

Мактабда компьютер гарфикасини ўқитишдан асосий мақсад, ўқувчиларга чизмачилик ва мухандислиик графикаси фанларидан бажариладиган график ахборотларни чизма, диаграмма ва схемалар каби тасвирларни компьютер ёрдамида бажариш тартиби ва қоидаларини ўргатишдан иборат. «Компьютер гарафикаси»нинг асосий масаласи амалий ва оператцион дастурлар ҳамда тайёр буйруқлар пакетидан фойдаланиб, лойиҳалаш ва технологик жараёнларнинг моделларини яратиш ишларини ўқувчилар томонидан компьютерда эркин бажаришлари учун зарур бўлган билим ва малакаларга эга бўлишидан иборат.

Чизмачилик таълими бўйича Давлат таълим стандартида ўрта умум таълим мактабининг 9-синфида тақвимий-мавзуий режасида 4 соатлик дарс ажратилган. “Paint”, “AutoCAD” дастурлар системасида график тасвирларни ясаш, чизма шрифтлари, текис ва ҳажмли шакллар тасвирларини ясаш бўйича мавзулар ажратилган. Замонавий дарсга жуда катта талаблар қўйимоқда. Дарс жараёнида информацион технологиядан фойдаланишнинг методикасини ўрганиб чиқишга ҳаракат қилдик.

XXI-аср компьютер техникаси асри деб бежиз айтилмаган. Ҳозирги вақтда замонавий техникалар ривожлангани сари, барча ўқув даргоҳларида ҳам дарслар замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиб ўтилаяпти. Узлуксиз таълим тизимининг барча турларида фундаментал билимлардан иборат бўлган. Умумтаълим фанлар бўйича

ўқув адабиётлари асосан анъанавий босма шаклда тайёрланади. Ҳозирги замонавий ўқув дарсликлари уларнинг электрон вариантлари ҳамда зарур бўлган дастурларнинг дисклари, дискеталари билан биргаликда илова қилинмода. Бу эса ўз навбатида машғулотларни замонавий электрон техник воситалардан фойдаланиб ташкил қилишга қулай бўлмоқда. Чизмачилик фанини ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланиш, компьютерлаштириш муаммолари юзасидан бир қанча кузатиш ишлари олиб борилган.

Агар ишлаб чиқилган ўқитиш методикаси мантиқан тўғри ва услубий нуқтаи назаридан мукаммал бўрлса, назарий ва амалий билимларни осон ва қулай ўзлаштириш ҳамда ўқув жараёнида вақтни тежаш мумкин бўлади. Бунда ҳар бир педагог - ўқитувчидан бу фанниг назарий асосларини чуқур билиши қуйидаги амалий малакаларга эга бўлиши талаб қилинади:

1. Ҳар бир машғулотни муаммоли ва инноватцион технологиялардан фойдаланиб ташкил қилиш.

2. Ўқувчиларни замонавий компьютер графикаси имконияллари билан таништириб бориб, уларни компьютер билан ишлашга руҳан тайёрлаш.

3. Чизмачилик ва компьютер графикасининг ўзаро боғлиқлиги, унинг жамиятда тутган ўрнинг асосли тушунтириш орқали ўқувчиларни касбий йўналтириш.

4. Ўқувчиларда чизмачиликдан олган билим ва кўникмаларини компюиерда қўллай олиш малакасини шакллантириш.

5. Компьютер графикаси имкониятларидан фойдаланиб, ўқувчиларнинг фазовий тасаввури ва ижодой фикрлаш қобилиятларини ўстириб бориш.

Чизмачиликда компьютер учун ажратилган машғулот мавзуларни танлашда ўқувчиларни “AutoCAD” дастурининг қуйидаги: кесма чизиш, уни бўяш, унга тур бериш, чизиқларни турларга ажратиш, айлана чизиш ва унинг асосида туташма ясаш, ортиқча чизиқларни ўчириш, тасвирни сақаш, матн ёзиш, чизилган чизмани ва ёзилган матнни тахрир қилиш, ўлчам қўйиш каби буйруқлардан амалий фойдаланишга ўргатиш. Компьютерда чизма бажариш малакаларини ошириш каби кетма-кетликларни бажариш мақсад қилиб қўйилган. Бу буйруқлардан фойдаланиб бажариладиган чизмалар чизмачиликни «Геометрик чизмачилик» бўлимидаги «Туташма» мавзусида кўп учраганлиги сабабли, компьютер графикасидан 1- график ишига вазифа вариантлари сифатида текис контур чизмаларни олиш услубий жиҳатдан тўғри бўлади.

1-график лабаратория иши А4 (210х297 мм) форматда бажарилиб.

туташмага оид вазифа бажарилади.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ўқувчилар учун осон ва ўрта мураккабликдаги туташмаларни танлаб ишлаб чиқилди. Улар ҳар бир ўқувчига машғулот ўтказувчи ўқитувчи томонидан шахсий вазифа қилиб берилади.

«Текис контур» чизмасини қуйидаги кетма-кетликда бажариш тавсия этилади.

1. Текис контурнинг ўлчамларидан келиб чиққан ҳолда А4 формат танлаб олинади. Сўнгра бу форматда туташманинг симметрия ўқлари ва марказ чизиқлари «Отрезок»—»Кесма» марказ буйруғидан фойдаланиб ўтказилади. Марказ чизиқларини ўтказишда улар орасидаги масофани «Суриш»-»Сдвик» буйруқидан ёки кесма узунлигини тескор киритиш усулидан фойдаланиб киритилади.

2. Текис контур чизмасида берилган чизиқлар, яъни тўғри чизиқ ва айланалар чизиб олинади. Бунда «Отрезок»-»Кесма» ва «Круг»-»Айлана» буйруқларидан фойдаланилади.

3. Текис контур чизмасидаги туташма элементи-айлана ёйи ўтказилади. Компьютерда бундай айлана ёйи тўлиқ айлана кўринишда чизиш панелидаги ёки «Рисованийе» менюсидаги «Круг»-»Айлана» буйруғидан фойдаланиб чизиб олинади. Бунинг учун уларнинг бирортасига кириб, ундаги «Кас/Кас/Радиус» буйруғи юкланади ва тахминий уруниш нуқталари «Сичқонча» ёрдарнида, мулоқотлар қаторидаги сўровга туташма радиуси киритилади ва «Энтер»ни юклаш билан туташма ёйи тўлиқ айлана бўлиб тасвирланиб қолади.

Шундай амалларни бажариш асосида чизмадаги барча туташмалар бажарилади. Улардаги ортиқча айлана ёйларини чизмадан йўқотиш учун, «Обрезат»-»Кесиш» буйруғидан фойдаланилади.

Юқоридаги босқичларда бажарилган «текис контур» чизмаси тахт қилинади. Яъни 1-график ишни қоғозга чиқариб олишдан аввал, унинг чизиқлари керакли турларда ва йўғонликларда бажариб чиқилади. Ўқ ва марказ чизиқлари иккинчи «Бйлайер» буйруғидан фойдаланиб бажарилади. Асосий чизиқлар йўғонлигини. экраннинг энг пастки «Режим»-»Ҳолат» қаторидаги «Веслинг» буйруғига кириб кўрилади ва текширилади. Агар чизмада бирор йўғонлаштирилмаган чизиқ қолиб кетган бўлса, уни ажратиб учинчи «Бйлайер» буйруғидан фойдаланиб йўғонлаштирилади. Агар чизмадаги чизиқларга ранг бериш лозим бўлса биринчи «Бйлайер» буйруғидан фойдаланилади.

«Текис контур» вазифасида берилган ўлчамлар, экранда бажарилган чизмага қўйиб чиқилади. Ўлчам чизиқларини, стрелкаларини ва ўлчам рақамларини кўрсаткичлари «Формат» менюсидаги «Размерный стили...» буйруғига кириб. «Мениджер стиля измеринейе» дарчасидан

фойдаланиб танлаб олинади.

Тайёр бўлган «Текис контур» чизмаси қоғозга чиқариш учун тайёр ҳолда хотирада сақланади ва чоп этилади. Ўқувчилар компьютер графикасидан олган билим ва кўникмаларини биринчи график лабаратория ишини бажариб мустаҳкамлайдилар ва амалий малакаларини оширадилар.

Юқорида «Текис контур» мавзусига оид «Туташма» топшириғини бажариш батафсил тушунтирилди. Чизмачилик фани учун яратиладиган адабиётларда мавзуни ёритиш кетма-кетлиги кўрсатилиши компьютер графикасида топшириқларни бажаришни анча енгиллаштиради. Шунингдек, чизмаларни компьютерда бажаришнинг кетма-кетлиги, алгоритмини бериш зарур деб ўйлаймиз. Бунинг бир нечта сабабини кўрсатиб ўтамиз.

—Мактаб чизмачилик дастурида компьютер графикаси учун ажралилган соатлар миқдори ниҳоятда оз;

—Дастурда кўрсатилган чизиш дастурларидан фойдаланувчи сифатида ишлаб билиш учун вақт етарли эмас;

—Чизмачилик ўқитувчилари “AutoCAD”, “3D MAX”, “Компас”, “CorelDRAW” ва “Photoshop” дастурлари билан тўлиқ таниш эмас;

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқорида кўрсатилган тартибда мавзуларни ёритиш ўқувчи ва ўқитувчиларнинг чизмаларни компьютерда бажаришини таъминлайди ва енгиллаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Н.Ж.Ёдгоров. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari chizmachilik ta’limida.http://uz.infocom.uz/2010/01/15/axborot-kommunikatsiya-texnologiyalari-chizmachilik-talimida/

2. Маматов Д.К., Собирова Ш.У Особенности организации самостоятельной работы студентов Педагогические науки http://wwenews.esrae.ru/pdf/2015/1/62.pdf

3. Маматов Д.К. Организация самостоятельной работы студентов первая международная научно-методическая конференция междисциплинарные исследования в науке и образовании http://man-ua.edukit.kiev.ua/Files/downloads/%D0%9F%D0%9D-%D0%A1%D0%B1%D0%A2-14-09-2012.pdf#page=183

4. Маматов Д. К. Роль компьютерной графики в развитии космического воображения студентов //Вестник науки и образования. – 2020. – №. 21-2 (99).

5. Маматов Д. К. Индивидуально-психологические детерминанты эффективной управленческой деятельности// Наука. Мысль: электронный периодический журнал. – 2016. – №. 9.

# СМАРТ-ТАЪЛИМ – СМАРТ ШАҲАРЛАР УЧУН

DOI: 10.53885/edinres.2021.48.34.038

Э. Х. Юсупов
Тадбиркорлик ва педагогика институти "Табиий фанлар" кафедраси ўқитувчиси

# УМНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ - ДЛЯ УМНЫХ ГОРОДОВ

Э. Х. Юсупов
Преподаватель кафедры «Естественные науки» Института предпринимательства и педагогики

# SMART EDUCATION - FOR SMART CITIES

E. Kh. Yusupov
Lecturer at the Department of Natural Sciences, Institute of Entrepreneurship and Pedagogy

***Abstract:*** *Background. In the twentieth century, various technologies were introduced in education, but not all technologies were successful in the educational process. Typically, all past technologies were teacher-centered, they were tools designed to work in conjunction with traditional teaching methods, and did not attract new generations of learners rapidly moving up the digital adoption curve. And now, in the 21st century, the development of an intelligent educational system presupposes a more successful application of digital technologies. To do this, educators must turn to innovation based on student-teacher collaboration. The article is written about the need to use smart technologies in the educational process.*

*Methods. The methods of pedagogical observation, comparative analysis, study of documents, stratification was used in the preparation of the article.*

*Results. The article discusses the use of smart technology tools as smart boards, sensor tables and others.*

*Conclusion. In conclusion, thoughts are given about the need to change the educational environment itself, not just to increase the volume of education of labor resources, to qualitatively change the content of education itself, its methods, tools and environments, as well as a general transition to SMART education.*

***Keywords:*** *smart city, smart education, smart technologies, smart board, tools.*

Introduction. In the twentieth century, various technologies were introduced in education, but not all technologies were successful in the

educational process. Typically, all past technologies were teacher-centered, they were tools designed to work in conjunction with traditional teaching methods, and did not attract new generations of learners rapidly moving up the digital adoption curve. And now, in the 21st century, the development of an intelligent educational system presupposes a more successful application of digital technologies. To do this, educators must turn to innovation based on student-teacher collaboration.

Today, "smart cities" are being built in Uzbekistan (SMART CITY, Tashkent CITY). These cities need smart education. This education is a key component in the development of smart cities. The strengths of basic education, continuing education and certification, schools and community colleges, e-learning infrastructure, lifelong learning and educational technology innovation are all part of what defines a smart city. "For smart city residents to thrive, we must first put education in the spotlight," said Dr. I-Chang Tsai, vice president and CEO of digital education at the Taiwan Information Industry Institute. Smart cities recognize the need for "educational programs that provide graduates with up-to-date knowledge, practical skills and attitudes towards cooperation».[1].

Literature review. A.V.Zavrajin, V.V.Aleskovskiy, A.V.Nesterov, V.P.Tikhomirov,N.V.Komleva, G.A.Pollak, S.L.Eremina, P.N.Melnikov, S.V.Golovkova, A. M.Karmanov, NVTikhomirova, AVShiryay, Yu.F.Telnov, A.A.Aletdinova contributed to the introduction of SMART technologies in the educational process and the development of SMART education. N.V.Dneprovskaya, E.A.Yankovskaya, I.V.Shevtsova conducted research on such elements as smart-education, smart-school, smart-textbook, which are included in the concept of SMART education. Scientists such as Uskov, V.L., Bakken, J.P., Howlett, R.J., Jain, L.C., Vytautas Stuikys, Burlea, A.S, Burdescu, D.D, Gerval, J.P, Yann Le Ru developed the concept and technology of smart school.

Research Methodology. The methods of pedagogical observation, comparative analysis, study of documents, stratification were used in the preparation of the article.

Analysis and results. Smart education is a "learning model adapted to the new generations of digital natives". Compared to traditional classroom learning models, Intelligent Education is an interactive, collaborative and visual model designed to increase student engagement and allow teachers to adapt to learners' skills, interests and preferences.

